

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

А.К.КЎЧИБОВ

**ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ЎРГАТИШНИНГ
КОММУНИКАТИВ МЕТОДИКАСИ**

САМАРҚАНД- 2010

**КЎЧИБОВ АБДУМУРОД КЎЧИБОВИЧ. ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА
ЎРГАТИШНИНГ КОММУНИКАТИВ МЕТОДИКАСИ. Назарий курс
маъруза матнлари.- Самарқанд, СамДЧТИ нашри. 2010. 148 б.**

Масъул муҳаррир: доцент С.Ж.ЖАББОРОВ

**Такризчилар: профессор Ў.У.УСМОНОВ,
доцент А.Б.БЕГМАТОВ**

Маърузалар матни олий ўқув юртлари филология факультетларининг 3-курс талабаларига мўлжалланган бўлиб, дастурий талаблар, ҳозирги замон илғор педагогик технологиялари, методика фанининг энг янги ютуқлари инобатга олиб яратилган.

Унда ҳозирги замон чет тиллар ўқитиш методикасидаги устивор йўналиш - мулоқотга ўргатишнинг фонетик, лексик, грамматик, тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш ва фикрни ёзма баён қилишга ўргатишнинг коммуникатив асослари, шунингдек, дарс жараёнини режалаштириш, ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш, чет тили дарсларини таҳлил қилишнинг замонавий метод ва усуллари баён қилинган.

Маърузалар матни Самарқанд давлат чет тиллар институти Илмий-услубий кенгашининг 2009 йил 15 декабрдаги қарори билан нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Эътиборингизга ҳавола этилаётган «Хорижий тилларга ўргатишнинг коммуникатив методикаси» амалдаги чет тиллар ўқитиш методикаси ўқув дастурига биноан ташкил қилинадиган 36 соатлик маъруза ва 30 соатлик амалий машғулотлар жараёнида ўрганилади. Чет тили ўқитишнинг коммуникатив методикаси бўйича ҳозиргача ўзбек тилида дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилмаганлиги, рус тилида нашр қилинган ўқув қўлланмаларида баён қилинган ўқитиш назарияларига оид фикрлар кўпроқ анъанавий ўқитиш методикасига асосланиб ёзилганлиги ва уларда баён қилинган фикрларнинг бир-бирига номутаносиблиги, шунингдек мавзулар миқдорининг ўзбек олий ўқув юртлари дастурларига мос келмаслиги бу фанни ўрганаётган ўзбек талабалари учун ўқув дастурига мос «Хорижий тилларга ўргатишнинг коммуникатив методикаси»ни ёзишга туртки бўлди. Уни ёзишда кўпроқ чет тили ўқитиш методикасининг коммуникатив асосларига, ўқувчиларнинг талаффуз, лексик, грамматик, эшитиб ва ўқиб тушуниш, гапириш, фикрни ёзма баён қилиш кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг метод ва усулларга, дарсни ташкил қилиш, уни бошқариш, таҳлил қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Назарий курсни баён қилишда ўзбек олимлари Ж.Жалолов, Х.Хошимов ва И.Я.Ёқубовларнинг «Чет тили ўқитиш методикаси» ва «Инглиз тили ўқитиш методикаси» дарсликларидан, шунингдек рус олимларининг тадқиқотларидан ижодий фойдаланилди.

Рисола чет тили, инглиз, олмон, корейс, италян филологияси факултетларининг 3-босқич талабалари учун умумий методика фани бўйича назарий қўлланма вазифасини ҳам бажариши мумкин.

Ҳар бир маъруза мавзусидан кейин берилган топшириқлар, уларни тушунишга ёрдам берадиган таянч атамалар ва қўшимча адабиётлар, шунингдек маъруза жараёнида экран орқали намойиш қилинадиган слайдлар, назорат турларини ўтказишга ёрдам берадиган тестлар талабаларни мустақил амалий машғулотларга тайёрланишга йўналтиради ва мавзуни ҳар томонлама чуқур ўрганишга ёрдам беради.

Иловада берилган жадвал ёки экран орқали кўрсатиладиган слайдлар маърузани кўргазмалилигини таъминлаб, мавзуларини чуқур ёритишга, тестлар эса, мустақил ишларни ташкил қилиш, текшириш ва баҳолашни тезкор ташкил қилишга ёрдам беради.

Чет тили олийгоҳларини битираётган бакалаврлар, ёш чет тили ўқитувчилари айнан мана шундай амалий методикага муҳтожлар ва бу рисола уларга қўл келади деган умиддамиз.

Талабалар VIII семестр бошида мактабларга бориб, педагогик амалиёт жараёнида олган назарий билимларини амалда синаб кўрадилар.

Амалиёт жараёнида талабалар махсус «Методик жамғарма» тўплайдилар. «Методик жамғарма»да қўйидаги ҳужжатлар тўпланиши лозим (№1 слайд

намойиш қилинади.):

- 1) III босқичда тингланган маъруза матнлари;
- 2) Қўшимча адабиётлардан олинган конспектлар;
- 3) Талаба амалиёт жараёнида ўтказган амалий машғулотларининг режа-конспектлари;
- 4) Календар режа;
- 5) Талаба таҳлил қилган машғулотлар баёни;
- 6) Талабанинг унга биркитилган синфда ўтказган тарбиявий ишлар режаси;
- 7) Бир ўқувчига ёзилган тавсифнома;
- 8) Талабанинг амалиёт жараёнида тўплаган кўргазмали куруллари;
- 9) Талабанинг амалиёт ҳақидаги ҳисоботи;
- 10) Талабага мактаб маъмурияти томонидан берилган ва тасдиқланган характеристикаси.

Талаба томонидан тайёрланган ушбу ҳужжатлар амалиёт якунида баҳолаш учун методист-ўқитувчига топширилади.

Чет тили ўқитиш методикаси бўйича ушбу назарий курсини тинглашда талабаларга қуйидаги зарурий адабиётлардан фойдаланиш тавсия қилинади:

1. Андреевская-Ливенстерн Л.С. Методика преподавания чет тилиского языка в средней школе. Москва, 1983, 272 с..

2. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. Тошкент, «Ўқитувчи», 1990. 230 б.

3. Гез Н.И. и др. Методика обучения иностранным языкам в средней школе. М., Высшая школа, 1982. 373 с.

4. Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. Тошкент, 1996, 368 б..

5. Миньяр-Белоручев Р.К. Методика обучения чет тилискому языку. Москва, 1990, 224 с.

6. Ляховицкий М.В. Методика преподавания иностранных языков. Учебное пособие. М., 1981, 159 с.

7. Пассов Е.И. Основы методики обучения иностранным языкам. Москва, 1977, 216 с.

8. Рогова Г.В., Рабинович Ф.М. и др. Методика обучения иностранным языкам в средней школе. Москва, 1991, 287 с.

9. Старков А.П. Обучение английскому языку в средней школе. Москва, 1978, 224 с.

10. Ҳошимов Ў.Х., Ёкубов И.Я. Инглиз тили ўқитиш методикаси. Тошкент, 1993.

11. Ўрта мактабларда чет тили ўқитишнинг умумий методикаси. (А.А.Миролубов ва И.Б.Рахманов таҳрири остида)- Тошкент: 1974, 510 б.

1-мавзу: МЕТОДИКА ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШ НАЗАРИЯСИ СИФАТИДА

1. Чет тили ўқитиш методикасининг мақсади ва вазифалари

2. Методикадаги асосий тушунчалар

3. Умумий ва хусусий методика тушунчалари

4. Методика фанининг илмий тадқиқот методлари

1. Чет тили ўқитиш методикасининг мақсад ва вазифалари

Чет тили ўқитиш методикаси фани қуйидаги мақсадларни амалга оширишни кўзда тутди: (№2 слайд намоиш қилинади.)

1. Бўлажак чет тили ўқитувчиларини чет тили ўқитиш методикасидан замонавий назарий билимлар билан куроллантириш;

2. Талабаларда таълимнинг принциплари, метод, усул ва воситаларидан самарали фойдаланиш бўйича зарурий кўникма ва малакаларини шакллантириш;

3. Назарий билимларни амалиётда қўллашга, илғор педагогик технология ва тажрибаларни ўрганишга йўналтириш;

4. Ўқитиш жараёнини, шунингдек, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришни ўргатиш;

5. Амалий машғулотлар жараёнида чет тили ўқитувчисига хос педагогик сифатларни эгаллаш.

Чет тили ўқитиш методикаси тил ўрганишнинг мақсадларини, мазмунини, воситаларини, шунингдек нутқ фаолиятига ўргатишнинг метод ва усулларини, улар ёрдамида таълим-тарбия бериш йўллариини ўргатувчи фандир. Бошқача айтганда бу чет тилини ўргатиш илми бўлиб, “чет тили”ни ўқув предмети сифатида белгилайди, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ўргатади ва яқин фанлар ютуқларини ўрганиб, ўз қонунларини, усулларини ишлаб чиқади.

Мактабларда чет тилларни ўқитиш жараёнида тўртта асосий мақсадларни амалга ошириш кўзда тутилади (№3 слайд намоиш қилинади):

1. Чет тилини амалий эгаллаш (коммуникатив ёки амалий мақсад);

2. Чет тилини ўргатиш жараёнида тарбиявий ишларни амалга ошириш йўллариини ўргатиш (тарбиявий мақсад);

3. Чет тили воситасида умумий таълим мақсадларини амалга ошириш (таълимий мақсад);

4. Чет тили воситасида ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш (ривожлантирувчи мақсад);

Чет тили ўқитиш методикасининг объекти деганда кимларни ўқитиш, нималарни ўргатиш ва қандай ўргатиш масалалари тушунилади.

Чет тили ўқитишнинг **амалий мақсади** хорижий тилни мулоқат

даражасида эгаллаш, оғзаки ва ёзма нутқни ўқув дастури талаблари доирасида тушуниш, ўз фикрини чет тилида баён этиш каби малакаларни эгаллашни ўргатишни кўзда тутди. Хуллас, хорижий нутқни тинглаб ва ўқиб тушуниш, гапириш ва ёзиш каби коммуникатив кўникма ва малакаларни шакллантириш чет тили ўқитишнинг амалий мақсадини ташкил қилади.

Чет тили ўқитишнинг **тарбиявий мақсади** чет тилини ўқитиш жараёнида ўқувчиларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, ахлоқий поклик руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама етук, маънавий жиҳатдан бой, мустақил фикрловчи шахсларни шакллантириш, уларда ростгўйлик, ўзга халқлар ва уларнинг кадриятларига ҳурмат, иймон-эътиқод, дўстлик, ўз кадрини билиш, иродалилиқ сифатларини тарбиялашни кўзда тутди. Тарбиявий мақсад хорижий тилдаги ўқув ва бадиий матнларни ўқитиш жараёнида амалга оширилади.

Чет тили ўқитишнинг **таълимий мақсади** деганда хорижий тилни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг дунёқарашини, тафаккурини ўстириш, шу тилни ўзлаштириш орқали она тилида эгаллаган билимларини такомиллаштириш тушунилади. Жумладан, она тили, рус ва чет тили тиллари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни билиб олиш ўқувчиларнинг билим савияларини янада оширади. Чет тили тилини ўрганиш жараёнида ўқувчилар мамлакатимиз ва Франция географияси, тарихи, адабиёти, санъати, фани ва маданияти, атроф-муҳити ҳақидаги маълумотларни ҳам ўрганиб оладилар. Чет тили тилини ўргатиш жараёнида таълимий мақсадни амалга оширишда фанлараро боғланиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Агар она тили, рус тили дарсларида ўрганилган билим, кўникма ва малакалар чет тилини чуқурроқ ўрганишга шароит яратса, адабиёт, тарих, география фанларидан ўрганилган билимлар ўқувчиларга жаҳон адабиёти, тарихи ва географиясига оид билимларни ҳам осонроқ эгаллашга, дунёқарашларининг кенгайишига ёрдам беради. Шундай қилиб, бошқа ўқув предметларидан эгалланган билимлар фанлараро боғлиқликни вужудга келтириб, бир фандан эгалланган билимлар улардан иккинчи фанни ўрганишда фойдаланиш имкониятини яратади.

Хорижий тилни ўқитишнинг **ривожлантирувчи мақсади** ўқувчини ҳар томонлама етук шахс бўлиб етишишини, яъни унинг эстетик дидини, мустақил фикрлашини, хотирасини, ақлий меҳнат қилиш маданиятини, мулоқат маданиятини, мустақил билим олиш кўникма ва малакаларини ривожлантиришни кўзда тутди. Ривожлантирувчи мақсад ўқувчи шахсининг ақлий, ҳиссий ва мотивацион (ички туртки, қизиқиш) хусусиятларини ривожлантириш вазифасини ҳам бажаради ва нутқий ҳаракатлар жараёнида амалга ошади, юзага чиқади. Бу мақсад ўқувчиларни дарс жараёнида ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида мустақил ўқиб ўрганишга ҳам йўналтиради.

Хорижий тилни ўқитишнинг амалий, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари қўшимча адабиётларни ўқиш, турли дидактик ўйинлар ўйнаш, тилга оид турли олимпиада ва мусобақаларда қатнашиш

орқали ҳам амалга оширилади.

Шундай қилиб, ҳар бир ўқитувчи ўз дарсини режалаштиришда мавзу бўйича қандай мақсадлар амалга оширилишини, улар қандай метод ва усуллар, воситалар орқали амалга оширилишини белгилаб олади.

2. Методикадаги асосий тушунчалар. Чет тили ўқитиш методикаси фан сифатида шакллангач, унинг ўзига хос атамалари, яъни тушунчалари ҳам вужудга келди. Бу ўринда биринчи навбатда **«метод»**, **«усул»** тушунчалари ифодалаган маънолар ҳақида тўхталмоқ жоиздир. «Метод» атамаси, даставвал, бирор ишнинг бажарилишида фойдаланиладиган ҳатти-ҳаракатларнинг маълум қоидага солинишини ифодалайди. «Ўқитиш методи» деганда эса, чет тилига ўргатишнинг амалий, таълимий, тарбияловчи ва ривожлантирувчи мақсадларини амалга оширишни таъминлайдиган ўқитувчининг ўргатувчи, ўқувчиларнинг ўрганувчи фаолиятининг йиғиндиси тушунилади. Бошқача айтганда, ўқитиш методи дейилганда ўқитувчининг ўқув дастурига бинаон маълум бир мавзу бўйича аввалдан режалаштирилган мақсадни амалга оширишга йўналтирилган, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришга йўналтирилган ҳатти-ҳаракатлари тушунилади. Чет тили ўқитишда ўқитувчининг бундай фаолияти ўқувчиларни мулоқотга ўргатишга йўналтирилганлигини унутмаслигимиз керак. Методикада **«усул, йўл»** деган тушунчалар ҳам мавжуд бўлиб, бу тушунча маълум бир методни турли воситалар ёрдамида амалга оширишни кўзда тутди. Масалан, «Тушунтириш методи» оғзаки, ёзма усулларда, расмлар, схемалар, кўргазмали воситалар ёрдамида амалга оширилади. Шунингдек, тушунтириш лингвистик ва экстралингвистик воситалар, усуллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Чет тили ўқитиш жараёнида фойдаланиладиган бундай метод ва усуллар маълум қонун-қоидалар асосида амалга оширилади. Бу қонун–қоидалар **таълим принциплари**, яъни тамойиллари деб ҳам юритилади.

Бу принциплар ўқув жараёнини илмий ва методик жиҳатдан тўғри ташкил қилишга ёрдам беради.

Таълим воситалари деганда дарслик, қўлланма, ўқитувчи китоби, кўргазмали ва техника воситалари, хуллас, ўқув жараёнида фойдаланиши мумкин бўлган барча педагогик технологиялар тушунилади.

Машқлар эса чет тили ўқитишда **дастлабки нутқ кўникмаларини** шакллантирадиган, кўникмаларни **малакаларга** айлантирадиган, мустаҳкамлайдиган, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришда фойдаланиладиган энг муҳим восита ҳисобланади.

Чет тили ўқитиш методикасида **кўникма ва малака** деган тушунчалар ҳам мавжуд. Ўқитиш жараёнида эгалланган, бироқ ҳали мустаҳкамланмаган, нутқ жараёнига кўчирилмаган билимлар **дастлабки нутқ кўникмалари** деб юритилади. Машқлар, мустақил ишлар жараёнида бу кўникмалар

такомиллаштирилиб, **малакаларга** айлантирилади. Яъни ўқувчилар ўз билимларини оғзаки ва ёзма нутқда эркин ишлата олсалар, дастлабки нутқ кўникмалари малакаларга айланган бўлади.

2. Умумий ва хусусий методика тушунчалари. Умумий методика барча хорижий тилларни ўқитиш борасидаги умумий қонун-қоидаларни ўргатади. Масалан, дастлабки нутқ кўникмаларини шакллантириш, кўникмаларни малакаларга айлантириш ҳамма тилларга хос умумий методик қоидалар асосида амалга оширилади. А.А.Мироллюбов ва В.А.Рахмановлар таҳрири остида чиққан «Чет тиллар ўқитишнинг умумий методикаси», Ж.Жалоловнинг «Чет тили ўқитиш методикаси», Р.А.Зарипованинг «Чет тиллар ўқитиш методикасидан қўлланма» китоблари чет тиллар ўқитишнинг умумий принципларини, метод ва усулларини воситаларини баён қилувчи умумий методикага оид асарлардир.

Хусусий методика бир тилни ўқитиш масалалари билан шуғулланади. Чунки, ҳар бир тилда бошқа тилларда мавжуд бўлмаган, фақат шу тилга хос лексик, грамматик хусусиятлар мавжудки, уларни ўргатишнинг алоҳида қонун-қоидалари, принциплари, метод ва усуллари зарур бўлади. Бундай масалалар билан шуғулланувчи фанга хусусий методика дейилади. Л.С.Андреевская-Ливенстерннинг «Методика преподавания чет тилиского языка в средней школе»(1983), Р.К.Миньяр-Белоручевнинг «Методика обучения чет тилискому языку»(1990), У.Х. Хошимов ва И.Я.Ёқубовларнинг «Инглиз тили ўқитиш методикаси»(1993) чет тиллар ўқитишнинг хусусий масалалари билан шуғулланишни ўргатувчи қўлланмалардир.

Агар умумий методика чет тилларни ўқитишга хос умумий принциплар, методлар, усулларни ўргатса, хусусий методика умумий методика томонидан ўрганилган ана шу принциплар, методлар, усуллардан фойдаланиб муайян бир тилни ўқитишга хос бўлган ўз принципларини, метод ва усулларини яратади. Табиийки, улар бир-бирларига боғлиқ ҳолда ривожланади, умумий ва хусусий методикага оид илғор педагогик тажрибаларни умумлаштиради, янги педагогик технологияларни кашф қилади.

4. Методика фанининг илмий тадқиқот методлари. Чет тили ўқитиш методикасининг ривожланишини, такомиллашувини таъминлайдиган методологик асослари, яъни илмий тадқиқот методлари мавжуд. Жумлаан, чет тили ўқитиш методикаси қуйидаги илмий тадқиқот методлари асосида доимий равишда такомиллашиб боради (№4 слайд намоиш қилинади):

1. Мактаблардаги чет тили ўқитиш тажрибасини танқидий ўрганиш;
2. Илғор педагогик тажрибаларни умумлаштириш;
3. Ўқитувчилар дарсларини кузатиш;
4. Сухбат ўтказиш;
5. Тажриба ва экспериментлар ўтказиш;

6. Тестлар ўтказиш;
7. Дарс жараёнини хронометрлаш (дарс босқичларига кетган вақтни ҳисоблаб таҳлил қилиш);
8. Анкета саволларига жавоб бериш;
9. Осциллографик таҳлил қилиш (магнит тасмасига ёки видеотасмага ёзиб олинган дарс таҳлили).

Биринчи ва иккинчи рақамли тадқиқот методлари мутахассисликка оид илмий-методик адабиётларни ўрганиб, ўз билимларини муттасил такомиллаштириб бориш орқали амалга оширилади. Учинчи ва тўртинчи рақамли методлар бирор мақсадни кўзлаган ҳолда тажрибали ўқитувчиларнинг дарсларига қатнашув ва суҳбатлар орқали ташкил қилинади. Бирорта янги педагогик технология, ўқитиш методи ёки усули **тажриба ва эксперимент** ўтказиш йўли билан амалда синаб кўрилади. Тажриба ва эксперимент ўтказиш бир-бирларидан фарқ қилади. Масалан, бирор янги усулнинг тажрибаси ойлар, йиллар давомида ўтказилиши мумкин. Эксперимент орқали бирор янги метод ёки усул, илмий фараз қисқа муддатларда синаб кўрилади ва ижобий ёки салбий баҳоланади.

Тестлар эса у ёки бу методнинг, усулнинг, илмий фаразнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўқитувчиларнинг фикрларини ўрганиш мақсадида, ёки уларнинг билимларини текшириб кўриш мақсадида уюштирилади.

Хронометрлашда дарс жараёнида ўқитувчининг ўргатувчи фаолиятини, дарс жараёнида қўллаган метод ва усулларни амалга оширишга сарфлаган вақтни таҳлил қилиш, бу борада ўқитувчининг ютуқ ва камчиликларини аниқлаш, уларни бартараф қилиш, шунингдек илғор тажрибаларини ўрганиш мақсадида ташкил қилинади.

Осциллографик таҳлил асосан ўқувчиларнинг дарс жараёнида қўллаган метод ва усулларини, дарс ташкил қилиш ва бошқаришдаги педагогик маҳоратини танқидий ва ижодий ўрганиш, уларни оммалаштириш мақсадида магнит ёки видеотасмаларга ёзиб олган ҳолда ташкил қилинади.

Тадқиқот методлари ўқитувчининг педагогик маҳоратини такомиллаштириш, янги педагогик тажриба ва технологияларини дарс амалиётига киритиш, шунингдек, уларнинг натижаси бўладиган ўқувчиларнинг ўқув фаоллигини оширишдаги ўрнини белгилаш мақсадида ҳам уюштирилиши мумкин.

МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Чет тили ўқитиш методикасининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат? **Таянч сўзлар:** амалий, таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсад.
2. Чет тили ўқитиш методикасидаги асосий тушунчаларни баён қилинг.

Таянч сўзлар: *метод, усул, принцип, восита, йўллар, кўникма, малака, машқлар.*

3. Умумий ва ҳусусий методикаларнинг умумий ва ҳусусий вазифаларини тушунтириб беринг. **Таянч сўзлар:** *умумий ва ҳусусий методлар, умумий ва ҳусусий принциплар, умумий ва ҳусусий усуллар.*

4. Чет тили ўқитиш методикаси қандай илмий тадқиқот методлари орқали ривожланади? **Таянч сўзлар:** *тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш, кузатиш, суҳбат, эксперимент, тест, хронометрлаш, анкета, осциллографик таҳлил.*

Қуйидаги адабиётларни ўрганиб, билимларингизни чуқурлаштиринг:

1. Бим.И.Л. Методика обучения иностранным языкам как наука и проблемы школьного учебника – М:1977.

2. Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси – Тошкент: 1996. 1-боб, 14-20 бетлар.

3. Ҳошимов Ў.Ҳ., Ёкубов И.Я. Инглиз тили ўқитиш методикаси-Тошкент:1993. 5-8 бетлар.

4. Матвеева Н.В. О взаимосвязи практических и общеобразовательных целей обучения иностранным языкам. ИЯШ. 2002, № 6.

2- мавзу - ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШНИНГ МАЗМУНИ

1. Чет тили ўқитиш мазмунининг компонентлари

2. Кўникма ва малакаларни шакллантириш ва амалда қўллаш

3. Чет тили ўқитишда тил материални танлаш

1. Чет тили ўқитиш мазмунининг компонентлари. Чет тили ўқитиш мазмуни ўзбек олими Ж.Жалоловнинг қатор тадқиқотларида атрофлича ва чуқур ўрганилган. Унинг таърифича, чет тили ўқитишнинг мазмуни дейилганида унинг таркибий қисмлари: **нутқ мавзулари, нутқ малакалари ва тил материали** тушунилади. Чет тили ўқитиш мазмуни тушунчасини ўқув дастури доирасида тил бирликларидан фойдаланиб, нутқий кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг методик тизимидир деб таърифлаш мумкин..

Ҳозирги пайтда чет тили фани биринчи навбатда коммуникатив мақсадларда ўргатилади ва ўқитиш мазмунини белгилашда ўқувчиларнинг ҳаётий эҳтиёжларига мос келадиган, уларда гапиришга, фикр ёки муносабат билдиришга рағбат уйғотадиган, кундалик ҳаётлари жараёнида энг кўп дуч келинадиган мавзулар асосида мулоқатга ўргатиш бош вазифа қилиб белгиланмоқда. Нутқ мавзуларини мулоқатга ўргатиш мақсадида танлаш масаласи методист-олимлар ўртасида ҳамон ўзининг якуний ечимини

топмасдан, баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.Тўғри, умумтаълим мактабларида тил ўргатиш мавзулари чегараланган тематик (ситуатив) минимумга асосланганини исботланган . Шу сабаб, мактаб дастурига киритилган мавзуларни белгилашда «ўқувчи ва унинг теварак атрофи», «бизнинг ватан», «тили ўрганилаётган мамлакат» мезонига риоя қилиш талаб қилиниб келинди. Аммо бундай муҳит чет тили, олмон, рус ва ўзбек ўқувчилари учун ўзига хос, миллий характерга эга эканлигини ҳисобга олишга тўғри келади. Бинобарин, ўзбек мактаблари ўқувчилари учун нутқ мавзулари танлашда Россия мактаблари учун танланган нутқ мавзуларидан фойдаланиб бўлмайди, яъни миллий ўзига хослик ҳисобга олиниши керак.

Методик адабиётларда ўқувчининг атроф-муҳитини ўраб турган шарт-шароит ва муҳитини ҳисобга олиб, қуйидаги нутқ мавзулари асосида коммуникатив кўникма ва малакалар шакллантириш белгиланган: 1.Менинг оилам; 2. Менинг дўстларим; 3.Менинг иш куним; 4.Менинг автобиографиям; 5. Мен севган касблар; 6.Мен ёқтирган адиблар; 7.Бизнинг мактаб; 8.Бизнинг кутибхона; 9.Ошхона (миллий таомлар); 10.Озиқ-овқат магазини, 11.Кино; 12.Мен севган артистлар; 13.Театр, 14.Менинг она қишлоғим(шаҳрим); 15.Мустақил Ўзбекистон; 16.Саёҳат; 7. Чет тили тилида гаплашамиз.

Дастурга киритилган нутқ мавзулари муайян синфлар бўйича тақсимланади ва фонетик, лексик, грамматик, гапириш, тинглаб ва ўқиб тушуниш кўникма ва малакаларини шакллантириш ва мустаҳкамлашда ўзлаштириш мезони вазифасини ўтайди

Чет тилида мулоқотга киришиш (яъни гапиришга, ўқиб, эшитиб тушунишга ўргатиш) яқин пайтларгача нутқ бирликлари орқали ўргатиларди. Анъанавий ўқитиш методикасида нутқ бирликлари **нутқ намуналари, типовой гаплар, модель гаплар, нутқ структуралари** сингари атамалар билан ҳам ифодаланиб келинди. Одатда нутқ намуналари қуйидаги белгиларига кўра танланар эди:

1. Танланган нутқ бирлиги янги гап яшаш учун намуна бўла оладиган даражада фонетик, грамматик жиҳатдан мантиқли ва лўнда фикрни ифодалаган бўлиши ;

2.Танланган нутқ бирлиги тугал фикр англатган гапдан ясалган бўлиши;

3.Танланган нутқ бирлиги интонация жиҳатдан ҳам турли хил бўлиши лозим.

Нутқ бирлиги компонентларини ўзгартириш орқали нутқ бирлигининг вариантлари ҳосил қилинади.

Масалан: н у т қ б и р л и г и: **Je vais** au cinéma .

Nina va au cinéma.

Les enfants vont au cinéma.

Les enfants **iront** au stade.

Нутқ бирликлари асосида кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг

асосий камчилиги уларнинг ўқувчиларнинг ҳаётий эҳтиёжларига, коммуникатив вазиятга мос келмаслигидир.

Кейинги йилларда бу нутқ бирликларини коммуникатив вазиятларда қўллаб, фикр алмашувга ўргатиш назарияси вужудга келди. Ўқувчилар нутқ вазиятларига асосланган коммуникатив топшириққа таянганлари ҳолда бир йўла талаффузни, янги лексикани, грамматик материални, гап ясашни, гапиришни, эшитиб тушунишни ўрганадилар.

2.Кўникмаларни малакаларга айлантириш ва уларни амалда қўллаш. Кўникма ва малакаларни шакллантириш чет тили ўқитиш мазмунининг иккинчи компонентини ташкил қилади. Маълумки ҳар қандай фаолият тегишли кўникма ва малакалар шакллансагина автоматлашган характерга эга бўлади.

Рухшуносликда «кўникма» атамаси «у ёки бу ақлий ҳаракатни бир хил шароитда кўп марта такрорлаш натижасида ҳосил қилинган, автоматлашган онгли фаолият» дея таъриф берилади. «Малака» эса инсоннинг олган билим ва кўникмаларини амалий фаолият жараёнида қўллай олиш қобилиятидир.

Чет тилида эркин гапира олиш, ўқиб, эшитиб тушунишни ўрганиб олиш учун бу ўринда ҳам тегишли кўникма ва малакалар шакллантирилиши талаб қилинади. Кўникма ва малакаларни шакллантириш мураккаб психологик жараён бўлиб у кўп жиҳатдан фикрлаш билан боғлиқдир. Чунки фикрлашсиз ҳеч қандай нутқ вужудга келмайди. Шунинг учун чет тили дарсларида ўқувчиларнинг мавҳумий, мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади. Кўникма ва малакалар қанчалик мустаҳкам шакллантирилса, ўқувчиларнинг гапириш, ўқиб ва эшитиб тушуниш, фикрларини ёзма баён қилиш қобилиятлари шунчалик яхши ривожланади.

Кўникмаларни шакллантириш ва уларни малакаларга айлантириш оғзаки ва ёзма бажариладиган машқлар жараёнида амалга оширилади. Психолог олимлар кўникмаларни шакллантириш ва уларни малакаларга айлантиришнинг қуйидаги тахминий босқичларини белгилаганлар (№5 слайд намоиш қилинади):

1- босқич.Ўқув материали билан дастлабки танишиш, унинг мақсад ва мазмунини англаш, уни ўзлаштириш учун фаолият турини, усулини танлаш. Бу фаолиятни илк бор амалга ошириш. Методикада бу жараён дастлабки нутқ кўникмаларини шакллантириш деб аталади. Ўқувчилар бу жараёнда хатоларга йўл қўйишлари мумкин. Масалан, «avoir» ёрдамчи феълининг функциялари, тусланиш шакллари тушунтирилади ва илк бора уни гап таркибида қўллашга ўргатилади.

2.Иккинчи босқич ишларда ҳосил бўлган дастлабки кўникмаларни малакаларга айлантириш учун ташкил қилинган фаолиятнинг айрим элементларини ўзлаштириш машқ қилинади.

М а с а л а н: - As-tu un livre intéressant?

- Oui, j`ai un livre intéressant.

- Non, je n`ai pas de livre intéressant.

Ўқувчилар жуфт бўлиб ишлаб, берилган нутқ намуналарини барча шахсларда тасдиқ, сўроқ, инкор формаларда гапиришни ўрганадилар.

3.Учинчи босқичда нутқ материали бўйича кўникмаларни малакаларга айлантирувчи фаолият элементлари автоматлаштирилади.

4.Тўртинчи босқичда кўникмалардан малакаларга айланган нутқ намуналари турли нутқ вазиятларида мустахкамланади.

Чет тили ўқитишда нутқ фаолиятининг айрим турлари бўйича кўникма ва малакалар шакллантириш ҳақида қатор тадқиқотлар эълон қилинган. Уларда ўқувчиларнинг гапириш малакаларини шакллантириш бўйича қуйидаги кўрсаткичларни эътиборга олиш таклиф қилинади:

1. Гапиришни тўғри ва хатосиз ташкил қилиш;
2. Гапиришни тез амалга ошириш.

Малакаларни амалда қўллай билиш деганда ўзлаштирилган билимлардан янги шароит ва вазиятларда фойдалана олиш тушунилади. Малакани амалий фаолият жараёнида қўллай олиш кўпроқ зехнга боғлиқ. Зехнни ривожлантириш малакани шаклланириш билан узвий боғлиқ бўлиб, бу ўқувчилардан ўзлари бажараётган фаолиятни онгли равишда тушуниб бажаришни талаб қилади.

3.Чет тили ўқитишда тил материалини танлаш. Чет тили ўқитиш мазмунининг учинчи компоненти тил материали бўлиб улар тил ўқитиш босқичларига мувофиқ махсус дастурга танлаб киритилади. Бу материал фонетика, лексика, грамматикага оид қоидалар, уларга мос танланган матнлар ва машқларни ўз ичига олиб, ўқувчиларнинг таълим босқичларига (синфларига), ёшларига, қизиқишларига кўра танланади. Ўқув материалининг мазмуни биринчи навбатда умуминсоний қадриятлар ва тарбиявий, таълимий, ривожлантирувчи характерда бўлишлигига эътибор берилади. Чет тили ўқитиш дастури тил материалини танлашга қуйидаги талабларни кўяди:

1.Коммуникатив ёндошув принципига биноан мулоқот мавзуларни танлашда ўқувчиларнинг кундалик турмушида энг кўп қўлланиладиган, уларнинг мулоқот эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган нутқ вазиятларидан фойдаланиш;

2.Таълимнинг ҳар бир босқичида муайян фонетик, лексик, грамматик ва уларга асосланган нутқ кўникма ва малакаларини коммуникатив ёндошув асосида шакллантириш;

3.Нутқ кўникма ва малакаларини шакллантиришда асосий эътиборни ўзаро фикр алмашувга йўналтириш;

4.Бу малакаларни шакллантиришда талаб қилинган фонетик, лексик, грамматик, орфографик минимумларга риоя қилиш.

Ўқув жараёнининг бундай мазмуни конкрет равишда ўқув

қўлланмаларида, кўргазмали қуроолларда, «Ўқитувчилар китоби»да ўз аксини топади. Бинобарин чет тили ўқитиш методикасида фонетикани, лексикани, грамматикани, гапиришни, тинглаб ва ўқиб тушуниш, фикрни ёзма баён қилиш мазмуни, улар асосида ўқувчиларнинг коммуникатив фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш ўргатилади.

МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Чет тили ўқитишнинг мазмуни, компонентлари тушунчаларини изоҳлаб беринг. **Таянч сўзлар:** *мазмун, мундарижа, моҳият, компонентлар, нутқ бирлиги;*

2. Кўникма нима? Малака нима? Кўникма ва малакаларни шакллантириш босқичларини тушунтиринг. **Таянч сўзлар:** *дастлабки кўникмалар, малака, босқичлар, зехн.*

3. Тил материални танлашда нималарга эътибор берилади? **Таянч сўзлар:** *дастур талаблари, таълим босқичларига хос кўникма ва малакалар, дастурлар, қўлланмалар, кўргазмали қурооллар.*

Қуйидаги адабиётларни ўрганиб, билимларингизни чуқурлаштиринг:

1 Кабанова-Меллер Е.Н. Формирование приёмов умственной деятельности и умственное развитие учащихся – М: 1978.

2.Пассов Е.И. Условно-речевые упражнения для формирования грамматических навыков- М:1978.

3.Лапидус Б.А. Проблемы содержания обучения языку в языковом вузе- М:1986..

3.Джалолов Д.Д. Проблемы содержания обучения иностранному языку- Т:1987.

3-мавзу. ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНING БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ

1.Чет тили ўқитиш методикасининг лингвистик фанлар билан алоқаси

2.Чет тили ўқитиш методикасининг психологик фанлар билан алоқаси

3.Чет тили ўқитиш методикасининг дидактик фанлар билан алоқаси

1.Чет тили ўқитиш методикасининг лингвистик фанлар билан алоқаси. Нутқда тил бирликлари коммуникатив вазифани бажаради. Бу ўринда тил ва нутқ тушунчасини фарқлаш муҳимдир. Замонавий тилшуносликда «тил» деганда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган коммуникатив шифрни ёки жамият

аъзолари онгида мустаҳкамланган бу коддан фойдаланиш ҳақидаги қоидалар тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, тил бу алоқа учун зарур ва етарли бўлган тил воситалари тизими ва улардан фойдаланиш қоидаларидан иборатдир. Нутқ эса тил тизимининг маълум нутқ ҳаракатларида ифодаланишидир, яъни у алоқа жараёнини ҳам, шу жараён маҳсули бўлган матнларни ҳам ўз ичига олади.

Тилдан амалий фойдаланиш учун, яъни нутқни ўзлаштириш учун тил воситалари ва улардан фойдаланиш қоидаларинигина билиш эмас, балки уларни нутқий ҳаракатларда автоматик равишда қўллашни билиш зарур. Юқоридагилардан ўқитиш жараёнида фақат тил воситаларини эсда сақлаш ва уларни қўллаш малакасинигина мустаҳкамлашни кўзда тутмай, муомалада машқ қилиш, яъни нутқий ҳаракатларни амалга ошириш ҳам ҳисобга олиниши керак деган хулосага келиш мумкин.

Тил бирликлари ҳисобланган фонемалар, морфемалар, сўзларни ўзлаштириш жараёнини таъминлаш учун уларнинг ўзига хос хусусиятларини билиш керак. Бундай материал тилшуносликдан олинади.

Кейинги пайтларда структурал тилшуносликнинг ривожланишида моделлаштириш масалаларига катта эътибор берилди. Бу чет тиллар ўқитиш методикасида типовой гаплар, нутқ намуналари, нутқ қолиплари каби янги йўналишлар пайдо бўлишига ёрдам берди. Турли лексика ва турли грамматик шаклларга эга бўлган гаплардан фойдаланиш, шу асосда нутқ механизмини шакллантириш усуллари, нутқ намунаси асосида оғзаки нутқни шакллантириш ва ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилди. Бундай намуналар ўқишни эгаллаш учун ўрганиладиган тил воситаларининг мажмуасини белгилайди ва нотаниш материалнинг киритилиши қай даражада мумкинлигини аниқлайди.

XX асрнинг 80-йиллари тилшуносликда коммуникатив тилшунослик мустақил илмий изланиш йўналиши сифатида ажралиб чиқди. Тилшуносликнинг бу йўналиши матн назариясининг яратилиши ва ривожланишига, методикада коммуникатив ёндошув принципларини ишлаб чиқишига ёрдам берди.

Чет тили ўқитишдаги коммуникатив йўналиш ўқувчиларга коммуникатив вазиятга мос равишда мулоқотга қатнашиш йўллариини ўргатади, коммуникатив компетенциясини - салоҳиятини, тил воситаларидан керакли вазиятларда фойдалана олишда омилкорлик қобилиятларини шаклланишига олиб келади.

2. Чет тиллар ўқитиш методикасининг психологик фанлар билан алоқаси. Чет тиллар ўқитиш методикаси психология фани билан яқин алоқада ривожланади. Бу алоқа методикага чет тиллар ўқитишнинг психологик асосларини белгилаш ва шу асосда ўз метод, усул ва принципларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Бу алоқа биринчидан, психология фанида эътироф этилган нутқ инсон фаолиятининг муайян бир тури сифатида ўрганилишида,

иккинчидан, таълим-тарбия жараёнини психологик қонуниятларидан фойдаланиб ташкил қилишда ўз ифодасини топади. Бу алоқани амалга оширишда психолінгвистика ва педагогик психология фанлари эришган ютуқлардан ҳам фойдаланилади. Бундан ташқари, чет тили ўқитиш методикасининг ривожланишида психологиянинг умумий психология, нутқ психологияси, ёш психологияси, нейро-психология, инженерлик психологияси каби тармоқлари ҳам муҳим ҳисса қўшади.

Психология нутқни ташқи ва ички, актив ва пассив, оғзаки ва ёзма, рецептив ва репродуктив нутқларга ажратиб ўрганадики, айнан ана шу далиллар, ҳулосалар асосида методика ўз методларини, усулларини, принципларини ишлаб чиқади.

Чет тили ўқитиш методикаси ўқувчиларни чет тилидаги нутқ фаолиятига, яъни коммуникацияга ўргатар экан, у бу борада нутқ психологияси фанининг ютуқларига таянади. Масалан, оғзаки ва ёзма нутқни шакллантиришда психологик нуқтаи назаридан оғзаки нутқ ёзма нутққа қараганда осон ўзлаштирилиши аниқланган. Шунинг учун методика оғзаки нутқни олдин ва шу асосда ёзма нутққа ўргатиш принципини илгари суради. Чет тиллар ўқитиш методикаси учун тафаккур, хотира, идрок каби психологик жараёнларни, билим, кўникма, малака, каби психологик тушунчаларни англаш муҳимдир. Чунки муайян тилга оид кўникма ва малакаларни шакллантирмасдан нутқ фаолиятига ўргатиб бўлмайди.

Психологик тадқиқотлардан маълум бўлишича ўқувчилар она тили, рус тилидан ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини чет тилини ўрганиш жараёнига кўчириши мумкин. Бироқ бу кўчириш салбий ва ижобий оқибатларга олиб келиши мумкин. Агар ўқувчиларнинг бошқа тиллардан эгаллаган кўникма ва малакалари чет тили ўрганишда фойда берса, у ижобий кўчиш, транспозиция деб аталади. Агар бу кўчиш салбий оқибатларга олиб келса, яъни чет тили ўрганишга ҳалақат берса, бу кўчиш интерференция деб аталади. Бундай ижобий ёки салбий таъсир талаффузни, янги лексикани, грамматикани, гапиришни, ўқишни ва ёзишни ўргатишда ҳам содир бўлиши мумкин. Ўқитувчи уларни олдиндан аниқлаб, ижобий таъсирлардан ўринли фойдаланишни, салбий таъсирларнинг олдини олиши, йўқотиш чораларини ишлаб чиқиши лозим.

Методика педагогик психологиядан таълим–тарбия беришнинг ўзига хос хусусиятларини, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш йўл-йўриқларини, ёш психологиясидан эса таълимни ташкил қилишда индивидуал, дифференциал ёндошув принципларини ўрганиб, уларга амал қилади.

Нейропсихология чет тиллар ўқитиш методикасини психик ҳодисалар миянинг физиологик тузилишига боғлиқлиги ҳақидаги маълумотлар билан таништиради, психолінгвистика фикр, гапни нутққа, коммуникатив нутққа тўғри келиш-келмаслик масалаларини ойдинлаштириб беради.

3. Чет тили ўқитиш методикасининг дидактик фанлар билан алоқаси.

Талабалар таълимнинг иккинчи босқичида ўрганадиган педагогика фан сифатида тарбия назарияси ва ўқитиш назарияси - дидактикадан иборатдир. Тарбия ва дидактика чет тили ўқитиш методикаси учун ҳам таълим-тарбия жараёнини қонуниятларини ўргатувчи муҳим манба ҳисобланади. Чет тилар ўқитиш методикаси дидактика сингари ўқув-тарбия жараёнини ўрганади. Улар ўртасидаги фарқ шундан иборатки, дидактика бу жараёни яхлит ўрганса, методика маълум бир ўқув предметиға нисбатан тадқиқ қилади, ўрганади. Бу нарсa дидактика билан боғлиқликнинг ва дидактик принципларнинг ўзига хос томонларини белгилайди. Ҳар қандай фанни ўргатишда ўқитувчи учун асосий йўл-йўриқлар бўлиб дидактик ва педагогик принциплар хизмат қилади. Ўқув жараёнининг мазмунини, ташкилий шакллари, методларини, таълим-тарбиянинг умумий мақсадларини белгиловчи қонуниятларға умумдидактик принциплар деб аталади. Чет тили ўқитишнинг педагогик асосини ташкил қилувчи умумдидактик принциплар қуйидагилардир: *таълимниг илмийлик принципи, унинг тарбиявий характерға эга эканлиги, таълимдаги онглилик, фаоллик, кўрсатмалилик, тизимлилик ва изчиллик, билимларни пухта ўзлаштиришлик, таълим ва тарбиянинг бирлиги, ўқитишда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобға олиш принциплари*. Юқорида санаб ўтилган барча дидактик принциплар, шубҳасиз, чет тили ўқитишнинг асосини ташкил қилади. Методика бу принципларға асосланиб таълим-тарбия жараёнини ташкил қилади, бошқаради, ўзининг методик принципларини яратади.

МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Чет тиллар ўқитиш методикасининг тилшуносликка асосланиш сабабларини баён қилинг. **Таянч сўзлар:** *тил ва нутқ, тил бирликлари, нутқ бирликлари, фонемалар, морфемалар, сўзлар, гаплар, типовой, намуна, модел гаплар; лексик, грамматик, нутқий кўникмаларнинг кўчирилиши; коммуникатив тилшунослик, лингвистик ва коммуникатив компетенция.*

2. Психологик асосдаги фанлар билан чет тили ўқитиш методикаси нима учун боғлиқ? **Таянч сўзлар:** *педагогик, психологик ва методик қонуниятлар; психолингвистика, педагогик психология, умумий психология, нейро-психология, инженерлик психологияси, рецептив ва репродуктив нутқ, тафаккур, хотира, диққат, идрок, билим, кўникма, малака, транспозиция, интерференция.*

3. Чет тили ўқитишда дидактиканинг нималарига асосланамиз? **Таянч сўзлар:** *дидактик ва методик принциплар;*

Қуйидаги адабиётларни ўрганиб, билимларингизни чуқурлаштиринг:

1. Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси-Т: 1996, 20-29 б.
2. Зимняя И.А. Психология обучения неродному языку- М:1989.
3. Пассов Е.И. Основы методики обучения иностранным языкам –М: 1977.

4-мавзу: **ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ, УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ**

- 1.Ўқитиш методлари ҳақида умумий тушунча
- 2.Чет тилини ўргатиш усуллари
- 3.Чет тили ўргатишда машқлар
- 3.Чет тили ўқитиш воситалари

1.Чет тили ўқитиш методлари ҳақида умумий тушунча.Ўқитувчининг ўқувчилар ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришдаги ўргатувчи фаолияти дарс жараёнида нутқ фаолиятининг барча турлари бўйича кўникма ва малакалар шакллантиришга йўналтирилган турли-туман метод, усул ва воситалардан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Шундай экан, ўргатиш ва ўрганиш методлари, усуллари ва воситалари тушунчалари ҳақида батафсилроқ тўхталишимизга тўғри келади.

Дастлаб «метод» тушунчаси ҳақида. Методик адабиётларда «**ўқитиш методлари**», «**таълим методлари**» деб юритиладиган бу тушунчани «**ўргатиш методлари**» деб аташ маъқул туюлади. Чунки «**таълим**» бутун ўқув жараёнини ифодаладиган тушунчадир. «**Ўқитиш**» тушунчаси эса « **ўқишга ўргатиш**» деган маънони ҳам беради. Дидактикада «метод» дейилганда ўқитувчининг ўқув дастури асосида, маълум мақсадни кўзлаган ҳолда ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришга йўналтирилган фаолияти тушунилади. И.В.Рахманов таърифича, «**Метод – мақсад сари йўналтирилган система бўлиб, у бир-бирлари билан шартли боғланган усуллардир**».

Чет тиллар ўргатишнинг ривожланиш босқичларида турли методлар қўлланилган. Жумладан, қуйидаги методлар ҳақида фикрлар билдирилганлигини кўрамиз:

- 1.Грамматик-таржима методи;
2. Лексик-таржима методи;
3. Тўғри метод;
4. Пальмер методи;
- 5.Уэст методи;
6. Аудио-лингвал метод;
- 7.Аудио-визуал метод;
8. Онгли таққослаш методи;
- 9.Коммуникатив метод;

- 10.Проблемали (муаммоли) ўқитиш методи;
- 11.Интенсив (тезлаштириб) ўқитиш методи;
- 12.Проектлаб ўқитиш методи ва ҳ.к.

Чет тили ўқитиш методикасининг илк босқичларида шаклланган ва амалиётда кенг қўлланилган грамматик таржима методида чет тилларни ўргатиш асосан таржима орқали грамматик қоидаларни ўзлаштириш кўзда тутилган бўлса, аудио-лингвал метод эшитилган лексик-грамматик материални кўп марталик такрор жараёнида ўзлаштиришни назарда тутган. Бу методларнинг вужудга келишига, шубҳасиз, педагогика, психология, шахс психологияси, лингвистика, психолингвистика фанларининг ривожланиши ва таъсири катта бўлди. Фикримизча, чет тили ўргатиш методлари ҳақидаги бундай турли туманлик-методист олимлар орасида ҳамон ягона фикр йўқлигидан далолат беради. Масалан, И.В. Рахманов ва М.В. Ляховицкийларнинг фикрича чет тилини ўқита умумий метод орқали ўргатиш мумкин:

- 1.Намойиш қилиш (демонстрация) методи;**
- 2.Тушунтириш методи;**
- 3.Машқ ишлатиш ёки амалий ишларни ташкил қилиш методи.**

Р.К.Миньяр-Белоручев эса бу уч методни бошқача атамалар орқали номлашни таклиф қилади:

- 1. Тушунтириш методи;**
- 2. Кўрсатиш методи;**
- 3. Мустаҳкамлаш методи.**

И.Л.Бим эса ўргатиш методларини таснифлар экан уларни:

1.Кўрсатиш; 2. Тушунтириш; 3. Машқ бажартириш; 4. Малакаларни амалда қўллаш каби турларга бўлади. Е.И.Пассов, И.М. Махмутовларнинг тадқиқотларида уларнинг сони янада кўпайтирилади:

1.Тушунтириш методи (рецептив метод ёки кўргазмали тушунтириш методи);

2. Репродуктив (аввал ўрганилган билимларни янги вазиятларда қўллаш)метод;

3.Муаммоли (проблемали) ўқитиш методи;

4.Эвристик суҳбат методи;

5.Илмий изланиш ёки илмий тадқиқот ўтказиш орқали ўргатиш методи.

Назаримизда ўргатиш методларининг бундай турли-туман таснифланишида ўргатиш методлари, усуллари, принциплари ўзаро аралаштирилиб юборилгандай. Шу сабаб юқорида келтирилган барча методларни ўзида мужассамлаштирувчи Р.К.Миньяр–Белоручевнинг таснифи маъқулроқдек. Чунки, кўрсатиш ва мустаҳкамлаш методлари орқали репродуктивликни таъминлаш, муаммоли ўргатишни эвристик суҳбат орқали ёки шу жараёнда

илмий изланишни ташкил қилиш мумкин.

Куйида Р.К.Миньяр-Белоручев таснифидаги ўргатиш методларининг умумий хусусиятлари ҳақида тўхталамиз:

Тушунтириш методи. Тушунтириш методи таълим жараёнида энг кенг қўлланиладиган методлардан бири ҳисобланиб, ўқитувчи ўқув дастурида белгиланган фонетик, лексик, грамматик материални оғзаки усулда ўқувчиларга тақдим қилади. Ўқитувчи хилма-хил кўргазмали қуроллардан, таълимнинг техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқув материалининг мазмунини баён қилади. Бу орқали ўқувчиларда дастлабки фонетик, лексик, грамматик кўникмаларни шакллантиради ва бу кўникмаларни амалда қўллаш йўллари кўрсатади. Бу метод ўқув материални мантикий изчилликда баён қилиш, турли маълумотлардан фойдаланиш, фанлараро боғлиқликни таъминлаш, ўзбек ва чет тили тилларини қиёслаб тушунтириш имкониятини беради. Бу методнинг самарадор бўлишлиги ўқитувчининг методик маҳоратига, яъни ўқув материални қизиқарли баён қила олишига, нутқининг жозибадорлигига ва ўзига жалб қила олишлигига, ифода усулининг лўндалигига, мантикийлигига ва образлигига боғлиқ.

Тушунтириш методи ўқитувчидан ўқувчиларнинг доимий равишда барқарор диққатларини сақлаб туришни, ўқув материалга нисбатан муносабат уйғота олишни ва шу жараёнда уни идрок қилиш ва тушуниш, хотирада сақлаш йулларидан, усулларидан фойдаланишни талаб қилади. Бу жуда ҳам мураккаб жараён бўлиб, унга ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини фаоллаштирадиган, хотираларини ривожлантирадиган усуллардан фойдаланиш орқалигина эришиш мумкин. Тушунтириш эвристик суҳбат, материални муаммоли баён қилиш, она тили билан таққослаш орқали ҳам ташкил қилиниши мумкин. Тушунтиришга ажратиладиган вақт ўқув материалининг осон-қийинлигига, ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига, таълим босқичига кўра турлича бўлиши мумкин.

Кузатиш методи. Чет тили ўргатишнинг муҳим методларидан бири кузатиш методи бўлиб, у ўқувчиларда фонетик, лексик, грамматик ҳодисалар ҳақида онгли тасаввур ва малакалар ҳосил қилишни, уларни амалда қўллаш олишни кўзда тутди. Кузатиш ўқувчилар томонидан янги мавзу тушунтирилаётганда, синфда, уйда, мустақил ишларни бажараётганида амалга оширилади. Кузатиш ўқувчидан фаол фаолият талаб қилади. Ўқувчилар тил материали тушунтирилаётганида ёки мустақил ишлаётганларида уни таҳлил қилишлари, мантикий хулосаларга келишлари, фикрлашлари, она тили билан қиёслашлари лозим. Қиёслаш, таҳлил қилиш, фикрлаш дастлабки кўникмалар шаклланишига олиб келади. Фикрлаш, муносабат билдириш ўқув материални англашга ёрдам бериб, ўқувчини фаолликка йўналтиради. Кузатиш ва фикрлаш орқали шакллантирилган дастлабки кўникмалар мустақил ишлар жараёнида, малакаларни амалда қўллаш орқали мустаҳкамланади.

Малакаларни амалда мустаҳкамлаш методлари. Малакаларни амалда қўллаш методлари асосан дарснинг мустаҳкамлаш босқичида дастлабки кўникмаларни шакллантиришда, дарс жараёнида ёки уйда, лабораторияда оғзаки ва ёзма машқларни бажаришда, мавзу бўйича билимларни текшириш ва баҳолаш жараёнида амалга оширилади. Малакаларни амалда қўллашдан асосий мақсад эгалланган фонетик, лексик, грамматик малакаларни эркин мулоқат, фикр алмашув жараёнида ишлатишга ўргатишдир. Малакаларни амалда қўллаш табиий ёки сунъий нутқ вазиятларида ташкил қилинади. Маълумки, сунъий равишда яратилган нутқ вазияти ўқувчини ўраб турган атроф-муҳитга, вазиятга мос келмаслиги туфайли ўқувчида уни ўрганиб олиш учун етарли даражада рағбат уйғотмайди. Масалан, ўқитувчи бир ўқувчига: «Сен дўкондасан. Сотувчидан битта дафтар ва иккита ручканинг баҳоси неча сўм эканлигини сўра!» кабилида коммуникатив топшириқ берса, иккинчи ўқувчига «сотувчи» сифатида унга тегишли жавоб беришни топширса, бу сунъий равишда яратилган нутқ вазияти ҳисобланади. Агар ўқувчи турмуш эҳтиёжлари туфайли сотувчидан хорижий тилида юқоридаги гапларни сўрашга мажбур бўлса, бу табиий равишда яратилган нутқ вазияти ҳисобланади. Буни ҳисобга олиб ўқувчилар ўзларининг турмуш шароитида мактабда, кўчада, дўконда, учрашув ва ҳақозоларда дуч келадиган танишув, фикр билдириш, фикрни рад қилиш, фикрни қўллаб қувватлаш, савол бериш, саволга жавоб беришга оид турли мавзулардаги нутқ вазиятларига мос келадиган нутқ намуналарини ҳақиқий нутқ вазиятларида амалда қўллашга ўрганадилар. Ўтган асрнинг 80-йилларида шаклланган коммуникатив методика ўқувчиларни айнан ана шундай нутқ вазиятлари орқали мулоқатга ўргатишни кўзда тутди. Францияда хорижликларга чет тили тили дарслиги сифатида нашр қилинган «Le français sans frontière» қўлланмаси айнан коммуникатив вазиятлар орқали гапиришга ўргатишга мўлжалланган.

Малакаларни амалиётда қўллаш вазифаси анъанавий чет тили ўқитиш методикасида дидактик ўйинлар ўйнатиш (бошланғич синфларда), турли мавзуларда эркин суҳбатлар уюштириш, синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш, интернационал дўстлик клублари ишида иштирок этиш, хорижий меҳмонлар билан учрашувлар ташкил қилиш, хорижий ўқувчилар билан хат ёзишувлар ташкил қилиш каби шаклларда ташкил қилинаяпти. Кейинги йилларда илгари сурилган муаммоли ўқитиш, проектлар орқали нутқ вазиятлари яратиш, компьютер ва интернет маълумотларидан фойдаланиш каби иш усуллари ўқувчиларга табиий яратилган нутқ вазиятлари орқали хорижий тилда мулоқотга киришувга ўрганишлари учун кенг имкониятлар очмоқда.

Ўқитиш жараёни ўқитувчининг турли метод ва усуллардан, воситалардан фойдаланган ҳолда ташкил қилинадиган **ўргатувчи фаолиятидан** ва ўқувчиларнинг **ўрганувчи фаолиятидан** ташкил топади. Ўқитувчининг ўргатувчи ва ўқувчиларнинг ўрганувчи фаолиятлари ўз навбатида бир неча

турларга бўлинади. Ўқитувчи ўқув материални тушунтиради, кўрсатади, турли усул ва воситалардан фойдаланиб ўқувчиларда кўникма ва малакаларни шакллантиради, уларни амалда, оғзаки нутқда қўллаш йўлларини ўргатади. Ўқитувчининг бундай фаолияти **ўргатувчи ёки таълим берувчи фаолият** деб юритилади. Бундан ташқари ўқитувчининг ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилишга йўналтирадиган, уни рағбатлантирадиган, назорат қиладиган фаолияти ҳам мавжудки, уни ўқитувчининг **бошқарувчи фаолияти** деб аташ мумкин. Ўқитувчининг бундай аввалдан режалаштирилган фаолияти турли метод, усул ва воситалардан фойдаланишда ўз ифодасини топади.

Энди ўқувчиларнинг ўрганувчи фаолиятининг мазмуни билан танишсак. (№6 слайд намоёниш қилинади):

Биринчидан, ўқувчи ўқитувчининг ўқув материални тушунтириши, кўрсатиши жараёнида янги тил материали билан танишади.

Иккинчидан, уни эшитиш жараёнида фикрлайди, она тилиси билан қиёслайди, уни идрок қилишга, англашга уринади.

Учинчидан, ўқитувчи бошқарувида турли хил машқлар бажариб, ўқув материали юзасидан дастлабки кўникмаларини шакллантиради.

Тўртинчидан, шаклланган бу кўникмаларни амалий фаолиятда қўллаб, уларни малкаларга айлантиради.

Шундай қилиб, дарс жараёнининг самарадорлиги ўқитувчининг ўқувчилар ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришга йўналтирилган фаолияти қандай даражада яхши режалаштирилганига ва бу режа қандай амалга оширилганлигига боғлиқ.

2.Чет тилини ўргатиш усуллари. Чет тили ўқитишда усуллар тушунчаси ҳам мавжуд. Бу тушунча ўзбек тилидаги методик адабиётларда **«усуллар»** ва **«йўллар»** атамалари билан ҳамон икки маънода ишлатилиб келинмоқда. Фикримизча русча «приёмы обучения» атамасини биргина ўзбекча сўз **«усул»** билан, **«метод»** атамасини **«услуга»** эмас, **«метод»** сўзи билан ифодалаган маъқулроқ. Агар метод ва усулни таққослайдиган бўлсак, метод ўқитувчининг ўқув материални ўқувчиларга таништиришга, тушунтиришга, ўқувчиларнинг ўрганувчи фаолиятини ташкил қилишга ва бошқаришга, уларнинг амалий мустақил фаолиятини ташкил қилишга йўналтирилган фаолият тизими эканлигини, усуллар эса методларнинг иш- ҳаракат орқали юз берадиган кичик қисмлари эканлигини кўради.

Я.И.Лернер ўқитиш усулларини қуйидаги турларга бўлади:

1)Ўқув ҳаракатини ифодаловчи топшириқлар (*қийин сўзларни кўчириб ёзиш, график тузинг, шеригингизни саволига жавоб беринг, расмни изоҳланг, нотўғри вариантни аниқланг ва ҳ.*); Масалан, янги сўз маъносини тушунтириш шу жисмни ифодаловчи расмни кўрсатиш, маъносини чет тилича тушунтириш, шу сўзнинг синоними ёки антонимини айтиш каби усуллар орқали амалга

оширилиши мумкин;

2)Ўқитувчининг нутқий ҳаракатни бажаришга йўналтирилган кўрсатмасини бажаришга оид топшириқлар (*Ўртоғингнинг хатосини тўғрила, ўртоғингдан концерт соат нечада бошланишини сўра ва ҳ.*)

3)Ўқувчиларнинг гапиришларига, муносабат билдиришларига эҳтиёж туғдирадиган эмоционал ҳаракатлар (рағбат, айблаш, киноя ва ҳ.).

Кўриниб турибдики, битта метод бир неча усуллар билан амалга оширилиши мумкин. Метод ва усулларнинг турли-туманлиги дарс жараёнининг самарадорлигини таъминлайди. Айни пайтда талаффузга, янги лексика ва грамматик материалга, гапиришга, тинглаб ва ўқиб тушунишга, ёзишга ўргатишга оид баъзан бир-бирларидан фарқ қиладиган турли –туман усуллар мавжуд. Масалан, матнни ўқиб тушунишни ташкил қилишни қуйидаги усуллар билан амалга ошириш мумкин (№7 слайд намоиш қилинади):

1.Матнни абзацлаб ўқитиб, танлаб таржима қилдириш;

2.Матнни бир қисмини овоз чиқариб, ёки ичида ўқитиб таржима қилдириш ва саволларга жавоб бердириш. Бунда китобдан фойдаланиб ва фойдаланмасдан жавоб беришга ўргатиш;

3.Ўқитувчи матнни маълум бир қисмини ўқийди ва ўқувчилардан унинг айрим жумлалари таржимасини сўрайди;

4.Матндан персонажларнинг ташқи кўринишини, уларни характерлайдиган сўзларни, гапларни, абзацларни топтириш;

5. Матндан саволларга жавоб топиш;

6.Ўқилган ёки эшитилган парчага сарлавҳа ўйлаб топиш;

7. Матндан унинг маъно ташувчи калит сўзларни, гапларни топиш;

8. Китобга қараб ва қарамасдан саволларга жавоб бериш;

9. Матн мазмунини гапириб бериш ва ҳ.

Дарс жараёнида у ёки бу усулни қўллаш дарснинг мақсадига, ўқув материалининг мазмунига, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, таълим босқичи ва тайёргарлик даражасига боғлиқ.

Ўқув фаолиятига ўргатишнинг очик ва яширин усуллари мавжуд. Ўқув материални онгли ўзлаштиришга йўналтирилган усулларга ўргатишнинг очик усуллари дейилади. Ўргатишнинг яширин усулларида ўқувчи нимани ўрганаётганлигини сезмагани ҳолда ўқув фаолиятини ташкил қилади Масалан, бошланғич синфларда ўтказиладиган фонетик, лексик, грамматик, фикрлашга мажбур қиладиган ўйинлар ўқувчиларга ўзлари сезмаганлари ҳолда ўқув материални ўзлаштириб олишларига ёрдам беради.

3.Чет тили ўргатишда машқлар. Чет тили ўқитишда машқлар ўқув материали бўйича дастлабки нутқ кўникмаларини шакллантириш, кўникмаларни малакаларга айлантириш воситаси вазифасини бажаради. Машқлар улардан кузатиладиган мақсадларга кўра 1)фонетик (талаффуз), 2)

лексик, 3) грамматик, 3) тинглаб тушуниш, 4) ўқиб тушуниш, 5) фикрни ёзма баён қилиш кўникма ва малакаларини шакллантирувчи ва мустаҳкамловчи, 6) ўзаро фикр алмашув кўникма ва малакаларини шакллантирувчи коммуникатив машқларга бўлинади. Ўқув материали бўйича ўзаро фикр алмашувга ўргатувчи коммуникатив машқлар **шартли нутқ машқларига ва нутқ машқларига** бўлинади.

Коммуникатив таълим устивор йўналиш сифатида тан олинаётган ҳозирги шароитда нутқ кўникмалари ва малакаларини шакллантириш ва мустаҳкамлашга оид машқларни ташкил қилиш янгича принцип, восита ва усулларни қўллашни тақозо қиляпти. Маълумки, нутқий кўникма ва малакаларни шаклланишида фойдаланиладиган машқлар нутқий ҳаракатни автоматлашувини, барқарорлигини, онгли ўзлаштирилишини, бу нутқий ҳаракат нисбий мураккабликка эга бўлишини таъминлашлари зарур. Зеро юқоридаги компонентларга эга бўлган нутқий ҳаракатларгина нутқий кўникма ва малакани шаклланишига олиб келади.

Одатда методик адабиётларда нутқий кўникма ва нутқий малакаларни алоҳида машқлар орқали шакллантирилиши таъкидланади. Чунки нутқий кўникмалар **шартли нутқий машқлар** жараёнида автоматлашуви, барқарорлашуви, онгли ўзлаштирилиши натижасидагина нутқий малакаларга айланиши шарт. Нутқий малакалар ҳам ўз навбатида махсус нутқ машқлари орқали такомиллаштирилади. Шу нуқтаи назардан уларни ташкил қилишга алоҳида талаблар қўйилади. Жумладан, нутқ кўникмаларини шакллантирувчи шартли нутқ машқлари анъанавий машқлардан қўйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади (№8 слайд намоёниш қилинади):

1.Шартли нутқ машқлари муайян бир вазиятда аниқ нутқий ҳаракатни бажаришга йўналтирилади.

2.Нутқий ҳаракат шартли коммуникатив вазиятга ва гапирувчининг коммуникатив эҳтиёжига мос келиши лозим.

3.Топшириқнинг ўзаро мулоқатга асосланганлиги.

4.Машқнинг бажариш жараёнида таянч воситаларининг мавжудлиги.

Нутқ кўникмаларини шакллантирувчи шартли нутқ машқларнинг аниқ нутқий ҳаракатни бажаришга йўналтирилиши ўқитувчи томонидан қўйиладиган топшириқнинг маълум бир нутқ ҳаракатини бажариш усулини кўрсатишига боғлиқ. Масалан, бундай кўрсатмали коммуникатив топшириқлар қўйидаги нутқ вазиятларига асосланиши мумкин (№9 слайд намоёниш қилинади):

1.Эшитилган ахборотни суҳбатдошга етказиш бўйича ташкил қилинадиган нутқий ҳаракатларни бажаришга йўналтирилган кўрсатмали топшириқлар (*Собир, ҳамкурсларингга эртага гуруҳ бўйича Бухоро шаҳрига саёҳат қилишимизни эълон қил*).

2.Муайян воқеа ёки ҳодисани изоҳлашга, аниқлик киритишга, ажратиб кўрсатишга, диққат-этиборни тортишга оид нутқий ҳаракатни бажаришга

йўналтирилган кўрсатмали топшириқлар. (Собир, менга қара, эртага дарслар ростдан ҳам соат тўққизда бошланадими?)

3. Фикрни маъқуллашга, тавсия қилишга, маслаҳат беришга, истак билдиришга, мақташга, табриклашга, миннатдорчилик билдиришга, узр сўрашга оид нутқий ҳаракатларни бажаришга ўргатувчи кўрсатмали топшириқлар. (Кечирасиз, менга Регистон майдонида қандай транспорт билан боришни айта оласизми?)

4. Норозилик, танқид, эътироз, инкор, уялтириш, баҳсга киришишга оид нутқий ҳаракатларни ўргатувчи кўрсатмали топшириқлар. (Фикрингга қўшилмайман. Собир гуруҳимиздаги энг фаол талаба)

5. Ишонтириш, илтимос, сўзда қатъий туриш, фикрни асослашга оид нутқий ҳаракатларга ўргатувчи кўрсатмали топшириқлар. (Сизни ишонтириб айтаманки, эртага албатта дарсга кечикмай келаман)

Бундай кўрсатмали топшириқлар нутқий вазифанинг аниқлигини, топшириқнинг коммуникатив вазиятга мослигини ва ўзаро фикр алмашувга йўналтирилганини таъминлайди. Кўрсатмали топшириқлар дастлаб таянч воситалари ёрдамида ва кейинчалик таянч воситаларсиз бажарилади. Бу ўринда сўзларни тўғри бириктиришга асосланган жадвалдан фойдаланиш мумкин. Масалан, ўқитувчи бу ўринда қуйдаги топшириқни беради (№10 слайд намоиш қилинади):

Жадвалдаги сўзларнинг ўрнини тўғри топиб, ўртоғиндан илтимос қилишни ўрган:

Aidez		chez moi	traduire ce texte
Venez		à Serge	encore une fois
Faites	s'il vous plait	ce livre	demain
Ecrivez		cet exercice	à maman
Lisez		cette lettre	plus vite

Таянч воситаларсиз ташкил қилинадиган нутқий ҳаракатга ўргатувчи шартли нутқ машқлари қуйидаги усуллар билан ташкил қилинади (№11 слайд намоиш қилинади):

1. Ўқитувчининг, суҳбатдошнинг репликасидаги муайян нутқ бирлигини фаҳмлаб, уни кўп марта такрорлашга (имитатив) ўргатувчи шартли нутқ машқлари;

Масалан, Ўқитувчи: *Суҳбатдошининг фикрига қўшил.*

1-ўқувчи: *Après les leçons nous allons au cinéma, d'accord?*

2-ўқувчи: *D'accord, après les leçons nous allons au cinéma.*

2. Эшитилган жумладаги сўзлар ўрнини синонимлар, антонимлар, олошлар билан алмаштириб гапиришга ўргатувчи шартли нутқ машқлари;

Масалан: Ўқитувчи: *Агар суҳбатдошининг фикрига қўшилмасанг, уни инкор қил.*

1-ўқувчи: *Ce roman de J. Verne est très ennuyeux.*

2-ўқувчи: *Que vous dites? Il est très intéressant.*

3. Эшитилган жумлани трансформация қилиб гапиришга ўргатувчи шартли нутқ машқлари. Бундай машқлар суҳбатдош репликасидаги сўз тартибини, феълларнинг шахсини, замонини; отларнинг родини, сонини ўзгартириб гапиришни кўзда тутди.

Масалан: Ўқитувчи: *Менинг фикримни ўртоғингга етказ.*

Je n'ai pas lu ce livre de J. Verne.

Ўқувчи: Il dit qu'il n'a pas lu ce livre de J. Verne.

4. Эшитилган жумладаги қолдириб кетилган сўзларни тўлдириб гапиришга ўргатувчи шартли нутқ машқлари

Масалан: Ўқитувчи: *Эшитилган жумладаги қолдириб кетилган сўзни топиб жумлани такрорлаб гапир.*

1-ўқувчи: *Demain nous avons leçons de*

2-ўқувчи: *Demain nous avons trois leçons de français*

Машқлар шунингдек оғзаки ва ёзма бажариладиган турларга бўлинади. Оғзаки машқлар дарснинг ўқув материални мустаҳкамловчи босқичида жуфт ва гуруҳ бўлиб синфда бажарилса, ёзма машқлар асосан уйда бажариш, ўқув материални уйда такрорлаб мустаҳкамлаш учун берилади. Ёзма машқлар одатда навбатдаги дарсда оғзаки бажарилиши ва коллектив равишда текширилиши маъқул. Кейинги йиллар методик адабиётларида мулоқотга ўргатишни тайёрлов машқлари, нутқ машқлари орқали ташкил қилиш тавсия қилинмоқда. **Тайёрлов машқлари** ўз навбатида а) фонетик, лексик, грамматик қоидаларни мустаҳкамловчи машқларга, б) фонетик, лексик, грамматик қоидаларни намунага қараб тақлид қилувчи машқларга бўлинади. **Нутқ машқлари** эса а) шартли нутқ машқларига ва б) нутқ машқларига бўлинади. Рус олимларининг фикрича шартли нутқ машқлари ўқувчиларнинг нутқ фаоллигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бундай машқлар мулоқотнинг шартлилиги, бирор мавзуга ва вазиятга тегишли эканлиги билан характерланади. Нутқ машқларининг мақсади эса ўқувчиларда ўз фикрларини мустақил ифодалашни, ўрганилган лексик бирликларни ўз нутқларида эркин ишлатишни ўргатади. Шартли нутқ машқлари кўпроқ очик усуллар билан, нутқ машқлари эса яширин усуллар билан амалга оширилади.

Кейинги йилларда коммуникатив методика устувор йўналиш касб этмоқда ва шу муносабат билан ситуатив, яни **вазият машқларидан** фойдаланиш кенг тус олмақда. Маълумки, кишида бирор бир воқеа ёки ходисага муносабат билдиришга хоҳиш, эҳтиёж пайдо бўлсагина гапиради. Гапиришга мажбур қиладиган, рағбат уйғотадиган ана шу ҳолатга нутқ вазияти, шу ҳолатни яратишга мўлжалланган машқлар эса, ситуатив машқлар, яъни нутқ вазияти машқлари деб аталади. Расмлар, диафильмлар, кўргазмали қуроллар орқали

сунъий нутқ вазиятлари яратилиши мумкин. Табиий нутқ вазиятлари эса, суҳбатдош гапига, воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириш жараёнида ўз-ўзидан яратилади. Нутқ вазиятлари ситуатив топшириқни она тилида ифодалаш орқали ҳам яратилиши мумкин. Масалан: «Сен чет тили дўстингни ўртоғинг билан таништиришинг керак. **«Faites la connaissance, c'est...**» жумласини ишлатиб, уни ўртоғингга таништир».

Шундай қилиб, машқлар коммуникатив вазифаларни бажарувчи энг муҳим усуллардан ҳисобланади ва уларнинг замирида муомиладаги ҳақиқий эҳтиёж туриши керак.

4.Чет тили ўқитиш воситалари. Рус методист олими Г.В.Рогова ўқувчиларга ўқув материални тақдим қилишда (тушунтиришда), мустаҳкамлашда, дастлабки кўникма ва малакаларни шакллантиришда кенг фойдаланиладиган барча нарсаларни ўқитиш воситалари деб атайти. У ўқитиш воситаларини дастлаб иккита катта гуруҳга бўлади: 1. Механик бўлмаган воситалар; 2. Механик воситалар.

Механик бўлмаган воситаларга синф, магнит доскалари, фланелеграф; механик воситаларга магнитофон, радиола, проекторлар, жадваллар, карталар, слайдлар, телевизор, компьютер, тил лабораториялари киради. Г.В.Рогова ўқитишнинг ёрдамчи воситаларини ҳам алоҳида кўрсатади: ўқитувчи китоби, ўқувчи китоби, тинглаш, кўриш-тинглаш материаллари. Жумладан кўриш материалларига турли жисмлар, китоблар, сўз ва гаплар ёзилган карточкалар, жадваллар, расмлар, альбомлар, карталар, диафильмлар киритилса, тинглаш воситаларига турли маълумотлар, нутқлар ёзилган грампластинкалар, магнит ленталар киритилади.

М.В.Ляховицкий ўқитиш воситаларини икки гуруҳга: 1) анъанавий (техник бўлмаган), 2) замонавий техник воситаларга ажратади. Биринчисига расмлар, жадваллар, дарсликларни кўрсатса, иккинчисига фонограмма, фотограмма, видеограмма, компьютер, интернет тармоқларини кўрсатади.

Ўқитиш воситаларининг барчаси ўқув методик тўпламни (учебно-методический комплекс) ташкил қилади. Ҳар бир синф учун алоҳида тайёрланадиган ўқув методик тўпламлари чет тилидан кўникма ва малакаларни самарали шакллантириш ва такомиллаштиришга ёрдам беради.

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Метод тушунчасини изоҳланг. Замонавий чет тили ўқитиш методлари ва уларнинг таснифини баён қилинг. **Таянч сўзлар:** *тушунтириш, кўрсатиш, мустаҳкамлаш, ўқитувчи фаолияти, ўқувчи фаолияти.*

2. Чет тилига ўргатиш усулларини баён қилинг. **Таянч сўзлар:** *очиқ ва яширин*

усуллар, машқ турлари, шартли нутқ машқлари, коммуникатив машқлар.

3. Чет тили ўқитиш воситаларини таърифлаб беринг. **Таянч сўзлар:**
асосий воситалар, ёрдамчи воситалар, ўқув методик комплекслари.

Қуйидаги адабиётларни ўрганиб, билимларингизни чуқурлаштиринг:

- 1.Бим И.Л. Методика обучения иностранным языкам как наука и проблемы школьного учебника. М.,1977.
- 2.Вайсбурд М.Л. Методы обучения.Выбор за вами. ИЯШ, 2000 . №2,с.29.
- 3.Лернер И.Я.Дидактические основы методов обучения. М., 1981
- 4.Ляховицкий М.В. Методика преподавания иностранных языков М.,1981, 159 с.
- 5.Махмутов М.И.Теория и практика проблемного обучения .Казань,1972
- 6.Матюшкин А.М. Проблемные ситуации в мышлении и обучении. М., 1972.
- 7.Пассов Е.И. Основы методики обучения иностранным языкам.- М:1977.
- 8..Пассов. Е.И. Основы коммуникативной методики обучения иноязычному общению. М.,1989. с.67.
- 9.Рогова Г.В., Рабинович Ф.М., Сахарова Т.Е. Методика обучения иностранным языкам в средней школе. М., 1991. 287 с.
- 10.11.Цетлин. В.С Реальные ситуации в обучении на уроке. Журнал: «Иностранные языки в школе» ,2000, №3. с.24.

5-мавзу: **ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТИШ ПРИНЦИПЛАРИ**

- 1.Ўқитиш принциплари ҳақида умумий тушунча
2. Проблемали ўқитиш (муаммоли ўқитиш) принципи
3. Ўқитиш жараёнини мотивлаштириш принципи
4. Ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш принципи
5. Фақат чет тили ўқитиш методикасига хос бўлган принциплар:
 - а) Коммуникативлик принципи;
 - б) Дифференциал ёндашув принципи;
 - в) Оғзаки нутқни устиворлиги принципи;
 - г) Тил материаллини комплекс ташкил қилиш принципи;
 - д) Таълим жараёнини интенсивлаштириш принципи.

1.Ўқитиш принциплари ҳақида умумий тушунча. Ўқитиш принциплари деганимизда ўқитувчи дарс жараёнида қўллаши лозим бўлган

қонун-қоидаларни тушунамиз. Чет тили ўқитиш методикаси энг аввало дидактика томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги умумдидактик принципларига таянади:

- 1.Таълимнинг тарбияловчи принциплари,
- 2.Илмийлик,
- 3.Онглилик,
- 4.Активлилик,
- 5.Системалилик,
- 6.Тушунарлилик,
- 7.Индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш.

Бу принциплардан ўқитиш жараёнида бирданига фойдаланиб бўлмайди. Масалан, тарбияловчи таълим, илмийлик, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш каби принциплар ўқувчиларнинг билим олишга қизиқишлари учун шарт-шароит яратиш, инсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш каби вазифаларни амалга ошириш учун хизмат қилса, айти пайтда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш принципи педагогик жараёни бошқариш орқали, ҳар бир ўқувчининг тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини ташкил қилишни тақозо қилади.

Кейинги йилларда фақат чет тили ўқитишга хос бўлган коммуникативлик, таълимнинг оғзаки нутққа асосланиши, дифференциялаштириб ўқитиш, тил материални комплекс ташкил қилиш каби принциплар юзага келди. Айти пайтда дидактика томонидан илгари сурилган онглилик, активлилик, кўргазмалилик, таълим жараёнини мотивлаштириш каби принциплар чет тили ўқитишда ҳам муҳим рол ўйнайди. Чунки ҳар қандай ақлий ҳаракатни амалга ошириш, фикрлашдан практикага-амалиётга ўтиш орқали вужудга келади. Шунинг учун ҳозирги замон чет тили ўқув дастурлари ва ўқув қўлланмаларида ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини шакллантиришга муҳим аҳамият берилаяпти.

Ўқув материални онгли равишда ўзлаштиришга тиллараро интерференция ҳодисаси салбий таъсир қилади. Маълумки, ўзбек тилидан орттирилган кўникма ва малакаларимиз бизга сўзларни ўзаро боғлашни, гаплар тузишни, замонлардан фойдаланишни ҳеч қачон ўйланмасдан, автоматик амалга оширишга ёрдам беради. Чет тилида гап, сўз ясашга киришганимизда беихтиёр она тилидан орттирган шу малакамизга таянамиз. Бу таяниш баъзан ижобий, баъзан салбий натижага олиб келиши мумкин. Масалан, сўз тартибини худди ўзбек тилидагидек тузсак, бу нотўғри натижага олиб келади, чунки чет тили тилида тўғри сўз тартиби мавжуд. Бирорта сўз бирикмасини ўзбек тилидан чет тили тилига таржима қилганда ҳам бу салбий таъсир сезилиб туради. Масалан: «сўз олмоқ» - «*la parole prendre*» эмас, «*prendre la parole*», «зинапоядан кўтарилмақ» - «*l'escalier monter*» эмас, «*monter l'escalier*» ва ҳақозо. Ўқитувчининг вазифаси ўзбек ва чет тили тиллари ўртасидаги лексик, фонетик, грамматик муносиблик ва номуносибликларни аввалдан кўра билган

холда, уларни онгли ўзлаштиришга ёрдам берувчи метод ва воситаларни қўллашдир.

Ўқитишнинг фаоллик, онглилик принциплари назария билан амалиёт бирлигини амалга ошиши билан боғлиқ. Чет тили ўқитишда бошланғич этапда амалиётдан назарияга, яъни оғзаки нутқни ўзлаштириб, кейин қоидани ўргатиш, ўрта ва юқори босқичда аввал қоида, кейин нутқни шакллантириш кўзда тутилади.

2. Проблемали (муаммоли) ўқитиш принципи. Проблемали ўқитиш принципи чет тилидан берилган лексик, грамматик, фонетик топшириқларни мустақил ечиш йўлларини қидиртирадиган, илмий фикрлашга, изланишга мажбур қилувчи ўқитиш усули бўлиб, бу йўналишнинг назарий асослари ўтган асрнинг етмишинчи йилларида рус олимлари М.И Махмутов, А.М. Матюшкин ва Н.М. Мочаловалар томонидан ишлаб чиқилган.

Ўқувчиларни мустақил фикрлаб, топшириқларни бажартиришга ўргатиш топшириқ орқали проблемали вазият яратиш билан бошланади. Лекин бу топшириқ ўқувчини аввал ўрганган материални хотирлашга, шу асосда фикрлашга мажбур қилади. Проблемали ўқитиш фаоллик принципи билан чамбарчас боғлиқ. Ўқувчиларнинг диққати, хотираси, фикрлаши қанчалик яхши ривожланган бўлса, улар шунчалик фаоллик кўрсатади. Масалан:

Қуйидаги проблемали топшириқларни ечинг:

а) қуйидаги сўзларни ўзаро таққослаб, уларнинг умумий негзини аниқланг: ***battre, combattre, combattant, combat, rebattre.***

б) қуйидаги мисолларнинг таржимасини таққослаб, уларнинг тўғри, ёки нотўғрилигини исботланг:

Mon écriis - Мен ёзямман - J'écris.

Je mère est jeune - Менинг онам ёш - Ma mère est jeune.

в) қуйидаги мисоллардан феълларнинг инкор формасини ясалиш қоидасини аниқланг (№12 слайд намоёйиш қилинади):

Je suis écolier. Je ne suis pas écolier.

Je suis allé vite. Je ne suis pas allé vite .

Je parle á mon ami. Je ne parle pas á mon ami .

Ҳозирги замон чет тили ўқитиш методикасига оид адабиётларда проблемали таълим принципи **проектлаб ўқитиш** каби янги ўқитиш технологиясини вужудга келишига сабаб бўлди. Жумладан, проектлаб ўқитиш ўқувчиларни гуруҳларга бўлиниб, умумий бир лойиҳанинг маълум бир қисмини биргалашиб ечишга, муҳокама қилиб, тўғри ечимга келишга ўргатади. Бундай лойиҳалар бўйича ишлаш микрогуруҳлар, гуруҳлар ичида юзма-юз мулоқот жараёнида ёки интернет тармоғидан фойдаланиб, мактаблараро ташкил қилиниши мумкин. Масалан, гуруҳларга умумий «Саёҳат» мавзусининг қуйидаги кичик бўлақларини ишлаб чиқиш топширилади:

1-гуруҳга: Бухорога қандай транспортда бориш қулайлигини, транспорт қаердан, соат нечада жўнашлигини, чипталарни қаердан, ким сотиб олишлигини, уларнинг нархи неча сўмданлигини, тўпланиш қаерда, қачон бўлишлигини, йўлга неча соат вақт кетишлигини аниқлаш топширилади.

II-гуруҳга: Йўлда овқатланиш, озиқ-овқат заҳирасини ташкил қилиш, Бухорода овқатланиш имкониятлари, бунинг учун қанчадан пул тўплаш, буни ким зиммасига олиш каби масалаларни муҳокама қилиш топширилади.

III-гуруҳга: Ётоқ-жой масалаларини аввалдан ҳал қилиш, (меҳмонхона, ётоқхона, ёки профилакторияда жойлашув), унга кетадиган сарф-харажатлар, бунга жавобгар ўқувчилар ва ҳакозоларни аниқлаш топширилади..

Ҳар бир гуруҳ ўз лойиҳасини амалга ошириш жараёнида Бухоро ва унинг олий ўқув юртлари ётоқхоналари, транспорт турлари ҳақидаги барча маълумотларни хорижий тилида тайёрлашга киришадилар. Шундай қилиб, гуруҳлар ишлаган лойиҳалар асосида ягона, умумий ахборот ҳосил қилинади. Бу ахборот гуруҳлараро муҳокама, мулоқот жараёнида мустаҳкамланади ва автоматлаштирилади. Шу жараёнда ўқувчиларда маълум мавзуга оид нутқ малакалари шаклланади ва ривожланади.

3. Ўқув жараёнини мотивлаштириш принципи. Педагогик жараёнини ҳаракатга келтирувчи кучлардан бири- ўқувчиларнинг чет тилини ўрганишга бўлган ички турткисини, фан асосларини чуқур ўрганишнинг фойдалилигини , гапиришга эҳтиёж сезиш ҳисларини шакллантиришдир.

Одатда бошланғич синф ўқувчилари чет тилида гапира билишнинг аҳамиятини тушунмаган ҳолда, бошқа тилда гапириш, ўқиш қизиқ туюлгани учун чет тили дарсларига қизиқадилар. Бу қизиқиш сусаймаслиги учун ўқитувчи ўқувчиларга ўз муваффақиятларидан хурсанд бўладиган, ўз имкониятларидан қаноатланадиган тошшириқларни бажартириши, турли воситалар билан чет тилига қизиқтириш йўллари топиши лозим.

Агар ўқув материали ўқувчи томонидан қийин ўзлаштирилса, ўзлаштириш учун билим имкониятлари камлик қилса, бошқача айтганда, ўқувчи қийналиб қолса, бу ундаги қизиқишни йўқолишига олиб келади. Худди шу нарса таълим жараёнини индивидуаллаштириш масаласини олдинга суради. Таълимни индивидуаллаштириш ҳар бир ўқувчининг билим даражасини, диққатини, хотира ва тафаккурини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилишни талаб қилади. Таълимни мотивлаштиришда иккинчи муҳим компонент ўқувчининг ўз кучига ишончини мустаҳкамлашдир. Оддий қийинчиликлар олдида эсанкираш, шу қийинчиликларини енгиш йўллари қидиришдан бўйин товлаш натижасида ўқувчи кўп ҳолларда ўз кучига, билимига ишончини йўқотади ва ўзлаштирмовчи ўқувчилар қаторига кириб қолади.

Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир дарсни режалаштириш олдидан ўқув материални қандай метод ва усуллар билан қизиқарлироқ ташкил қилишни

ўйлаб олиши лозим.

4. Мустақил ишлар ёки таълимни индивидуаллаштириш принципи.

Ўқувчиларнинг кузатувчанлигини, диққатини, мустақиллигини, ташаббускорлигини, онглилик ва фаоллигини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири дарс ёки синфдан ташқари ишлар жараёнида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил қилишдир.

Ўқувчиларнинг дарс жараёнида бажарадиган мустақил ишлари ўқув материални ўзлаштириш, мустаҳкамлаш бўйича ёзма ва оғзаки ташкил қилинадиган қуйидаги формаларда амалга оширилади:

- 1) Ўқув материали бўйича ёзма ва оғзаки машқлар бажариш;**
- 2) Ўқув материали юзасидан савол – жавоб ўтказиш;**
- 3) Ўқув материали бўйича тузилган коммуникатив топшириқни карточкалар орқали жуфт бўлиб ишлашни ташкил қилиш;**
- 4) Ўқув материали асосида тест топшириқлари бажартириш;**
- 5) Ўқув материали бўйича проблемали топшириқларни бажартириш;**
- 6) Техник воситалар, кўргазмали қуроллар ёрдамида ўқув материални ўзлаштиришга ўргатиш;**
- 7) Магнитофонлар ёрдамида паузали машқлар ташкил қилиш;**
- 8) Коммуникатив топшириқни компьютер орқали ечишга ўргатиш.**

Табиийки, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини (хотира, қобилият, диққат) ҳисобга олиб ташкил қилинадиган мустақил ишлари фонетик, лексик, грамматик малака ва кўникмаларини шакллантириш ва шу жараёнда тушунишга, гапиришга, ўқиш ва ёзишга ўргатишдир.

5. Фақат чет тили ўқитишга хос бўлган умумий принциплар. Чет тили ўқитишнинг асосий мақсади иккинчи бир тилда гапиришга, эшитиб тушунишга, ўқиш ва ёзишга ўргатиш бўлганлиги учун унинг ўқитиш методикаси бошқа фанларнинг ўқитиш методикасидан айрим принциплари билан фарқ қилади.

Жумладан, қуйидаги принциплар фақат чет тил ўқитишга хос методик принциплар ҳисобланади (№13 слайд намоиш қилинади):

- а) Коммуникативлик принципи.**
- б) Таълимнинг оғзаки нутқини ўстиришга асосланганлиги принципи.**
- в) Таълимни дифференциялаштириб ташкил қилиш принципи.**
- г) Ўқув жараёнини комплекс ташкил қилиш принципи.**
- д) Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини интенсивлаштириш принципи.**

Қуйида ушбу принципларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхталамиз.

а) Коммуникативлик принципи. Чет тили ўқитишнинг асосини коммуникативликка ўргатиш ташкил қилиб, бу жараён чет тилида нутқ фаолиятини шакллантиришга, гапиришга, эшитиб тушунишга, ўқишга, фикрни ёзма баён қилишга ўргатиш ва ўқувчиларнинг билиш фаолиятини

шакллантиришни, ривожлантиришни кўзда тутди.

Чет тилида мулоқотга ўргатиш коммуникатив вазиятлар орқали амалга оширилади. Бу ўринда ўқувчи ҳаётида юз бериш мумкин бўлган коммуникатив вазиятларга алоҳида эътибор берилади. Ўқувчи тил қондасини яхши ўзлаштириб олган бўлса-да, унда гапириш, ўз фикрини суҳбатдоши эътиборига ҳавола қилиш малакаси етишмаслиги мумкин. Бу ўринда ўқувчиларнинг фақат лингвистик компетенциясини (салоҳиятини) шакллантиришга эмас, коммуникатив компетентиясини шакллантиришга алоҳида эътибор берилади. Ўқувчи ўқув материалида билдирилган ахборотга муносабат, фикр билдиришнинг турли табиий ва сунъий коммуникатив вазиятларда ўрганиб олади. Шу жиҳатлари билан коммуникативлик принципи функционал ёндашув методига ёки таълим жараёнини оғзаки нутқни ўстириш принципига уйғунлашиб кетади.

Бу ўринда ўқувчилар гапиришга, мулоқотга киришишга ва бу жараёнида грамматик қондаларни оғзаки нутқ таркибида ўзлаштириб олишга ўрганадилар. Бу дегани чет тили ўқитишда грамматик материални ўргатиш шарт эмас дегани эмас. Коммуникативлик принципи чет тили ўқитишнинг сўзлашувга ўргатиш дарсларида кенг амалга оширилади.

Ўқитишни коммуникатив йўналишда олиб бориш ўз навбатида ўқувчиларнинг фаоллигига, ўқув материалнинг мотивлаштирилишига ҳам боғлиқ. Фаоллилик ва мотивлаштириш юқорида қайд қилинганидек ўқитиш методларидан самарали фойдаланиш, синфдан ташқари ишларни тўғри ташкил қилиш орқали амалга оширилади.

б) Чет тили ўқитишни дифференциаллаштириб ташкил қилиш принципи. Л.С.Андреевская–Левенстернинг фикрича дифференциялаштириб ўқитиш деганда гапиришга, эшитиб тушунишга, ўқиш ва ёзишга ўргатишдаги метод ва усулларни фарқлаб фойдаланиш тушунилади. Масалан: гапиришга ўргатишда монологик ва диалогик нутқ, ўқишда аналитик ва синтетик ўқиш, ёзишда графикага, орфографияга ўргатишда нутқ фаолиятининг турларига ўргатиш учун турли даражадаги кўникма ва малакаларни шакллантиришга тўғри келади. Ўз навбатида турли шаклдаги малака ва кўникмаларни шакллантириш учун турли метод ва усул, воситаларидан фойдаланишга тўғри келади.

Кейинги йиллардаги психологик ва методик адабиётларда дифференциялаштириб ўқитиш бошқача нуқтаи назаридан яъни ўқувчининг хотираси, диққатини, ўзлаштириш даражасини, қобилиятини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиш таклиф қилинмоқда. Бунинг учун ўқитувчига ўқув материални турли даражадаги қийинчиликлар асосида тушунтириш ва мустақил ишларни ҳам шу асосда ташкил қилишга тўғри келади. Қуйидаги мисолдан «Passé composé» замонининг ясаиши турли даражада дифференциялаштирилган топшириқлар орқали ташкил қилинганини кўрамиз:

1. Ўзлаштириш даражаси яхши ўқувчилар учун топшириқ:

«**Passé composé**» - «**être**» ва «**avoir**» ёрдамчи феълининг ҳозирги замон формасиги тусланувчи феълнинг «**participe passé**» сини қўшиш йўли билан ясалади. Бунда ҳамма ўтимсиз ва олмошли феъллар «**etre**» ёрдамчи феъли билан тусланади.

Феълларни «**passé composé**» га қўйинг:

Je (naître) á la campagne. Je (écrire) une lettre.

2. Ўзлаштириш даражаси ўрта ўқувчилар учун топшириқ:

«**Passé composé**» - «**être**» ва «**avoir**» ёрдамчи феълининг ҳозирги замон формасига тусланувчи феълнинг «**participe passé**» сини қўшиш йўли билан ясалади. «**Passé composé**» да қуйидаги феъллар «**être**» ёрдамчи феъли билан тусланади: *entrer-sortir, montrer-descendre, arriver-partir, mourir-naître, venir-rentre, devenir, aller.*

Қавс ичидаги феълларни барча шахсларда «**Passé composé**» да тусланг:

Je (naître) á la campagne.

Je (écrire) une lettre á ma mère.

Қуйидаги феълларнинг қоидага асосан «**Passé composé**» га қўйинг:

(юқоридаги мисол)

Дифференциялаштириб ўқитишнинг асосий мақсади ўқувчининг қобилияти даражасидаги ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва шу асосида ўқув материални ўзлаштирилишни ташкил қилишдир.

в) Таълимнинг оғзаки нутқни ўстиришга асосланган принципи.

Бу принцип ўқув материални оғзаки нутқ орқали ўзлаштирилишини кўзда тутди. Ўқишга, ёзишга ўргатиш эса, ўзлаштирилган оғзаки материал асосида ташкил қилинади. Таълимнинг бундай ташкил қилинишига фақат эшитиш сезгиси иштирок этишлиги туфайли айрим олимлар бу принципга қарши чиқадилар. Ҳозирги пайтда 4 – 5 синфларда бу принципдан кенг фойдаланилади. Ўрта синфларда эса, 15-20 минут давомида ўқув материали оғзаки машқ қилинади ва ундан кейин эшитиб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш орқали мустаҳкамланади.

Аммо дифференциялаштириб ўқитиш принципи ҳамма ёшдаги ўқувчилар учун бир хил асосда оғзаки нутқ орқали ўқитишга ўргатишни инкор қилади. Ўқув материали қанчалик қийин бўлса, уни оғзаки асосда ўргатиш имконияти шунчалик чекланган бўлади. Чунки эшитиб идрок қилиш, кўриб идрок қилишга нисбатан қийинроқ.

Демак, оғзаки нутқ орқали ўқув материални ўзлаштириш дарснинг маълум этапида ўқув материалнинг қийинлик даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

г) Ўқув жараёнини комплекс ташкил қилиш принципи. Ўқув жараёнини комплекс ташкил қилиш принципи фонетик, лексик, грамматик материални ўзаро боғлаган ҳолда нутқ фаолиятини турли формаларда ташкил қилишни

кўзда тутати.

Ўқув жараёнини комплекс ташкил қилиш таълим мақсадларини ҳам (амалий, тарбиявий, таълимий, ривожлантирувчи) биргаликда амалга оширишни талаб қилади. Масалан, дарс жараёнида ўқувчиларнинг фикрлаш фаолияти, диққати, хотираси, тасаввури, қизиқиши, ўқув меҳнатига онгли муносабати шакллантирилиши билан бир қаторда маънавий-маърифий тарбияси ҳам амалга оширилади. Бу ўринда дарснинг тарбиявий ва таълимий мақсадлари амалий мақсад амалга ошсагина рўёбга чиқиши мумкин.

д) Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини интенсивлаштириш принципи.

Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини интенсивлаштириш (тезлаштириш) принципи рус олимаси Г.А.Китайгородская томонидан ишлаб чиқилган бўлиб у фаоллилик, мотивлаштирилган таълим принциплари билан чамбарчас боғлиқдир. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини интенсивлаштириш куйидаги йўллар билан амалга оширилади (№14 слайд намоиш қилинади):

1.Дарс вақтидан самарали фойдаланиш.

2.Дарс жараёнида турли -туман метод ва усуллар фойдаланиш.

3.Метод ва усуллардан фойдаланишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини, хотира, диққат, тафаккур ва ўзлаштириш даражаларини ҳисобга олиш.

4.Таълимнинг турли воситаларидан фойдаланиш.

5.Ўқувчиларнинг мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш.

6.Ўқув материалининг осон-қийинлигини, таълим босқичини ҳисобга олиб, дарс ташкил қилиш.

7) Ўқув материалига ажратилган вақт ва дарс миқдорини кўпайтириш.

Чет тили ўқитиш жараёнини интенсивлаштириш рус олимаси Г.Китайгородская тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1.Ўқитиш принциплари деганда нимани тушунасиш? Таянч сўзлар: *дидактик принциплар, методик принциплар.*

2.Методик принципларни дидактик принципларга боғлиқлигини тушунтиринг. Таянч сўзлар: *Онглилик, активлилик, кўргазмалилик, системалилик, чет тили ўқитишга хос методик принциплар.*

3.Муаммоли ўқитиш принципининг проектлаб ўқитиш ва бошқа принциплар билан алоқасини тушунтиринг.Таянч сўзлар: *проблемали вазият, проблемали топшириқ, проектлаш, гуруҳ , минигуруҳ , мотивлаштириш.*

4.Коммуникативлик принципининг моҳиятини тушунтиринг.Таянч сўзлар: *коммуникатив вазият, коммуникатив компетенция, мулоқот, фикр*

алмашув.

5.Дифференциал ёндашув принципининг моҳиятини тушунтиринг. **Таянч сўзлар:** қобилият, хотира, диққат, ўзлаштириш даражаси.

Қуйидаги адабиётларни ўрганиб, билимларингизни чуқурлаштиринг:

1.Андреевская-Ливернстерн Л.С. Методика преподавания чет тиликого языка в средней школе- М:1983.

2.Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари.Т.,1990.

3.Китайгородская Г.А. Интенсивное обучение иностранным языкам. Журнал: ИЯШ, 1980, №2.

4.Матюшкин А.М. Проблемные ситуации в мышлении и обучении. М., 1972.

5.Махмудов М. И. Организация проблемного обучения в школе –М: 1977.

6.Миньяр-Белоручев Р.К. О принципах обучения иностранным языкам. «Иностранные языки в школе» 1982. № 1

7. Пассов Е.И. Основы методики обучения иностранным языкам-М:1977

6-мавзу: КОММУНИКАТИВЛИК ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШДА УСТИВОР ЙЎНАЛИШ СИФАТИДА

1.Коммуникацияга-мулоқатга ўргатиш принциплари

2.Коммуникатив ёндошувнинг анъанавий ўқитишдан фарқи

3.Коммуникатив топшириқ ва уни бажариш усуллари

4.Мулоқотга ўргатиш жараёнида ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини шакллантириш ва ривожлантириш

1.Коммуникацияга-мулоқатга ўргатиш принциплари. Ўтган асрнинг 80 йилларида чет тилларни ўқитиш назарияси ва амалиётида янги бир йўналиш пайдо бўлди. «Коммуникатив метод» номини олган бу йўналиш кейинчалик «коммуникатив метод», «Коммуникативликка ўргатиш». «Коммуникативликка йўналтирилган таълим» атамалари билан юритила бошланди ва ўқувчилар ўқув фаолиятини интерфаол усулларда ташкил қилишнинг муҳим омили сифатида табора оммапаша бошлади.

Анъанавий ўқитиш методикасида хорижий тилларни ўқитишдан асосий мақсад ўқувчиларнинг нутқ фаолиятининг тўрт турига: гапиришга, эшитиб тушунишга, ўқиш ва ёзишга ўргатиш бош мақсад қилиб белгиланган бўлса,

коммуникатив таълимда ўқувчиларни мулоқотга ўргатиш асосий мақсад қилиб белгилана бошланди. Натижада методик адабиётларда коммуникативликка (мулоқатга) ўргатишнинг лингводидактик, психологик, методик асослари, принциплари, восита ва усуллари кенг ва атрофлича тадқиқ қилина бошланди.

Шундай қилиб, ҳозирги замон чет тиллар ўқитиш методикасида устивор йўналиш сифатида тан олинаётган коммуникатив ёндошув хорижий тилни система сифатида эмас, балки коммуникатив топшириқлар орқали мулоқотга ўргатиш принципларини, восита ва усуллари илгари сурди.

Мулоқотга ўргатиш янги педагогик технология сифатида ўзининг қўйидаги умумий стратегик принципларини ишлаб чиқди (№15 слайд намоиши қилинади):

1. Нутқ фаолиятининг барча турларини ўзаро фикр алмашувга асосланган, ўқувчиларнинг нутқ эҳтиёжларига ва нутқ вазиятига мос келадиган коммуникатив топшириқлар орқали ташкил қилиш;

2. Мулоқотга ўргатишда ўқувчиларнинг ўқув фаоллигини таъминловчи, уларнинг барча сезгиларига фаол таъсир қилувчи аудио-визуал, паралингвистик, эмоционал таъсир воситалардан комплекс фойдаланиш;

3. Мулоқотни ташкил қилишда ҳар бир талабанинг индивидуал -психологик хусусиятларини ҳисобга олиш;

4. Мулоқот жараёнининг функционаллигини таъминлаш;

5. Мулоқот топшириғини коммуникатив вазиятларга боғлиқлигини, ўқувчиларнинг ҳаётий эҳтиёжларига мослигини, қизиқарлилигини, янгилигини таъминлаш;

6. Ўрганиладиган коммуникатив топшириқнинг мазмун-маъносини онгли ўзлаштирилишига эришиш;

7. Мулоқот материални мустаҳкамлашни талабалар жуфтликлари, гуруҳлари ўртасида ташкил қилиш.

8. Мулоқот жараёнида ўқувчиларнинг интеллектуал, ахлоқий, эмоционал ривожланишини таъминлаш;

9. Мулоқот жараёнида коммуникатив топшириқни ҳар бир ўқувчи томонидан қандай ўзлаштирганлик даражасини ҳисобга олиб бориш;

10. Ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини, яъни мулоқотга кириша олиш салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш.

2. Коммуникатив ёндошувнинг анъанавий ўқитишдан фарқи.

Коммуникатив топшириқлар орқали ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш анъанавий ўқитиш методикасидан фарқли улароқ ўқув материалнинг талаффузини, янги лексикасини, грамматик материални, эшитиб ва ўқиб тушуниладиган матнларини, фикрни ёзма баён қилиш усуллари мулоқот жараёнида комплекс ўзлаштиришни кўзда тутилади. Яъни, ўқувчи коммуникатив топшириқни бажаришни машқ қилаётган жараёнидаёқ

ундаги лексик бирликларнинг талаффузини, англатган маъносини, грамматик-синтактик тузилишини, жумла тузилишидаги ўзига хосликларни эгаллаб олади. Топшириқ нутқ даражасида ўзлаштирилганидан кейингина унинг график ифодаланишини ўқиб тушинишга, ўрганилган ахборот ҳақида фикрини ёзма баён қилишга ва ниҳоят ундаги фонетик-грамматик қоидаларни ўрганишга киришади.

Шундай қилиб коммуникативлик анъанавий ўқитиш методикасида шаклланган ўқув материални тушунтириш, мустаҳкамлаш ва назорат ва баҳолаш каби бир қолипга солинган усуллардан фарқли ўлароқ, таълимни ўқувчиларни мулоқотга ўргатишдан бошлайди. Фонетик, лексик, грамматик қоидаларнинг энг охирида ўргатилиши -ўзлаштирилган нутқ материалнинг мустаҳкамловчи воситаси вазифасини бажаради.

Нутқ вазиятларига асосланган коммуникатив топшириқлар орқали мулоқотга ўргатиш тўрт босқичда ташкил қилинади (№16 слайд намоёниш қилинади):

1. Коммуникатив топшириқни бажаришга тайёрлаш. Бу босқичда ўқитувчи томонидан мулоқот мавзуси бўйича лексик бирликлар, жумлалар, аудио-визуал воситалар тайёрланади, лексик бирликларни ўз ичига олган қизиқарли нутқ вазиятлари, уни бажарадиган ўқувчилар жуфтликлари ёки гуруҳлари белгиланади

2. Коммуникатив топшириқни бажариш йўллари тушунтириш ва кўрсатиш босқичи. Ўқитувчи ўқувчилар жуфтлигига ёки гуруҳига мўлжалланган коммуникатив топшириқни кўргазмали қуроллар, экстралингвистик воситалар ёрдамида бажариш йўллари кўрсатади. Тушунтириш ва кўрсатиш бажарилаётган, эшитилаётган нутқий ҳаракатни тақлидий ўзлаштиришга, эшитилаётган жумладаги ҳар бир лексик бирликни, умумий жумла англатган мазмунни, оҳангни ўқувчилар томонидан онгли, таржимасиз тушунишга йўналтирилади. Шу тақдиротнинг ўзидаёқ ўқувчилар гап нима ҳақида кетаётганлигини, қандай нутқ материални ўзлаштириш лозимлигини идрок қилиб оладилар.

3. Тушунтирилган коммуникатив топшириқни кўп марталик такрор асосида тақлид қилиб мустаҳкамлаш босқичи. Бу босқичда ўқувчилар жуфтликларга, гуруҳларга бўлиниб нутқ материални авал тасдиқ, кейин сўроқ, инкор формаларда, турли шахслар ва замонларда ишлатиб, ўз шерикларининг фикрини рад қилишга, қўшилишга, саволга - савол билан жавоб беришга ўрганадилар. Мулоқот жараёнида кўргазмали ва экстралингвистик воситалардан, ўйинлардан, ҳазил ва юморлардан кенг фойдаланилади. Бу жараёнида ўқувчиларнинг талаффузига, ҳар хил формадаги жумлаларни гапиришдаги оҳангига, гапиришда фойдаланган экстралингвистик воситаларига эътибор қаратилади. Бу босқичда коммуникатив топшириқни гуруҳлараро бажартиришни ҳам ташкил қилиш мумкин.

4. Коммуникатив топшириқларни бажарилишини текшириш ва баҳолаш босқичи. Бу босқич одатда янги дарс жараёнида ташкил қилинади. Ўқитувчи берилган топшириқларни ўқувчилар жуфтликлари, гуруҳлари орқали текширади ва баҳолайди. Бунда кам вақт сарфлаб, кўпроқ ўқувчиларнинг билимларини текшириш ва баҳолашга эътибор берилади.

Мустақамловчи коммуникатив топшириқлар жараёнида бажариладиган машқлар методик адабиётларда кўникмаларни шакллантирувчи шартли нутқ машқлари ва нутқ машқлари деб юритилади.

Мустақамлаш жараёнида мулоқот кўникмалари шакллантирувчи коммуникатив топшириқлар, яъни шартли нутқ машқлари асосан тўрт талабга жавоб бериши лозим (№17 слайд намоёиш қилинади):

- 1.Нутқий вазифанинг аниқлиги;**
- 2.Коммуникатив топшириқнинг маълум нутқ вазиятига боғлиқлиги;**
- 3.Топшириқнинг бажарилиши фикр алмашувга ва нутқий ҳаракатни ўзлаштиришга йўналтирилганлиги;**
- 4.Бу жараёнда турли таянч воситаларидан фойдаланишнинг зарурлиги.**

Мулоқот кўникмаларини шакллантирувчи бундай машқларнинг айнан мана шу талабларга жавоб бера олиши уларнинг анъанавий ўқитиш жараёнида бажариладиган машқлардан фарқи ҳисобланади

3. Коммуникатив топшириқ ва уни бажариш усуллари .

Коммуникатив топшириқларни уч катта гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин (№18 слайд намоёиш қилинади):

1.Жуфт бўлиб бажариладиган, топшириқни ўзлаштиришга йўналтирилган коммуникатив топшириқлар;

2.Якка тартибда топшириқни ўзлаштиришга йўналтирилган коммуникатив топшириқлар. Бундай топшириқларни бажаришни шартли нутқ машқлари деб ҳам аташ мумкин. Жуфт бўлиб бажариладиган, топшириқни ўзлаштиришга йўналтирилган коммуникатив топшириқлар карточкалар орқали ташкил қилинади. Бунда биринчи ўқувчи ўз карточкасига ёзилган топшириқни ўқиб, шеригини фикр-муносабат билдиришга рағбатлантиради ва тўғри жавобга қараб, шеригининг жавобини текширади. Иккинчи ўқувчининг карточкасига фақат биринчи ўқувчи ўқиб берган топшириққина ёзилган бўлиб, у шу топшириқнинг тузилишига, гапирилиш оҳангига таянган ҳолда жавоб беришга ўринади . Агар у ўз жавобида муайян хатоликларга йўл қуйса, биринчи ўқувчи топшириқни яна бир бор ўқиб, у хатога йўл қўйганлигини билдиради ва иш хато бартараф қилинмагунча давом эттирилади. Шундан кейин улар топшириқни ўз вазифаларини алмаштирганлари ҳолда бир неча бор такрорлайдилар ва ўқитувчи улар топшириқни яхши ўзлаштирганликларини кўрса, навбатдаги топшириқни

бажаришга буюради. Бунда биринчи ўқувчи вазифасига одатда нисбатан пастроқ ўзлаштирувчи ўқувчи танланади. Чунки, у ўз шеригини текшириш жараёнида ҳам кўп нарсани ўрганиши мумкин. Жупт бўлиб бажариладиган коммуникатив топшириқлар ролли ўйинлар, импровизация(тайёргарликсиз нутқий ҳаракатлар бажариш), пантомима(имо-ишора орқали ахборот узатиш), скетчлар(жумбоқлар) бажариш, шунингдек таниш мусиқа садоси остида коммуникатив топшириқ матнини ва жавобини куйлаш орқали ҳам ташкил қилиниши мумкин;

3. Гуруҳ бўлиб бажариладиган коммуникатив топшириқлар вазифани кичик қисмларга бўлиб, ҳар бир гуруҳ аъзосининг интеллектуал салоҳиятига кўра уларга бўлиб бериш орқали бажарилади. Бундай дифференциялаштириш асосида гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўз топширигини ечиб, умумий битта топшириқнинг ечилишига ҳисса қўшади. Жавоблар гуруҳ ичида муҳокама қилинади, хатолар тўғриланади ва энг яхши жавоблар танланади. Бундай иш синфдаги бирнеча гуруҳ ичида бир йўла уюштирилади ва улар навбатма-навбат ўз топшириқларини ҳимоя қиладилар. Бундай иш проектлаб ўқитиш методикасида батафсил баён қилинган;

Якка тартибда топшириқни ўзлаштиришга йўналтирилган коммуникатив топшириқлар қуйидаги усулларда бажарилади (№19 слайд намоиш қилинади):

1.Расмлар сериясини мантиқий тартибда жойлаштириб гапиришга тайёрланиш;

2.Иккита бир хил расмдаги фарқни топиб гапириб беришга тайёрланиш;

3.Матн ёки расмдан қолдириб кетилган элементларни топиб гапиришга тайёрланиш;

4.Фактларни умумлаштириб, қўйилган саволга жавоб топиб гапиришга тайёрланиш;

Коммуникатив топшириқ орқали уюштириладиган бундай шартли нутқ машқлари кўп марталик такрорга асосланади ва қуйидаги кетма-кетликда бажарилади:

1.Нутқ бирлигини эшитиб, унга тақлид қилиб такрорлаш;

2.Эшитилган жумладаги сўзлар ўрнини алмаштириб такрорлаш;

3.Жумлаларни трансформация қилиб такрорлаш;

4.Жумлани репродукция қилиш орқали такрорлаш.

Коммуникатив топшириқ асосида бажариладиган бундай шартли нутқ машқларининг асосий вазифаси нутқий ҳаракатларга ўргатишдир. Эшитиб тақлид қилишга асосланган шартли нутқ топшириқлари ўқитувчининг кўрсатмалари асосида қуйидаги тартибда уюштирилади (№20 слайд намоиш қилинади):

Ўқитувчи: -Суҳбатдошининг гапини эшитиб, унинг фикрига қўшил.

-*Aujourd'hui après les classes nous allons au cinéma. D'accord?(Бугун дарсдан кейин кинога борамиз, келишдикми?)*

- *D'accord, aujourd'hui après les classes nous allons au cinéma* (Келишдик, бузун дарсдан кейин кинога борамиз.)

Бундай машқни бажариш жараёнида ўқувчидан суҳбатдош жумласини аниқ тушунгани ҳолда гап тузилишини хотирада қолдириш ва уни хатосиз такрорлаш орқали ўз фикрини ифодалаш талаб қилинади.

Эшитилган жумладаги сўзларнинг ўрнини алмаштириб гапиришга асосланган шартли-нутқ машқлари суҳбатдош жумласидаги лексик бирликни ёки грамматик формани алмаштириб гапиришга ўргатишни кўзда тутди. Бу ўринда отлар ўрнига олмошларни ишлатиш, отларнинг родини, сонини ўзгартириб гапириш каби усуллардан фойдаланиш мумкин. Масалан: «Агар суҳбатдошнинг гапига қўшилмасанг, унинг фикрини инкор қил».

- *Aujourd'hui après les classes nous allons au cinéma. D'accord?* (Бузун дарсдан кейин кинога борамиз, келишдикми?)

- *Que tu dis! Aujourd'hui après les classes nous allons à la bibliothèque.* (Нимага деяпсан! Бузун дарсдан кейин кутубхонага борамиз.)

Трансформацион шартли нутқ топшириқлари суҳбатдош гапидаги сўз тартибини, жумладаги феълнинг шахсини, замонини, отларнинг родини, сонини ўзгартириб гапиришни, кўчирма гапни ўзлаштира гапга айлантириб гапиришни кўзда тутди. Масалан: «Менинг фикримни ўртоғингизга етказинг».

Aujourd'hui après les classes j'irai au parc. (Бузун дарсдан кейин мен паркка бормоқчиман.)

Il dit qu'après les classes il ira au parc. (У бузун дарсдан кейин паркка бормоқчилигини айтаяпти.)

Репродуктив шартли нутқ топшириқлари суҳбатдош репликасига аввал ўрганилган лексик бирликни ёки грамматик формани мустақил равишда эслаб гапиришга асосланади. Масалан, (№21 слайд намоёниш қилинади):

Ўқитувчи: -Суҳбатдошингиз жумласидан гап нима ҳақида кетаётганлигини аниқланг.

- *Aujourd'hui après les classes je veux aller à une place.* (Бузун дарсдан кейин мен бир жойга бормоқчиман.)

- *Veus-tu aller au cinéma?* (Киногами?)

- *Non, tu n'es pas y.* (Йўқ, топмадинг.)

- *Veus-tu aller au parc?(à la bibliothèque?).* (Паркками?Кутубхонагами?)

- *Non, je ne veux pas aller ni au parc, ni à la bibliothèque.* (Йўқ.Паркка ҳам, кутубхонага ҳам бормоқчи эмасман).

- *Alors, ou va- tu? Et bien, j'ai compris, tu veux aller au magasin!* (Бўлмаса қаёққа? Ҳа, топдим, сен дўконга бормоқчисан!)

Машқларни бажаришнинг дастлабки босқичида ўқувчиларга гапирилаётган жумлаларнинг мазмун–маъносини тушунишга ёрдам берадиган, суҳбатдошларнинг барча сезгиларига комплекс таъсир қилувчи лингвистик (жадваллар), кўргазмалар (расмлар, предметлар, ТТВ), эмоционал таъсир (ҳазил,

кулгу, юмор, латифалар), паралингвистик воситалардан (мимика, жест, ҳаракат) фойдаланишни ўргатиш лозим. Машқ бажариш жараёнида нутқий ҳаракатга ўргатувчи бундай воситалардан фойдаланиш фикрни аниқ ва хатосиз, эмоционал тарзда ифодалашга ёрдам беради. Кўп марталик тақлидий такрорга асосланган бундай шартли нутқ машқлари мулоқот кўникмаларини самарали ва сифатли шаклланишини таъминлайди. Шундан сўнг мулоқот кўникмаларни малакаларга айлантирувчи нутқ машқларини бажаришга киришилади.

Шундай қилиб, мулоқот жараёнида талаффуз, лексик, грамматик, гапириш, эшитиб тушуниш, ўқиб тушуниш, фикрни ёзма баён қилиш кўникма ва малакаларини шакллантириш уларнинг қоидаларини тушунтиришдан эмас, балки коммуникатив топшириқ ичидаги фонетик, лексик, грамматик белгиларни нутқий ҳаракат жараёнида фаҳмлашни, фарқлашни, тушунишни ва фикр алмашувни уюштириш орқали ташкил қилинади. Бошқача айтганда грамматик, лексик қоидаларни тушунтиришдан олдин шу қоидалар асосида тузилган коммуникатив топшириқ ёрдамида лисоний-нутқий ҳаракатни бажариш йўллари ўргатилади.

Маълумки, ҳар қандай нутқий топшириқни бажариш гапирувчи шахсдан ақлий ҳаракатни талаб қилади. Яни ақлий ҳаракат механизми ишга туширилади. Ўзбек методист олими Ж.Жалолов (206 б.) бу механизмни ишга тушириш учун ўқувчиларда қуйидаги ақлий ҳаракатларни ўзлаштириш малакаларини шакллантириш лозимлиги таъкидлайди:

1.Ахборот ким ёки нима ҳақда эканлигини фаҳмлаш ва уни баҳолашга йўналтирилган ақлий ҳаракатлар:

- а) фикр алмаштиришда нутқ вазиятини англаш;
- б) ахборотга муносабат билдириш эҳтиёжини сезиш;
- в) шахсий вербал ва невербал хатти-ҳаракатини белгилаб олиш;

2.Асосий коммуникатив мақсадни англашга йўналтирилган тахминий стратегияни аниқлаш ;

3.Тахминий англаш механизмини ишга тушириш:

а)суҳбатдошнинг гапириш жараёнидаги хатти-ҳаракатларини кузатиш орқали фикрини тушунишга уриниш;

б) ўз фикрини билдиришга тайёрланаётганида унинг мазмуни ҳақида ўйлаб кўриш;

в) гапирилиши лозим бўлган жумладаги сўзларнинг турли маъноларини аниқлашнинг ҳисобга олиш;

4.Эшитилган ахборотдаги а) фактларни, б) фикрларни, с) иборалар маъносини танлаш йўли билан энг мақбулларини аниқлаш ;

5.Фактлар, фикрлар ва тасаввурларни комбинациялаштириб тугал фикр билдиришга тайёрланиш;

6.Билдирилаётган фикрнинг мазмуний яхлитлигини таъминлаб тузишга уриниш;

7. Ахборотни тўғри ва тартибли эшитиш борасида ўз-ўзини бошқаришни ўрганиш .

Коммуникатив топшириқлар асосида ташкил қилинган нутқий ҳаракатлар (дастлабки кўникмалар) алоҳида кўникмалар, масалан грамматик кўникмаларни шакллантиришда хусусий характерга эга бўлиши мумкин.

Жумладан, грамматик кўникмаларни шакллантирувчи қуйидаги нутқий ҳаракатларни ўзлаштириш кўзда тутилади:

1. Лексик бирликнинг гапдаги бошқа бирлик билан мослашувини тўғри белгилаш;

2. Гапнинг эгасини , кесими ва иккинчи даражали бўлақларини ўрнини белгилаш;

3. Феъл замонини, шахсини аниқлаб, уни эга билан мослаштириш;

4. Суҳбатдош фикри қандай шаклда(тасдиқ, сўроқ, инкор) гапирилганлигини аниқлаш;

5. Суҳбатдош гапига қандай шаклда(формада) жавоб беришни аниқлаш ва бунда сўз тартибига риоя қилиш.

Масалан, ўқитувчи биринчи ўқувчига «*Эртага паркка сайрга бормаслиқларингни айт*» деган коммуникатив топшириқ беради.. Ўқувчи таянч воситалар ва кўргазмали қуроллардан фойдаланиб суҳбатдоши-иккинчи ўқувчига «*Demain nous n'irons pas au parc*» - деган ахборотни узатади. Бу жумлани эшитган ўқувчи қуйидаги нутқий ҳаракатларни бажариши лозим:

1. иш ҳаракати эртага содир бўлишлигини;

2. гап биринчи шахс кўпликда ифодаланганлигини;

3. у инкор формада эканлигини;

4. феъл келаси замонда биринчи шахс кўпликда эканлигини;

5. «*parc*» сўзи олдидан туташ артикл ишлатилганлигини;

6. ниҳоят гап мазмунини эса суҳбатдоши фойдаланган кўргазмали ва экстралингвистик воситалар орқали эшитиб тушунади;

7. гапга сўроқ, инкор, тасдиқ формаларда жавоб беришга рағбатланиб, суҳбатдош гапининг тузилишига эътибор беради.

Кўриб турганимиздек коммуникатив топшириққа жавоб беришда дастлаб суҳбатдош гапини тинглаб тушуниш, лексик бирликлар ўрнини фаҳмлаш, маъносини тушуниш, суҳбатдош репликасига тақлид қилиб (талаффузга) грамматик формани бошқа шахсда гапириш каби ақлий ҳаракатлар рўй беради. Бу ўринда коммуникатив топшириқнинг нутқ вазиятига мос келиши, суҳбатдошнинг фикри иккинчи ўқувчида гапиришга, яъни муносабат билдиришга рағбат уйғотиши лозимлигига ҳам алоҳида эътибор берилади. Бундай рағбат ўқувчига эмоционал таъсир қилувчи барча аудио-визуал ва экстралингвистик воситалардан фойдаланиш, гапга ҳазил ва юмор элементлардан қўшиш йўли билан уйғотилади.

Дарснинг бу босқичига одатда дарс соатининг 60% вақтини ажратиш тавсия қилинади. Мустаҳкамлаш босқичида мавзуга оид барча коммуникатив топшириқлар ана шу тарзда бажарилади. Ўқувчилар коммуникатив топшириқни кўп марталик такрор жараёнида бажаришда ундаги лексик бирликлар ифодалаган маънони, грамматик, синтактик конструкцияларни, уларни талаффуз оҳангини ўзлаштириб оладилар.

Коммуникатив топшириқни мустаҳкамлаш дарсдан ташқари вақтларда ўқув лабораториясида ташкил қилинадиган, магнитофон, компьютарга киритилган паузали машқлар орқали давом эттирилиши мумкин. Бунда ўқувчилар белгиланган муддатда репликани эшитишлари, қолдирилган паузаларда унга жавоб беришни, яна эшиттириладиган тўғри вариантдан ўз хатоларини тўғрилашни машқ қилишлари мумкин.

Коммуникатив топшириқдан эркин нутқ вазиятида фойдаланиш босқичи. Бу босқичда энди ўқувчилар жуфтликлари, гуруҳлари алоҳида нутқ машқлари бажарилади. Бу босқичда бажариладиган нутқ машқларини методик жиҳатдан ташкил қилиш алоҳида мавзу бўлганлиги учун, бу масалага тўхталиб ўтирмаймиз. Бу босқич ўша машғулотнинг охирида ёки навбатдаги машғулотда ўқувчилар жуфтликларининг, гуруҳларининг ўзаро фикр алмашувини текшириш ва баҳолаш сифатида ташкил қилиниши ҳам мумкин.

Маълумки, барча ўқувчиларнинг ўзлаштиришини ҳар бир дарсда системали назорат қилиш ва баҳолаш ўқувчилар жуфтликларини, гуруҳларини ўқув масъулиятини янада ошишига, жуфтликларда, гуруҳ ичида яхши баҳо оlishдаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Якка ўқувчини эмас, гуруҳнинг ўзлаштиришини баҳолаш бундай масъулиятни янада оширади.

Белгиланган коммуникатив топшириқ мулоқот даражасида ўзлаштирилганидан сўнг, дастурда белгиланган фонетик, лексик, грамматик қоидалар тушунтирилади. Табиийки, мулоқот даражасида ўзлаштирилган билимлар осонгина идрок қилинади.

Шундан сўнг коммуникатив топшириққа оид матнни тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, фикрни ёзма баён қилишга мўлжалланган машғулотлар ташкил қилинади. Бу босқичда ўқувчилар илк бора ўзлари мулоқот жараёнида ўзлаштирган лексик бирликларнинг ёзилиш тимсоллари, грамматик ва синтактик қурилмалар билан танишадилар.

Коммуникатив топшириққа оид мавзу бўйича фикрларни ёзма баён қилишга ўргатиш дарсларида ўқувчилар мулоқот жараёнида ўзлаштирган турли лексик, грамматик машқларни ёзма шаклда бажаришга, саволларга ёзма жавоб беришга, мавзу бўйича кичик баёнлар ёзишга ўрганадилар. Хуллас, ўқув машғулотларини коммуникативлик принципларига асосланиб ташкил қилиш дарс самарадорлигини ошишига, машғулотларни ноанъанавий шаклларда, интерфаол усулларда ташкил қилишга, ўқувчиларда коммуникатив салоҳиятни

шаклланишига, турли коммуникатив вазиятларда ўз фикрларини эркин баён қилишларига олиб келади.

4.Мулоқотга ўргатиш жараёнида ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини шакллантириш ва ривожлантириш. Ўқувчиларда коммуникатив компетенцияни, яъни суҳбатга кириша олиш салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш, одатда, кўпгина педагогик ва психологик омиллардан самарали фойдаланишга боғлиқ.

Коммуникатив компетенцияни шакллантириш нутқ фаолиятига ўргатиш жараёнида нутқий фаолият усулларини ўргатувчи коммуникатив топшириқлар орқали ташкил қилинади. Бундай топшириқлар ўқитувчи томонидан тайёрланиб, уларни бажаришнинг психологик ва методик омиллари белгиланади.

Таълим жараёнини инсонпарварлик руҳида ташкил қилиш ҳар бир ўқувчининг шахсини ва ўқув фаолиятини эркин равишда шаклланишига тегишли шарт-шароитлар яратилишини тақозо қилади. Ўқувчилар гуруҳи ичида, ўқитувчи-ўқувчилар ўртасида ўрнатилган самимий, эркин муносабатлар, қувноқ ва шодон кайфият, ўзаро ҳайрихоҳлик, бегараз ёрдам айнан ана шундай психологик омиллардир. Бундай психологик омиллардан фойдаланмаслик ўқувчини хато қилиб қўйса, қаттиқ танқид эшитишидан қўрқадиган, ёмон баҳо олса, тенгдошларига мазаҳ бўлишдан қўрқадиган, тортинчоқ, ўз фикрини айтишдан уяладиган ўқувчи қилиб қўяди. Табиийки, бундай ўқувчиларнинг нутқи ҳам яхши ривожланмай қолади. Ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини шаклланишига ва ривожланишига йўналтирилган коммуникатив таълимда қўйидаги психологик омилларга асосий эътибор қаратилади:

1.Ўқувчиларга мулоқот жараёнида ўз шахсий фикрларини эркин равишда ифодалаш имконияти берилади;

2.Мулоқотнинг ҳар бир иштирокчиси ўз суҳбатдошининг(гуруҳ аъзоларининг) диққат эътиборида бўлади;

3.Бундай мулоқотда ўқувчиларнинг нотўғри, қарама-қарши ва мантиққа зид фикрлари ҳам қўллаб-қувватланади.Чунки, буларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг мустақил фикрлаётганидан, фаол ўқув фаолиятига киришганидан далолат беради;

4.Мулоқот иштирокчилари ўзларини танқид қилишларидан, хатоларга йўл қўйишликларидан чўчимасликка ўрганадилар;

5.Мулоқот топширигини жуфт бўлиб ёки гуруҳ бўлиб бажаришда ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятлари, қобилияти ва ўзлаштириш даражалари ҳисобга олинади;

6.Жуфтликлараро, гуруҳлараро муносабатлар самимий, дўстона ёрдам, ўзаро бир-бирларига ҳайрихоҳлик, бир-бирини тушуниш руҳида ташкил қилинади;

7.Мулоқот жараёнида йўл қўйилган тил нормаларининг бузилиши, нотўғри талаффузлар ўша вақтнинг ўзидаёқ тўғриланмайди ва гапиришдан тўхтатиб қўйилмайди. Бундай хатолар ўқутувчи томонидан ҳисобга олиб борилади ва уларни аста-секинлик билан бартараф қилиш чоралари кўрилади.

Шундай қилиб, ўқув жараёнини инсонпарварлик руҳида ташкил қилиниши салбий таъсир этувчи психологик ғовларнинг бартараф этилишига ва ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини шаклланишга олиб келади.

Ҳозирги замон методик адабиётларида коммуникатив компетенцияни шакллантириш ва ривожлантиришнинг қўйидаги стратегияси белгиланган (№22 слайд намоиш қилинади):

1.Мулоқот жараёнида коммуникатив топшириқдаги фонетик, грамматик белгиларни идрок қилишга ўргатиш;

2.Фикрни мазмунли ифодалаш формулаларини эгаллаб олишга ўргатиш;

3.Суҳбатдош билан муносабатга киришиш қоидаларини эгаллашга ўргатиш;

4.Мулоқот этикасини эгаллашга ўргатиш.

Мулоқот жараёнида коммуникатив топшириқдаги фонетик, грамматик белгиларни идрок қилиш тақлидий ўзлаштириш ёки ёд олиш орқали амалга оширилади.Тақлидий ўзлаштириш эшитилган жумла мазмунини аудио-визуал воситалар ёрдамида идрок қилиш орқали ташкил қилинади. Ёд олиш эса коммуникатив топшириқни бажаргандан кейин ўзлаштирилган оғзаки нутқ материали асосида уюштирилса, яхши натижа беради. Анъанавий ўқитишда сўзлар ифодалаган маънони тушунмасдан ёдлатиш усули мавжуд эдики, бундай ёдлатиш хотирада узоқ сақланмаслиги билан характерланади. Эшитиб тушунилган нутқ материали кўп марталик такрор асосида мустақамлангач, бу ўқувчига ўз фикрини мазмунли ифодалаш усулларини, маълум бир нутқ вазиятларида суҳбатдошига нимани гапиришни, қандай гапириш усулларини эгаллашга ёрдам беради.

Суҳбатдош билан мулоқот ўрната олиш қобилиятини шакллантириш эса жумлаларни бир-бирига боғлаш, суҳбатдош фикрини интиутив англаш, унга тасдиқ, инкор, сўроқ формаларда муносабат билдира олиш формаларини эгаллашга ўргатиш орқали ташкил қилинади. Методик адабиётларда мулоқотга кириша олишнинг қўйидаги усуллари илгари сурилган (№23 слайд намоиш қилинади):

1.Ўз суҳбатдошининг диққат эътиборини ўзига қаратиш формулаларини ўрганиб олиш;

2.Ўз фикрини мимика ва жестлар орқали тушунтириш усулларини эгаллаш;

3.«Фикримни тушунтира олдими?», «Мен тўғри тушундимми?, «Мени тушундингизми?» каби кўп ишлатиладиган мулоқот формулаларидан фойдаланишга ўргатиш;

4.Зарур сўз топилмай қолганида, уни турли усуллар билан, перифраза қилиш, ҳаракат, имо-ишора, мимика ва жест орқали фойдаланишга ўргатиш;

5.Гап структурасини соддалаштириб гапиришга ўргатиш;

6.Гапиришда хато қилиб қўйса, суҳбатдошидан уни тўғрилаб беришни илтимос қилишдан уялмасликка ўргатиш;

7.Керакли вазиятда суҳбат мавзусини ўзгартириб, уни давом эттириш усуллариини эгаллашга ўргатиш.

Коммуникатив компетенцияни шакллантириш кўп жиҳатдан коммуникатив топшириқни бажаришда иштирок этувчи ўқувчи ўз суҳбатдошининг репликасини тўғри тушунишига боғлиқ. Суҳбатдош репликасини тўғри тушуниш қўйидаги усулларда амалга оширилади (№24 слайд намоёниш қилинади):

1.Эшитилган жумла ичидаги сўзлар мазмунини , жумла мазмунини идентификациялаш, яъни жумланинг моҳиятини англаш, тақлидий идрок этиш, асосий ва иккинчи даражали фактларни аниқлаш;

2.Эшитилган жумла мазмунини тўғри англаш учун мазмунни умумлаштиришга уриниш;

3.Эшитилган жумла мазмунини фикран қисқартириб идрок этиш.

Бу ўринда коммуникатив топшириқни бажараётган жуфтлиқ ёки гуруҳнинг синфда қандай жойлашуви ҳам муҳим аҳамиятга эга.Чунки ҳар бир ўқувчи ўз суҳбатдошининг қиёфасидаги самимийлик, беғаразлик, ҳайрихоҳлик аломатларини кўриб туриши, бу уни суҳбатга, фикр билдиришга рағбатлантиришини унутмаслик керак. Шу сабабли коммуникатив топшириқни бажаришда ўқувчиларни синфда уч усулда жойлаштириш тавсия қилинади:

1. Ёнма-ён ўтирган ўқувчилардан жуфтлиқлар тузиш;

2.Бутун синф ўқувчиларининг парталарини доира шаклида жойлаштириш;

3.Ҳар бир ўқувчилар гуруҳини алоҳида ўтқозиш..

Синфда ташкил қилинган гуруҳлар доира шаклида жойлаштирилса, гуруҳлараро мулоқот уюштириш учун, ўқитувчи билан муносабатга киришиш учун энг қулай шарт-шароит яратилган бўлади.

Коммуникатив компетенцияни шакллантириш турли ўйинлар, интермедиялар, кулгули юмор ва ҳазиллар орқали ҳам ташкил қилиниши мумкин. Ўйин, кулгили латифалар орқали шаклланган коммуникатив компетенция ўқувчи шахсида ўз -ўзини англаш, ўз ички имкониятларидан фойдаланишга уриниш, хорижий тилда тортинмасдан гапириш орқали синфдошларига ўзини кўрсатиб қўйиш каби ижобий сифатларни шаклланишига ёрдам беради. Зеро, мустақил республикаимизниг кадрлар тайёрлаш борасидаги

истиқбол режаларида ҳам келажак авлодимиз биздан ақиллироқ, заковатлироқ, киришимлироқ фуқоралар бўлиб етишишлари лозимлиги таъкидланган.

МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1.Коммуникатив топшириқни бажаришдаги методик шартларни аниқланг.

Таянч сўзлар: *нутқ вазияти, кўп марталик такрор, аудио-визуал, эмоционал ва паралингвистик воситалар, ж уфғи ва гуруҳ бўлиб ишлаш.*

2.Коммуникатив методиканинг анъанавий ўқитиш методларидан фарқини тушунтиринг. **Таянч сўзлар:***нутқий ҳаракат, аудио-визуал ва таянч воситалар.*

3.Коммуникатив топшириқни бажариш усулларини изоҳлаб беринг.

4.Коммуникатив салоҳиятни шакллантириш шартларини изоҳлаб беринг.

Қуйидаги адабиётлардан фойдаланиб, билимларингизни чуқурлаштиринг:

1.Абдуллаев Ю.Н., Бушуй А.М. Коммуникативная методика обучения иностранным языкам и зарубежный педагогический опыт. Учебное пособие. Самарканд-2001.130 с.

2.Болдырев Н.Н. Лингвистические основы коммуникативных методов обучения иностранному языку. \ \ Иностранные языки в школе. М.,1998..№3. с.12-15.

3.Крупко А.Г. Формирование коммуникативной компетенции с использованием разговорных формул на уроках чет тилиского языка. \ \ Журнал «Иностранные языки в школе», 1992, №2, с.55-59.

4.Мильруд Р.П., Максимова И.Р.Современные концептуальные принципы коммуникативного обучения иностранным языкам.//Журнал «Иностранные языки в школе» М.,2000, №4-5, сс.19,17.

5.Пассов Е.И.Основы коммуникативной методики обучения иноязычному общению.М.,: Русский язык, 1989. 273 с.

6.Скалкин В.Л.Коммуникативные упражнения на английском языке. М.:Просвещение, 1983.-170с.

7—мавзу: ТАЛАФФУЗ КЎНИКМА, МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ

1.Умумтаълим мактабларида талаффузга ўргатишнинг мақсад ва вазифалари

2.Талаффузга ўргатиш принциплари

3.Талаффуз малакаларини шакллантиришдаги йўналишлар

4.Талаффуз малакаларини шакллантириш усуллари

5. Талаффузга ўргатиш дарсининг методик характеристикаси

1.Умумтаълим мактабларида талаффузга ўргатишнинг мақсад ва вазифалари. Маълумки, ҳар қандай хорижий тилни ўргатиш шу тилдаги товушларини, сўзларни, жумлаларни тўғри талаффуз қилиш қоидаларини ўргатишдан бошланади. Чунки талаффузни ўрганмасдан, бирон бир хорижий тилда гаплашиш, эшитиб тушуниш, ўқиш ва ёзишга ўрганиш жуда қийин. Хорижий тилдаги сўз, жумла эшитув, кўриш ва нутқ органларининг ҳаракати натижасида содир бўладиган товушлар йиғиндиси орқали англанади. Демак, товуш ва товушлар йиғиндиси - сўзлар, жумлалар, артикуляция ва график тимсолларда ўз аксини топади. Талаффузга ўргатишда бу учала компонент комплекс равишда ишга туширилиши керак.

Талаффузга ўргатишда ўқувчининг тўғри эшитиш қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Тўғри эшитиш қобилияти ривожланмаган ўқувчилар она тилимизда учрайдиган товуш ва жумлаларни талаффуз қилишда қийналадилар. Улар учун товушларни махсус дифференциялаштириб ўргатувчи машқлар ташкил қилинади. Демак, бу ўринда гап ўқувчиларининг эшитув-талаффуз малакаларини шакллантириш ҳақида бориш лозим. Эшитув-талаффуз малакалари чет тили ўқитишнинг биринчи йилидаёқ шакллантирила бошланади ва бу малакалар босқичма-босқич такомиллаштирилиб борилади. Дарсларга киритилган лексик-грамматик материаллар билан комплекс ташкил қилинган талаффуз материали ана шу принцип орқали синфлараро тақсимланган. Бошланғич синфда (5-синф) талаффузга ўргатиш ҳар иккала тилда бир хил ёзиладиган, бир хил талаффуз қилинадиган товушлар ва шунга оид лексик материалдан бошланади. Аста-секинлик билан она тилида мавжуд бўлмаган товушлар, фонетик ҳодисалар ўргатила бошланади. Тиллараро фонетик интерференциянинг салбий оқибатларни олдини олиш учун қийин товушларни акустик, артикуляцион жиҳатларини ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Бундай интерференция бурунлашган товушларни, ярим унлиларни, *liaison*, *enchainement*, *elision* ҳодисаларини ўргатишда, очик ва ёпиқ, қисқа ва чўзиқ унлиларни фарқлашда, ҳарфнинг сўздаги ҳолатига кўра турли товушларни ифодалашни ўргатишда, сўз охирида ўқиладиган ва ўқилмайдиган ундошларни ўргатишда содир бўлиши мумкин.

Талаффузга ўргатиш, товушлар талаффузига ўргатиш ва нутқ оҳангига ўргатишни ўз ичига олади. Товушлар талаффузи якка ҳолда, сўз ичида ва жумла ичида ўрганилади. Бунинг учун товушни, талаффузни, оҳангни ўргатадиган махсус нутқ намуналаридан (грамматик структуралар, модел гаплардан) фойдаланилади. Нутқ оҳангига (интонацияга) ўргатишда тасдиқ, инкор, сўроқ гап оҳангига ўргатиш кўзда тутилади. Нутқ оҳанглари махсус нутқ намуналари орқали автоматлаштирилади. Фонетик минимум 35та товушни, нутқ оқими оҳангини, *liaison*, *enchainement*, *elision* ҳодисаларини ўзлаштиришни кўзда

тутади.

Талаффузга ўргатиш юқори синфларда ифодали ўқиш, шеърлар айтиш, гапириш орқали такомиллаштирилади. Мактаб дастурини тамомлаган ўқувчилардан ўз нутқини фонетик жиҳатдан тўғри расмийлаштира олиш, эшитган жумлаларни тўғри идрок эта олиш талаб қилинади.

2.Талаффузга ўргатиш принциплари. Ҳар қандай соҳага ўргатишнинг ўзига яраша қонун- қоидалари бўлганидек, талаффузга ўргатишда ҳам ўқитувчи маълум қонун-қоидаларга риоя қилади. Бу қоидаларга риоя қилиниши таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлайди. Улар қуйидагилардан иборат (№25 слайд намоиш қилинади):

1.Талаффузга ўргатишда она тилида шаклланган талаффуз малакаларидан самарали фойдаланиш. Методик адабиётларда бу ҳодиса «малакаларни кўчириш» деб аталади. Шу принцип айрим товушларнинг тақлидий талаффузини шакллантиришда, она тилидаги ва чет тили тилидаги муайян бир товушни талаффуздаги фарқларни аниқлашда, қиёслашда, таққослашда фойдаланилади;

2.Талаффузга ўргатишда барча сезги органларни комплекс ишга тушишини таъминлаш. Бу принцип ўқувчидан товушни эшитишни, унинг график ифодаланишини кўришни, ўз нутқ органларининг ҳолатини кўрган ҳолда муайян товушни, сўзни, жумлани ўзлаштиришни кўзда тутади;

3.Ўрганиладиган фонетик материалнинг ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиб, ўргатишни энг самарали усулларида танлаш. Бу ўринда нафақат сезги органларига комплекс таъсир, балки ўқувчи фаолиятини самарали ташкил қилиш имконини берадиган, тақлидий-тахминий, дифференциялаштирувчи машқлардан фойдаланиш лозим бўлади;

4.Талаффузга ўргатишда таълимнинг техника воситаларидан, кўргазмали куроллардан кенг фойдаланиш. Бу ўринда лингафон хоналарининг ўрнини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўқувчи ўз талаффузидаги хатони ўзи эшитиб топсагина, бундай хато тезроқ бартараф қилинади. Шу мақсадда паузали машқлардан ташкил қилинган фонограммалар, грампластинкалар, видеограммалардан фойдаланиш талаффуз малакаларини шакллантиришга ижобий таъсир қилади. Товушлар тақдимотида жадваллардан, расмлардан, карточкалардан, кўзгилардан фойдаланиш яхши натижа беради;

5.Талаффузга ўргатишни гапиришга, эшитиб тушунишга, ўқиш ва ёзишга ўрганиш билан комплекс ташкил қилиш.

3.Талаффуз малакаларини шакллантиришдаги йўналишлар.

Мактаб шароитида талаффузга ўргатиш уч йўналишда амалга оширилиб келинмоқда:

1. Талаффузга ўргатишда артикулятив ёндошув;

2. Талаффузга ўргатишда акустик ёндошув;
3. Талаффузга ўргатишга дифференциал ёндошув;

Талаффузга ўргатишга артикулятив ёндошув тарафдорлари (И.А.Грузинская, К.М.Колосов, О.А.Норк, А.Н.Рабинович) ҳар бир товуш бўйича талаффуз малакаларини шакллантиришни, бунда ҳар бир товуш талаффуздаги нутқ органлари ҳолатини яхши билишликни, эшитиш малакаларини- талаффуз малакаларидан ажратиб шакллантиришни таклиф қиладилар. Дарҳақиқат, бундай ҳолатда ўқувчиларда талаффуз малакалари мустаҳкамроқ шаклланади. Бироқ, бу ўринда талаффузга ўргатиш - гапиришга ўргатиш билан қўшиб олиб борилиши ҳақидаги принципга амал қилинмай қолади. Табиийки, талаффузга ўргатишдаги бу ёндошув ўрта мактаб шароитига эмас, кўпроқ чет тили тили фонетикасини махсус курс сифатида ўқитиладиган олий ўқув юртлари дастурга мос келади. Бундан ташқари, мактаб шароитида чет тили ўқув предметида ажратилган соатларнинг озлиги бундай ёндашувдан мунтазам фойдаланиш имкониятини бермайди. Қолаверса, товушларни нутқ жараёнидан ажратиб ўргатилиши, асосий эътибор фонетик машқларга қаратилиши, нутқ фаолиятига комплекс ўрганишга салбий таъсир қиладди. Бу ёндашувдан кейинчалик товушлар орқали талаффузга ўргатишда фойдаланса бўлади.

Талаффузга ўргатишда акустик ёндошув тарафдорлари талаффуз малакаларини фақат оғзаки нутқ жараёнида шакллантиришни, бунда асосий эътиборни эшитиш сезгиларни ривожлантирувчи таклидий машқлардан фойдаланишни таклиф қиладилар. Бу ўринда гапиришга, ўзаро фикр алмашувга ва нутқ малакаларини эгаллашга кўпроқ эътибор берилиши билан коммуникатив ёндошув принципларига мос келади. Фақат товушларни нутқ вазиятларига мос келадиган коммуникатив топшириқлар орқали ўзлаштирилиши талаб қилинади, ҳолос. Айрим методист олимлар акустик ёндошувда(табиийки коммуникатив ёндошувда ҳам) эшитиш қобилияти яхши ривожланмай қолган ўқувчиларда айрим қийин товушлар, фонетик ҳодисалар бўйича талаффуз малакалари тўғри шаклланиши мумкинлигини, таклидий машқлар бажаришда кўпроқ нутқ, кўникма ва малакалар шаклланишига эътибор берилиши туфайли, айрим товушларнинг артикуляцияси, акустикаси тил нормаларига мос келмай қолиши мумкинлигини таъкидлайдилар. Уларнинг бу эътирозларига асосий мақсад ўқувчиларни ўзаро мулоқатга ўргатиш бўлган ҳозирги шароитда қўшилиш қийин. Зеро, талаффузда йўл қуйилган хатолар муносабат билдиришга, информация узатишга ҳалақт қилмайди ва бундай камчиликлар кўп марталик такрор жараёнида тўғриланиши кўзда тутилади. Акустик ёндошув орқали талаффузга ва гапиришга ўргатиш айниқса қисқа муддатли интенсив курсларда ёки эшитув сезгилари яхши ривожланмаган ўқувчилар гуруҳида яхши натижа бериши мумкин.

Талаффузга ўргатишда умумметодик принцип ҳисобланувчи

дифференциал ёндошув яхши натижалар беради. Бунда талаффузга ўргатиш таълим босқичларига, тил материалининг осон-қийинлигига, таълим шароитига кўра ташкил қилинади ва таълим самарадорлигини таъминлаш учун турли метод ва усуллардан, машқлардан фойдаланиш кўзда тутилади. Дифференциал ёндошув талаффуз малакаларини шакллантиришда қуйидаги принципларга риоя қилишни талаб қилади (№26 слайд намоёниш қилинади):

1.Ўзлаштирилиши қийин фонетик ҳодисаларни ҳамма анализаторларни (сезги органларини) ишга туширилган ҳолда индивидуал ўзлаштиришни ташкил қилиш;

2.Товушларни мулоқат жараёнида эшитиб тушунишга ва айтиш пайтда талаффуз кўникма ва малакаларини шакллантиришга кўпроқ эътибор бериш;

3.Ҳар бир дарснинг бошланишида ўрганилган товушларни мустаҳкамлайдиган, кичик шеърлар ва тез айтишларни, мақолларни бутун синф бўлиб такрорлаш орқали фонетик машқ (фон.зарядка) уюштириш.

Фонетик машқ (зарядка) уюштиришдан асосий мақсад ўзлаштирилган товушлар, сўзлар, жумлалар, **liaison, enchainement** ҳодисаларини дарснинг бошланишида такрорлатиш, бу орқали фонетик, лексик, грамматик қоидаларни яна бир бор ўқувчи хотирасида тиклаш, ўқувчиларни чет тили дарсига ҳозирлашдир.

Фонетик машқ (зарядка) ўқитувчи-синф, ўқитувчи–ўқувчи-синф, ўқувчи-синф режимида хор, ёки индивидуал талаффуз қилинадиган тил материали орқали уюштирилади.

У одатда жадвалга ёзилган фонетик машқ ёки фонограмма, ёдлашга берилган феъллар, рол ижро этиб бажариладиган ўйинлар орқали амалга оширилади. Жадвалда янги товушларни ифодаловчи ҳарфлар алоҳида кўриниб туришлари учун қизил рангда ёзилади. V-VI синф дарсликларида ҳар бир дарснинг бошида бажариш учун ана шундай махсус машқлар берилганки, уларнинг ҳар бири келгуси дарс учун фонетик зарядкага материал бўла олади.

Фонетик машқ (зарядка) матни ўқувчиларга кўринадиган, уларнинг диққатини тортадиган даражада чиройли ёзилиши лозим. Бошланғич синф ўқувчилари фонограмма орқали уюштиладиган фонетик зарядкани кузатиб бажаришлари учун кўриш анализаторларига таъсир қиладиган жадвалдан, ёки китоб матнидан фойдаланишлари мумкин. Бошланғич курснинг дастлабки 40-50 машғулотида фонетик зарядка ўтказиш мажбурий тус олгани маъқул. Кейинчалик уни ҳафтада бир марта шеърлар, тез айтишлар, янги сўзлар, янги нутқ намуналари, навбатчининг ахбороти каби шаклларда давом эттириш мумкин. Фонетик зарядкага дарснинг 3-5 минути ажратилади.

4.Дарс жараёнида шакллантирилган талаффуз кўникмаларини ўқув лабораториясида ва ўйга вазифа сифатида бажариладиган ёзма ишлар

билан ўч карра ташкил қилиб мустаҳкамлаш.

Лаборатория машқлари махсус жиҳозланган компьютерли лингафон кабинетиди, таълимнинг барча техник воситаларидан фойдаланиб, фонограмма, видеограммалар ёрдамида ташкил қилинади ва бу машқлар ўқувчилар томонидан индивидуал равишда бажартирилади. Лаборатория машқлари ўқитувчи раҳбарлигида дарс жараёнида ёки дарсдан ташқари вақтларда ташкил қилинади. Бирор товуш ёки жумла талаффузини, оҳангини ўзлаштиришда қийналган ўқувчилар ҳам ўқитувчидан лабораторияда индивидуал ишлаш учун махсус топшириқ оладидар. Фонограмма, видеограмма машқлари асосан **паузали машқлардан** иборат бўлади. Бунда дастлаб топшириқ эшиттирилади, берилган паузда ўқувчи уни бажариши ва пауздан кейин эшиттириладиган тўғри жавобдан ўз жавобини тўғрилигини текшириш лозим.

Талаффуз малакаларини шакллантиришга йўналтирилган лаборатория машқлари асосан биринчи-иккинчи йил чет тили ўрганаётган ўқувчиларга мўлжалланади. Кейинги босқичларда талаффуз малакалари ифодали ўқиш, шеърлар, машқлар, тез айтишлар ёдлатиш орқали такомиллаштирилиб борилади.

Ўзлаштириши қийин, тиллараро интерференцияга оид товушлар акустик, артикулятив ёндашув қоидаларига биноан тушунтирилади ва ўзлаштириш ташкил қилинади. Бунда ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси, қизиқиши, индивидуал хусусиятлари ҳисобга олиниб, махсус машқлар бажартирилади.

Талаффуз малакаларини шакллантириш биринчи машғулотлардаёқ дарсни чет тилида олиб боришни кўзда тутди. Табиийки, бунда ҳар бир жумла маълум нутқ вазияти орқали тақдим қилинади. Тушунилиши қийин бўлган, биринчи бор тақдим қилинган хорижий жумлалар амалий таржимаси билан тақдим қилинади. Кундалик мулоқот жараёнида жумлалар дарсма-дарс кўпайтирилиб борилади. Махсус бир товуш талаффузини шакллантириш, айрим товушларни кўпроқ такрорлаш асосида қурилган махсус машқларни эшитиб тушуниш жараёнида ташкил қилинади.

Дарсликдаги бундай машқлар нафақат эшитиб тушуниш учун, балки ўқитувчи талаффузидан кейин тақлид қилиб такрорлаш ва тўғри ўқиш учун ҳам хизмат қилади.

4.Талаффуз кўникма ва малакаларини шакллантириш усуллари.

Ўқувчиларнинг талаффуз малакалари лексик ва грамматик малакалар билан комплекс равишда дарсда ва лаборатория машғулотлари жараёнида бажартириладиган машқлар ва қўйидаги усуллар билан амалга оширилади:

1.Ҳар бир дарсни хорижий тилда олиб бориш, янги жумлалар сонини ҳар дарсда кўпайтириб бориш;

2.Ҳар бир дарс бошида аввал ўрганилган талаффуз материали юзасидан фонетик машқ (зарядка) уюштириш;

3.Ўқитувчи товушни талаффуз қилади, ўқувчилар шу товушни

ифодалайдиган ҳарф бирикмалари ёзилган карточкаларни кўрсатадилар;

4. Ўқитувчи ҳарф бирикмалари ёзилган карточкани кўрсатади, ўқувчилар бу ҳарфлар ифодалаган товушни кўрсатадилар, ёки хор бўлиб такрорлайдилар;

5. Ўқувчилар сўзларни эшитадилар ва кўрсатилган товушни эшитиб, қўл кўтарадилар;

6. Ўқувчилар эшитадилар ва кўрсатилган товуш неча марта ишлатилганини аниқлайдилар;

7. Ўқувчилар сўзлар ичидан кўрсатилган товушларини, жумлаларни алоҳида ажратиб ёзадилар;

8. Берилган сўзларни товуш-ҳарф таҳлилини қиладилар;

9. Товушлар фарқини аниқлаб, талаффуз қилишга ўргатувчи дифференциал машқларни бажариш ва бу жараёнда нутқ органлари ҳолатига эътибор бериш;

10. Диктордан, грампластинкадан, ўқитувчидан эшитган товушни, жумлани тақлид қилиб такрорлаш ва нутқ органлари ҳолатини кузатиш;

11. Диктордан, грампластинкадан, ўқитувчидан жуфт бўлиб ишловчи шериgidан эшитган жумла талаффузини тақлидан такрорлаш, трансформация қилиб ва аввал ўрганилган жумлалардан фойдаланиб, репродуктив машқ жараёнида такрорлаш;

12. Эшитилган жумлани намунага қарамасдан такрорлаш;

13. Эшитилган жумлани оҳангини аниқланш (тасдиқ, сўроқ, инкор гап.);

14. Сўроқ гап оҳангига тақлид қилинш;

15. Тасдиқ, инкор гап оҳангига тақлид қилинш;

16. Матндаги сўз, жумлалар ичидан ўқитувчи талаффуз қилган сўзни, жумлани топиб қўл кўтаринш ва ўқинш;

17. Эшитилган сўз ва жумлаларни транскрипция (юқори синфларда) қилинш;

18. Товушларни она тилидаги товушлар билан қиёслаш ;

19. Намуна диалогни эшитиб, тақлид қилиб такрорлаш;

20. Намуна диалог матнини эшитмасдан ўқиш;

21. Намуна диалогга қараб ўз диалогини тузиш;

22. Намунага қараб муайян товушни мустаҳкамловчи гап таркибини кенгайтириш машқларини бажариш;

Намуна: ***je vais .***

je vais à la maison.

Je vais à la maison avec mon ami.

Je vais à la maison avec mon ami pour faire nos devoirs.

23. Шу машқни намунага қарамасдан ўқитувчидан кейин такрорлаш;

24. Шу машқни мустақил бажариш;

25. Айрим товушлар талаффузини шакллантириш ва мустаҳкамлашда шеърлар, тез айтишлардан фойдаланиш, уларни ёд олдириш.

Намуна: ***Un, deux, trois,***

*Chaud, n'est pas froid.
Enfants silence,
La leçon commence!*

I, S товушларини мустаҳкамлаш учун тез айтиш машқи:

Si six scies scient six cigares, six cent six scies scieront six cent six cigares.

Ch, S товушлари учун тез айтиш машқи:

Un chasseur sachant chasser, doit savoir chasser sans chien.

g- товуши учун:

C'est une originalité qui ne se desoriginalisera jamais de son originalité.

Талаффузга ўргатувчи машқлар тақлидий ва таҳлилий бўлиши мумкин. Коммуникатив топшириқ ичидаги фонетик, лексик бирликларнинг мазмунини тушунган ҳолда, бирор бир намунага қараб ўзлаштирилишига тақлидий ўзлаштириш дейилади. Таҳлилий усул аксинча, онгли равишда мантикий фикр юритишни талаб қилади. Тақлидий усул таҳлилий усулсиз қўлланилса, ўқув материали онгсиз, тушунилмасдан ўзлаштирилади. Тақлиддан сўнг ўрганилган товушнинг график ифодаланишини ҳам таҳлил қилиб ўрганилса, бундай малака мустаҳкам бўлади. Ўқувчиларнинг талаффуз малакаларини шакллантиришда фақат ўқитувчи талаффузи этолон бўлиб қолмаслиги учун талаффузга ўргатишда диктор, ёки хорижий киши ижросидаги фонограмма ва видеограммалардан кенг фойдаланиш зарур.

5.Талаффузга ўргатиш дарсининг методик характеристикаси. Ҳозирги пайтда хорижий тилда талаффузга ўргатишда коммуникатив ёндошув, яъни талаффуз кўникма ва малакаларини коммуникатив топшириқни бажариш жараёнида лексик, грамматик, тинглаб тушуниш, гапириш кўникмалари билан комплекс ташкил қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Маълумки, ҳар қандай нутқ бирликлари (якка товуш, сўз, ибора, жумла) товушлар тимсолида эшитилади. Улар лексик, грамматик ва синтактик бирликлар йиғиндисидан ҳосил бўладиларки, у ёки бу кўникма ва малакани шакллантиришда улар ифодалаган якка ва умумий маънони тушуниш талаб қилинади. Талаффуз малакаларини шакллантиришда амалиётда кенг қўлланилаётган бир товуш юзасидан ташкил қилинадиган ўқув фаолияти элементар кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилса, лексик, грамматик, синтактик кўникма ва малакаларни комплекс ўзлаштиришни кўзда тутувчи коммуникатив фаолият интеграциялаштирилган кўникма малакаларни шакллантиришни кўзда тутди. Интеграциялаштирилган кўникма ва малакалар(рус, ўзбек тилларидан ортирилган кўникма ва малакалар) коммуникатив топшириқ ичидаги сўзлар, синтагмалар, иборалар талаффузи бўйича олиб борилади. Бў ўринда сўз, ибора ва жумлаларнинг акустик оҳангига (интонациясига) алоҳида эътибор берилади. Одатда бу ўринда жумлаларнинг тасдиқ, сўроқ, инкор формалари интонациясини ўзлаштирилишига ва бунда нутқ вазияти, нутқий вазифанинг белгисини фаҳмлаш, англаш кўзда тутилади.

Кейинги йилларда талаффуз кўникма ва малакаларини шакллантиришда муайян фонетик, лексик, грамматик материални ўз ичига олувчи коммуникатив топшириқларни жуфт ёки гуруҳ бўлиб бажариш самарадор усул сифатида тан олинмоқда. Бунда топшириқни бажариш жараёнида бир йўла фонетик, лексик, грамматик, тинглаб тушуниш кўникма ва малакаларини комплекс шакллантириш ва ривожлантириш кўзда тутилади.

Талаффуз кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг коммуникатив усули деб тан олинаётган бу ёндашув бугунги кундаги чет тили ўқитишнинг асосий мақсади – мулоқотга ўргатиш принципларига асосан уюштирилади. Масалан, хорижий тил мутахассислик сифатида ўргатиладиган олий ўқув юртларида амалий фонетика дарсларида товушларнинг нуткий органларнинг ҳолатига кўра акустик усулларда ўргатиш сўз ва жумлалар талаффузининг коммуникатив топшириқлар бажартириш билан қўшиб олиб борилади.

Бу жараён одатда уч босқичда ташкил қилинади (№27 слайд намоёйиш қилинади):

Биринчи босқичда эшитилган коммуникатив топшириқнинг талаффузи, унинг лексик, грамматик, синтактик белгилари, талаффуз тимсоллари билан таништирилади, идрок қилинади ва дастлабки кўникмалар шакллантирилади.

Иккинчи босқичда кўп марталик такрорга асосланган, топшириқни мустаҳкамлашга йўналтирилган тақлидий(имитация), трансформацион, репродуктив машқлар орқали дастлабки талаффуз кўникмалари шакллантирилади.

Бу жараёнда коммуникатив топшириқ ичидаги фонетик, лексик, грамматик синтактик дифференциал белгилар идрок қилинади ва фикр алмашув жараёнида мустаҳкамланади. Талабалар жуфтликларга бўлинган ҳолда топшириқни тасдиқ сўроқ инкор формаларда, турли шахсларда кўп марта такрорлаб, ўқитувчи кўрсатмаси билан тақлидий, трансформацион ва репродуктив машқлар бажарадилар. Машқларни бажариш жараёнида таянч ва аудио-визуал во ситаларнинг барча турларидан кенг фойдаланилади. Бу ўринда муайян товушни сўз ва жумлалар ичида тақлидий ва трансформацион усулларда ўзлаштиришга мўлжалланган бир неча коммуникатив топшириқлардан мисол келтирамиз.

Биринчи ўқувчининг гапини иккинчи ўқувчи тақлидий такрорлашга, унда белгиланган фонетик, лексик, грамматик белгиларни тақлидий ўзлаштиришга мўлжалланган коммуникатив топшириқ:

1-ўқувчи: *Nadine, après les classes tu dois aller au magasin et acheter du pain. D'accord?* (Надин, дарслардан сўнг сен дўконга боришинг ва нон сотиб олишинг керак.Келишдикми?)

2-ўқувчи: *D'accord Nadine, après les classes j'irai au magasin et j'acheterai du pain.* (Келишдик Надин, дарслардан сўнг мен дўконга бораман ва нон сотиб оламан)

Биринчи ўқувчининг гапидаги белгиланган фонетик, лексик, грамматик белгиларни иккинчи ўқувчи аввал ўрганилган бошқа фонетик, лексик, грамматик белгилар билан алмаштириб гапиришга ўргатувчи репродуктив коммуникатив машқ:

1-ўқувчи: *Rustam, veux-tu acheter du bonbon? (Рустам конфет сотиб олишни хоҳлайсанми?)*

2-ўқувчи: *Non, je n'aime pas de bonbon, je préfère la glace. (Йўқ, мен конфетни ёқтирмайман, мен музқаймоқ сотиб оламан.)*

Биринчи ўқувчининг гапини иккинчи ўқувчи синтактик конструкцияларга трансформация қилиб гапиришга ўргатувчи коммуникатив машқ:

1-ўқувчи: *Je ne veux pas lire ce livre. Il n'est pas très intéressant (Мен бу китобни ўқишни хоҳламайман, у қизиқ эмас.)*

2-ўқувчи: *Il dit qu'il ne veut pas lire ce livre. Il dit que ce livre n'est pas intéressant. (У бу китобни ўқимайман, у қизиқ эмас деяпти.)*

Бу жараёнда шакллантириладиган талаффуз кўникмалари лексик, грамматик, тинглаб тушуниш, мулоқотга киришув кўникмалари билан чамбарчас боғлиқлиги таъминланади.

Шакллантирилган дастлабки талаффуз, лексик, грамматик, тинглаб тушуниш кўникмалари ўқув лабораториясида ташкил қилинадиган паузали коммуникатив машқларни бажариш жараёнида ва уйга вазифани ёзма бажариб келишда икки бора қайта мустаҳкамланади.

Методикада коммуникатив топшириқлар ёрдамида бажариладиган бундай машқларни шартли нутқ машқлари деб ҳам юритилади. Шартли нутқ машқларининг коммуникатив вазиятга боғлиқлигини, улар талабаларнинг ҳаётий эҳтиёжларига, қизиқишларига мослигини таъминлаш, машқ жараёнида турли таянч ва эмоционал таъсир воситалардан комплекс фойдаланиш бундай мустақил ишнинг ўқув самарадорлигини янада оширади.

Учинчи босқичда шакллантирилган фонетик, лексик, грамматик, тинглаб тушуниш кўникмаларни малакаларга айлантириш бўйича нутқий машқлар бажариш амалга оширилади. Нутқ машқлари ўқувчилар жуфтликлари ўртасида дастлаб карточкаларга қараб, кейинчалик қарамасдан бажарилади.

Бу ўринда ўқитувчининг ўқувчилар қандай нутқий ҳаракатларни бажариш лозимлиги ҳақидаги кўрсатмалари муҳимдир. Масалан, «**Ўртоғиннинг гапини эшитиб, унинг фикрини маъқулла, инкор қил, савол бер**» ва ҳакоза.

Нутқ машқларини бажаришда ўқувчиларнинг қувноқ кайфиятини, фаоллигини таъминлайдиган эмоционал таъсир воситаларидан бири коммуникатив топшириқни ўқувчилар севиб тинглайдиган бирор ашуланинг мусиқа садолари остида қуйлашга ўргатишдир. Бундай «қуйлаш» ўқувчилар жуфтликлари орасида ёки бутун синф ўртасида дастлаб шивирлаб, кейин овоз чиқариб уюштирилади. Қувноқ мусиқа жараёнида ўрганиладиган жумланинг талаффузи, ифодалаган маънолари осон ўзлаштирилади, турли имо-ишоралар

(пантомима) орқали кўрсатилиши эса нутқ машқини қизиқарлилигини таъминлайди.

МУСТАҚИЛ БАЖАРИШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1.Талаффузга ўргатишнинг мақсад ва вазифаларини аниқланг. **Таянч сўзлар:** артикуляция, талаффузнинг график тимсоли, сўз талаффузи, эшитув қобилияти, сўз, жумла, товуш талаффузи, оҳанг намунаси.

2.Талаффузга ўргатиш принципларини баёр қилинг. **Таянч сўзлар:** малакаларни кўчириш, анализаторлар, усуллари танлаш, паузали машқлар;

3.Талаффуз малакаларини шакллантиришдаги йўналишлар. **Таянч сўзлар:** артикулятив, акустик, дифференциал ёндошув, тақлид ва таҳлил усули.

4. Фонетик машқ (зарядка)нинг мақсад ва вазифаларини баён қилинг. **Таянч сўзлар:** режим, жадвал, фонограмма.

Қуйидаги адабиётларни ўрганиб, билимларингизни чуқурлаштиринг:

1. Андреевская–Ливенстерн Л.С. Методика-преподавания чет тилиского языка в средней школе – М: 1973.

2. Жамолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи 1996. 170 – 177 бетлар.

3.Кондратьева Т.В О работе над произношением чет тилиского языка. ИЯШ, 1990, №4, с89.

4.Миньяр Р.К.–Белоручев. Методика обучения чет тилискому языку. – М: 1990. 90-104 – бетлар.

3. Михайлова О.Э.Методика обучения произношению на специальных факультетах педагогических институтов. М., 1980.

4. Портнова Н.И. К вопросу о норме во чет тилиском произношении. ИЯШ, 1988, №2, с.87.

8-мавзу: ЛЕКСИК КЎНИКМА, МАЛАКАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ

1.Чет тили ўргатишда лексик минимум.

2.Лексик кўникма ва малакаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш усуллари

1.Чет тили ўргатишда лексик минимум.

Умум таълим мактабларида чет тили ўқитиш дастури бўйича ўқувчиларни мулоқатга ўргатишда лексика асосий мақсадни амалга оширувчи воситадир. Дастурда ҳар бир синф учун лексик минимум сони кўрсатилган. Унда 5-синф учун 300 та лексик birlik, 6-синф учун 200 та, 7-синф учун 200 та, 8-синф

учун 200 та , 9-синф учун 100 та лексик бирлик белгиланган. Ҳаммаси бўлиб дастур талаби бўйича умумтаълим мактабини тугаллаган ўқувчилар ўз нутқ фаолиятларида 1000 та лексик бирликни эркин ишлата олишлари лозим. Дарсликларга киритилган бу лексик минимум қўйидаги принциплар асосида танланган:

- 1) Сўзнинг қўлланилиш даражасига кўра;
- 2) Сўзнинг муайян мавзуда ишлатилишига кўра (дастур мавзуи);
- 3) Сўзнинг бошқа сўзлар билан бирика олиш имкониятига кўра;
- 4) Сўзнинг қўшимчалар орқали янги сўз яшаш имкониятига кўра;
- 5) Сўзнинг гап тузишда тезда иштирок эта олишлик имкониятига кўра;
- 6) Сўзнинг кўп маъноли бўлишлигига кўра;
- 7) Сўзнинг нутқ услубларида ишлатилишига кўра;
- 8) Синоним сўзлардан биттасини танлаш асосида.

Танланган лексика умумтаълим мактабининг лексик-минимумини ташкил қилади ҳамда ҳар бир синф учун ўзлаштирилиши лозим бўлган лексик минимум ажратилади.

Танлаб олинган лексика асосида дастурлар ва ўқув қўлланмалари яратилади. Муайян мавзуларни ўргатишда шу мавзу асосида яратилган матн 6-10 тагача янги сўзлардан иборат бўлишлиги белгилаб қўйилган. Мавзунини ўзлаштириш воситаси бўлган бундай янги сўзлар орқали фонетик, грамматик, ва коммуникатив машқлар тузилади.

Мактаб дастурига кўра лексик минимум а) синфларга; б) дастур мавзуларига; в) параграфларга; г) машқларга; д) лексиканинг қийинлигига қараб тақсимлашни таққозо этади. Бундай тақсимлаш тўғридан-тўғри бўлмай, балки ўқувчининг ёши, синфи, дастур талаби, ўргатиладиган нутқ фаолиятининг тури, коммуникатив характери, ўқитиш босқичини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Умумтаълим мактаби лексик минимумини 3 гуруҳга ажратиш мумкин: 1. **Актив лексика, ёки репродуктив лексика**, яъни ўқувчилар томонидан нутқ фаолиятининг барча турларида ишлатиладиган сўзлар. 2. **Пассив лексика** – рецептив нутқда, яъни тинглаб тушунишда нутқ вазиятидан ва ўқишда контекстдан маъноси англанадиган сўзлар. 3. **Потенциал лексика ёки пассив лексика**. Пассив лексикага маъноси осонгина англанадиган байналмилал сўзлар, таниш негзлар асосида қўшимчалар орқали ясалган янги сўзлар киради. Одатда бундай лексикани ўргатишга кўп вақт сарф қилинмайди.

2. Лексик кўникма ва малакаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш усуллари. Лексик бирликлар орқали кўникма ва малакаларини шакллантириш ва мустаҳкамлашни анъанавий метод ва усулларда, аралаш метод ва усулларда ва коммуникатив метод ва усуллар орқали ташкил қилиш мумкин.

Анъанавий ўқитиш методикасида янги лексикани тушунтириш ва амалда қўллаш ўқувчиларнинг уч босқичли фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришни

орқали уюштирилади (№28 слайд намоёиш қилинади):

1–босқичда ўқитувчи янги сўзларни тушунтиради.

2–босқичда уларни жумлалар ичида қўллашни машқ қилдиради.

3–босқичда уларни эркин нутқ вазиятида қўллашни машқ қилдиради..

Янги лексикани тушунтириш анъанавий ўқитиш методикасида унинг шаклини ўрганишдан бошланади. Сўзни шакли деганда унинг кўриниши, ёзилиши, ўқилиши, талаффуз қилиниши тушунилади. Янги сўзнинг ўқилиши, ёзилиши қўйидагича ўргатилади:

1) агар сўздаги ҳарф бирикмасининг ўқилиш қоидаси таниш бўлса, нотаниш янги сўзларни ўқувчининг ўзига ўқитиш орқали;

2) таклид қилиб ўқитиш ёки талаффуз қилдириш;

3) агар нотаниш янги сўзда ўрганилмаган ҳарф, ҳарф бирикмаси бўлса, ўргатиб, сўнг сўзни ўқувчининг ўзига ўқитиш орқали;

4) ўхшашлиги бўйича ўқитиш;

5) қисман ўқилиш белгиларини бериш орқали;

6) ўқитувчининг доскадаги ёзувига ўхшатиб ёздириш орқали. Бунда асосан олдин яхши ўқувчи ўқийди ёки талаффуз қилади, қолган ўқувчилар уни жўр бўлиб такрорлайдилар (5-6- синфларда), кейин яна ўқимаган, талаффуз қилмаганларга яқка ўқитилади, талаффуз қилдирилади. Ўқитиладиган янги сўзларни карточкага рангли ёзиб кўрсатиш, ўқитиш ўқувчида катта қизиқиш уйғотади.

Навбатдаги босқичда сўз маъносини (мазмунини) очиш йўллари ўргатилади. Бу асосан икки усулда : **а) Таржима орқали тушунтириш; б) Таржимасиз тушунтириш орқали** амалга оширилади.

а) Янги сўзни таржима орқали тушунтириш 3 усулда ташкил қилинади:

1-усул: чет тилича сўзнинг маъносига мос келадиган асосий маъносини, ёки мос келадиган эквивалентини тўғридан-тўғри она тилида оғзаки бериш ёки доскада таржимасини ёзиб қўйиш;

2- усул: сўзнинг иккита маъносини бериш;

3-усул: таржима – изоҳ, орқали сўз маносини очиш. Одатда чет тилича сўзнинг маъноси она тилидаги сўз маъносидан тор ёки кенг бўлса, тўлиқ маънога мос келмаса, она тилида изоҳ берилади. Бу усул зарурият туғилганда, синфда ўқувчи кўп бўлганда, сўз маъносини таржимасиз очиш мумкин бўлмаганда, маъноси очиладиган сўз кўп бўлиб, вақт кам бўлганда қўлланилади.

б) Таржимасиз тушунтириш: Бунда тил, нутқ кўргазмасидан кенг фойдаланилади. Бу усулни қўллаш сўз маъносини чет тили тилининг ўз воситалари орқали очишдир. Бунда чет тилича контекстан, нутқ вазиятидан, сўз ясовчи кўшимчалардан, сўзнинг келиб чиқишини таҳлил қилишдан, кўшимчалардан, синоним, антонимлардан фойдаланиб ўқувчиларнинг ўзларига

сўзнинг маъносини фаҳмлаб топишдан, байналмилал сўзларни таний олишликларидан кенг фойдаланилади. Ўқитувчи таржимасиз методни ишлатишдан олдин, албатта ўқувчиларга «Тингланг, ўқинг, фаҳмлаб сўзнинг маъносини топинг, тушунинг» каби топшириқлар бериб, уларнинг диққатини тортади. Бу усулнинг ҳам бир неча турлари мавжуд:

1) Сўз маъносини очиш предметни ёки расмни, ҳаракатни кўрсатиш орқали амалга оширилади. Масалан: ўқитувчи қаламни кўрсатиб, унинг номини жумлалар ичида айтиб такрорлайди. Бунда ўқитувчи мумкин қадар ўқувчилар аввал ўзлаштирган сўз ва жумлалардан фойдаланиши лозим;

2) Сўз маъносини ўқитувчининг юз кўриниши, имо-ишораси, ҳаракати орқали фаҳмлаб топтириш. Масалан, **asseyez-vous!** деб ўқитувчи қўлини пастга тушириши, **levez-vous!** деб қўлини юқорига кўтариши, **je frappe la table** деб столни тақиллатиши мумкин;

3) Сўз маъноси чет тилича изохдан фаҳмлаб топтирилади. Масалан: **la cuisin - c'est la chambre ou maman prepare le dîner, l'annivairsaire - c'est le jour de la naissance** ;

4) Сўзнинг маъносини контекстдан фаҳмлаб топтириш;

5) Сўз ясаш қўшимчалари ёрдамида янги сўз маъноси топиш. Бу ўринда ўқитувчи ўқувчилар аввал ўзлаштирган сўзлардан фойдаланиши лозим. Масалан, ўқувчилар **l'école** сўзини аввалдан билишлари ҳисобга олиниб **un écolier, une écolière** сўзларини сўз ясовчи қўшимчалари орқали янги маъно ифодаловчи от ясалаганлигини фаҳмлаб оладилар. Бу ўринда ўқитувчи «Ўйланг-чи, сиз билган негздан қандай маъно ифодаловчи от ясалган?» деб ўқувчиларни фикрлашга йўллайди;

6) Синоним, антонимлардан фойдаланиш орқали янги сўз маъноси очиш. Масалан, ўқувчилар **la chambre** сўзини аввалдан биладилар, бугун сиз **la pièce** сўзинининг маъносини очмоқчисиз. Бунинг учун ўқитувчи «**C'est la chambre de Nicole - c'est la pièce de Nicole**» жумлаларини айтиб, ҳар иккала сўз бир хил маъно англатишини кўрсатади;

7) Янги сўз маъноси вазиятлари орқали ҳам очилиши мумкин. Нутқ вазияти битта гапдан ёки бир неча гапдан иборат бўлиши мумкин. Агар биз сўзни вазиятга мос ҳолатда, жараёнида ишлатсак, унда биз уни нутқ вазиятида қўллаган бўламиз. Масалан, **fermer** феълининг маъносини қуйидаги нутқ вазиятида очиш мумкин: **Aujourd'hui il fait très froid. Il faut fermer la fenêtre.**

Сўз маъносини очишда кўпроқ таржимасиз усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Янги сўзнинг маъносини очишда қайси усулдан фойдаланиш сўзнинг хусусиятига, вақтга боғлиқдир. Иккала усулнинг ҳам ўзига яраша ижобий ва салбий томонлари бор.

Таржима қилиш орқали янги лексика маъносини очишнинг қуйидаги ижобий томонлари мавжуд:

1) кам вақт сарфланади; 2) ўқувчиларда нутқ малакаларини ривожлантиришга кўп вақт қолади.

Салбий томонлари: 1) ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам бермайди; 2) айрим сўзларнинг тўлиқ маъносини таржима орқали бериш мумкин эмас, чунки чет тили тилидаги сўзнинг маъноси ўзбек тилидаги маънога қараганда кенгроқ ёки торроқ бўлиши мумкин.

Янги лексика маъносини очишда таржимасиз усулдан фойдаланишнинг куйидаги афзалликлари бор:

1) ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ўйлашга ўргатади;

2) ўқувчилар доим чет тили тили муҳитини сезиб турадилар. Бу чет тилича гапиришга рағбатлантиради;

3) чет тили тилидаги сўз маъносини тўлиқ ёритиш мумкин;

4) янги лексика билан бирга ўқувчилар гап тузилишни, моделларини ўрганадилар;

5) турли хил кўргазмаларни қўллаш ўқувчиларни чет тили дарсига қизиқтиради, рағбатлантиради;

6) бу усул орқали янги лексика маъносини очганда ўқувчилар предметларни, нарсаларни кўриб, сезиб, онгли тушунадилар;

7) ўқувчи ўз нутқини доимий ривожлантириб бориш имкониятига эга бўлади;

8) ўқувчилар янги сўз маъносини очиш жараёнида лексикани қўлланилишини кўрадилар, ўқийдилар, ўзлаштирадилар.

Бу усулнинг камчиликлари: 1) кўп вақт кетади; 2) ўқитувчи ўзи кўп тайёрланиши, ишлаши керак.

Янги сўз киритилган, таништирилгандан сўнг ўзлаштириш, мустаҳкамлаш машқлари бажарилади. Машқлар оғзаки ва ёзма шаклда бўлади.

Янги сўзни ўзлаштириш деганда сўзни хотирада сақлай олиш, керакли жойда ишлати билиш, қўллай олиш тушунилади. Сўзларни амалда доим қўллаб туриш – сўзларни яхши ўзлаштиришнинг асосидир. Сўзларни ўзлаштиришда ёдлаш энг муҳим аҳамиятга эга. Кўпинча ўзлаштиришда: умумий машқлар – бунда сўз ҳам, моделлар ҳам ўзлаштирилади. Бунга: 1) таний олиш; 2) такрорлаш, таклид қилиш; 3) ўрганилган сўзни амалда қўллаш (стол устидаги предмет ёки расмлар ичидан талаффуз қилинган сўзни топиб кўрсатиш каби); 4) ўқитувчи саволига ўқувчи жавоби; 5) ўқувчиларнинг бир-бирлари билан савол-жавоб қилиши; 6) берилган сўзни гапда қўллаш; 7) ўқитувчи таклиф қилган нутқ вазияти ичида янги сўзни қўллаш машқларини киритиш мумкин.

Сўзлар ёзув, эшитув ва ўқиш орқали ўзлаштирилади. Бунинг учун махсус машқлар қўлланилади.

Ўрта босқичда ўқувчилар сўзларни яхши ўзлаштиришлари учун контекстан кенг фойдаланилади. Бунга 1) матн устида савол-жавоб ўтказиш; 2) матнни сўзлатиш; 3) расмга қараб ҳикоя қилдириш; 4) диафильм тўғрисида баҳслашиш,

сўзлашиш; 5) берилган нутқ вазияти тўғрисида қисқача маъруза қилдириш машқлари киради. Юқоридаги машқларни бажаришда қўллаш керак бўлган сўзлар олдиндан белгилаб берилади.

Ўқувчи янги сўзни ўзлаштираётганда аввал ўзлаштирган сўзларини ҳам хотирасига келтиради. Сўзни мустаҳкамлаш деганда уни шаклини, маъносини, нутқ вазиятларида қўлланилишини пухта эгаллаш тушунилади. Мустаҳкамлаш янги сўз ва у ишлатилган жумлаларни оғзаки ва ёзма шаклда машқлар бажариб такрорлаш, қайтариш орқали содир бўлади.

Янги сўзлар бўйича нутқ кўникма ва малакаларини шакллантиришда қўйидаги машқ турларидан ҳам фойдаланиш мумкин:

- 1) янги сўзларни таниб олиб, улар орқали кўрсатмаларни бажариш;
- 2) ўқитувчи предмет ёки ҳаракатни атайди, ўқувчилар расмдан кўрсатади;
- 3) ўқитувчи сўзни она тилида атайди, ўқувчилар уни матндан топиб, ўқиб берадилар;
- 4) ўқитувчи янги сўзга савол қўяди, ўқувчилар матндан жавоб берадилар.
- 5) янги лексикани намуна орқали такрорлаш, ўқитувчи доскага намуна гапни ёзади, ўқувчилар намунадаги сўзлар ўрнига янги сўзни қўядилар;
- 6) берилган намуналар асосида гаплар тузиш;
- 7) савол-жавоб машқлари;

8) берилган структура асосида гапларни давом эттириш. Янги лексикани мустақил ишлатиш (намунасиз). Бунга савол-жавоб машқлари, таржима, бири-бирига боғлиқ бўлган гапларни, сўзларни гуруҳлаштириш, турли хил нутқ вазиятлари туздирини машқлари киради. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчилар янги сўзларни пухта ўзлаштиришлари, мустаҳкамлашлари учун қандай метод, усуллардан, воситалардан фойдаланишни аниқлаш, сўзни оғзаки нутқда қўллашга ўргатиш учун нечта ва қандай машқлар ва уларни қандай тартибда бажартиришни ҳал қилишдир. Янги лексикани мустаҳкамлаш ўқувчиларда гаптириш кўникма ва малакаларини шакллантириш билан қўшиб олиб борилади. Бунда пухта ўзлаштириш учун тематик расмларга, диафильмларга қараб гаптириш, матн устида савол-жавоб ўтказиш, чет тили тилида мазмунни гаптириш, баъзан чет тили тилидан она тилига тиржима қилдириш (ёзма) машқларидан фойдаланилади.

У-У1- синфларда махсус луғат дафтар тутиш шарт эмас. У11-1Х –синфларда эса, ўқувчиларга алфавит ёки тематик луғат дафтарлар тутиш тавсия қилинади.

Ўқитувчи ўқувчиларни янги сўзнинг шаклини маъносини, қўлланилишини (функциясини) ўзлаштирилганликларини текширади.

Сўз шаклини текшириш учун **лексик диктантлар** ўтказилади. Сўз маъносини ўзлаштирилганлигини текшириш учун махсус ёзма ишлар, тестлар уюштирилади. Шунинг учун сўзларни синоним, антонимларини топтириш, таржима қилдириш машқлари қўлланилади. Назорат ва баҳолашда: 1) берилган сўзлар асосида гаплар туздирини, савол-жавоб қилдириш; 2) расмларни

тасвирлаш; 3) ҳикоя туздириш каби машқлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Лексикани ўргатишда синф доскасидан, кўрғазмали куроллардан, (карточкалар, расмлар, лексик жадваллар, ўрнига қўйиш жадваллари), фонограммалар, фотограммалар, видеофонограммалардан кенг фойдаланилади.

Янги сўзларни ўзлаштириш, мустаҳкамлашда У-У1 - синфларда 1 соатда 4-6 тагача, У11-У111 – синфларда 6-8 тагача, 1Х - синфда 8-10 тагача сўзларни ўргатиш тавсия қилинади.

Оғзаки нутқнинг лексик томони устида ишлаш У-У1 - синфларда, қисман У11- синфда олиб борилади. Дастур талаби бўйича бу синфларда нутқ фаолияти турларига ўргатиш – оғзаки нутқ – ўқиш - ёзувга ўргатиш кетма-кетлигида ташкил қилинади. Шу сабабли ўқувчилар янги лексикани олдин оғзаки нутқда ўрганадилар, ёки оғзаки нутқнинг лексик томони ўргатилади. Кейин бу янги сўзлар ўқиш ва ёзма нутқда ўзлаштирилади, мустаҳкамланади.

Ўқишнинг лексик томони устида ишлаш қисман У11- синфдан бошланиб, У111-1Х- синфларда давом эттирилади. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Бу синфларда нутқ фаолияти устида ишлаш кетма-кетлиги ўзгаради, олдинги ўринга ўқиш чиқади. Оғзаки нутқ эса иккинчи ўринда туради. У ўқиш-оғзаки нутқ-ёзма нутқ кетма-кетлигида бўлади. У11-синфнинг охиридан, У111-синфдан биринчи ўринга чет тилида ўқишни ўргатиш чиқади. Шу сабабдан вазият, шароит, дастур ўқишнинг лексик томони устида ишлашни талаб қилади. Ўқувчи янги сўзларни биринчи ўқиш орқали қабул қилади, ўрганади.

Сўзнинг шаклини ўргатиш - ўқиш орқали, маъносини очиш эса микроситуацияларни ўқиб, фаҳимлаб маъносини топиш орқали ташкил қилинади. Ўқувчи матнни ўқиб, сўзларнинг қўлланилишини кўради, ўрганади. Янги сўзни ўзлаштириш, мустаҳкамлаш машқлари ҳам ўқиш орқали ўтказилади.

Ҳозирги замон чет тиллар ўқитиш методикасида лексик кўникма ва малакаларни шакллантиришдаги машқларини 1) **тил ёки тайёрлов машқлари** ва 2) - **нутқ машқлари деб аташ ҳам қабул қилинган.**

1- турга лексиканинг шаклини ўргатиш, маъносини очишда, унинг қўлланилишни ўргатишда учрайдиган қийинчиликларни йўқотиш, ўргатиш учун ўтказиладиган машқ турлари киради. 2 - турга эса лексикани нутқ фаолияти турларида қўллашни ўргатиш учун ўтказиладиган машқ турлари киради.

Лексик кўникма ва малакаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш аралаш метод ва усуллар билан ташкил қилинганда янги лексикани тушунтириш анъанавий усулда (юқоридаги тартибда) ташкил қилинади, мустаҳкамлаш ва амалда қўллаш эса коммуникатив усулларда ташкил қилинади.

Лексик кўникма ва малакалар коммуникатив усулларда шакллантириш ва мустаҳкамлаш уларни коммуникатив топшириқлар ичида талаффуз, грамматик, гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш кўникма ва малакаларини

шакллантириш ва мустаҳкамлаш билан комплекс ташкил қилишни кўзда тутади. Бу ҳақда рисоланинг бешинчи мавзусида алоҳида тўхталганмиз.

МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Чет тилини ўргатишда лексиканинг ўрни, аҳамияти, дастур талаблари нималардан иборат? **Таянч сўзлар:** *лексика ва нутқ фаолияти турлари, лексик минимум, лексик минимум танлаш принциплари.*

2. Чет тили лексикасини ўргатишнинг методик ташкил қилиш деганда нимани тушунасиш? **Таянч сўзлар:** *лексик кўникма, лексик малака, уларнинг нутқ фаолияти турларига боғлиқлиги, лексик минимумни тақсимлаш, актив, пассив, потенциал лексика.*

3. Лексик кўникма ва малакаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш усуллари баён қилинг. **Таянч сўзлар:** *лексик кўникма ва малакаларни шакллантириш усуллари, босқичлари, сўз маъносини очиш, уларнинг ижобий, салбий томонлари, лексика ўргатишдаги кетма-кетлик, лексик машқ турлари.*

4. Лексик кўникма ва малакаларни шакллантириш ва мустаҳкамлашдаги уч йўналиш ҳақида гапиринг. Улардан қай бири устивор йўналиш ҳисобланади ва унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? **Таянч сўзлар:** *анъанавий ёндошув, аралаш ёндошув, коммуникатив ёндошув.*

Қуйидаги адабиётлардан фойдаланиб, билимларингизни чуқурлаштиринг:

1. Бим И.Л. Методика обучения иностранным языкам как наука и проблемы школьного учебника- М:1977.

2. Колкер Я.М., Устинова Е.С. Речевые способности: как их формировать? ИЯШ, 2000, №4. с.30.

3. Пассов Е.И. Основы методики обучения иностранным языкам. Москва, 1997.

4. Полат Е.С. Обучение в сотрудничестве. ИЯШ, 2000, №1. с.4.

9–мавзу: ГРАММАТИК КЎНИКМА, МАЛАКАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ

1. Нутқ фаолияти турларига ўргатишда грамматик кўникма ва малакалар шакллантиришнинг аҳамияти

2. Грамматик малакаларни шакллантириш принциплари

3. Грамматик кўникма ва малакаларнинг шакллантириш усуллари

1. Нутқ фаолияти турларига ўргатишда грамматик кўникма ва малакалар шакллантиришнинг аҳамияти. Сўз шаклини англаш, уни бошқа сўзлар билан бириктириб тугал фикр англатадиган гаплар яшаш, шунингдек,

фикрни тинглаб ва ўқиб тушуниш, фикрни ёзма баён қилиш ўрганилган тилнинг грамматик тизими тўғрисида зарурий билим ва малакаларни эгаллашни талаб қилади. Бу борадаги билимлар ўзлаштирилмасдан чет тилида гапириш, эшитиб ва ўқиб тушуниш мумкин эмас. Методик адабиётларда бу жараён грамматик механизмни эгаллаш, ўзлаштириш, грамматик малакалар шакллантириш, билимларни эгаллаш, грамматик ҳаракатни ўзлаштириш каби кўплаб атамалар билан аталадики, назаримизда уларнинг барчасини ўрнига биргина **грамматик кўникма ва малакаларни шакллантириш** атамасини ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Грамматик кўникма ва малакаларни шакллантириш грамматик воситалардан оғзаки ва ёзма нутқ жараёнида эркин фойдалана олишни, шунингдек, эшитилган ва ўқилган нутқдаги грамматик белгиларни тўғри фарқлай олиш даражасини англади.

Анъанавий ўқитиш методикасида грамматик кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг қуйидаги тўрт босқичи таъкидланган (№29 слайд намоиши қилинади):

1.Грамматик материалнинг тақдимот (тушунтириш) босқичи;

2.Уни оғзаки нутқда қўллаб, дастлабки грамматик кўникмаларни шакллантириш босқичи. Бу босқичда машқлар орқали дастлабки грамматик амаллар бажарилади;

3.Шаклланган дастлабки грамматик кўникмаларни нутқ фаолиятининг бошқа турларида (гапириш, эшитиб ва ўқиб тушуниш , фикрни ёзма баён қилиш) қўллашни машқ қилиш ва бу жараёнда кўникмаларни малакаларга айлантириш босқичи;

4.Грамматик малакаларни мулоқот жараёнида эркин қўллаш босқичи.

Ҳозирги замон чет тили ўқитиш методикасида грамматик кўникма ва малакаларни шакллантириш ва мустаҳкамлашда ҳам уч уч хил ёндошувни кўриш мумкин: 1.анъанавий ёндошув, 2.аралаш ёндошув, 3. коммуникатив ёндошув. Грамматик кўникма ва малакаларни шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг умумий принциплари лексик малака ва кўникмаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш билан бир хил эканлигини таъкидлаганимиз ҳолда анъанавий ёндошувнинг ўзига хос хусусиятлари коммуникатив ёндошувда ҳам жуда кўп ўринларда ижобий фойдаланишини тақозо қилади.

Чет тилига ўргатишдан асосий мақсад ўқувчиларда грамматик кўникмалар ва малакаларни коммуникатив (нутқ) малакаларига айлантириш экан бунинг учун муайян методик принципларга риоя қилинган ҳолда, турли-туман машқлар, оғзаки ва ёзма шаклларда уюштириладиган мустақил ишлар бажариш кўзда тутилади.

2. Грамматик малакаларни шакллантириш принциплари. Ҳозирги замон чет тили ўқитиш методикасида грамматикага ўргатиш, грамматик

кўникма ва малакаларни шакллантириш қуйидаги умумий принципларга биноан ташкил қилинади (№30 слайд намоиш қилинади):

1. Грамматикага ўргатишнинг мулоқотга ўргатиш билан боғлиқлиги принципи. Бу принцип фақат грамматик қонидани ўзлаштиришни эмас, ундан коммуникатив вазиятларда фойдаланиш заруриятини, ўқувчиларда лингвистик ва коммуникатив компетенцияларни шакллантиришни ҳам кўзда тутати;

2. Грамматик материални коммуникатив топшириқ ичида нутқ вазиятларида ўргатиш принципи. Нутқ вазиятлари ўрганилган янги грамматик материални оғзаки нутққа кўчиришнинг, дастлабки грамматик ва нутқ кўникмалари шакллантиришнинг муҳим омили вазифасини бажаради;

3. Грамматик кўникма ва малакаларни аввал қонидани ўргатиш, кейин босқичма-босқич нутқ(мулоқат) кўникма ва малакаларига айлантириш принципи;

4. Грамматик материални функционал ўргатиш принципи. Бу принципдан грамматик кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш босқичида турли хил ролли ўйинлар уюштириш жараёнида фойдаланилади;

5. Грамматик материални грамматик структуралар таркибида ўргатиш принципи. Бу принцип нутқ вазиятларига мос келувчи, ўқувчининг кундалик турмуш шароитида энг кўп ишлатиладиган нутқ намуналарини ўзлаштириб олишни кўзда тутати;

6. Грамматик материални она тили материали билан қиёслаб, онгли ўзлаштириш принципи. Бу жараёнда она тилидан эгалланган грамматик кўникма ва малакаларнинг чет тили грамматик материални ўрганишга ижобий таъсири намоён бўлади;

7. Грамматик материални дифференциялаштириб ўргатиш принципи. Бу принцип ўрганилиши қийин тил материални ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларига мослаштириб, турлича тақдимот ўтказишни, бажариладиган машқ ва амалий ишларни репродуктив нутқ учун алоҳида, рецептив нутқ учун алоҳида ташкил қилишни кўзда тутати.

3.Грамматик кўникма ва малакаларнинг шакллантириш усуллари.

Грамматик материални махсус қондаларни ўрганмасдан туриб ҳам ўргатиш **имплицит ёндошув** деб аталади Бу ёндошув коммуникатив ёндошув принципларига мос келади.. Грамматикага ўргатишни махсус қондалар орқали ташкил қилиш эса **эксплицит ёндошув** (чет тилича «expliquer”- «тушунтирмоқ» феълидан) дейилади.Бу ёндошув грамматик қонидани ўргатишда одатдаги, анъанавий аудио-визуал метод ва усуллардан фойдаланишни кўзда тутати. Шундай қилиб, грамматик материал бўйича кўникма ва малакаларни шакллантириш маълум ижобий ва салбий томонлари билан характерланадиган икки хил ёндошув, усул билан амалга оширилади.

а) Грамматик малакаларнинг шакллантиришнинг **эксплицит(анъанавий)**

ёндосуви икки усулда амалга оширилади: 1) *дедуктив* усул; 2) *индуктив* усул.

Чет тили грамматикасига ўргатишнинг энг оммалашган усули дедуктив (дедукция - кўрилган ва эшитилган ахборотлардан умумий хулосага келиш) усул бўлиб, таълим жараёнида қоидадан амалий хулосалар чиқариш маъносида ишлатилади. Дедуктив усулда грамматик малкаларни шакллантириш юқорида келтирилган босқичлардаги ишларни ташкил қилиш орқали уюштирилади. Масалан: 1-босқич. Ўқувчиларга дастлаб грамматик қоида тушунтирилади: *Қуйидаги сифатлар мужской родда икки шаклга эга:*

Beau-bel, nouveau- nouvel, vieux-vieil, fou-foul, toi-moi.

Охири унли ҳарф билан тугаган сифатлар ундош ҳарф билан бошланувчи отлар олдидан, охири ундош ҳарф билан тугаган сифатлар эса унли ҳарф билан, ёки h ҳарфи билан бошланувчи отлар олдидан ишлатилади.

2-босқич. Нуқталар ўрнига қоидага биноан юқорида берилган сифатлардан кераклисини қўйинг: *un... enfant, unedifice, un... plante, un.... livre, un... espoir, un visage*

3-босқич. Грамматик материални фаол ишлатилишига йўналтирилган чет тили тилидан она тилига, она тилидан чет тили тилига таржима машқи бажарилади.

4-босқич. Ўзлаштирилган грамматик материални нутқ вазиятларида қўллаш ташкил қилинади.

Ўзбек олими Ж.Жалолов дедуктив усулнинг қуйидаги ижобий томонларини кўрсатади:

1. Бу усулда ишлашда асосан онглилик принципига таянилади ва бу грамматик материални мустаҳкам ўзлаштирилишига ёрдам беради;

2. Бу усулда ташкил қилинадиган ишлар ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини босқичма-босқич ташкил қилиш имкониятини беради;

3. Бу усулдан ўқувчиларнинг уйда, ўқув лабораторияларда мустақил ишларини самарали ташкил қилиш мумкин.

Дедуктив усулнинг узига хос салбий томонлари ҳам мавжуд. Бу усулда ўқувчиларга билимлар тайёр ҳолда тақдим қилинади ва бу нарса кўпинча ўқувчиларни ақлий фаолликка рағбатлантирмаслиги, уларни пассив тингловчиларга айлантириб қўйиши мумкин. Шунингдек, мавзу бўйича ташкил қилинадиган Мулоқот табиий нутқ вазиятида содир бўлмаганлиги учун грамматик ва нутқ малакаларининг шаклланиш даражаси анча суст бўлади.

Эксплицит ёндосувнинг иккинчи шакли **индуктив** (чет тилича» «indiquer» -«кўрсатмоқ») усул бўлиб, у эшитиш, ўқиш жараёнида дуч келинган грамматик ҳодисаларни таҳлил қилиб, она тили билан ва аввал ўрганилган грамматик материаллар билан қиёслаб, таққослаб, муайян грамматик қоидаларни интуитив фаҳмлашни, шу орқали тўғри хулосаларга келишни кўзда тутди. Масалан, ўқувчилар матндан грамматик формаларни топадилар, контекст ёрдамида уни тушунишга уринадилар. Бундай ишни чет тилидаги

матнни унинг она тилидаги таржимасига қиёслаш орқали ҳам ташкил қилиш мумкин. Грамматик материални индуктив тушунишни ташкил қилиш оғзаки нутқдаги замонларни фарқлаш, отларнинг, сифатларнинг бирлик ва кўплик формаларини, родларини фарқлаш, сифат ва равиш даражаларини фарқлаш бўйича ташкил қилинадиган машқлар орқали ҳам ташкил қилиш мумкин. Индуктив усулда шакллантирилган грамматик кўникма ва малакалар дарснинг янги грамматик материални тушунтириш ва мустаҳкамлаш босқичида яна бир бор такрорланади. Шундан сўнг янги грамматик материални мустаҳкамлаш бўйича машқлар серияси бажарилади. Индуктив усулда бажариладиган машқ сериясини мисол келтирамиз:

1-топириқ: Қуйидаги матнни ўқинг ва ажратиб кўрсатилган сифатлар матнда қандай отлар олдидан ишлатилганлигига эътибор беринг ва уларни тушунтириб беринг:

Elle s'arreta en apercevant le *nouvel* arrivant. Il passait devant un *vieil* arbre pour gagner une petite *belle* maison.

*2-топириқ: Мисоллар билан танишиб *beau-belle, nouveau-nouvelle, vieux-* родларда ўзгариши нимага боғлиқлигини аниқланг: ***belle maison - beau edifice, vieille femme – vieux copain, nouvel arrivant – nouvelle maison.****

3-топириқ: Нуқталар ўрнига мос келувчи сифатларни қуйинг ва сифатлар қандай отлар олдидан ишлатилишига доир қоида аниқланг:

<i>beau-belle</i>	<i>ouvel-nouveau- nouvelle</i>	<i>fou-fol- foulle</i>
<i>un.... hotel</i>	<i>une.... fete</i>	<i>une.... histor</i>
<i>une....maison</i>	<i>unaccident</i>	<i>un....espoir</i>
<i>un...monument</i>	<i>un... camarade</i>	<i>un.... caractere</i>

Индуктив методнинг ижобий томонлари қуйидагилардан иборат:

-ўрганишнинг энг самарадор усули – изланишга, фикрлашга, аввал ўрганилган грамматик материални хотирлашга йўналтиради;

-онглилик принципига тўлиқ риоя қилинади;

- грамматик материални беихтиёр эслаб қолишга ёрдам берадиган ақлий фаоллик шакллантирилади;

-ўқувчиларнинг ўқув машқларидан ҳар доим мустақил фойдаланиш, ўз хатоларини китобдан қараб тўғрилаш имкониятлари бор.

Бироқ индуктив усул ўқув материали билан таништиришни жуда чўзиб юборади, малакаларни шакллантириш фақат шартли нутқ машқлари жараёнидагина амалга оширилиб, у босқичма-босқич амалга оширилмайди.

б) Грамматик малакаларни **имплицит ёндашув** асосида шакллантириш икки усулда амалга оширилади: 1.Грамматик материални **структурал ёндошув** орқали ўзлаштириш; 2. Грамматик материални **коммуникатив** ёндошув асосида ўзлаштириш.

Грамматик кўникма ва малакаларни гап структуралари асосида шакллантириш методикада **оғзаки метод, актив метод, структурал-**

функционал метод каби турли номлар билан аталиб келинмоқда. Биринчидан уларни методлар эмас, усуллар деб аташ тўғрироқ бўлади. Бу усулнинг оғзаки ёки актив усул деб аталишига сабаб грамматик малакаларни шакллантириш фақат оғзаки бажариладиган нутқ намуналари орқали ташкил қилинишидир. Бундай нутқ намуналари таркибидаги компонентлар ҳарфлар тимсолида ҳам ифодаланади. Масалан: гап структураси қуйидагича ифодаланиши мумкин: S + V + C. Бунда S - от, ёки олмош билан ифодаланган эгани, V – феъл билан ифодаланган кесимни, C- тўлдирувчини ифодалайди. Бундай гаплар **нутқ модели, модел гап, лексик бирликлар, нутқ намунаси, типовой гап** каби атамалар билан ҳам юритилади.

Рус олими А.Л.Старков грамматик структураларни грамматик малакалар шакллантирувчи асосий усул деб таърифлаб, уларнинг типлари ва ўзлаштириш босқичлари ҳақида муфассал фикрлар билдиради. Р.К.Миньяр-Белоручев грамматик малакаларни структуралар орқали шакллантиришни танқид қилиб, бу ёндошув механик характердаги, ўқувчиларнинг тез зериктириб қўядиган, чет тили ўрганишга қизиқишни сусайтирадиган усул деб таъриф беради. У грамматик малакаларни шакллантиришнинг коммуникатив усулларига алоҳида аҳамият бериб, ҳар қандай грамматик малака фақат нутқ вазиятларида, мулоқот жараёнида ўзлаштиришни ёқлаб чиқади.

Грамматик малакаларни шакллантирида коммуникатив усуллардан фойдаланишнинг яна бир тарафдори Е.И. Пассовнинг фикрича коммуникатив усуллар ўқув жараёнининг мотивлаштирилганлик даражасини оширади. Бу усулдаги ишларда грамматик материал билан таништириш, дастлабки грамматик кўникмаларни шакллантиришга мўлжалланган, грамматик малакаларни такомиллаштиришга мўлжалланган барча ишлар нутқ вазиятлари ва мулоқот жараёнида ташкил қилиниши кўзда тутилади. Қолаверса, ҳар бир грамматик мавзунини тушунтиришда ва мустаҳкамлашда ҳақиқий нутқ вазиятларини яратиш ҳар қандай ўқитувчининг ҳам қўлидан келавермайди. Шу сабабли грамматик малакаларни шакллантиришнинг **дифференциал усуллари**дан (ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларига, вазиятга қараб фойдаланиладиган усуллар) фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Грамматик малакаларни шакллантиришда дифференциал усуллардан фойдаланиш ўқитишнинг мақсадига кўра, грамматик материалнинг осон-қийинлигига кўра, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаларига кўра юқорида баён қилинган барча ёндошувлардан самарали фойдаланишни назарда тутди.

МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Грамматик кўникма ва малакаларнинг нутқ фаолиятига ўргатишдаги аҳамиятини тушунтириб беринг. **Таянч сўзлар:** *грамматик механизм, грамматик кўникма, грамматик малака, грамматик малакаларни шакллантириш босқичлари.*

2.Грамматик кўникма ва малакалар қанлай принципларга кўра шакллантирилади? **Таянч сўзлар:** *коммуникатив вазият, лингвистик компетенция, коммуникатив компетенция, грамматик структура, функционаллик, дифференциаллик.*

3.Грамматик кўникма ва малакалар қандай усул ва воситалар орқали шакллантирилади? **Таянч сўзлар:** *имплицит, эксплицит ёндошув, дедуктив, индуктив усуллар, коммуникатив усул, гап структураси, намуна гап.*

Қуйидаги адабиётларни ўрганиб, билимларингизни чуқурлаштиринг:

1.Болдырев Н.Н. Лингвистические основы коммуникативных методов обучения иностранному языку. ИЯШ, 1998, №3.

2.Брайгина М.Е., Вайсбурд М.Л. Использование учебных ролевых ситуаций при обучении устной речи.ИЯШ. 2002,№1.

3.Патрикеева Е.С. К проблеме взаимосвязанного обучения лексической и грамматической сторонам говорения. ИЯШ, 2000, №2, с. 15.

4.Пассов Е.И.Основы коммуникативной методики обучения иностранным языкам. - М: 1977.

10- мавзу: ТИНГЛАБ ТУШУНИШ КЎНИКМА, МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ

1.Тинглаб тушунишга ўргатишнинг мақсад ва вазифалари

2.Тинглаб тушунишга ўргатишга қўйиладиган методик талаблар

3.Тинглаб тушунишга ўргатиш босқичлари

4.Тинглаб тушунишга ўргатувчи машқлар ва назорат

5.Тинглаб тушунишга ўргатиш дарсининг методик характеристикаси

1.Тинглаб тушунишга ўргатишнинг мақсад ва вазифалари. Тинглаб тушунишга ўргатиш деганда эшитилган нутқни фонетик, лексик, грамматик ва семантик жиҳатдан идрок қилиш, фаҳмлаш кўзда тутилади. Демак, эшитилган нутқ мазмунини тўғри тушуниш учун ўқувчиларда фонетик, лексик, грамматик малакалар шаклланган бўлишлиги талаб қилинади. Нутқни тинглаб тушунишга, яъни идрок этишга ўргатиш ўз навбатида ўқувчининг эшитиш қобилиятини такомиллаштирувчи, хотира ва диққатини ривожлантирувчи, товуш оҳанглари фарақлашга, лексик бирликлар маъносини ва ўзаро бирикадиган сўзлар орасидаги грамматик боғлиқликларни ўзлаштиришга ўргатадиган жараёндир.Ўқувчи тинглаётган нутқни эшитиш, кўриш, ҳис қилиш, нутқ-ҳаракат анализаторлари орқали қабул қилиб, уларни хотирасида сақланаётган стереотиплар (андозалар) билан қиёслайди.Ўхшаш фонетик, лексик , грамматик

белгиларни фаҳмлаб, тегишли тушунчаларга эга бўлади. Бу жараёнда ўқувчи миясининг анализ-синтез қилиш фаолияти бошланиб, анализаторлар узатган сигналларни мантикий тушуна бошлайди. Оқибат натижада ўқувчининг тинглаб тушуниш фаолияти бошланади, маълум мавзуларга оид фикрларни тинглаб тушуниш кўникмалари шакллана бошлайди. Бу кўникмалар махсус бажартириладиган машқлар орқали малакаларга айлантирилади.

Тинглаб тушунишга ўргатиш нутқ фаолиятига ўргатишнинг алоҳида бир босқичи сифатида гапиришга, ўқиш ва ёзишга ўргатиш билан чамбарчас боғлиқдир. Бу босқич дарснинг алоҳида бир қисми сифатида, ёки нутқ фаолиятининг бошқа турлари билан комплекс ҳолда ташкил қилинади.

Аслини олганда ўқувчилар 5-синфдан бошлаб ўқитувчининг кундалик дарсларида гапираётган чет тилидаги жумлаларини эшитиб тушунишга ўрганадилар. Бундай жумлалар миқдори таълим босқичларига ва ўқувчиларнинг ўзлаштиришларига кўра ҳар бир дарсда тобора кўпайтирилиб борилади. Ўқувчилар ўқитувчининг янги сўзларни, грамматик қоидаларни тушунтириши жараёнида тинглаб тушунишга ўргана бошлайдилар. Бундай жараён методик адабиётларда **умумий дастур асосида уюштирилган тинглаб тушунишга ўргатиш** дейилади. Бу жараёнда ўқитувчидан иложи борица чет тилида гапириш талаб қилинади. Ўқитувчи 6-синфдан бошлаб ўқув дастурига мос келадиган махсус матнларни тинглаб тушунишга ўргата бошлайди. Бу жараён дарснинг алоҳида бир босқичи сифатида режалаштирилади ва шунга мос методик тайёргарликлар кўришни тақозо қилади. Методик адабиётларда бу жараён **махсус дастур асосида ташкил қилинадиган тинглаб тушунишга ўргатиш** деб аталади. Бундай тинглаб тушунишга ўргатиш натижалари махсус машқлар ва назорат усуллари билан баҳоланади.

2.Тинглаб тушунишга қўйиладиган методик талаблар. Махсус дастур асосида ташкил қилинадиган дарснинг тинглаб тушунишга ўргатиш босқичи қуйидаги методик талаблар асосида уюштирилади (№31 слайд намоиш қилинади):

1.Тинглаб тушунишга ўргатувчи барча фаолият турлари эшитилган нутқдан ахборот мазмунини англашга йўналтирилади;

2.Тинглаб тушунишга мўлжалланган матнни иложи борица ўқув дастурига мослаштириш, бунда нотаниш сўзлар миқдорини 2%дан оширмаслик талаб қилинади;

3.Аудиоматн (тинглаб тушуниладиган матн) ўқувчиларга аниқ эшитиладиган, ўрта тезликда ўқилган бўлиши лозим;

4. 6-синфдан бошлаб 2 дақиқа жараёнида тинглаб тушунишга мўлжалланган матнлар ҳажмини ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларига кўра тобора кўпайтириб боришга эришиш;

5. Ўқитувчи нутқи орқали ташкил қилинадиган тинглаб тушунишга

ўргатиш жараёнини матн мазмунини тушунишга ёрдам берадиган барча кўргазмали ва ёрдамчи воситалар билан таъминлаш;

6. Ўқувчилар ўқитувчининг гапириш оҳангига кўникиб қолишлигини олдини олиш мақсадида матнни бошқа овозли (эркак ва аёл) нотик ижросида, грампластинка ва магнитофон тасмаларига ёзилган фонограммалар орқали тинглаб тушунишни ташкил қилиш, бу борада радио ва телевидения имкониятларидан кенг фойдаланиш;

7. Тинглаб тушунишни назорат қилишга мўлжалланган машқларни гапиришга, мулоқотга ўргатиш билан қўшиб олиб бориш;

8. Аудиоматнни қайта эшиттириш ва унга боғлиқ методик топшириқларни конкрет режалаштириш.

Тинглаб тушунишга ўргатиш ўқувчиларда идрок қилиш механизминини ишга тушириш ва шу орқали гапиришга, фикрни оғзаки ва ёзма баён қилишга ўргатишни кўзда тутади.

3. Тинглаб тушунишга ўргатиш босқичлари. Ҳозирги замон чет тили ўқитиш методикасида тинглаб тушунишга ўргатиш мулоқотга ўргатишнинг муҳим таркибий қисми сифатида илгари сурилади ва бу жараённи ташкил қилишда оддийликдан мураккабликка принципига асосланган кўйидаги кетма-кетликда ташкил қилинадиган фаолият турларини амалга оширишни тавсия қилади (№32 слайд намоёйиш қилинади):

1. Қисқа ҳажмли, аввал ўзлаштирилган лексик, грамматик материал асосида тузилган матнни кўргазмали қуроолларга таянилган ҳолда ўқитувчи ижросида тинглаб тушунишга ўргатиш;

2. Шундай фаолиятни кўргазмали қуроолларсиз ташкил қилиш;

3. Магнит тасмасига ёзилган, таниш лексик, грамматик материал асосида тузилган қисқа ҳажмли матнни кўргазмали қуроолларсиз тинглаб тушунишга ўргатиш;

4. Аввалгисига нисбатан каттароқ ҳажмдаги, таниш лексик, грамматик материал асосида тузилган матнни кўргазмали қуроолларга таянилган ҳолда ўқитувчи ижросида тинглаб тушунишга ўргатиш;

5. Шу мазмундаги ишни кўргазмали қуроолларсиз амалга ошириш;

6. Таниш лексик, грамматик материал асосида танланган каттароқ ҳажмдаги матнни фонограммалар орқали эшиттириб, диафильмлар, кинофильмлар намоёйиш қилиб тинглаб тушунишга ўргатиш;

7. Шу мазмундаги ишни диафильм, кинофильмлар намоёйиш қилмасдан ташкил қилиш;

8. Таркибида номаълум тил материали мавжуд бўлган матнни кўргазмали қуроолларга таянилган ҳолда ўқитувчи ижросида тинглаб тушунишга ўргатиш;

9. Шу мазмундаги ишни кўргазмали қуроолларсиз ташкил қилиш;

10. Таркибида номаълум тил материали бўлган матн фонограммасини

диафильм, кинофильмлар намоиши орқали тинглаб тушунишга ўргатиш;

11. Шу мазмундаги ишни кўргазмали куролларсиз амалга ошириш.

Ўқитувчи ҳар бир босқичдаги топшириқлар барча ўқувчилар томонидан тўлиқ ўзлаштирилганлигини таъминлаб, навбатдаги босқич топшириқларини тинглаб тушунишга ўргатади.

4.Тинглаб тушунишга ўргатувчи машқлар ва назорат. Тинглаб тушунишга ўргатувчи ҳар бир машқдан олдин ўқитувчи ўқувчиларга конкрет мазмунли топшириқлар беради, уларнинг диққат-эътиборларини топшириқни тўғри бажариш йўллариغا қаратади. Масалан, дастлабки босқичларда ўқитувчи ўқувчиларга тингланаётган матннинг умумий маъносини ёки аниқ мазмунини тушунишни топшириқ қилиб бериши мумкин. Кейинги босқичларда эса матндаги персонажлар характери, воқеаларни шарҳлашни, уларга муносабат билдиришни таклиф қилиши мумкин. Диафильмлар, кинофильмлар намоиши орқали ташкил қилинадиган тинглаб тушуниш дарсларида ўқитувчи иш бошлашдан олдин намоиш қилинадиган материалнинг умумий йўналиши билан таништириши, қандай лавҳаларга асосий эътиборни қаратиш лозимлигини тушунтириши мумкин. Аудиоматнда ўқувчилар учун нотаниш тил материали мавжуд бўлса, ўқувчиларнинг олдиндан фаҳмлаш қобилиятларини ривожлантириш мақсадида ўқитувчи ўқувчиларга йўналтирувчи тушунтиришлар беради. Лозим ҳолларда эса матнни эшиттиришдан олдин нотаниш лексик, грамматик қийинчиликларни тушунтиради ёки дарстахтага ёзиб қўяди. Аудиоматн бир бора эшиттирилганидан кейин ўқувчилар томонидан яхши тушунилмаганлиги аниқланса, ўқитувчи бу жараёни қўшимча воситалар орқали яна икки-уч бор такрорлаши мумкин.

Тинглаб тушунишнинг яқунловчи босқичида ўқувчиларнинг тушунганлик даражалари назорат қилинади. Бу жараёнга иложи борица камроқ вақт сарфлаб ва кўпроқ ўқувчиларнинг билимини назорат қилишга уруниш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, индивидуал назорат ўқитувчидан жуда кўп вақт сарфлашни талаб қилади. Гуруҳ ёки оммавий равишда уюштириладиган назорат эса ҳар бир ўқувчининг билим даражасини аниқ назорат қилиш имкониятини бермайди. Бу ўринда назоратни энг паст ўзлаштирувчи ўқувчилардан бошлаш, яхши ўзлаштирувчи ўқувчилардан унинг жавобини тўлдиришни сўрашдан бошлаган маъқул.

Тинглаб тушуниш даражасини назорат қилишни қуйидаги усуллар орқали ташкил қилиш мумкин (№33 слайд намоиш қилинади):

1. Турли тасдиқ жавоблар ичидан энг тўғриси танлаш. Бу оғзаки ва ёзма равишда тестлар орқали ташкил қилиниши мумкин;

2. Матн бўйича саволларга жавоб бериш;

3. Матн мазмунига мос келмайдиган жумлалардаги хатоларни тўғрилаш;

4. Расмлар, диафильмлар, кинофильмлар намоиши жараёнида лавҳалар

мазмунини гапириб бериш;

5.Матннинг асосий мазмунини гапириб бериш;

6.Матн мазмунини қисқартириб гапириб бериш;

7.Матн мазмунини парчаларга бўлиб, навбатма-навбат гапириб бериш;

8.Матндаги персонажлар характериға, воқеаларға муносабат билдириш.

Агар ортиқча вақт бўлса, назоратни гуруҳ ёки синф бўйича суҳбат, муҳокама тарзида ҳам ташкил қилса бўлади.

Тинглаб тушунишға ўргатишдаги барча машқларни муваффақият билан ўзлаштирган ўқувчилар аста-секинлик билан турли тоифадаги одамлар нутқини тинглаб тушунадиган, уларға ўз муносабатини билдира оладиган, яъни мулоқотға кириша оладиган бўладилар.

Кўриниб турибдики, тинглаб тушунишға ўргатиш бевосита матн устида ишлаб, фақат уни таржима қилишнигина эмас, уни эшитиб тушунишни талаб қиладиган ва шу асосда мулоқотға киришувни ўргатадиган жараёндир.

5.Тинглаб тушунишға ўргатиш дарсининг методик характеристикаси. Мулоқотға, ўзаро фикр алмашувға ўргатиш устивор йўналиш касб этаётган ҳозирги шароитда мактабларда, олий ўқув юртларида чет тилларни тинглаб тушунишға ўргатиш машғулотларини коммуникативлик принциплари асосида ташкил қилиш, унинг методик технологиясини ишлаб чиқиш, ўқув дастурлари режасига уни алоҳида дарс босқичи сифатида киритиш, мулоқотға ўргатишнинг бу тури бўйича баҳолаш мезонларини аниқлаш зарурати илгари сурилмоқда. Маълумки, тинглаб тушунишға ўргатиш машғулотлари талабаларда муайян ўқув материали бўйича грамматик, лексик, перцептив(идрок қилинган) кўникма ва малакалар шакллантирилгач ташкил қилинади. Бундай тизимға риоя қилмаслик эшитиладиган нутқнинг фонетик, грамматик, лексик қонуниятларини идрок қилмасликка, натижада эшитиладиган ахборотни бутунлай тушунмасликка олиб келиши мумкин. Бундан хулоса шуки, тинглаб тушуниш кўникма ва малакаларини шакллантириш талаффуз, лексик, грамматик кўникмалар ва малакаларни шакллантириш билан узвий боғлиқдир. Бу ўринда эшиттириладиган аудиоматн мазмунининг аввал ўрганилган лексик-грамматик материал билан боғлиқлиги, нутқнинг эшитилиш тезлиги, ташкил қилинадиган машқларнинг ўқувчиларнинг эшитиш хотирасини ривожлантиришға йўналтирилганлиги, аудиоматн мазмуни ўқувчиларнинг барча сезгиларига комплекс таъсир қиладиган аудио-визуал воситалар орқали баён қилиниши ҳам муҳимдир.

Тинглаб тушунишға ўргатишни тўрт босқичда амалға ошириш қабул қилинган (№ 34 слайд намоёиш қилинади):

1-босқич.Тинглаб тушунишға ўргатишға мўлжалланган шартли коммуникатив машқларни бажартириш машқлари (Тайёрлов машқлари);

2-босқич. Тинглаб тушунишга ўргатишга мўлжалланган коммуникатив машқларни бажартириш (Фикр алмашув, коммуникатив машқлар);

3-босқич. Аудиоматнни тинглаб тушуниш босқичи;

4-босқич. Тинглаб тушуниш малакаларини текшириш ва баҳолаш босқичи.

Биринчи босқичда тинглаб тушунишга тайёрлов машқларини қуйидаги усуллар орқали амалга оширилади:

1. Ўқитувчи кўрсатмасини эшитиб, уни тез бажариш машқлари;

2. Нотўғри фикр эшитганида, қўл кўтариш машқлари;

3. Ўқитувчи нутқида тасвирланаётган, иш ҳаракати ёки воқеа содир бўлган жойни аниқлаш бўйича машқлар;

4. Ўқитувчи нутқида атайлаб ташлаб кетилган нарса, воқеа номларини аниқлаш машқлари;

5. Ўқитувчи фикрига қўшилса, уни тасдиқлаш машқлари;

6. Туғилган кунлар санаси ёзилган карточкаларни кўриб, у кимники эканлигини аниқлаш машқлари;

7. Ўқитувчининг бир кунлик иш режасини эшитиб, унда қандай муҳим пункт тушириб қолдирилганлигини аниқлаш машқлари;

8. Ўқитувчи ҳикоясида тилга олинган нарсалар, воқеалар, ҳодисалар номларини эсда қолдириш бўйича машқлар;

9. Муайян бир кишининг исми, ёши, миллати, касби ва ҳ. ҳақидаги ахборотни эшитиб, уни она тилида қайд қилиш машқлари;

10. Воқеа содир бўлган жойни картадан кўрсатиш машқлари;

11. Эшитилган ахборот ва намойиш қилинадиган тасвирий воситадаги фарқларни топиш машқлари;

12. Эшитилган жумлани синтагмаларга ажратиш бўйича машқлар;

13. Эшитиладиган нутқдан бир хил талаффуз қилинадиган, мазмунан фарқ қиладиган сўзларни топиш машқлари;

14. Эшитилган ахборотдан мантиқ ва мазмунни тикловчи ташлаб кетилган жумлани топиш машқлари.

Бундай тайёрлов машқлари орқали ўқувчиларнинг дастлабки тинглаб тушуниш кўникмалари шаклланади. Ўқувчилар ўқитувчидан эшитган маълум кўрсатмалар орқали нутқий ҳаракат усуллариини ўзлаштирадилар.

Тинглаб тушуниш кўникмаларини малакаларга айлантирувчи **нутқ машқлари** бевосита аудиоматн асосида ташкил қилиниб бунда кўпроқ тушунилган ахборот бўйича фикр билдиришга асосий эътибор берилади. Нутқ машқларини қуйидаги кўрсатмалар орқали ташкил қилиш мумкин:

1. Ҳикояни (парчани) эшитиш ва саволларга жавоб бериш машқлари;

2. Эшитилган матндан асосий фикрни аниқлаш машқлари;

3. Матн парчасини эшитиб, уни изоҳлаш машқлари;

4. Диалогни бошини эшитиб, уни давом эттириш машқлари.;

5. Диалогни эшитиб, ундаги асосий мазмунни гапириб бериш машқлари;

6. Эшитилган парчага сарлавҳа қўйиш машқлари;
7. Парчани эшитиб, унга тузилган аралаш режа пунктларини мантиқий тартибда жойлаштириш машқлари;
8. Матн парчасини эшитиб, ўқитувчи томонидан берилган фикрни тўғри ёки нотўғрилигини тасдиқлаш машқлари;
9. Матн парчасини эшитиб, унга мантиқий режа тузиш машқлари;
10. Эшитилган фикрга муносабат билдириш машқлари;
11. Матнда фикр юритилган воқеа-ҳодиса руй берган жойни, мамлакатни, даврни изоҳлаш машқлари.

Келтирилган машқ турлари аудиоматннинг мазмунига ва қийинчилик даражасига кўра турли кетма-кетликларда уюштирилиши мумкин.

Учинчи босқич аудиоматнни жонли овозда ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилиши ёки фонограммалардан эшиттирилиш билан бошланади. Бу ўринда матнни турли овоздаги, эркак ва аёл сухондонлар томонидан ўқилишига эътибор берилиши лозим. Акс ҳолда ўқувчилар бир сухондон овозига кўникиб қолиши ва бошқаларнинг овозини эшитганида тушунишга қийналиб қолишлари мумкин.

Тинглаб тушунишга мўлжалланган матн (аудиоматн) эшиттирилаётганида матннинг ҳар бир жумласи ифодаладиган мазмун ўқувчиларнинг барча сезгиларига фаол таъсир қиладиган расмлар серияси, овозли ва овозсиз диафильмлар, аппликациялар, имо-ишоралар, ҳаракатлар, предметлар орқали намойиш қилиб борилади. Бунинг учун ўқитувчи дарсни режалаштиришда мавзуга оид барча воситаларни олдиндан тайёрлайди. Машғулот бошланишида дарснинг мақсадини, тинглаб тушуниш орқали улар қандай натижаларга эришиш мумкинлигини тушунтиради. Лозим бўлса, матнда учрайдиган мураккаб сўз бирикмаларни, грамматик муаммоларни коммуникативлик асосида изоҳлаб беради. Шундан сўнг аудиоматн эшиттиришга қўйилади.

Эшитилган матнни тушуниш малакаларини мустаҳкамлаш учун қуйидаги усулларда машқлар уюштирилиши мумкин:

1. Ўқувчилар дастлаб матнни эшитиш жараёнида ўқитувчи кўрсатган кўргазмали воситаларни матн кетма-кетлигида кўрсатишни машқ қиладилар. Эшитиш жараёнида гап ифодалаган мазмунни хатосиз ва матн кетма-кетлигида расмлар, предметлар, имо-ишора ва ҳаракатлар орқали ифодалаб бериш ўқувчиларда дастлабки тинглаб тушуниш кўникмаларининг мустаҳкамлашга олиб келади. Қолаверса, бундай машқ ўйин ҳарактерига эгаллиги, ўқувчиларга ижобий эмоционал таъсир қилиши билан ўқувчиларнинг қизиқишларини ва фаоллигини янада оширади.

2. Тинглаб тушунишни мустаҳкамлаш ўқувчиларнинг матнни гўшаклар орқали эшитиб, паузаларда жумлаларни овоз чиқариб такрорлаши, матн мазмунини ифодаловчи расмларни намойиш қилишлари орқали давом эттирилиши мумкин. Бундай машқ бир неча бор такрорланиши натижасида

матннинг ҳар бир жумласи ифодалаган маъно ўқувчиларга тобора тушунарли бўла бошлайди ва шу орқали эшитилган матн мазмуни тўла тушунилишига эришилади. Бундай машқларни ўқув лабораторияларида мустақил иш сифатида ташкил қилиш яхши натижаларга олиб келади.

Тўртинчи босқич, тинглаб тушунишга ўргатишнинг якуловчи босқичида аудиоматннинг ўқувчилар томонидан тушунганлик даражалари текширилади ва баҳоланади. Бундай текшириш ва баҳолаш бир дарснинг алоҳида босқичи ёки алоҳида дарс сифатида уюштирилиши мумкин.

Бу босқич кўп жиҳатлари билан гапириш малакаларини текшириш ва баҳолаш билан боғланиб кетади. Масалан, матн тўлиқ тушунилишига эришилгач, баҳолаш ёки тушунилганлигини текшириш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш мумкин:

1.Ўқитувчининг матн мазмунига оид саволларига «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб бериш;

2.Матн мазмунига оид тест саволларини ечиш;

3.Матндан маъно ташувчи сўзларни топиш ва улар ёрдамида жумла тузиш;

4.Матндаги персонаж ҳарактерига ўз муносабатини билдириш;

5.Матндан табиат манзаралари, персонажлар қиёфаси ифодаланган жумлаларни топиш ва унга муносабат билдириш;

6.Матн мазмуни бўйича мунозара уюштириш;

7.Матннинг магнит ёзувини эшитиб, ёки эшитмасдан расмлар, предметларни намоиш қилиб, аудиоматн мазмунини гапириб бериш;

8.Матннинг ҳар бир жумласини она тилида эшитиб, чет тилига, чет тилида эшитиб, она тилига таржима қилиш. Бу нафақат тинглаб тушуниш малакасини шакллانганлигини, балки ўқувчиларнинг кетма-кет таржима қила олиш малакаларини ҳам такомиллаштиради;

9.Матн бўйича жуфт бўлиб ишлаш орқали саволларга жавоб беришни ташкил қилиш;

Шундай қилиб тинглаб тушунишга ўргатиш эшитилган матндан ахборт олиш, унга ўз муносабатини билдириш, бу муносабатни қизиқарли шаклларда ифодалаш орқали мулоқот уюштиришни бош мақсад қилиб қўяди. Зеро ҳозирги пайтда чет тили ўқитишдан кузатиладиган бош мақсад ҳам ўқувчиларни жонли фикр алмашувга ўргатишдир.

МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1.Тинглаб тушунишнинг мақсад ва вазифаларини тушунтиринг.**Таянч сўзлар:** *идрок қилиш, фаҳмлаш, тушуниш, эшитиш сезгиси, грамматик, лексик, фонетик боғлиқликлар, нутқ фаолиятининг турлари, умумий ва махсус дастур.*

2. Тинглаб тушунишга қўйиладиган методик талабларни баён қилинг.**Таянч сўзлар:** *аудиоматн ва ўқув дастури, аудиоматн ҳажми, аудиоматн ва кўргазмали воситалар, ўқитувчи ва ўзгалар нутқи, тинглаб тушуниш ва*

коммуникативлик.

3. Тинглаб тушунишга ўргатиш босқичлари деганда нимани тушунасиш?
Таянч сўзлар: ўқитувчи нутқи, фонограмма, кўрғазмаларни ишлатиш ва ишлатмаслик, таниш ва нотаниш тил материали.

4. Тинглаб тушунишни назорат қилиш усуллари баён қилинг. **Таянч сўзлар:** назорат ва вақт бюджети, индивидуал ва оммавий текишириш, тест, тасдиқ ва инкор фикрлар, расмлар, муносабат билдириш.

Қуйидаги адабиётларни ўрганиб, билимларингизни чуқурлаштиринг:

1. Гез Е.И. Методика обучения иностранным языкам в средней школе. - М:1982. 241 бет.

2. Елухина Н.В. Обучение аудированию в русле коммуникативно ориентированной методики. «Иностранные языки в школе» (ИЯШ), 1989, №2, стр.28.

3. Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. –Т:1996, 290-204 бетлар.

4. Пассов Е.И. Основы коммуникативной методики обучения иностранному общению.- М: 1989, 185-186 бетлар.

5. Старков А.П. Обучение английскому языку в средней школе. – М: 1978. 82-95 бетлар.

11–мавзу: ГАПИРИШ КЎНИКМА, МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ

1. Гапиришга ўргатиш нутқ фаолиятига ўргатишнинг бир туридир

2. Гапиришга ўргатишнинг лингвистик, психологик ва методик омиллари

3. Гапиришга ўргатишда нутқ вазиятларининг ўрни

4. Диалогга (жуфт нутққа) ўргатиш усуллари

5. Монологга (якка нутққа) ўргатиш усуллари

6. Гапиришга ўргатишда машқ ва топшириқлар

1. Гапиришга ўргатиш нутқ фаолиятига ўргатишнинг бир туридир

Чет тили ўқитиш методикасида гапиришга ўргатиш «оғзаки нутққа ўргатиш», «фикрни оғзаки баён қилишга ўргатиш», «мулоқотга (коммуникацияга) ўргатиш» каби атамалар билан юритилади.

Чет тили ўқитишнинг асосий мақсади ўқувчиларни эркин мулоқотга ўргатиш қилиб белгиланган ҳозирги шароитда гапиришга ўргатиш чет тили дарсининг энг муҳим босқичи сифатида қаралмоқда.

Гапиришга ўргатиш фикрни ёзма баён қилиш (ёзишга ўргатиш), ўзгалар нутқини тинглаб тушуниш (нутқни идрок этиш ва фаҳмлаш), ўқиб тушуниш

каби нутқ фаолияти турлари билан узвий боғлиқликда ташкил қилинади. Чунки талаффузга, янги лексикага, грамматик материалга ўргатмасдан, тинглаб тушунишга, гапиришга, фикрни ёзма баён қилишга ўргатиш мумкин эмас.

Коммуникатив метод тарафдорлари гапиришга ўргатишни бош мақсад сифатида илгари суришиб, фақат гапириш жараёнида талаффузга, грамматик материалга, тинглаб ва ўқиб тушунишга, фикрни ёзма баён қилишга ўргатиш таклифи билан чиқмоқдалар. Уларнинг фикрича хорижий тилни система сифатида эмас, коммуникация воситаси сифатида ўрганиш асосий вазифадир. Ўшбу фикрни рад қилмаган ҳолда анъанавий ва коммуникатив методлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг тил материаллини ўзлаштириш даражаларига кўра дифференциал ёки комплекс ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз. Чунки ҳар қандай методни танлашда биринчи навбатда ўқувчиларнинг хотираси, диққати, қобилияти, ўзлаштириш даражаси каби сифатларига эътибор берилади. Шундай қилиб, гапиришга ўргатишда анъанавий ва коммуникатив методлардан комплекс фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

2. Гапиришга ўргатишнинг лингвистик, психологик ва методик омиллари. Хорижий тил воситаларидан фойдаланиб фикрни оғзаки баён қилишга ўргатиш анча мураккаб жараён бўлиб, бунда бир йўла учта нутқий дастурни бажаришга тўғри келади: тил материаллини таниш, идрок қилиш ва фаҳмлаш, уни нутқ жараёнида қўллаш. Шундан келиб чиқиб биринчи навбатда ўқувчиларнинг лингвистик компетенциясини (тил материаллини таниш салоҳиятини) шакллантириш, яъни лексик, грамматик малакаларини шакллантириш муҳимдир. Гапиришга ўргатиш жумлаларни хотирлаш, идрок қилиш, маълум бир нутқ вазиятида фикр билдира олиш, хато қилиб қўйишдан чўчимаслик каби қатор психологик факторларга ҳам боғлиқ.

Маълумки, гапиришга ўргатиш диалог ва монолог шаклида амалга оширилади. Масалага тилшунослик, психологик ва методик нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бу нутқ турларига ўргатишнинг грамматик, синтактик, психологик ва методик хусусиятлари турлича эканлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, диалог маълум бир мавзу доирасида ташкил қилинадиган ва маълум бир гап структуралари орқали ташкил қилинадиган икки ёки ундан ортиқ суҳбатдошларнинг нутқ вазиятларига боғлиқ бўлган ўзаро реплика алмашинувига асосланса, монолог бир киши томонидан гапириладиган ва мантиқан яқунланган, бир неча жумлалардан тузилган, нутқ вазиятларига таянилмаган нутқдир. Ўқитувчининг дарсадаги тушунтиришлари, бирор мавзудаги ҳикояси, нотикнинг мажлисдаги маърузаси, суҳандоннинг радио ва телевидениедаги нутқи монологга (якка нутққа) мисол бўла олади.

Гапиришга ўргатишда дастлаб ўқувчиларда диалогик нутқ кўникма ва малакалари шакллантирилади ва аста-секинлик билан монологик нутқ кўникма

ва малакаларини шакллантиришга ўтилади.

Гапиришга ўргатишнинг ҳар иккала шаклида ҳам қуйидаги методик ва психологик талабларга риоя қилинади (№35 слайд намоиш қилинади):

1. Нутқ материалининг ахборот характерда бўлишини таъминлаш;
2. Ўқувчиларнинг нутқ фаоллигини рағбатлантирувчи метод, усул ва воситалардан самарали фойдаланиш;
3. Гапиришга ўргатишда ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда дифференциал ёндошиш;
4. Тил материалини нутқ вазиятлари орқали мулоқот жараёнига киритиш;
5. Нутқ мавзусининг янгилигини, қизиқарлилигини таъминлаш;
6. Нутқ шаклларига ўргатишда жумлаларнинг мазмун ва маъносига асосий эътиборни қаратиш;
7. Гапиришга ўргатишда ўқувчиларнинг гуруҳ нутқ фаолиятини ташкил қилиш имкониятларидан фойдаланиш;
8. Гапиришга ўргатишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш (интернет, лойиҳалаб ўқитиш, баҳс, мунозара, муҳокама);
9. Ўқувчиларнинг мулоқотга киришув салоҳиятини (компетенциясини) шакллантириш.

Гапиришга ўргатишда ҳар бир ўқувчининг фаол ўқув фаолиятини таъминлайдиган, эркин фикр билдира оладиган ижобий психологик муҳит яратиш муҳимдир. Шу нуқтаи назардан ўқувчиларнинг нотўғри, мантиққа зид, қарама-қарши фикрлари қораланмаслиги, балки қўллаб-қувватланиши ва бу фикрларга бошқалар муносабат билдириш чораларини кўриш лозим. Хато фикр билдирган ўқувчи бу орқали фикрлаётганлигини, фаол ўқув фаолиятига киришганлигини, ўз фикрини хорижий тилда ифода қилиш олишлигини билдиради. Бундай мулоқот жараёнида ўқувчилар ўзларини танқид қилинишларидан, хато фикр билдирилишдан чўчимасликка ўргатилади.

Суҳбатдошлараро, гуруҳлараро ўюштирилаётган мулоқотлар жараёнида ўзаро дўстона беғараз ёрдам, ҳамкорлик, ўзаро бир-бирларини англаш руй беради.

Диалогни (жуфт нутқни) ўргатишда ўқувчиларда мулоқотга кириш олиш салоҳиятини шакллантириш ҳам муҳимдир. Мулоқотга киришув салоҳияти турли нутқ вазиятларида нимани гапириш, қандай гапириш, жумлаларни қандай бир-бирларига боғлаш, суҳбатдош фикрини интуитив англаш, унга тасдиқ, сўроқ, инкор шаклларда жавоб бериш йўллариини ўргатиш орқали шакллантирилади. Мулоқотга киришув салоҳиятини шакллантириш кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг қуйидаги нутқ малакаларини эгаллай олишларига боғлиқ (№36 слайд намоиш қилинади):

1. Суҳбатдош диққат-эътиборини ўзига қаратиш формулаларини ўрганиб олиш. (*Puis-je vous adresser?, Peut-on vous demander?, Voulez-vous me dire?*);
2. Ўз фикрини юз, қўл ҳаракатлари билан (мимика ва жест) ифодалаш

йўлларини ўрганиб олиш;

3.Керакли сўзлар топилмай қолганида уни перифраза, синоним, антоним, ҳаракатлар, имо-ишоралар ва бошқа воситалар орқали тушунтириш йўлларини ўрганиб олиш;

4.Гап структурасини соддалаштириб гапиришни ўрганиб олиш. Бунда хатоларга йўл қўйишдан чўчимаслик;

5.Хато гапириб қўйганида уни тўғрилашни суҳбатдошидан илтимос қилишдан уялмаслик;

6. Лозим бўлиб қолса, суҳбат мавзусини ўзгартириб юбориш усулларини билиш.

Кейинги йилларда нашр қилинаётган методик адабиётларда ўқувчиларнинг гапириш малакаларини шакллантиришда уларнинг диққатини, хотирасини, фикрлаш қобилиятларини фаоллаштирадиган эмоционал таъсир воситаларидан фойдаланиш ҳақида фикрлар билдирилаяпти.

Рус методист-олимлари Э.П.Комарова ва Е.Н.Трегубовалар гапиришга ўргатишда қуйидаги эмоционал таъсир омилларидан фойдаланишни тавсия қиладилар:

1.Мулоқот жараёнида ўқувчи миясига когнитив (фикрлашга ундовчи), эмоционал (ҳиссий сезги уйғотувчи), психомотор (руҳий ҳаракатга келтирувчи) таъсир қилувчи восита ва усуллардан фойдаланиш;

2. Мулоқот жараёнида синфда, гуруҳда ўқувчиларнинг кўрқув ҳиссиётларини, хато қилиб қўйишдан уялиш, кескин руҳий вазиятларни бартараф қилиш чораларини кўриш;

3. Мулоқот мавзуининг юмористик, ижобий мазмунда бўлишлигини таъминлаш;

4.Мулоқот жараёнида ўқувчиларнинг эшитув, кўриш, сезиш, идрок қилиш анализаторларига комплекс таъсир қилувчи восита ва усуллардан фойдаланиш;

5.Мулоқот жараёнида ўқувчилар орасида самимий, беғараз дўстона муносабатлар ва ўқув ҳамкорлиги ўрнатилишига эришиш.

Ўқувчининг барча сезгиларига комплекс ижобий ёки салбий таъсир кўрсатилганидагина унинг фикрлаш қобилияти фаоллашади. Бундай ҳолларда инсоннинг интеллектуал имкониятлари бир неча бор ортиб кетишлиги исботланган. Шундан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларни қувонтириб, кулдириб, шодлантириб гапиришга, тинглаб ва ўқиб тушунишга ўргатишнинг психологик-методик системасини яратиш вазифаси келиб чиқаяпти.

Шундай қилиб, нутқ фаолиятига ўргатишда лингвистик, психологик, методик омилларнинг муштараклигига эришиш хорижий тилни ўргатишга қўйилган амалий, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни самарали амалга оширилишини таъминлайди.

3.Гапиришга ўргатишда нутқ вазиятларидан фойдаланиш.Маълумки,

ўқувчиларнинг коммуникатив фаолиятини ташкил қилишда ўқув материалининг мотивлаштирилиши, унинг мазмунини эгаллашга қизиқишни оширувчи нутқ вазиятларидан фойдаланишнинг аҳамияти катта. Гап бу ўринда ўқув материали мазмунини экстралингвистик, коммуникатив вазиятлар орқали ўзлаштириш ҳақида боради.

Коммуникатив вазиятларни вужудга келтириш қуйидаги лингвометодик принциплар орқали амалга оширилади (№37 слайд намоиш қилинади):

1. Ўқув-нутқ вазиятлари ўқувчиларнинг ўзаро фикр алмаштиришга йуналтирилганлигини таъминлаш принципи;

2. Ўқув -нутқ вазиятини коммуникатив вазиятга мослаштириш принципи. Бу принцип нутқ мавзуларини ижтимоий, оилавий, таълимий, ижтимоий-маданий, ўйин, ижтимоий фаолият каби соҳаларга , яъни тематик вазиятларга бўлиб ташкил қилишни кўзда тутди;

3. Нутқ муносабатларининг вазиятга боғлиқлиги принципи. Бу принцип мулоқот жараёнида вазиятни, суҳбатдошларнинг ўзаро муносабатларини, мулоқотни ривожлантиришга бўлган иштиёқларини рағбатлантиришни кўзда тутди.

Мулоқотни нутқ вазиятлари орқали ташкил қилиш қуйидаги афзалликларга эга:

1. Қўйилган нутқ вазиятидан кутилган мақсаднинг аниқлиги. Ўқувчилар яқка ҳолда ёки гуруҳ бўлиб аввал ўрганилган лексик- грамматик материалга таянганлари ҳолда маълум вазиятда фойдаланиш мумкин бўлган нутқ бирликларини ҳамкорликда вужудга келтирадилар. Муҳокама жараёнида унинг тўғри вариантини топишга уринадилар. Иш дастлабки босқичда китобга қараб, кейинги босқичларда эса китобдан фойдаланмасдан, фақат мавзуга оид қўшимча материаллардан (масалан, саёҳат мавзуси бўйича самолёт рейси, чипталар нархи, учиб вақти ҳақида ҳужжатлар) фойдаланиб бажарилади. Методик адабиётларда бундай фаолият **лойиҳалаб (проектлаб) гапиришга ўргатиш** деб аталади;

2. Эришилган натижаларнинг аниқлиги ва ҳаётийлиги. Реал турмушга яқинлаштирилган нутқ вазиятлари орқали ўрганиладиган тил материали ҳаётий эҳтиёж сифатида ўрганилади. Бу ўқувчиларни ўқув материални яхшироқ ўзлаштиришга қизиқтиради;

3. Билиш жараёнининг мулоқот тарзида кечиши. Бу ҳолда вазиятга боғланган ўқув нутқ топшириғини бажариш ўзаро мулоқот, фикр алмашув, муҳокама жараёнида ягона тўғри фикрга келиш орқали амалга оширилади. Фаолиятнинг ўйин характерда эканлиги ўқув материалининг ўзлаштирилишини тезлаштиради.

4. Диалогик (жуфт) нутқга ўргатиш. Диалогга ўргатиш гапиришга ўргатишнинг бир тури бўлиб, унда икки ва ундан ортиқ ўқувчилар иштирок

этади. **Диалогга** ўргатишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида Ж.Жалолов қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди:

1. Жуфт нутқ суҳбатдошдан тезда жавоб беришни талаб қиладиган жараёндир;

2. Жуфт нутқ фақат савол-жавоблардан ташкил топмаслиги лозим;

3. Жуфт нутқда иштирок этувчилар ҳар бири ўз мақсадларидан келиб чиқиб гапирадилар, шу сабабли унинг мазмунини режалаштиришнинг иложи йўқ;

4. Жуфт нутқда иштирок этувчилар ўзаро бир-бирларини тушунсаларгина диалог давом этади, акс ҳолда у тўхтаб қолади;

5. Жуфт нутқда иштирок этувчилардан бири мулоқотга етакчилик қилиши зарур;

6. Ўзаро мулоқот таъсирчан, қизиқарли мавзуда бўлиши, кимгадир, нимагадир муносабат билдиришга йуналтирилган бўлиши лозим;

7. Жуфт нутқ нутқ вазиятларига асосан уюштирилсагина, у самарали бўлади;

8. Жуфт нутққа ўргатишда таълим босқичларига мувофиқ турли кўргазмали воситалардан, таянч сўз ва намуналардан фойдаланиш ва фойдаланмаслик методик усул мақомини олади.

Диалогик бирлик сифатида репликалар (луқмалар) қабул қилинган. Реплика гап қистириш, луқма ташлаш, эътироз билдириш, эшитилган фикрга қўшилишни ифодаловчи сўзлар бўлиб, уларни мавзуларга оид гуруҳларга бўлиб, нутқ намунаси сифатида ёдлаб олиш мумкин (масалан саволларнинг турларини, тасдиқ, инкор, жавоб турларини).

Диалогга ўргатиш фонетик, лексик, грамматик материални амалда қўллашга восита сифатида ва айни пайтда фикр алмашув, янги ахборот олиш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади.

Умумтаълим мактаблари дастурида диалогик нутққа ўргатиш бўйича қуйидаги талаблар белгиланган: 5-синф ўқувчиси мавзу бўйича учта диалогда қатнаша олиши, ёки учта луқма ташлай олиши, олтинчи синфда тўрттагача, еттинчи синфда беш-олтитагача, саккизинчи синфда етти-саккизтагача, тўққизинчи синфда тўққиз-ўнтагача .

Диалогга ўргатиш учта босқичда амалга оширилади:

1-босқич, тайёрлов босқичи. Диалогик нутқ учун тил материаллари, воситалари, намуналари, керакли репликалар танланади ва улар ёрдамида жумлалар тузишга ўргатилади.

2-босқич. Намуна асосида диалогик нутқ тузишни ўргатиш. Бу босқичда ўқувчилар намуналар асосида ясалган диалогларда иштирок этадилар, кейин ундаги сўзларни ўзгартириб, янги диалоглар ясайдилар.

3-босқич. Бу босқичда ўқувчилар намуналарга қараб ва қарамасдан мустақил равишда диалоглар тузадилар.

Умумий таълим мактабларида диалогик нутқнинг қуйидаги турлари

ўргатилади:

1. Ахборот алмашув мақсадидаги жуфт нутқ.
2. Режа асосида ҳамкорликда фаолият кўрсатишга мўлжалланган жуфтноутқ.
3. Мунозарали, фикр баён қилишга мўлжалланган жуфтноутқ.

Жуфт нутқ одатда хабар, савол, гапиришга ундовчи лукмалардан (репликалардан) бошланади. Жуфт нутқ ўқитувчи томонидан бошқарилиши, ёки эркин савол-жавоб, суҳбат тарзида ташкил қилиниши мумкин.

Нутқ вазиятига кўра ташкил қилинадиган жуфт нутқда асосий эътибор мавзунинг ёритилишига, яъни нимани гапирига, вазифани қандай бажарилишига, топширилган ролни қандай ижро этилишига қаратилади.

Жуфт нутққа ўргатиш ўқувчилардан қатор нутқ малакаларини эгаллашни талаб қилади. Ўқувчи нутқий вазифани аниқ тушуниши, Мулоқотда фойдаланиладиган сўзларни ўзлаштирган бўлиши, лозим бўлса нутқ режасига тегишли ўзгартиришлар киритишни билиши, суҳбатдошдан гапириш ташаббусини ўз қўлига ола билиши, шеригига жавоб бериш учун имкон туғдиришни, нутқ вазиятига қараб суҳбатдоши гапига муносабат билдиришни ўрганиб олиши лозим.

Жуфт нутқда иккидан ортиқ ўқувчининг иштирок этиши унга гуруҳ нутқ мақомини беради.

5.Монологик (якка) нутққа ўргатиш. Бирор мавзу бўйича фикрни баён этишда алоҳида сўздан тортиб бир неча жумладан иборат ахборотни баён қилиш якканутқ деб аталади. Монологик нутққа ўргатишда унинг қуйидаги хусусиятларини эътиборга олиш талаб қилинади:

1. Якка нутқ бир ўқувчи томонидан амалга оширилади.
2. У режали ва қисман тайёрланган бўлиши мумкин.
3. У мантиқий боғланган жумлалардан ташкил топади ва тугал фикр англатиши лозим.

4.Монологик нутқ ҳам нутқ вазиятга асосланиши ва унда гапирувчининг ҳис-ҳаяжони, мавзуга, воқеа ва ҳодисага муносабати ўз аксини топган бўлиши лозим.

У ўқувчидан жумлаларни боғловчи элементларини эгаллаб олишни, тўғри сўз танлашни, фикрни мантиқий баён қилишни, мавзунини тўлиқ очиб беришликни талаб қилади.

Е.И.Пассовнинг фикрича, монолог давомли, мантиқий кетма-кетликда келадиган, мазмунан ва мантиқан тугалланган ахборотдир. Монологик нутқни ўргатиш гапиришга ўргатишда ҳам восита, ҳам мақсаддир. У восита сифатида гапиришга ўргатади, тил материалини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Мақсад сифатида эса, фикрни оғзаки баён қилишга, ахборот ва маълумот олишга хизмат қилади.

Умумийтаълим мактаблари дастурида монологик нутқ талаблари, мавзулари, нутқнинг ҳажми ва меъёри белгилаб берилган. Жумладан, 5-синф

ўқувчилари 5-7 жумла, 6-синф ўқувчилари 7-8 жумла, 7-синф ўқувчилари 8-9 жумла, 8-9-синф ўқувчилари 8-10 жумла тузиб монологик нутқ ҳосил қилишга ўрганишлари лозим.

Методист-олимлар монологик нутқни уч босқичда ўргатишни таклиф қиладилар:

1-босқич. Тайёрлов босқичи. Бу босқичда керакли тил материаллари, нутқ намуналари танланади. Улар ёрдамида дастлабки нутқ кўникмаларини шакллантирувчи махсус машқлар бажарилади;

2-босқич. Бу босқичда ўрганилган тил материаллари, нутқ намуналари, таянч сўзлар воситасида кичик монологлар тузишга ўргатилади, шунга оид машқлар бажарилади;

3-босқич. Мустақил монолог тузиш, уни такомиллаштириш босқичи. Бу босқичда таянчли-таянчсиз, воситали-воситасиз монологик нутқни такомиллаштиришга, мустақил фикр баён қилишга, нутқнинг мазмунига, мантиқийлигига эътибор беришга ўргатилади.

Монологик нутққа ўргатишда дастлаб содда йиғиқ, кейин содда ёйиқ, боғловчили, боғловчисиз, эргашган қўшма гапларни гапиришга ўргатилади. Монологик нутқни текшириш ва баҳолаш учун маълум вақт жараёнида монолог туздириш, фикрни ёрдамчи воситалар ва воситаларсиз баён қилиш усулларидадан фойдаланилади.

6.Гапиришга ўргатувчи машқлар. Монологик ва диалогик нутққа ўргатишда қуйидаги машқлардан фойдаланиш тавсия қилинади:

1.Тайёрлов машқлари: 1.Тақлид қилиш, намуна диалогни ўрганиб, у асосда диалог яшаш;

2. Намунани шаклини, мазмунини ўзгартириб гап яшаш;

3.Жумлаларни ўзаро боғлаш машқлари;

4.Гап структурасини қисқартириш машқлари;

5. Гап структурасини кенгайтириш машқлари;

6.Суҳбатдош лўқмасига тасдиқ, инкор формаларда жавоб бериш машқлари;

7.Суҳбатдош лўқмасига савол бериш бўйича машқлар;

8.Саволга савол бериш бўйича машқлар;

9.Фикрни навбатма-навбат ифода қилишга, фикрни кенгайтиришга мўлжалланган машқлар.

2.Нутқий машқлар.Улар тайёрланган ва тайёрланмаган нутқ машқларига бўлинади. Тайёрланган нутқ машқларига қуйидагилар киради:

1.Таянч сўз, гапириш режаси, сарлавҳаларга таяниб мавзуни ўзгартириб, ёки тўлдириб гапириш;

2.Расмлардан диафильм ва кинофильмлардан фойдаланиб мавзуни гапириб бериш;

3.Мавзудаги воқеа ҳодисаларга ўз муносабатини билдира олиш.

Тайёрланмаган нутқ машқларига қуйидагилар киради:

1.Она тилида эшитган ҳикоя, расм, овозсиз фильмларни кўриб, мазмунини чет тилича гапириб бериш;

2. Кўрган, эшитган, ўқиган воқеа ва ҳодисалар ҳақида гапириб бериш.

Тайёрланган диалогик нутқ машқларига қуйидагилар киради:

1.Саволларга жавоб бериш (қисқа ва тўлиқ шаклларда);

2.Мавзуга оид саволлар бериш;

3.Монологик нутқ шаклдаги матнни ўқиб уни диалогик нутққа айлантириш;

4.Берилган мавзу асосида диалогик нутқ тузиш;

5.Диалогик нутқ матнини роллар ижро этиб бажариш;

6. Диалогик нутқ матнини ўйин сифатида бажариш;

7.Диафильм, кинофильм кўриб, ҳикоя эшитиб уларнинг мазмунидан янги диалогик нутқ тузиш.

Тайёрланган монологик нутқ машқлари:

1.Баён қилинган фикрни қисман ўзгартириб гапириб бериш;

2.Расм ва расмлар сериясини тасвирлаб бериш;

3. Таянч сўзлар ёрдамида , режага қараб ҳикоя тузиш;

4. Она тилида эшитган ҳикояни хорижий тилида гапириб бериш;

5.Овозсиз фильмларни кўриб мазмунини гапириб бериш;

6.Эшитилган нутққа сарлавҳа қуйиб, уни гапириш режасини тузиш;

7. Ахборотни мазмунан ажралиб турадиган қисмларга бўлиб гапириш;

8. Матн мазмунини гапириб бериш;

9.Диалогик нутқни монологик нутққа айлантириб гапириб бериш.

Тайёрланмаган Диалогик нутқ машқлари:

1. Саволларга асосли жавоблар қайтариш;

2.Таянч сўзларга қарамасдан диалогик нутқ яратиш;

3.Викторина,мунозара, баҳс шаклида диалогик суҳбат ўтказиш;

4.Суҳбатдоши лўқмасини тасдиқловчи, инкор қилувчи жумлалар топиш;.

5.Суҳбатдош саволига савол билан мурожаат қилиш;

6.Суҳбатдошдан бирон нарсани тушунтириб беришни сўраш.

Тайёрланмаган монологик нутқ машқлари:

1.Ҳикояга сарлавҳа қўйиш ва уни асослаш;

2.Ўрганилган мавзуга кирмайдиган нотаниш расмларни, диафильм ва кинофильмларни тасвирлаш;

3. Тингланган ёки ўқилган мавзуга ўхшаш ҳикоя тузиш;

4.Келтирилган далилларга ўз муносабатини билдириш;

5.Ҳикоянинг энг муҳим жойини аниқлаш ва асослаш;

6.Ҳикоя қаҳрамонларининг маънавий-ахлоқий сифатларига таъриф бериш;

7.Матн мазмунига муносабат билдириш.

Тайёрланмаган гапириш машқларининг тайёрланганларидан ижобий фарқи шундаки, биринчидан, уларда нутқий эҳтиёжни қондиришга мўлжалланган янги ахборот мавжуд, иккинчидан, ахборот алмашиш, мустақил фикр баён қилиш, муносабат билдириш, баҳолаш, изоҳлаш сингари фаолият турлари рўй беради.

Нутқ машқларини бажариш чоғида хатоларни тўғрилаб туриш тавсия қилинмайди. Бу иш фикр баён қилиниб бўлгач амалга оширилади.

Мактаб дарсликларида жуфтнутқ ва якканутқ машқлари системаси ишлаб чиқилган. Машқларнинг берилиш тартиби ва миқдори муайян синф ўқувчиларининг чет тилидан ҳосил қилинган кўникма ва малакалари савиясига қараб фарқланади.

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Гапиришга ўргатишнинг бошқа нутқ фаолияти турларига ўргатишдаги ўрни ҳақида гапиринг. **Таянч сўзлар:** *гапиришга ўргатишдаги методик атамалар, дарс босқичи, нутқ фаолиятининг бошқа турлари билан алоқаси, коммуникатив метод.*

2. Гапиришга ўргатишнинг лингвистик, психологик, методик омиллари нималардан иборат? **Таянч сўзлар:** *хотира, диққат, идрок, қобилият ва гапириш, сўз, жумлалар боғлиқлиги, жуфтнутқ ва якканутқ, методик талаблар, эмоционал таъсир, коммуникатив салоҳият.*

3. Жуфтнутққа ўргатиш усуллари ҳақида гапиринг. **Таянч сўзлар:** *нутқ вазияти, коммуникатив вазият, экстралингвистик омиллар, жуфтнутқ таърифи, жуфтнутқни уюштиришга қўйиладиган талаблар, босқичлар, машқлар.*

4. Якканутққа ўргатиш усуллари ҳақида гапиринг. **Таянч сўзлар:** *якканутқнинг таърифи, якканутқ мақсад ва восита сифатида, якканутқ минимуми, ўргатиш босқичлари.*

5. Гапиришга ўргатувчи машқ ва топшириқларнинг умумий моҳиятини гапириб беринг. **Таянч сўзлар:** *якканутқ ва жуфтнутқни ўргатувчи машқлар, нутқ машқлари, тайёрланган ва тайёрланмаган машқлар.*

Қуйидаги адабиётларни ўрганиб, билимларингизни чуқурлаштиринг:

1. Зимняя И.А. Психологические аспекты обучения говорению на иностранном языке. М.1978.

2. Мильруд Р.П., Максимова И.А. Современные концептуальные принципы коммуникативного обучения иностранным языкам. ИЯШ. 2000, №4-5.

3. Пассов Е.И. Коммуникативный метод обучения иноязычному говорению - М: 1985.

4. Пассов Е.И., Стояновский А.М. Ситуация речевого общения как методическая категория. ИЯШ. 1989, №2.

5. Полат Е.С. Обучение в сотрудничестве. ИЯШ, 2000, №1. с.4
6. Розенбаум Е.М. Основы обучения диалогической речи на языковом факультете педагогических вузов. М.1975.
7. Цетлин В.С. Реальные ситуации общения на уроке чет тилиского языка. ИЯШ, 2000, №3, с. 24.

12-мавзу: ЎҚИБ ТУШУНИШ КЎНИКМА, МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ

- 1. Ўқиб тушунишга ўргатишнинг мақсад ва вазифалари**
- 2. Ўқиб тушунишга ўргатиш нутқ фаолиятига ўргатишнинг муҳим омили сифатида**
- 3. Ўқиб тушунишга ўргатиш принциплари**
- 4. Ўқиб тушунишга ўргатишнинг турлари**
- 5. Ўқиб тушунишга ўргатишнинг психофизиологик асослари**
- 6. Ўқиб тушуниш малакаларини шакллантириш ва такомиллаштириш дарсининг методик характеристикаси**

1. Ўқиб тушунишга ўргатишнинг мақсад ва вазифалари. Ўқишга, ўқиб тушунишга ўргатиш ёзма шаклдаги ахборотни ўқиб идрок этишни кўзда тутиб, нутқ фаолиятига ўргатишнинг таркибий қисмларидан биридир. Ўқиб тушунишга ўргатиш, фикрни ёзма баён қилишга ўргатиш, нутқни тинглаб тушуниш сингари рецептив (қабул қилиб олинадиган) нутқ фаолияти ҳисобланади, лекин нутқни тинглаб тушунишдан фарқли ўлароқ, ўқувчи ахборотни кўриш сезгиси орқали, ҳарфлар коди ёрдамида қабул қилиб олади. Ўқиш пайтида кўриш, ёзиш ва нутқ ҳаракат сезгилари ўртасида бевосита алоқа пайдо бўлади. Одатда ўқишга ўргатиш деганда ҳарфий белгиларда ифодаланган нутқ ахборотини идрок этиш, унинг мазмунини тушуниш жараёни кўзда тутилади.

Хорижий тилда битилган матнни ўқиб тушунишда уч жараён амалга оширилади:

- 1) Ҳарфлар товушларга айлантирилади;
- 2) Товушлар маълум бир ахборотни англатади;
- 3) Ахборот мулоқотга айланади. Бу жараённинг биринчиси ёзма матнни ўқиб идрок этилишига, иккинчиси матндаги ахборот маъносини тушунишга, учинчиси матнни ўқиётган шахс руҳий ҳолатида кечадиган ўзгариш, муносабат билдириш, бу орқали ўз фикрини ифодалашга туртки бериши билан характерланади.

Ўқиб тушунишга ўргатишда ўқувчиларга матн мазмунини тушуниш ва

ўқиш техникасига ўргатиш кўзда тутилади. Матндаги ахборотни ўзлаштириш, яъни ўқиб тушунишга ўргатиш **овоз чиқармай ўқиш**, яъни ичида ўқиш орқали ва матндаги ахборотни ўзгаларга етказиш мақсадида **овоз чиқариб ўқиш** орқали амалга оширилади. Овоз чиқармай ўқилганда ҳам нутқни идрок қилиш, яъни ички нутқ, ахборотни қабул қилиш жараёни содир бўлади. Бу ҳодиса ўқиш турларига ўргатишнинг методик системасини яратишни кўзда тутди.

Кейинги йилларда нашр қилинаётган методик адабиётларда ўқиб тушунишга ўргатиш мулоқотга, фикр алмашувга ўргатишнинг муҳим воситаси сифатида талқин қилинмоқдаки, энди матнни фақат ўқишга ўргатиш эмас, ахборотни ўқиб тушуниш, унга муносабат билдиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Маълумки ўқишга, ҳарфларни тўғри талаффуз қилиб гап ясашга ўргатиш хорижий тилларга ўргатишнинг дастлабки босқичидан (5- синфдан) бошланади. Бу ўринда ўқишга ўргатиш талаффузга, грамматикага, гапиришга ўргатиш каби нутқ фаолиятининг таркибий-қисимлари билан чамбарчас боғланиб кетганлигини кўрамиз. Шундай бўлсада, фонетик курсдан кейин 5 - синфданок дарсликка ўқиб тушунишга оид, нисбатан кичик ҳажмли матнлар киритилганки, бу ўқиб тушунишга ўргатишни хорижий тилга ўргатишнинг биринчи босқичиданок бошлаш мумкинлигини кўрсатади. Агар овоз чиқариб ўқиш бошланғич синфларда ўқиб тушунишга ўргатиш таълим жараёнининг камроқ қисмини ташкил қилса, 7–синфлардан бошлаб ўқиб тушунишга ўргатиш уйда ўқиш сифатида алоҳида аспект қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқиб тушунишга ўргатишни методик система сифатида қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

1. Товушларни фарқлаб ўқишга ўргатиш;
2. Лексик бирликларни маъносини ўзлаштириб ўқишга ўргатиш;
3. Жумлалар ифодалаган ахборотни тушуниб ўқишга ўргатиш;
4. Матнлар ифодалаган умумий маънони тушуниб ўқишга ўргатиш.

Бу жараён албатта талаффузга, гапиришга, эшитиб тушунишга ўргатиш билан комплекс равишда боғлаб ташкил қилинади. Чунки талаффузга, янги лексикага, грамматик қоидага, гапиришга, эшитиб тушунишга ўргатмасдан , ўқиб тушунишга ўргатиш мумкин эмас. Шу сабабли маълум мавзунини ўргатишда дастлаб янги сўзларни талаффузи, англаган маъноси, унинг грамматик расмийлаштирилиши, оғзаки нутқда ишлатилиши, яъни гапиришдаги ўрни, эшитиб тушунилишидан кейин ўқиб тушунилишга киришилади. Бу тил материали бўйича шаклланадиган малакаларни маълум бир тизимга солган ҳолда шакллантирилишига ёрдам беради.

2.Ўқиб тушунишга ўргатиш нутқ фаолиятига ўргатишнинг муҳим омили сифатида. Ўқиб тушунишга ўргатиш рус тилида нашр қилинган методик адабиётларда мукамал ўрганилганлигига қарамасдан, мактабларимизда бу муаммо ечими ҳамон анъанавий усулларда амалга

оширилаяпти. Жумладан, нутқ фаолиятига ўргатишда муҳим ўрин тутган ўқиб тушунишга ўргатиш ҳалигача кўйидаги камчиликларга йўл қўйилган ҳолда ташкил қилинмоқда:

1. Матнни бошдан оёқ она тилига таржима қилиш;
2. Матн маъносини тушуниш мақсадида такрор ва такрор ўқитиш;
3. Матнни ўқитишда фақат овоз чиқариб ўқиш усулидан фойдаланиш;
4. Матнни тушуниш учун лексик-грамматик таҳлил қилдириш;
5. Нотаниш сўз маъносини фаҳмлаб олишга мўлжалланган машқлардан фойдаланмаслик;
6. Яхлит матнни ахборот олиш мақсадида ўқитилганда уни номуносиб қисмларга ажратиб ўқитиш;
7. Матн олди ва матндан кейин бажариладиган машқларга эътибор бермаслик;
8. Матнни ўқишда ўқувчилар дуч келадиган лексик, грамматик қийинчиликларга эътибор бермаслик.

Матнни бошдан охиригача таржима қилишга ўргатиш, ўқиб тушунишга ўргатиш эмас, таржима қилишга ўргатишдир. Бу луғатга қараш, гап тузиш каби мураккаб жараёни ўз ичига олади. Ўқиб тушунишга ўргатиш эса, уни ўқиш жараёнининг ўзидаёқ идрок қилиш, ахборотни тушунишга ўргатадиган жараёндир. Матнни такрор – такрор ўқитиб, ҳар сафар алоҳида топширик бериш мумкин. Матнни тўла тушуниб ўқиш учун матн олди машқларини ташкил қилиш лозим. Матнни овоз чиқариб ўқиш эса таълимнинг дастлабки босқичида ўқиш техникасига ўргатиш жараёнида бажарилади. Асосий мақсад матндан ахборот олиш бўлганлиги учун матнни ўқувчилар ичида ўқисалар ҳам бўлади. Ўқиб тушуниш жараёнида матн таҳлилига ҳожат йўқ, чунки бундай методик тадбир матнгача қилинадиган машқлар жараёнида ташкил қилинади, ёки мактаб шароитида матн таҳлили амалиётини қўлламаслик керак. Нотаниш сўзларни эса контекст ичида фаҳмлаб олишга ўргатиш муҳимдир. Ахборот олишдаги қийинчиликлар матнни ўқиш жараёнида контекст ёрдамида бартараф қилинади.

3. Ўқиб тушунишга ўргатиш принциплари. Ўқиб тушунишга ўргатишда ҳам муайян принципларга амал қилинади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Ўқиб тушунишга ўргатиш нутқ фаолиятига ўргатиш деб қаралмоғи лозим. Анъанавий ўқишга ўргатиш жараёнидаги методик хато ҳисобланмиш матнни таржима қилиш ёки мазмунини гапириб бериш, гапиришга ва таржима қилишга ўргатиш бўлиб, у ўқиб тушуниш мақсадларига йўналтирилмаган усулдир. Бу ўринда матндан ахборот олиш, уни ахборот манбаи сифатида қараш асосий мақсад бўлиши лозим. Матнни ўқиб тушуниш бу ўринда ўқувчи интелектининг маънавий бойишига, янги-янги ахборотларни эгаллашга, айти пайтда тил материали бўйича луғат бойлигини оширишга қаратилган методик

тадбирдир. Матнни ўқиб тушунишга ўргатиш ўқитувчи томонидан бошқариладиган жараён бўлиб, ўқиш олдидан керакли топшириқлар берилиши шарт. Асосий вазифа матнни тўла ва аниқ тушунишни ташкил қилишдир. Хуллас, бу принципга кўра матн ўқишнинг моҳияти ўқувчига янги ахборот етказишдир;

2. Ўқиб тушунишни ўргатиш - ахборот олишга ва билиш жараёнини ташкил қилишдир. Бу ўринда матн мазмунинг қизиқарли бўлиши ўқувчиларнинг ахборот олишга интилишларини белгиловчи, уларни марок билан ўқишга ундовчи омил вазифасини бажаради;

3. Ўқувчиларнинг она тили ва хорижий тилда шаклланган нутқ малакаларига таянилиб ўқувчининг чет тилида ўқишга муносабати шакллантирилади. Бу ўринда ўқувчи учун «ўқисам тушунаман» деган қоидага амал қилиш зарурати туғилади;

4. Ўқувчилар хорижий тилдаги матн мазмунини ўқиб тушунишлари учун матндаги лексик, грамматик, орфографик ҳодисаларни аввалдан ўрганган бўлишлари, ўқиш жараёнида уларни фарқлашлари лозим;

5. Ўқиб тушунишнинг ўргатишда нафақат рецептив, балки репродуктив фаолият ҳам юз беради. Яъни, матн мазмунини тушуниш жараёнида ўқувчининг ичида гапириш жараёни ҳам содир бўлади. Бинобарин, талаффуз кўникмаси ўқиш техникасига таъсир қилади ва матнни тушуниш жараёнида грамматик шаклларни олдиндан фаҳмлаш имконияти яратилади. Шундай қилиб, рецепция ва продукция ўзаро боғланган жараёнга айланади. Шу сабабли бошланғич синфларда таниш лексик материал асосида тузилган матнлар, ўрта босқичда таниш бирликлар ва қисман нотаниш сўзлар киритилган матнлар, юқори синфларда эса потенциал луғат иштирокидаги матнларни ўқиб тушунишга ўргатиш тавсия қилинади.

Матндан олинадиган ахборот ўқувчи учун «билим» мақомида бўлиши, ўқувчининг ўқув фаолиятини бошқариши ва тартибга солишга хизмат қилиши лозим.

Умумтаълим мактаблари дастурида ўқиб тушунишга мўлжалланган матнлар нутқий мавзулар бўйича чегараланиб қўйилган, яъни улар «теварак-атроф муҳити», «мамлакатимиз», «тили ўрганилаётган мамлакат» доирасидаги матнлардир. Ўқиб тушунишга мўлжалланган матнлар доираси анча тор бўлсада, уларнинг мазмунига муаян талаблар қўйилади. Жумладан:

- 1) Матн тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши керак;
- 2) Матн ўқувчининг ҳаётий билимини оширишга, дунёқарашини бойитишга хизмат қилиши керак;
- 3) Матннинг мазмуни қизиқарли бўлиши лозим;
- 4) Танланган матнлар ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос келишлиги талаб этилади.

4.Ўқиб тушунишга ўргатишнинг турлари. Ўқиб тушунишга ўргатишда турли-туман ақлий операциялар бажарилади. Уларни чет тили ўқитиш методикасида **ўқиш турлари** деб аталади. Ўқишга ўргатиш турлари элликтагача боради. Уларнинг асосийлари билан таништирсак:

- 1.Аналитик-синтетик ўқиш;
- 2.Танишув-ўрганув-кузатув ўқиш;
- 3.Олдиндан кўрилган ҳозирликка кўра тайёрланган-тайёрланмаган ўқиш;
- 4.Тил тажрибаси нуқтаи назаридан-таржимали ва таржимасиз ўқиш⁴
- 5.Ёрдамчи воситалар ишлатиш зарурати туфайли-луғат билан ва луғатсиз ўқиш;
- 6.Фаолият жойига қараб-синфда ва уйда ўқиш;
- 7.Ишни ташкил этиш тарзига кўра-индивидуал ва хор бўлиб ўқиш;
- 8.Овоз иштирокига кўра-ичда ва овоз чиқариб ўқиш ва хоказа.

Мазкур ўқиш турларини қисқача изоҳлаб ўтамиз.

Аналитик ёки синтетик ўқиш деганимизда, тафаккур шакллари (анализ, синтез) ҳисобга олинадиган, махсус таҳлил талаб жойлари бор, ёки йўқ матнни идрок қилиш ва англаш назарда тутилади. Синтетик ўқишда матннинг яхлитлигича идрок этиш тушунилади. Аналитик ўқишда эса ўқувчи эътибори кўпроқ тил ҳодисаларига қаратилади. Ўқиб тушунишнинг коммуникатив мақсадларидан келиб чиқиб мактаб амалиётида матн мазмунидан ахборот олишга, яъни синтетик ўқишга асосий эътибор берилади.

Тайёрланган ва тайёрланмаган ўқиш ўқувчиларнинг билим савиясига, ёш хусусиятларига ва йирик контекстни эгаллаш қобилиятларига кўра ташкил қилинади. Таржима асосида ўқитиш синфда ўқувчиларнинг кўп вақтини сарфланишига сабаб бўлади. Таржима матн мазмунини эгаллашга ёрдам берса-да, у луғатдан фойдаланишни талаб қилади. Шу сабабли таржима асосида матн мазмунини тушуниш уйга вазифа сифатида бериши мумкин.

Индивидуал ва хор бўлиб ўқиш, ичда ўқиш турлари ахборот олишга, ўқиш техникасини шакллантиришга мўлжалланиб, кўпроқ бошланғич синфларда ўтказилади. Ўқишдан кузатиладиган мақсадга кўра танишиб-ўрганиб-кузатиб ўқиш турлари ташкил қилинади. Уларни амалда қўллаш борасида қисқача тўхталамиз.

Танишув ўқиш (ознакомительная чтения). Баъзида уни «кўз югуртириб ўқиш», «мазмунни юзаки тушуниш учун ўқиш» деб ҳам юритилади. Ушбу ўқиш турида матнни тўлиқ тушуниш кўзда тутилмайди, балки умумий мавзу бўйича нималар баён қилинганлиги аниқланади ва «тушунарли-тушунмадим», «қизиқарли-қизиқарли эмас», «таниш-нотаниш» сингари хулосалар чиқарилади. Бунда матн ҳажми бир саҳифа бўлиши, тили осон бўлиши тавсия қилинади.

Бошланғич синфларда ташкил қилинадиган бундай ўқиш ўқувчиларда бироз малакалар шаклланиши билан уйга вазифа сифатида берилади, синфда эса, уни тушунганлик даражаси текширилади. Текширувда матннинг икир-

чикиригача текширилмаслиги керак, унда ўқишнинг бошқа турига ўтиб кетилган бўлади.

Ўрганиб ўқиш. Ўқишнинг бу тури юқори синфларда ўтказилади. Ўқувчи матн мазмунини барча тафсилотларини ўрганади ва тушуниш 100 фоизга етказилади. Ўқиш аввал синфда, кейин уйга вазифа сифатида берилиши мумкин. Матндаги ахборот синчиклаб ўрганилади ва бу ҳолда таржима усулидан фойдаланилади. Ўрганув ўқиш турини бажарган ўқувчи матн мазмуни ҳақида тўлиқ ахборотга эга бўлиши, унинг мазмунига ўз муносабатини билдира олиши, танқидий фикрлаши, айрим ўринларни изоҳлай олиши кўзда тутилади.

Кузатиб ўқиш. Бунда ўқиладиган матн қайси мавзуга дахлдорлигини аниқлаш учун унинг сарлавҳаларига эътибор берилади, гап нима ҳақида кетиши мумкинлиги тахмин қилинади. Кузатиб ўқиш учун бир саҳифалик матнга 1-1,5 дақиқа белгиланади. Кузатув ўқишида тил материали таниш бўлишлиги, ўқувчи матндан муайян мавзудаги фикрларни қидириши талаб қилинади. Бу ўқишни юзаки ўқиш деб ҳам аташ мумкин. Одатда бундай ўқиш кўшимча материал қидириш мақсадида ташкил қилинади. Ўқиш турларидан қўйидаги тартибда фойдаланиш тавсия қилинади: бошланғич синфларда-танишув ўқиш, бир маромда диққат билан ўқиш; ўрта босқичда ўрганув ўқиш ва танишув ўқиш; юқори синфларда кузатув ўқиш, танишув ва ўрганиб ўқиш. Юқоридаги вазифалар ўқиб тушунишга ўргатишнинг амалий мақсадларини белгилайди. Бундан ташқари, ўқиб тушунишга ўргатишнинг умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари ҳам эътиборга олинади.

Ўқиш жараёнида ўқувчининг кузатувчанлиги, матн мазмунини анализ-синтез қилиш қобилиятлари ҳам такомиллашади. Қолаверса, ўқиб тушунишга ўргатиш ўқувчиларнинг луғат бойлигини оширишнинг муҳим усулларида бири сифатида қаралади.

Ўқиш ўқувчиларда гапириш малакаларини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутати. Ўқилган материал мазмуни бўйича уюштирилаётган савол-жавоб машқлари, ҳикоя қилиб бериш, суҳбат ва муҳокамалар ўқувчиларни мулоқотга ўргатади. Овоз чиқариб ўқиш эса тўғри талаффузга ўргатиш ва янги тил материалини тушунтиришда муҳим босқич ҳисобланади.

5.Ўқиб тушунишга ўргатишнинг психофизиологик асослари.Ўқиб тушунишга ўргатиш рецептив нутқ фаолияти ҳисобланиб, у ёзма нутқни идрок қилиш ва тушунишни кўзда тутати. Шундай экан ўқиб тушунишга ўргатишнинг муҳим вазифаларидан бири унинг психофизиологик механизмларини шакллантиришдир. Тинглаб тушунишга оид фикр-мулоҳазалар ўқиб тушунишга ҳам дахлдордир, чунки ҳар иккала нутқ фаолияти рецептив жараёндир. Ўқиш жараёнида айрим сўзларнинг маъносини тахминий фаҳмлаш, кейинги сўзларни ва жумлаларни олдиндан сеза билиш рўй беради. Бу жараён психологияда антипация (олдиндан фаҳмлаш) деб юритилади. Ўқиб тушунишга ўргатишда айнан антипация кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш муҳимдир.

Чунки хотирада яхши сақланмаган ёки илк марта учраётган сўз маъносини тахмин қилишга, фараз қилишга тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда, бу жараёни тахминий сезиш механизмини ишга тушириш деб аташ мумкин.

Ўқиб тушуниш жараёнини тасвирлаган психолог олимлар матнни тушуниш турли даражадаги босқичларда амалга оширишни таъкидлайдилар. Масалан, А.Н. Соколов тажрибаларининг натижаларига кўра, тушуниш уч босқичда рўй беради:

Биринчи босқичда ўқиш жараёнида матн мазмуни ҳақида юзаки тасаввур ҳосил бўлади. Бу дастлабки синтез деб аталади.

Тушунишнинг иккинчи босқичи аналитик босқич ҳисобланиб, бу босқич ички ва ташқи нутқда тўла талаффуз қилиб гапириш билан боғлиқдир.

Охирги, учинчи босқич матнни тўла тушуниладиган босқич ҳисобланади.

Ҳ. Хошимов ва И.Я. Ёқубовлар ўқиб тушуниш механизмини ишга тушуриш учун қўйидаги босқичдаги ишларни ташкил қилишни таклиф қилдилар:

1. Алоҳида сўзлар, гаплар, матн қисмларини тушуниш, яъни матнни қисман тушуниш босқичи;

2. Матн тили ва унинг бирикмалари маъноларини тушуниш босқичи;

3. Матн мазмунини тушуниш босқичи.

Тушунишнинг энг юқори босқичи учинчи босқич ҳисобланиб, матн асосида нима ётганлиги, муаллифнинг асосий ғояси нимада эканлигини тушуниш тақозо қилинади. Ўқувчига фақат матн мазмунини билишгина зарур бўлмай, матн персонажлари ҳаракатларини аниқлаш, булар орқали муаллиф фикрини тушуниш ҳам керак бўлади.

Ўқиш психологияси билан боғлиқ бўлган масалалар уни нутқ фаолияти сифатида шакллантиришда методик ишни ташкил қилувчи ўқиш механизмларини ёки операцияларини аниқлаш имконини беради. Бу нарса тилнинг ёзув тизимини эгаллашни, ҳарф ва товуш ўртасида аниқ боғланишни (ассоцияни) ишлаб чиқишни, сўзларни ўқиш қоидаларини эгаллашни, уни маъно ва грамматик шакл билан мослаштиришни, сўзларни сўз бирикмаси, гап ва матн билан бириктиришни ўз ичига олади.

Маълумки, ички нутқни шакллантиришда кўрув ва нутқ ҳаракат тимсоллари уйғунлашиб, нутқ кўриш анализаторлари ҳаракатга келади. Шундай қилиб, аста-секин нутқий ҳаракатлар матнни идрок қилиш ва тушунишга, ташқи ҳаракатларнинг ички ҳаракатларга айланишига эришилади.

Овоз чиқармай ўқилганда ички нутқий механизм ишга тушади. Ўқиётганда гўё ичда эшитаётгандек бўламиз. Тез ўқиганда эса ушбу «ичда эшитилаётган» сўзлар ёзувдаги таянч лексик бирликлардир.

Ўқиб тушунишга ўргатиш фаол кечадиган анализ-синтез жараёнидир. Ўқувчи уларни кўриш, идрок қилиш, солиштириш, таниш натижасида янги ахборот олади. Буларнинг барчаси ўқиб тушуниш малакаларини шаклланишига

ва ривожланишига ёрдам беради.

6.Ўқиб тушуниш малакаларини шакллантириш ва такомиллаштириш дарсининг методик характеристикаси. Ўқувчиларда матнларни ўқиб тушуниш малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш нутқ фаолиятига ўргатишнинг муҳим шартларидан биридир. Ўқиш малакаларини шакллантириш ҳам бошқа нутқ фаолиятига ўргатишдагидек махсус машқлар орқали амалга оширилади. Машқ топшириқлари матннинг оғир-енгиллигига кўра матн ўқишдан олдин ёки кейин берилиши мумкин. Шунга кўра уларни матндан ахборот олиш кўникма ва малакаларини шакллантирувчи тайёрлов нутқ машқларига ва матнни умумий мазмунини тушуниш малакаларини шакллантирувчи машқларга бўлиш мумкин.

Куйида ҳар иккала мақсадни кўзлаб фойдаланиладиган ўқиб тушуниш малакаларини шакллантирувчи машқ турларини келтирамыз:

1. Матн бўйича тузилган саволларга жавоб топиш машқлари. Машқ оғзаки, ичда ўқиш(индивидуал) ёки ёзма шаклларда бажарилиши мумкин;

2. Матндан асосий фикрни ифодаловчи гапларни, далилларни топиш машқлари. Машқ оғзаки, овоз чиқармасдан бажарилиши мумкин;

3. Ўқитувчи гапнинг бошланишини ёзма ёки оғзаки беради, ўқувчилар гапнинг мантикий давомини топадилар;

4.Ўқитувчи кўрсатган жумлани оғзаки, ёзма, ичда таржима қилиш машқлари;

5.Матн мазмунини чет тилида, ёки ўзбекча гапириб бериш, ёзиш машқлари.

Бу машқлар кўйи синф ўқувчиларига матнни ўқиб тушунишдан олдин берилгани маъқулдир.

Матнни ўқигандан кейин бажариладиган машқлар:

1. Матн мазмунини чет тилида ёки ўзбекча сўзлаб бериш машқлари;

2. Матн мазмунига оид баён ёзиш;

3. Саволларга чет тилида ёки ўзбекча жавоб бериш машқлари;

4.Ўқитувчи айтган гапни тасдиқловчи ёки инкор қилувчи гапни, жумлани, фикрни матндан топиш машқлари;

5.Матндан нутқ вазиятини топиш, унга оид мулоқот уюштириш машқлари. Масалан «персонаж бундай ёки ундай қилганда нима жавоб эшитган бўларди, нима ҳодиса рўй берган бўларди» деган саволларга жавоб топиш;

6.Матн қисмларига сарлавҳалар қўйиш;

7.Матнни сўзлаб бериш учун маъно ташувчи сўзларни топиш ва режа тузиш;

8.Берилган гапларни чет тилига, она тилига таржима қилиш машқлари.

Матн мазмунини гапириб беришни уюштириш, таржима қилдириш нутқ фаолиятининг бошқа турларига, гапиришга ўргатиш, таржима малакаларини шакллантириш мақсадларига ҳам мос келади. Ҳар бир матн мазмунини барча

Ўқувчилардан чет тили тилида гапириб бериш талабини қўйиш мажбурий эмас. Бу матннинг осон-қийинлигига, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қараб дифференциал ёндошув асосида ҳал қилинади. Ўқитувчи шунингдек юқоридаги машқлар турини топшириқ сифатида ҳам дифференциялаштириши мумкин.

Юқори синф ўқувчиларидан матбуот материалларини ҳам ўқиб тушуниш талаб қилинади. Кичик ҳажмли чет тилидаги газета материалларини ўқиб тушунишга ўргатиш учун бу ишни синфда ёки уйга вазифа сифатида ташкил қилиш мумкин. Ўқитувчи бутун синф учун битта мақолани ёки ҳар бир ўқувчи учун алоҳида мақолани ўқиб тушунишини ташкил қилиш мумкин.

Газета материални ҳам овоз чиқармай ўқиб мазмунини тушунишга ўргатиш мумкин. Мазмунини тушунганликни текшириш юқоридаги усуллар билан амалга оширилади.

Ўқувчилар ўқишни тил материални овоз чиқариб айтиш, уни эсда сақлаш ва таржима қилишдаги машқ сифатида қабул қилмасликлари керак. Ўқиш нутқ фаолиятининг тури сифатида ўз вазифасини бажара олиши учун ўқувчида ўқиб тушунишга оид кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш талаб қилинади. Бунинг учун ўқувчилар ҳарф-товуш мувофиқлиги ва уларнинг маъноларини, сўз ва сўз бирикмаларининг ўқилиш қоидаларини матнни турли даража бирликларга бўла олишлари ва уни ритмик-методик жиҳатдан шакллантира олиш керак.

Овоз чиқариб ўқишни ўргатиш талаффузни йўлга қўйиш ва тузатиш билан қўшиб олиб борилади. Бу усул овоз чиқармай ўқишни ўргатишга асос яратади.

Ўқиш кўникмаларининг шакллантирилиши тил материални ўзлаштириш билан бир пайтда содир бўлади.

Ўқиб тушунишга тайёргарлик кўриш тил материални фарқлашни тезлаштирадиган, унинг график шаклини товуш ва мазмун билан мувофиқлаштиришни таъминлайдиган машқларни ўз ичига олади. Ҳар қандай янги материал ўқиш жараёнини секинлаштириши, кўзларнинг олға интилишини издан чиқариши, ўқувчини матнни қайта ўқишга мажбур қилишлиги маълум. Шу сабабли матнни ўқишдан олдин бажариладиган машқлар ҳарф-товуш нисбатини мустаҳкам ўзлаштиришга, ёзув материални яхлит идрок қилишга, талаффуз малакасини, айниқса, нутқ малакасини ҳосил қилишга, матн мазмунини тахмин қилиш механизминини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши лозим.

Ўқувчиларда матнни ўқиб тушуниш малакаларини шакллантириш учун машқлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

1. Матнда ифодаланадиган мазмун ўқувчининг ўқув фаолиятининг бошқа турлари учун ҳам фойдалилигини таъминлаш;
2. Матн мазмунини ўқувчиларнинг қизиқишларига мослаштириш;
3. Матндан маълумот олиш, матн ғоясини аниқлаш, муносабат билдириш каби она тилида шаклланган кўникма ва малакаларни чет тили тилида ўқиб

тушунишга кўчириш.

Рус методист-олими С.К.Фоломкина ўқувчиларни ўқиб тушунишга ўргатишда, уларда ўқиб тушуниш малакаларини шакллантиришда қуйидаги методик тавсияларни беради:

1.Матнни ўқишдан аввал ўтказиладиган тайёрлов машқлари матн мазмунига дахлдор бўлмаслиги керак. Агар шундай қилинмаса ўқиб тушуниш учун ҳеч нарса қолмайди ва матн ўз коммуникатив қийматини йўқотади;

2.Матннинг назорат объекти (баҳоланадиган томони) тил материали эмас, унинг мазмунини тушуниш бўлиш керак;

3.Матнни илк бор ўқувчиларнинг ўзлари ўқишлари керак, бу нарса, ўқиладиган матн мазмунини мустақил тушунишга шарт-шароит яратади;

4. Битта матнни бир неча бор ўқиб тушунишга ўргатиш мақсадга мувофиқ эмас. Агар матн тушунарли бўлса қайта ўқиш коммуникатив қийматини йўқотади ва у оддий овоз чиқариб ўқишга айланади. Агар ўқиш матн мазмунини тушунишга қаратилган бўлса, қайта ўқиш ўзини оқлайди.

Ўқиб тушунишга мўлжалланган дарслар муайян мавзу бўйича талаффуз, лексик, грамматик, мулоқот ва тинглаб тушуниш малакалари шакллангандан кейин ташкил қилинадиган дарс босқичи ёки алоҳида машғуллот ҳисобланади. Ўқиб тушунишга ўргатиш дарслари одатда хорижий тилни мутахассислик сифатида ўрганаётган талабалар учун алоҳида ўқув предмети сифатида (уйда ўқиш), бошқа мутахассисликка доир олий ўқув юртларида эса чет тили дарсининг муайян бир босқичи сифатида ташкил қилинади. Ҳар иккала ҳолда ҳам чет тилида ўқиб тушунишга ўргатиш ягона бир мақсадни - ўқилган матндан ахборотни ўқиб тушунишга ўргатишни кўзда тутди. Хорижий тилни мутахассислик сифатида ўрганаётган талабалар учун ўқиб тушунишга ўргатиш дарслари барча талабалар учун бир хил танланган бадиий адабиёт орқали ташкил қилинса, бошқа олий юрталари талабалари учун мутахассисликка доир махсус танланган матнлар орқали ташкил қилинади. Масалан, иқтисодни ўрганаётган талабалар учун иқтисодга оиди хорижий тилда нашр қилинган китоблардан, журналларда эълон қилинган матнлардан фойдаланиш мумкин. Ўқув материални бундай танланиши талабаларга ўз мутахассисликлари бўйича хорижий тилдаги ахборотларни ўқиб тушунишлари учун уларнинг талаб ва эҳтиёжларига, қизиқишларига мос матнларни танлашни кўзда тутди.

Ўқиб тушунишга ўргатиш дарсларини режалаштириш қуйидаги босқичларда амалга оширилади (№38 слайд намоёниш қилинади):

1.Тайёрлов босқичи. Ўқитувчи ўқиб тушунишга мўлжалланган матнни танлайди, ундаги тушунилиши қийин лисоний бирликларни аниқлаб, уларни хорижий тилда тушунтиришнинг усуллари, воситаларини, матннинг ҳажмини белгилайди. Бунда биринчи курс талабалари учун камида бир саҳифа, иккинчи курслар учун бир ярим, икки саҳифа, учинчи курслар учун уч саҳифагача матнлар берилиши мумкин;

2. Тушунтириш босқичи. Ўқитувчи дарс бошида ўрганиладиган матннинг асосий мазмунини, уни ўрганишдан кутилаётган мақсадларни тушунтиради. Кейин, тушунилиши қийин бўлган лисоний бирликлар аудио- визуал (расмлар, предметлар, расмлар серияси), паралингвистик воситалар (ҳаракат, имо ишора) ёрдамида тушунтираилади. Сўнгра ҳар бир сўз ёрдамида жумлалар тузиш машқи бошланади. Машқдан сўнг матндан шу сўз ишлатилган жумла топилади ва биргаликда унинг таржимаси амалга оширилади;

3. Луғат билан ишлаш босқичи. Гуруҳ талабалари тўрт кишилиқ гуруҳларга ажратилади. Гуруҳ ташкил қилишда унинг таркибида аълочи, яхши, ўрта ва қониқарсиз ўзлаштирадиган талабалар бўлишлиги инобатга олинади. Ҳар бир гуруҳга умумий матннинг маълум бир парчаси берилади ва ҳар бир гуруҳ ўз матни парчасини луғат ёрдамида ўқиб тушунишга киришади. Жумлаларнинг хомки таржимаси ёзма усулда бажарилади;

4. Матн парчалари таржимасини муҳокама қилиш босқичи. Иш ҳар бир гуруҳ вакилининг хорижий тилдаги жумлани ўқиши ва уни таржимасини айтиб бериш билан бошланади. Бошқа гуруҳлар аъзолари ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, эшитилган жумла таржимадаги айрим камчиликларни тўғрилашлари, ўз вариантларини тақдим қилишлари мумкин. Шу тариқа барча гуруҳларга тарқатилган матнларнинг таржималари эшитилади ва муҳокама қилинади. Иш ҳар бир гуруҳ томонидан бутунлай ишлаб чиқулгунча давом эттирилади;

5. Мустақамлаш босқичи:

а) Матн бўйича ўқитувчи тузган саволларга матнга қараб, кейинчалик қарамасдан жавоб топиш. Бунда ҳар бир гуруҳ ўз жавобларини ҳозирлайди ва гуруҳ вакиллари навбати билан ўз жавобларини айтганч, энг тўғри жавоб танланади;

б) Ўқитувчи она тилида ўқиб берган жумлани матндаги чет тилидаги вариантини топиш машқлари. Бунда қайси гуруҳ вакиллари жумлани тез топса, қўл кўтаради ва ўша гуруҳ вакилларида бири жавоб беради;

в) Ўқитувчи томонидан чет тилида ўқиб берилган жумлани ўзбекча таржимасини айтиш машқлари. Бунда ҳам қайси гуруҳ вакиллари ўзбекча жумлани тез топса, қўл кўтаришади ва ўша гуруҳ вакилларида бири жавоб беради;

г) Ўқитувчи матндан чет тилида ўқиб берган жумлани тасдиқ, сўроқ, инкор формаларда айтиш машқлари. Иш юқориги тартибда уюштирилади;

д) Матндаги персонаж характериға ёки воқеа ҳодисаға муносабат билдириш машқлари. Ўқитувчи бу ўринда тегишли топшириқларни аввалдан тайёрлаб келади. Билдирилган муносабат бошқа гуруҳ талабалари томонидан тўлдирилиши, танқид қилиниши, муҳокама қилиниши мумкин;

е) Матн парчаларига сарлавҳалар қўйиш ва уни режа асосида гапириб бериш машқлари.

Бажариладиган машқлар барча ўқувчиларни бир тизимга солинган фаол ўқув фаолиятига, изланишга, фикр билдиришга йўналтирилганлиги билан коммуникатив характер касб қилади. Бундай дарсларда ўқувчилар зерикиб қолишмайди. Дарс якунида ўйга вазифа сифатида ўқилган матн мазмунини гапириб бериш топширилади;

6.Ўқиб тушуниш бўйича талабалар билимини текшириш ва баҳолаш босқичи. Бу босқичда ўқитувчи ҳар бир талабани эмас, гуруҳнинг ўқиб тушунишини текширади ва баҳолайди. Текшириш ва баҳолаш мустақамлаш босқичидаги топшириқлар, тестлар ёрдамида ташкил қилинади. Гуруҳ аъзоларининг билими текширилиши ва баҳо гуруҳ учун қўйилиши гуруҳ аъзоларининг ўқув материални яхшироқ ўзлаштиришга бўлган интилишларини, гуруҳ обрўси учун фаолроқ ўрганишга бўлган иштиёқини кучайтиради.

Шундай қилиб, дарснинг бундай ташкил қилиниши ўқувчиларнинг ўқилган материалдан кўпроқ ахборот олишга, чет тилидаги матнни ўқиб, ундан ўз мутахассислигига оид янгиликларни ўқиб тушунишларига бўлган қизиқишларини оширади.

МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1.Ўқиб тушунишнинг мақсад ва вазифаларини баён қилинг. **Таянч сўзлар:** *овоз чиқариб ўқиш, овоз чиқармай ўқиш, ахборотни тушуниш, муносабат билдириш, ўқиб тушунишга ўргатишнинг таълимий босқичлари.*

2.Ўқиб тушунишга ўргатишнинг бошқа нутқ фаолияти турлари билан боғлиқлигини тушунтиринг. **Таянч сўзлар:** *бу борадаги камчиликлар, уларни тузатиш чоралари, ахборот олиш, эшитиш, кўриш, идрок қилиш, фикрни ёзма баён қилиш.*

3.Ўқиб тушунишга ўргатиш принциплари деганда нимани тушунасиш? **Таянч сўзлар:** *ўқиб тушуниш нутқ фаолияти тури, топшириқлар, матн танлаш, рецетив ва репродуктив фаолият, матн турлари, матнга қўйиладиган талаблар.*

4.Ўқиб тушунишга ўргатишнинг қандай турлари бор? **Таянч сўзлар:** *аналитик, синтетик, танишув, кузатув, ўрганув ўқишлари, тайёрланган ва тайёрланмаган ўқиш.*

5.Ўқиб тушунишга ўргатишнинг психофизиологик асосларини гапириб беринг. **Таянч сўзлар:** *психофизиологик механизм, антипация, босқичлар, нутқ механизми.*

6.Ўқиб тушуниш малакаларини шакллантириш усуллари баён қилинг. **Таянч сўзлар:** *савол-жавоб, оғзаки ва ёзма, таржима машқлари.*

Қуйидаги адабиётларни ўрганиб, билимларингизни чуқурлаштиринг:

1. Очерки методики обучения чтению на иностранных языках. Под ред.

И.М.Бермана и В.А.Бухбиндира.- Киев: 1977.

2. Фоломкина С.К. а) Методика обучения чтению на английском языке в средней школе. М.1974. б) Обучение чтению. - М:1980.

3. Вейсбурд М.Л. Обучение пониманию иноязычного текста при чтении как поисковой деятельности. ИЯШ, 1997, N1, с.19-24, 1997, N2.с.33-38.

3. Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. –Т:1996.

4. Пассов Е.И. Основы коммуникативной методики обучения иностранным языкам. - М:1977.

13-мавзу: ЁЗИШГА, ЁКИ ФИКРНИ ЁЗМА БАЁН ҚИЛИШГА ЎРГАТИШ

1.Ёзишга ва ёзма нутқа ўргатиш нутқ фаолиятининг тури сифатида

2.Ёзиш техникасига ўргатиш

3.Ёзишга ўргатувчи машқлар

4.Фикрни ёзма баён қилишга ўргатувчи машқлар

1.Ёзишга ва ёзма нутқа ўргатиш нутқ фаолиятининг тури сифатида

Ёзишга ўргатиш чет тили алфавитидаги товушларнинг график тимсолларини ўзлаштиришни, ҳарфларни товушларга, сўзларга, гапларга айлантириб, уларни имло жиҳатдан тўғри ёзишни ва улар ёрдамида фикрни ёзма баён қилишни кўзда тутати. Шундай қилиб, ёзишга ўргатишда товуш, ҳарф, буғин сингари фонетик бирликларни, сўз, сўз бирикмаси, гап, абзац, матн сингари лексик бирликларни ўзлаштириш, ўқиш ва ёзиш, ёзма ахборот тайёрлашга оид кўникма ва малакаларни шакллантириш тушунилади.

Методикада ёзишга ва фикрни ёзма баён қилишга ўргатиш алоҳида босқичлар сифатида ўргатилади. Ёзишга ўргатиш мураккаб психофизиологик жараён бўлиб, унда нутқ анализаторларининг барчаси иштирок этади ва ҳарфлардан сўз, сўзлардан сўз бирикмалари ва гаплар ясаб ёзишга, ўқишга, тушунишга ва ўрганилган материални мустаҳкамлашда асосий восита вазифасини бажаради. Гапириш механизмлари ёзувда ҳам иштирок этади. Ёзувда маъно, товуш тимсоллари график тимсоллар (ҳарфлар) билан ўзаро боғланади, яъни гапиришда амал қилинадиган маъно ва товуш тимсолига ҳарфий тимсол ҳам қўшилади. График тимсол ўқиш ва ёзишда ўзлаштирила бориб, ёзма нутқ анализаторлари назоратига ўтади.

Ёзишга ва ёзма нутққа ўргатиш нутқ фаолиятининг гапиришга, тинглаб тушунишга, ўқиб тушунишга ўргатиш турлари билан ана шу жиҳатлари билан боғлиқдир. Шу сабабли нутқ фаолиятига ўргатишда дастлаб гапиришга, тинглаб тушунишга, ўқишга ва ниҳоят ёзма нутққа ўргатилади. Бошланғич синфларда гапириш жараёнида ишлатиладиган товушларнинг график тимсоллари, яъни имлога ўргатилса, ўрта ва юқори босқичларда фикрни ёзма баён қилишга

ўргатиш устивор бўлади.

1. Ёзиш техникасига ўргатиш. Ёзиш техникасига ўргатиш товушларнинг талаффузи ва уларнинг график тимсолларини тўғри ёзиш, ҳуснихат ва имлони ўзлаштиришга қаратилади. Ёзиш техникасига ўргатишда ўқитувчи ҳарф ва ҳарф бирикмаларининг талаффуз ва ёзилиш қоидаларини тушунтиради, кўрсатади, ёздиреди, ўқиб беради ва мустақил ўқиттириб ёздиреди. Ёзув техникасига ўргатиш чет тили ва ўзбек тилидаги товуш-ҳарф системасидаги мувофиқликлар ва фарқлар асосида ташкил қилинади. Товуш-ҳарф муносабатларини ўргатишда товушни идрок этиш, кўриш тасаввури ва ундан сўнг ёзув ҳаракати содир бўлади. Бунда она тилидан ўзлаштирилган кўникмаларга таянилади. Чет тили ва ўзбек тиллари лотин графикасидаги алфавитга асосланган бўлса-да, товуш ва ҳарфлар миқдори мос келмаслиги, ҳарфларнинг турли ҳолатларда турлича ўқилиши, бир неча ҳарф бир товушни ифодалаши, айрим ҳарфларнинг ўқилмаслик каби ёзишга ўргатишга ҳалал берадиган номувофиқларга эга. Бундай қийинчиликларни олдини олиш учун махсус машқлар бажарилади. Товуш-ҳарф муносабатларидаги қийинчиликларнинг даражаларига қараб уларни ёзувда ва ўқишда ўзлаштириш тартиби белгиланади. Масалан, товуш ва ҳарф мувофиқ келса, эшитув-товуш идроки, кўрув тасаввури ва ёзиш орқали графика осон ўзлаштирилишига эришилади. Бир товуш бир неча ҳарфлар орқали ифодаланса ёки бир ҳарф ҳолатига кўра бир неча товушларни ифодаласа, улар товуш-ҳарф, ёки буғин таҳлили орқали ўзлаштирилади. Ҳарфларнинг алфавитдаги номи ва ўрнини ўрганилиши сўзларни оғзаки ҳарфлаб айтиш ва ёзиш машқларини бажаришга ёрдам беради.

Ўқувчиларнинг тил тажрибалари ҳисобга олиниб чет тилида ҳуснихат ўргатилади. Бу ўринда ҳам она тилидан ўзлаштирилган кўникмаларга таянилади. Қийин ўзлаштириладиган ҳарфлар синф доскасига ва ўқувчилар дафтарларига ёзиб кўрсатилади. Имлони ўргатиш оғзаки нутқда ўзлаштирилган сўзларни ва гапларни ёзишга ўргатишнинг орфографик минимумини ташкил қилади. Имлони ўзлаштиришда ўқувчиларнинг кўриш ва эслаб қолиш қобилиятларини ривожлантирувчи ёзма машқлардан фойдаланилади.

Ёзма нутққа ўргатиш (фикрни ёзма баён қилишга ўргатиш) ўқувчиларнинг ўзлаштирган тил материали асосида ташкил қилинади. Ёзма нутққа ўргатиш тил материални пухта ўзлаштириш, оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг ўзлаштириш натижаларини текшириш ва баҳолаш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади.

3. Ёзишга ўргатувчи машқлар. Ҳар қандай товуш ва унинг ёзилишини ўргатиш унинг график тимсолини (ҳарфни) кўрсатиш, уни талаффуз қилиш ва ёзиш машқлари орқали ўргатилади. Ёзишга ўргатувчи машқлар методик адабиётларда қуйидагича тасниф қилинади:

1. Товуш- ҳарф таҳлили машқлари;
2. Кўчириш машқлари;

3. Эшитиб ёзиш (имло диктантлар) машқлари;
- 4.Эркин ва ижодий ёзма ишлар (фикрни ёзма ифодалаш);
- 5.Чинаккам ёзув машқлари (хат, мақола, воқеа-ҳодисаларни тасвирлаш);
- 6.Ёзишга ўргатувчи ўйин машқлари (кроссворд, чайнворд, топишмоқлар);
- 7.Ҳикоя (матн) режасини ёзиш;
8. Ўқилган матнга аннотация ёзиш машқлари.

Бундай машқлар ёзишга (имлога) ўргатувчи ва ёзма нутққа ўргатувчи (фикрни ёзма баён қилишга) ўргатувчи машқлар сифатида талқин қилинади.

Ёзишга (имлога) ўргатувчи машқлар:

- 1 Муайян товушни ифодаловчи ҳарфларни ёзиш;
 2. Матндан муайян товуш-ҳарф муносабатларини ифодаловчи сўзларни топиб кўчириш;
 3. Матнни кўчириб, ундаги товуш-ҳарф миқдори мос келмайдиган сўзларни топиб, тагига чизиш;
 4. Матндан ўқилмайдиган ҳарфлар мавжуд сўзларни топиб ёзиш, ёки тагига чизиш;
 5. Матндан ҳарф бирикмали сўзларни топиб кўчириш;
 6. Матндан бир товуш бир неча ҳарф бирикмалари билан ифодаланган сўзларни топиб кўчириб ёзиш;
 7. Муайян товушни ўз ичига олган сўзларни гуруҳларга ажратиб ёзиш;
 - 8.Эшитилган сўзлардан қирқма алфавитдан фойдаланиб сўзлар ясаш;
 9. Диктант ёзиш (эшитиб, кўриб-эшитиб ёзиладиган бир соатлик, 5 дақиқалик диктантлар);
 10. Ёд олинган материални мустақил ёзиш.
 - 11.Беш минутлик диктантлар ва ўзаро текширув машқлари;
 12. Нукталар ўрнига керакли ҳарф ва ҳарф бирикмалари қўйиб кўчириш машқлари;
 13. Сўз тартибини ўзгартириб саволга жавоб ёзиш машқлари;
 14. Матннинг шахс ва замонларини ўзгартириб кўчириб ёзиш машқлари;
 15. Кўрсатилган сўзларни синонимлари, антонимларини қўйиб кўчириб ёзиш машқлари;
 - 16.Нукталар ўрнига керакли сўзларни қўйиб, кўчириб ёзиш машқлари;
 - 17.Берилган сўзлардан гап ясаш машқлари;
 - 18.Содда гапларни қўшма гапларга айлантириб ёзиш машқлари .
- Ёзишга ўргатишда уйга бериладиган ёзма машқлар муҳим аҳамиятга эга. Улар ўрганилган материални хотирлашга, мустаҳкамлашга ёрдам беради.

4.Фикрни ёзма баён қилишга (ёзма нутққа) ўргатувчи машқлар. Ёзма нутққа ўргатувчи машқлар баён, ҳикоя, тасвир, иншо, хат ёзиш каби шаклларда ташкил қилинади. Аввал тингланган, ўқилган, ёд олинган жумлалар ёки матнни ёзма баён қилиш бундай машқларнинг асосини ташкил қилади. Улар қуйидаги

кетма-кетликда ташкил қилинади:

- 1.Ўқилган ёки тингланган матнни таянч сўзларга қараб ва қарамасдан қисқартириб ёзиш;
- 2.Матн мазмунига мос ҳолда уни бошқа сўзлар билан ёзиш;
- 3.Зарур нутқ намуналарини танлаб, матн мазмунини қисмларга ажратиб ёзиш;
- 4.Ўқилган ёки тингланган матн мазмунига таяниб баён, хат, мақола ёзиш;
5. Юқори синфларда муайян мавзу бўйича ўз фикрини ёзма ифодалаб, иншо ёзиш.

Синфлар бўйича бундай машқлар қуйидаги кетма-кетликда ташкил қилинади:

5-6 синфларда:

- 1.Намунага қараб воқеа ёки ҳодисани тасвирлаб ёзиш;
- 2.Ўрни алмаштирилиб юборилган гаплардан мантиқли матн тузиб ёзиш;
- 3.Матнга режа тузибмазмунини ёзиш;
- 4.Маъно ташувчи сўзларга таяниб матн мазмунини ёзиш;
- 5.Матнни кенгайтириш ва қисқартириш.

7-8 синфларда:

- 1.Намунага қараб воқеа ёки ҳодисани тасвирлаб ёзиш;
- 2.Ўқилган ёки эшитилган(ўрганилган) матн мазмунини режа тузиб ёзиш;
- 3.Режага биноан ҳикоя ёки баён ёзиш;
- 4.Воқеа ёки ҳодисани бошқа шахс тилидан ҳикоя қилиб ёзиш;
- 5.Диалогни монологга айлантириб ёзиш; 6 . Деворий газетага мақола ёзиш;

9-синфда:

1.Матн мазмунини ёзиш; 2.Матнга аннотация ёзиш; 3.Матн персонажларига характеристика ёзиш.

Ёзма нутққа ўргатишда чет эллик дўстга почта ёки интернет орқали хат ёзиш амали кенг қўлланилади. Хат оғзаки нутқ жараёнида ўзлаштирилган мавзулар доирасида ёзма фикр баёни бўлиб, ўқувчилар намунага қараб лексик бирликларни танлайдилар, ўзи, мактаби, оиласи, шаҳри (қишлоғи), ватани ҳақида хат ёзиб , уни тўғри расмийлаштиришга ўрганадилар. Бу ўринда ёзувга хос муомила сўзлар, табриклар, миннатдорчилик билдириш, хат якуни, унинг ёзилган куни, манзилгоҳни ёзиш сингари жиҳатларига алоҳида эътибор берилади.

Ёзма нутққа ўргатишда ҳар бир синфда ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларининг шаклланиш даражасига қараб ёзишга, ёзма нутқни ўстиришга йўналтирилган машқларнинг хусусий тартиби белгиланади.

Ёзма ишларни текширишда хатолар тўғрилимайди, балки кўрсатилади. Остига чизиб қўйиладиган бу хатоларни ўқувчиларнинг ўзлари мустақил равишда онгли тўғрилашлари лозим. Бу иш хатолар устида ишлаш сифатида синфда , ёки ўйда бажарилиши мумкин. Одатда хатолар устида ишлашда хато

ёзилган сўзларни тўғрилаб, бир нача бор ёзиш талаб қилинади. Ёзма ишларни текширишда асосий эътибор ёзма нутқнинг тўғрилигига, фикрни тўғри баён қилинганига ва ахборот ҳажмига қаратилади. Бунда 5-6-синфларда 5-6 гап, 7-синфда 10-12 гапли баёнлар ёзиш меъёри қабул қилинган. Кейинги синфларда гаплар миқдори чегараланмайди. Ёзма ишларни текширишда қуйидаги баҳолаш мезонлари белгиланган: 5-синфда 20 та сўзли диктантда иккитагача хатога – «аъло», 3-6 тагача хатога- «яхши», 7-9 тагача хатога- «қониқарли» баҳо қўйилади. 6-синфда 30 сўзли, 7-синфда 40 сўзли, 8-синфда 50 сўзли, 9-синфда 60 сўзли диктантлар ва баёнлар ўтказиш тавсия қилинади. Бунда 86-100 фоиз тўғри ёзилган ишларга- «аъло», 71-85 фоизга- «яхши», 56-70 фоизга - «қониқарли» баҳо қўйилади.

МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Ёзишга ўргатишнинг мақсад ва вазифаларини баён қилинг. **Таянч сўзлар:** *алфавит, товуш, ҳарф, бугин, абзац, матн, нутқ анализаторлари, нутқ фаолияти турларига ўргатишнинг кетма-кетлиги.*

2. Ёзиш техникасига ўргатишдаги кетма-кетликни баён қилинг. **Таянч сўзлар:** *товуш-ҳарф, ҳуснихат, имло, машқлар.*

3. Ёзишга ўргатувчи машқлар сериясини баён қилинг. **Таянч сўзлар:** *кўчириш, диктантлар, хатлар, мақола, аннотация, машқлар, қирқма алфавит.*

4. Фикрни ёзма баён қилишга ўргатувчи машқлар сериясини баён қилинг. **Таянч сўзлар:** *таянч ва намуна сўзлар, баён, хат, мақола, ишио.*

Қуйидаги адабиётларни ўрганиб, билимларингизни чуқурлаштиринг:

1. Иванова А.М. Обучение письменной речи на французском языке.- М:1981.

2. Мильруд Р.П. Методика обучения иноязычной письменной речи. ИЯШ. 1997, №2. с. 5.

3. Пассов. Е. И. Обучение письму. В кн. « Основы методике обучения иностранным языкам » -М: 1977

14-мавзу: ДАРС ЖАРАЁНИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

1. Дарс жараёнини ташкил қилишдаги режалар. Таквимий режа. Тематик (мавзуй) режа

2. Дарс турлари

3. Дарс ташкил қилишга қўйиладиган методик талаблар

4. Бир соатлик дарс режаси ва дарсни ташкил қилиш

1. Дарс жараёнини ташкил қилишдаги режалар. Умумий таълим мактабларида хорижий тилларни ўқитиш республика маориф вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув дастури асосида ташкил қилинади. Бу дастурда синфлар бўйича ўқитиладиган ҳафталик машғулотлар миқдори ва ўқитиладиган лексик, грамматик минимумлар, нутқ фаолияти турларига ўргатишнинг ҳажми белгиланади. Чет тили ўқитувчилари бу дастур асосида ўзлари учун ҳар бир синф учун алоҳида **таквимий ва тематик (мавзуй) режалар** тузиб оладилар.

Таквимий режа бир ўқув йилига мўлжалланган бўлиб, ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари ёки мактаб метод бирлашмалари томонидан тузилади. Бу режада муайян бир синфда ўқув йилининг ҳар бир чораги ва ҳар бир ҳафтасида ўқитиладиган ўқув материали белгиланади. Қуйида таквимий режанинг намунаси билан таништирамиз:

Биринчи графада - *сана ва ҳафта рақами кўрсатилади.*

Иккинчи графада - *дарслик ва ўрганиладиган параграф кўрсатилади.*

Учинчи графада - *оғзаки нутқ мавзуси,*

Тўртинчи графада - *ўрганиладиган матн,*

Бешинчи графада - *янги лексик материал (графа иккига бўлиниб, янги ва такрорлаш учун белгиланган лексик материал алоҳида кўрсатилади),*

Олтинчи графада - *ўқиш қоидаси,*

Еттинчи графада - *грамматик материал (графа остидан иккига бўлиниб, янги ва такрорланадиган грамматик материал алоҳида кўрсатилади),*

Саккизинчи графада - *фонетик материал (графа остидан иккига бўлиниб, янги ва такрорланадиган фонетик материал алоҳида кўрсатилади),*

Тўққизинчи графада - *маишқлар (графа ости иккига бўлиниб, синфда ва уйда бажариладиган маишқлар алоҳида кўрсатилади),*

Ўнинчи графада - *бажариладиган мустақил ишлар,*

Ўн биринчи графада - *уйга вазифа,*

Ўн иккинчи графада - *кўргазмали қуроллар,*

Ўн учинчи графада - *машғулот учун белгиланган соатлар миқдори кўрсатилади.*

Тематик (мавзуй) режа. Бу режа таквимий режа ва ўқув дастури асосида

ўқитувчи томонидан ўқув материалининг кетма-кетлигини таъминлаш мақсадида тузилади. Унинг сарлавҳа қисмида:

ўқитувчининг исми шарифи,

мактаб,

синф,

ўқув қўлланмаси номи,

дарслик ёки қўлланмадаги параграф,

ўрганиладиган мавзу кўрсатилади. Кейин саҳифа графаларга бўлиниб, уларга қуйидагилар ёзилади:

Биринчи графада - *дарснинг тартиб рақами,*

Иккинчи графада - *дарснинг мақсади,*

Учинчи графада - *қандай кўникма ва малакалар шакллантирилиши,*

Тўртинчи графада - *тил материалининг номи,*

Бешинчи графада - *машиқлар,*

Олтинчи графада - *дарснинг жиҳозланиши,*

Еттинчи графада - *фойдаланиладиган техник воситалар номи,*

Саккизинчи графада - *текишириш ва баҳоланиши лозим бўлган мавзулар,*

Тўққизинчи графада - *уйга вазифалар ёзилади.*

Намуна сифатида 7-синфда «Шаҳар» темаси бўйича тузилган тематик режани келтирамиз:

1-дарс. Дарснинг мақсади: Ўрганилган таниш лексикани ва нутқ намуналарини расмлардан фойдаланиб такрорлаш; тингланган матн асосида монологик нутқ кўникма ва малакаларини шакллантириш.

Дарснинг бориши:

1. Ўқитувчи дарснинг мақсадини тушунтиради.

2. «Шаҳар кўчаси» номли расм кўрсатилади. Расмга қараб ўқувчилар аввал ўрганган таниш сўзларни хотирлайдилар. Расм олиб қўйилади ва «Ким кўп сўз эслайди» ўйини бошланади. Ўқувчилар ўз дафтарларига мавзу бўйича хотирларига келган барча сўзларни ва ибораларни ёзадилар ва навбатма-навбат ўз ёзганларини ўқиб берадилар. Ким кўпроқ сўз ёзган бўлса ўша ғолиб ҳисобланади.

3. Доскага яна расм осилади ва расм бўйича гуруҳ ёки жуфт бўлиб савол-жавоб ўтказилади.

4. Шаҳар мавзусидаги магнит ёзуви эшиттирилади. Ўқувчилар навбат билан тушунганларини гапириб берадилар.

2-дарс. Дарснинг мақсади: тинглаб тушуниш, намунага қараб монологик ва диалогик нутқ малакаларини шакллантириш.

Дарснинг бориши:

1. Ўқувчилар шаҳарнинг бирор кўчаси таърифланган магнит ёзувини тинглаб, қайси кўча эканлигини аниқлаш ва шу асосда суҳбат уюштириш борасида ишлайдилар.

2.Ўқувчилар гуруҳ бўлиб шаҳарнинг бирор кўчасини таърифини тайёрлайдилар.Бошқа ўқувчилар ахборотни тинглаб бу қандай кўча эканлигини аниқлайдилар.

3.Ўқувчилар мавзу бўйича диалоглар тузадилар.

4. Диалогларни тинглаб кўриш ва энг яхши диалог танлови ўтказиш.

3-дарс. Харитага қараб шаҳар бўйлаб сайр режасини тузиш. Ҳар бир кўчани бир ўқувчи таърифлаб, гид-экскурсовод вазифасини бажаради. Энг яхши гид-экскурсоводлар танлови ўтказилади.

2. Дарс турлари. Дарслар талаффузга, лексик материални тушунтириш ва нутқда қўллаш, грамматик материални тушунтириш ва уни оғзаки нутқда қўллаш, ёппасига мулоқот ташкил қилишга мўлжалланган дарсларга, тинглаб ва ўқиб тушунишга, ёзишга ва фикрни ёзма баён қилишга ва ниҳоят, юқоридаги аспектларнинг барчаси уйғунлаштирилган комбинациялаштирилган дарслар турларига бўлиниши мумкин.

Рус методист-олими Л.З.Якушинанинг фикрича, чет тили дарсларининг асосий мақсади коммуникацияга ўргатиш бўлиб уларни икки йирик типга бўлиш мумкин:

1-тип дарслар: нутқ фаолиятини такомиллаштиришга мўлжалланган дарслар. Бундай тип дарсларда янги лексика билан таништириш, унинг метод ва усуллари, тинглаб ва ўқиб тушунишга, гапиришга ўргатиш каби фаолият турлари амалга оширилади.

2-тип дарслар. Ёппасига мулоқот турларини ўргатишга мўлжалланган дарслар. Бунда коммуникатив топшириқлар ва нутқ вазиятлари орқали мулоқотга киришиш йўллари ўргатилади.

3. Дарс ташкил қилишга қўйиладиган методик талаблар. Чет тили дарсларининг самарадорлиги уларнинг методик жиҳатдан тўғри ташкил қилинишига боғлиқ. Ҳозирги замон чет тили ўқитиш методикасида бу талаблар қуйидагича белгиланган (№39 слайд намоиш қилинади):

1. Ҳар қандай тушунтиришни мулоқот уюштириш билан боғлаб олиб бориш;

2. Ҳар бир ўқувчининг индивидуал ва психологик хусусиятларини (хотира, диққат, қобилият, қизиқишлари) ҳисобга олган ҳолда дарс ташкил қилиш;

3.Ҳар бир ўқувчининг нутқ фаоллигини таъминлайдиган метод ва усуллардан фойдаланиш;

4.Ўқувчиларнинг талаффуз, тинглаб ва ўқиб тушуниш, гапириш, ёзиш ва фикрни ёзма баён қилиш бўйича кўникма ва малакаларини шакллантириш ва такомиллаштириш. Бу борада уларни рағбатлантирадиган барча усул ва воситалардан фойдаланиш;

5.Синф ўқувчиларини синфдаги муомила сўзларни тинглаб тушунишини

тобора такомиллаштириш. Дарсни чет тилида олиб боришга эришиш;

6.Ўқувчиларнинг билимларини системали текшириш ва баҳолашга эришиш;

7.Ўқувчиларнинг нутқ тезлигини оширишга йўналтирилган методик, психологик омиллардан фойдаланиш;

8.Ўқувчиларни ўз-ўзларини текшириш ва баҳолашга ўргатиш;

9.Ўқувчиларни системали равишда уйга вазифаларини бажариб келишга ўргатиш.

4.Бир соатлик дарсни режалаштириш.Ўқитувчи ўқув дастури ва тақвимий режа асосида маълум санада уюштирадиган ҳар бир дарсининг муфассал режа-конспектини тузиб олади. Бу режа мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари томонидан тасдиқлангач, дарс ўтишга рухсат берилади. Бир соатлик дарс режасининг бошланишида худди мавзуй режадагидек **синф, дарс ўтиладиган сана, дарс мавзуси, дарс мақсадлари, дарсда фойдаланиладиган кўргазмали воситалар** номлари ёзилади.

Дарс режаларини тузишда одатда қуйидаги босқичларга эътибор берилади (**№40 слайд намоиш қилинади**):

1.Дарсининг ташкилий дақиқаси.Бу босқичга одатда 3-5 дақиқагача вақт ажратилади. Бу босқичда ўқувчилар шеърлар, тез айтишлар, уйинлар, фонетик, лексик машқлар бажартириш орқали тил муҳитига киритилади. Айнан шу дақиқаларда синфдаги ўқувчиларнинг давоматлари текширилади ва синф журналига белгиланади. Бу бутун синфга ёки навбатчи ўқувчига саволлар бериш орқали аниқланади. Ташкилий дақиқани ҳар бир дарсда бошқа-бошқа шакллларда ўтказиш тавсия қилинади. Акс ҳолда ҳар дарсдаги бир хиллик ўқувчиларни зериктириб қўяди;

2.Уйга вазифани текшириш ва баҳолаш босқичи. Бу босқичга одатда 10-дақиқагача вақт сарфланади. Ўқитувчи текшириш ва баҳолашни энг самарали ва тез усулларда амалга ошириб, барча ўқувчиларнинг уйга берилган вазифаларини текшириши ва баҳолаши зарур. Бу босқични агар янги материал аввалгисига боғлиқ бўлса, дарс охирига қўчириш ҳам мумкин;

3.Янги мавзунини тушунтириш босқичи. Бу босқичга ҳам 10 дақиқагача вақт сарфланади.Тушунтириш чет тили ёки ўзбек тилларида бўлиши мумкин. Бу босқичда режалаштирилган дастлабки кўникмалар шакллантирилади;

4.Янги мавзуга оид коммуникатив топшириқни мустаҳкамлаш ёки мустақил иш босқичи. Ўқув материали бўйича ташкил қилинадиган бундай мустақил иш одатда фақат оғзаки бажариладиган коммуникатив топшириқларни (машқларни) бажариш учун мўлжалланади ва бу босқичга дарсининг энг кўп вақти ажратилади. Замонавий адабиётларда бу босқичга дарсининг 60 фоизгача вақти ажратилиши тавсия қилинади. Айнан мустақил иш жараёнида шаклланган мулоқат кўникмаларини малакаларга айлантириш

мўлжалланади;

5. **Дарс якуни.** Бу босқичга ҳам 3 дақиқагача вақт ажратилади. Ўқитувчи янги дарс бўйича қўлга киритилган натижаларни умумлаштиради. Ўзлаштириш натижаларини баён қилади. Аъло ўзлаштирган ўқувчиларни рағбатлантириб, паст ўзлаштирувчи ўқувчиларга танбеҳ беради. Кейин уйга вазифани қисқа қилиб доскага ёзади ва ҳар бир ўқувчи уни кундаликларига ёзиб олишини таъминлайди. Кейин уйга вазифанинг ҳар бир бандини қандай бажариш йўлларини тушунтириб, дарсни якунлайди.

Бир соатлик дарс режаси қўйидаги чизма бўйича тузилади:

1	! 2 !	3-Ўқитувчининг ҳатти-ҳаракатлари	!	4-Ўқувчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари
	! !		!	

Биринчи графа остига дарс босқичларининг тартиб рақами, иккинчи графа остига шу босқичга ажратилган вақт микдори, 3- графа остига ўқитувчининг дарс жараёнида амалга оширадиган тушунтириш, мустаҳкамлашга оид барча ҳатти-ҳаракатлари, методлари, усуллари, кўрсатмалари батафсил ёзилади; 4- графа остига ўқувчиларнинг ўқитувчининг кўрсатмасига бинаон бажарадиган ҳатти-ҳаракатлари ёзилади. Масалан:

Le maitre: **Mes élèves, déclamez ensemble la poésie!**

Les élèves déclament la poésie: **Un, deux, trois,**

Chaud, n'est pas froid.

Enfants silence,

La leçon commence.

МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Дарс жараёнини ташкил қилишда тузадиган режалар ва уларнинг мақсад, вазифаларини гапириб беринг. **Таянч сўзлар:** ўқув дастури, тақвимий режа, мавзуй режа, бир соатлик дарс режаси.

2. Дарс турларини баён қилинг. **Таянч сўзлар:** тушунтириш, мустаҳкамлаш, гапиришга, тинглаб тушунишга, фикрни ёзма баён қилишга ўргатувчи дарслар, комплекс дарслар.

3. Дарс ташкил қилишга қўйиладиган методик талабларни баён қилинг. **Таянч сўзлар:** коммуникация, нутқ малакалари, метод ва усулларнинг хилма-хиллиги, кўрғазмали воситалар, муомила сўзлар, билимларни текишириш, нутқ тезлиги, уйга вазифа.

4. Дарс режалаштиришнинг асосий босқичларини гапириб беринг. **Таянч сўзлар:** ташкилий дақиқа, тил муҳити, текишириш ва баҳолаш, тушунтириш, мустаҳкамлаш, якун.

Қўйидаги адабиётларни ўрганиб, билимларингизни чуқурлаштиринг:

1. Бухбиндер В.А. Основные типы уроков иностранного языка и их дидактико-методические модели.- Баку:1975.

2. Винслер Г. Современные требования к уроку. –М:1985.
3. Гез Н.И. Некоторые вопросы теории урока иностранного языка. ИЯШ.1968. №4.
4. Контроль в обучении иностранным языкам в ср. школе. (Под ред. В.А.Слободчикова).-М:1986.
5. Методика построения урока иностранного языка в средней школе.- М:1974.
6. Пассов Е.И. Беседы об уроке иностранного языка.- Ленинград: 1977.
7. Якушина Л.З. Методика построения урока иностранного языка в средней школе.- М: 1974.

15-мавзу: **ЧЕТ ТИЛИ ДАРСЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ**

- 1.Чет тили дарсларини таҳлил қилишнинг мақсад ва вазифалари**
- 2. Ўқитувчи фаолиятини методик таҳлил қилиш**
- 3. Ўқитувчи фаолиятини психологик-дидактик таҳлили**
- 4. Ўқитувчи фаолиятини лингвометодик таҳлили**

1.Чет тили дарсини таҳлил қилишнинг мақсад ва вазифалари. Ўқитувчи ўз фаолияти жараёнида педагогик маҳоратини узлуксиз такомиллаштириб боришга масъулдир. У янги педагогик технологиялардан, илғор педагогик тажрибалардан муттасил хабардор бўлиб туриши учун чет тили ўқитиш методикасига оид илмий, амалий нашрларни ўқиб боради, уларни ўз фаолиятида қўллашга ҳаракат қилади. Шу мақсадда ўқитувчининг методик бирлашмалар ишида фаол иштирок этиши, тегишли муддатларда малака ошириш институтларида (курсларида) ўқиши белгилаб қўйилган.

Малака оширишнинг, педагогик маҳоратни такомиллаштиришнинг муҳим омилларидан бири ўзаро дарсларга қатнашувдир. Ёш ўқитувчиларга бир ойда камида икки марта тажрибали ўқитувчилар дарсига қатнашиш, улардан дарс ташкил қилиш, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқариш сирларини ўрганиш белгилаб қўйилган.

Дарсларга қатнашув икки мақсадда амалга оширилади: 1. Илғор тажрибаларни ўрганиш мақсадида; 2. Кузатув ва назорат қилиш мақсадида.

Тажрибаларни ўрганиш мақсадида дарсларга қатнашув кўпроқ тажрибаси кам ўқитувчиларга дахлдордир. Кузатув ва назорат мақсадида ташкил қилинадиган дарсларга қатнашув мактаб раҳбарлари томонидан ва дарс таҳлилининг ўрганиш мақсадида ташкил қилинади. Бунда ўқитувчининг фаолияти методик, психологик, лингвистик таҳлил қилиниб ютуқ ва камчиликлар

аниқланади. Камчилик ва хатоларни бартараф қилиш йўллари кўрсатилади. Кузатув натижалари алоҳида муҳокама қилинади. Бундан мақсад ўқитувчи фаолиятини танқид қилиш эмас, унга амалий ёрдам беришдир.

4-курс талабалари педагогик амалиёт жараёнида ўз ҳамкурсларининг камида бешта дарсини методик, психологик, лингвистик таҳлил қилиши, таҳлил натижаларини махсус дафтарга ёзиб бориши, ўз фикрлари билан дарс муҳокамасида иштирок этиши белгилаб қўйилган. Таҳлил натижалари ёзилган дафтар педагогик амалиётнинг муҳим ҳужжати сифатида бошқа ҳужжатлар билан бирга баҳолаш учун методист-ўқитувчига топширилади.

2.Ўқитувчи фаолиятини методик жиҳатдан таҳлил қилишда куйидагиларга эътибор берилади:

1.Ўқитувчи томонидан қўйиладиган топшириқлар дастур талабларига, ўқувчиларининг нутқ тайёргарлигига мослиги;

2.Ўқитувчининг ўқувчиларини ўқув фаолиятга сафарбар қила олиш қобилияти, ўқувчиларнинг дарсга тайёрлигини аниқлай олиши, фонетик ва нутқ машқларининг самарадорлик даражаси;

3.Ўқитувчининг дарсдан кузатилган коммуникатив вазифаларни ва мақсадларни ўқувчиларга тўғри аниқлаш қобилияти ва қўйилган мақсадларни ўқувчилар томонидан тушунганлиги даражаси;

4.Ўқитувчининг методик вазифаларини амалга ошириш қобилияти; топшириқларни аниқ ва лўнда ифода қилиш, уларни бажаришга қизиқиш уйғота олиши.

5.Ўқитувчининг конкрет методик вазифаларни амалга ошириш жараёнидаги фаолияти характери:

а) дарс босқичларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши;

б)ўқув материални ўзлаштириш учун ўқитувчи томонидан ташкил қилинадиган ўқув фаолиятини етарлилиги;

в)ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилишда оддийликдан мураккабликка принципларига риоя қилиши;

г) режалаштирилган мақсадга эришилганлик даражаси;

д) дарс жараёнида қўлланилган кўргазмалар кураш ва уларнинг методик жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги даражаси;

6.Ўқитувчининг вазиятга кўра турли усул ва методлардан фойдалана олиш қобилияти;

7.Дарснинг маълум мақсадга йўналтирилганлиги даражаси; олдинги дарс материални янги дарс материали билан боғлиқлигини таъминлай олиш даражаси; тушунтириш, машқ қилдириш ва амалда қўллаш олиш жараёнларини мотивлаштирилган ҳолда ва коммуникатив характерда ташкил қила билиши;

8. Дарс босқичларининг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги даражаси;

9. Уйга вазифани тушунтиришдаги аниқлик ва лўндалик, вазифаларининг

миқдори ва уларнинг ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига мослиги;

10. Ўқитувчининг дарс якунини ташкил қила олиш қобилияти. Ўқувчилар билимини умумий баҳолаш ва дарснинг ўқув-коммуникатив натижасини тушунтира олиши.

2.Ўқитувчи фаолиятини психологик-дидактик жиҳатдан таҳлил қилиш куйидагиларни ўз ичига олади:

- 1.Дарснинг тарбиявий мақсадини амалга ошириш даражаси;
- 2.Дарснинг тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларни амалга ошириш жараёнида ўқувчиларнинг диққатини, фикрлаш қобилиятини, қизиқишларини, фаразларини, ўз-ўзини текшириш ва хатоларини топиш қобилиятини, ўқиш техникасини, мустақил ўқув фаолиятини ривожлантира билиш қобилияти;
- 3.Педагогик тактининг мақсадга мувофиқлиги;
- 4.Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ва билимларини баҳолашдаги ҳаққонийлиги;
- 5.Ўқувчиларнинг ўқув материални ўзлаштириш тезлигини пайқай олиши;
- 6.Синф ўқувчиларининг руҳий (психик) ҳолатларини ўз вақтида пайқаб, уларга мос методик ёндоша олиши;
- 7.Синф ўқувчилари олдида ўзини тута олиши;
- 8.Турли кўргазмали қуроллардан, техник воситаларидан ўз пайтида ва мақсадга мос равишда фойдалана олиш қобилияти;

3.Ўқитувчи фаолиятини лингвометодик жиҳатдан таҳлил қилиш.

- 1.Синфда қўлланиладиган хорижий сўз ва жумлаларни қўллай олиш даражаси ва уларнинг ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига мослиги;
- 2.Дарсдан кузатиладиган мақсад ва вазифаларининг аниқ ва мантикийлиги;
- 3.Ўқитувчи талаффузининг тўғри ва тушунарлилиги;
- 4.Ўқитувчининг ўз нутқини ўқувчи нутқига мослаштира олиш қобилияти;
- 5.Ўқитувчи нутқининг турли-туман кўргазмали ва техник воситаларининг намоиши билан мослиги. Ўқитувчи муносабатининг самимийлиги;
- 6.Ўқитувчи нутқининг эмоционал таъсири. Турли кескин вазиятларда ўқувчиларга нисбатан беғараз муносабат билдира олиши;
- 7.Ўқувчилар йўл қўйган хатоларни тўғрилашдаги фаолияти;
- 8.Ўқитувчи ва ўқувчилар нутқ фаолиятининг нисбати;
- 9.Педагогик мулоқот. Ўқитувчининг дарсда ўзаро ишонч, коллектив ижодий ўқув фаолиятини, ижобий ўқув муҳитини ярата олиш қобилияти.

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Ўзаро дарсга қатнашувнинг мақсад ва вазифаларини гапириб беринг.
Таянч сўзлар: *метод бирлашма, малака ошириши, дарс таҳлили, илгор*

тажрибаларни ўрганиш, тадбиқ қилиш, кузатув дарслари, таҳлил дафтари.

2.Ўқитувчи фаолиятининг методик таҳлили қандай олиб борилади? **Таянч сўзлар:** *топириқ ва дастур, нутқ тайёргарлиги, нутқ машқларининг самарадорлиги, коммуникатив мақсад, дарс босқичлари, мақсадга эришилганлик даражаси.*

3.Ўқитувчи фаолиятининг психологик таҳлилини гапириб беринг. **Таянч сўзлар:** *дарс мақсадларининг амалга оширилиш даражаси, педагогик такт, баҳолаш, дифференциал ёндошув, психологик муҳит.*

4.Ўқитувчи фаолиятини лингвометодик таҳлилини гапириб беринг. **Таянч сўзлар:** *чет тилича гаплашув даражаси, мақсадларнинг мантикий амалга оширилиши, талаффуз тўғрилиги, кўргазмалилик, ўқувчиларга муносабат, хатоларни тўғрилаш, ўқитувчи ва ўқувчи нутқининг нисбати.*

Қуйидаги адабиётларни ўрганиб, билимларингизни чуқурлаштиринг:

1. Мельникова И.Н. Анализ урока во время педагогической практики. В. сб. Методическая подготовка преподаватлей иностранного языка. - М: 1989.

2. Кучерова И.Л., Винайкина Н.П. Анализ урока и совершенствование практической деятельности учителя. ИЯШ, 1987, №1.

3. Роман С. В. Анализ урока иностранного языка. ИЯШ, 1991.№6,с. 80.

16-мавзу: ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИНИ ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШ

1. Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолашнинг мақсад ва вазифалари

2. Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолашга қўйиладиган методик талаблар

3.Ўқувчилар билимини текшириш турлари ва усуллари

4. Ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларини баҳолаш

1.Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолашнинг мақсад ва вазифалари. Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш бу шакланган кўникма ва малакаларни ҳисобга олиш, бу орқали чет тили ўқитишнинг таълимий, амалий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини амалга ошириш деганидир. Текширишнинг таълимий мақсади деганимизда ўрганилган тил материали асосида янги кўникма ва малакаларни шакланганлигини текшириш, мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқувчиларнинг тил бойлиги даражасини аниқлаш тушунилади. Текшириш ва баҳолаш орқали ўқувчи йўл қўйган хатолар, камчиликлар аниқланади, уларни бартараф қилиш чоралари кўрилади. Буни текширишни диагностик мақсад деб ҳам аташ мумкин. Текшириш ва

баҳолаш жараёнида ўқувчиларнинг ўқув фаолияти назорат қилинади ва бошқарилади. Шундай қилиб, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқариш ва назорат қилишнинг энг самарали йўллари ва воситалари аниқланади. Баҳолаш эса ўқувчиларнинг ўқув фаоллигини таъминлайдиган, чет тилини ўқишга, ўрганишга қизиқишларини оширувчи, рағбатлантирувчи муҳим методик омил вазифасини бажаради. Бу ўринда ўқувчиларнинг назарий билимлари эмас, шу билимлар асосида шаклланган кўникма ва малакаларини баҳолашни унутмаслик даркор. Ўқувчи фаолияти унинг дарс жараёнидаги фаол ёки суст иштироки ва эгалланган кўникма ва малакаларнинг сифатига кўра баҳоланади. Текшириш ва баҳолаш орқали ўқувчиларнинг билимлари системали ўзлаштирилиши назорат қилинади, дарсдаги интизоми, хотираси, диққати, қобилияти шакллантирилади ва тобора такомиллаштирилади. Шу орқали баҳолашнинг таълимий, тарбиявий, амалий ва ривожлантирувчи мақсадлари амалга оширилади.

1. Ўқувчилар билимларини текшириш ва баҳолашга қўйиладиган методик талаблар. Мактаб ўқув предметлари ичида чет тили фанидан ўтказиладиган текшириш ва баҳолашнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу ўринда назарий билимлар эмас, балки ўқувчиларнинг мулоқотга кириша олиш савияси, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ўқиб тушуниш, фикрларини ёзма баён қилиш кўникмалари ва малакалари текширилади, баҳоланади. Кўникмаларни текшириш жараёнида лексик, грамматик материални ўзлаштириш савияси, нутқ фаолияти турларида улардан фойдалана олиш даражаси назорат қилинади. Малакалар текширилганда эса, нутқ фаолияти турларидан мулоқот воситаси сифатида фойдалана олиш меъёрлари баҳоланади. Нутқ фаолияти турларининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари ўқувчи нутқининг мавзуга мослигига ва мукамаллигига, мавзуга ижодий ёндоша билганлигига, тил материални тўғри қўллай билганлигига, нутқ бирликларининг ҳажмига кўра аниқланади ва баҳоланади. Бу ўринда диалогик ва монологик нутққа қўйиладиган талаблар ўзаро фарқланади. Масалан, Ж.Жалоловнинг таъкидлашича диалогик нутқ текширилганда суҳбатдошларнинг ҳар биридан 5 тадан 9 тагача репликани грамматик жиҳатдан тўғри қўллай билишлик талаб қилинади. Монологик нутқ текширилганда эса, ўқувчидан охир натижада 15 тагача жумлани тўғри тузиб, мустақил нутқ ҳосил қилиши талаб қилинади.

Бундай талаблар тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, фикрни ёзма баён қилиш каби нутқ фаолияти турларига ҳам қўйилади. Масалан, тинглаб тушунишда бошланғич босқичда аудиоматн ҳажми 1-2 дақиқадан, кейинги босқичларда 4 дақиқагача ўзгартирилади. Матндаги белгилар сони 200 тадан 500-700 тагача кўпайтирилади. Нотаниш сўзлар ҳажми 2 фоиздан 5 фоизгача оширилади. Ўқиб тушунишда бир дақиқада 200 тадан 500 тагача сўзни ўқиш талаб қилинади.

3. Ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларини текшириш турлари ва

усуллари. Кўникма ва малакаларни текшириш тўрт турда амалга оширилади: 1. **Кундалик** (доимий) текшириш; 2. **Тематик** (мавзуй) текшириш; 3. **Даврий** (чораклик) текшириш; 4. **Якуний** текшириш. Текшириш усуллари эса, **якка** (индивидуал), **ёппа** (фронтал), **оғзаки ва ёзма, бир тилда ёки икки тилда** ўтказилади.

Кундалик текшириш ўқитувчи ҳар дарсда қўллайдиган, ўзлаштиришни системалилигини таъминлайдиган, тузатув (диагностик) вазифани бажарадиган назорат туридир. Бундай текшириш натижалари синф журнаliga ва ўқувчиларнинг кундалик дафтарларига қўйиб борилади.

Тематик (мавзуй) текшириш эса, бирор мавзу ёки параграф ўрганилиб бўлингандан кейин уни умумлаштириш, такрорлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида уюштирилади.

Даврий текшириш чораклик ва ярим йиллик охирида ўтказилади.

Якуний текшириш ўқув йили охирида жорий ёки битирув имтиҳони сифатида ўтказилади.

Якка (индивидуал) текшириш текширишнинг энг самарали усули бўлса ҳам кўп вақтни талаб қилиши билан бутун синф ўқувчиларининг кўникма ва малакаларини текширишга имконият бермайди. Чет тили дарсида ҳар бир машғулотда иложи борица кўпроқ ўқувчиларнинг кўникма ва малакалари назорат қилиниши муҳимдир. Бу нарса ўқувчиларда дарс тайёрлашга масъулият, билимларни системали ўзлаштиришга қизиқишни шакллантиради.

Ёппасига (фронтал) текшириш бутун синфга саволлар бериш ва қўл кўтарган ўқувчидан жавоб эшитиш, жавобни бошқа ўқувчилар томонидан тўлдириш орқали ташкил қилинади. Бу усулнинг ижобий томони шундаки, дарсга тайёрланмай келган ўқувчи ҳам ўз синфдошлари жавобларини эшитиб, тил материални хотирасига келтириши ва мустаҳкамлаши мумкин. Салбий томони эса, дарс тайёрланмай келган ўқувчи қўл кўтармай пассив ўтириши, жавоб беришга турғазилса, гапира олмай вақт ўтказиши мумкин. Бу усулдан одатда матн мазмуни буйича суҳбат ташкил қилишда, умумлаштирувчи дарсларда фойдаланиш мумкин.

Оғзаки усулда уюштириладиган текширувдан назоратнинг барча турларида фойдаланилади. Ёзма текширув эса, машқлар орқали уйга вазифа тарзида, дафтарларни уйда текшириш орқали амалга оширилади.

Текширув учун ажратилган вақтдан самарали фойдаланиш учун тажрибали ўқитувчилар икки ўқувчини доскада ёзма машқ бажартиради, қолган ўқувчиларни карточкаларга ёзилган коммуникатив топшириқларни диалогик нутқ ташкил қилиб бажаришга йўллаб, ўзи жуфтликлараро жавобларни назорат қилади. Бундай ҳолда доскада машқ бажараётган ўқувчилар, жуфт бўлиб ишлаётганлар, тест топшириқларини бажараётганлар бир-бирларини текшириб хато ва камчиликларини навбати билан баён қиладилар. Бу текширувни тез ва самарали ташкил қилишга ёрдам беради. Бу ўринда тест топшириқларини

бажариш орқали ҳам ёппасига текшириш ва баҳолашни ташкил қилиш мумкин. Аммо бундай текшириш ва баҳолашда ўқувчиларнинг коммуникатив малакалари эмас, ўзлаштирилган билимлари текширилади. Ўқитувчи иш якунида ютуқ ва камчиликларни кўрсатади, ўзлаштириш натижаларига қўйиладиган баҳоларни эълон қилади.

Қуйида текширишда фойдаланиладиган қатор усулларни баён қиламиз.

Фаол лексикани текшириш усуллари:

1.Берилган нутқ намуналаридан фойдаланиб, иложи борича кўпроқ гап тузиш (оғзаки ва ёзма);

2.Нукталар ўрнини тўлдириш (оғзаки ва ёзма);

3.От ва сифатларни бириктириб, иборалар яшаш (оғзаки ва ёзма);

4. Расмга қараб ҳикоя тузиш (оғзаки ва ёзма);

5.Жумлаларни она тилига таржима қилиш (оғзаки ва ёзма);

6.Сўзларни муайян мезонларга кўра гуруҳлаб ёзиш;

7. Феълларни кўрсатилган замонларга қўйиб дарак, сўроқ. инкор, буйруқ формаларда гап яшаш (оғзаки ва ёзма) ;

8.От ва сифатларнинг родларини алмаштириш бўйича машқ бажариш (оғзаки ва ёзма);

9.Эшитилган фармойишни бажариш;

10.Ўқитувчи нутқидаги мавзуга мос келмайдиган жумлани топиш;

11.Тингланган мавзуга оид саволларга жавоб бериш (оғзаки);

12. Аудиоматн мавзусига саволлар тузиш (оғзаки ва ёзма);

13. Аудиоматн мазмунини гапириб бериш. Мавзу бўйича расмга қараб ёки қарамасдан гаплар тузиш;

14. Бошланган ҳикояни давом эттириш;

15. Тингланган ҳикояни гапириб бериш;

16. Суҳбатдош саволига жавоб бериш;

17. Суҳбатдошга савол бериш;

18. Намунага қараб диалогик нутқ тузиш;

19. Диалогик нутқни монологик нутққа айлантириб гапириш;

20. Рол ижро қилиб диалогик нутқ яшаш;

21. Матндан саволга жавоб топиш;

22.Ўқилган матн режасини тузиш;

23.Ўқиб таржима қилиш;

24.Чет тилидан она тилига, она тилидан чет тилига таржима қилиш (оғзаки ва ёзма);

25.Фонетик, лексик, грамматик тестлар бажариш (оғзаки ва ёзма).

4.Ўқувчиларнинг кўникма ва малакалари баҳолаш. Баҳолашда ўқувчининг бир дарсда ўзлаштирган кўникма ва малакалари умумлаштирилиб баллар ёки баҳолар қўйилади. Баҳоларнинг тарбиявий аҳамиятига алоҳида

аҳамият бериш талаб қилинади. Шу сабабли ўқитувчи ҳар бир баҳони қўяётганида албатта ўқувчининг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиши, уни навбатдаги дарсда яхшироқ баҳо олишга руҳлантириши лозим. Ўқувчи қониқарсиз жавоб берса, вақтинча унга баҳо қўймай, у йўл қўйган хатоларни кўрсатиши, хатосини тушунтириши, уни ижобий баҳо олишга қизиқтириши муҳимдир. Баҳоларнинг ҳолис қўйилиши ўта муҳимдир. Ноҳолис қўйилган баҳо ўқитувчи обрўсига путур етказди. Ўқувчилар бундай ўқитувчини ҳурмат қилмай қўядилар, натижада чет тили ўрганишга бўлган қизиқишлари ҳам пасайиб кетади.

Хозирги пайтда ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларини баҳолаш республика халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган рейтинг тизими орқали амалга оширилаяпти. Бунда 56 фоиздан кам ўзлаштирган ўқувчиларга- «қониқарсиз», 56-70 фоиз ўзлаштиришга - «қониқарли», 71-85 фоиз ўзлаштиришга - «яхши», 86-100 фоиз ўзлаштиришга - «аъло» баллар қўйиш белгиланган.

МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолашнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат? **Таянч сўзлар:** *тарбияловчи, таълимий, ривожлантирувчи, рағбатлантирувчи, диогностик.*

2. Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолашда қандай методик талабларга риоя қилинади? **Таянч сўзлар:** *кўникма ва малакалар, ўзлаштириш савияси, сифат ва миқдор кўрсаткичлари, диалогик ва монологик нутқ, ўқиб ва тинглаб тушунишга, фикрни ёзма баён қилишга қўйиладиган талаблар.*

3. Текшириш турлари ва усуллари ҳақида гапиринг. **Таянч сўзлар:** *кундалик, тематик (мавзуй), даврий, якуний, оғзаки ва ёзма текшириш, усуллар.*

4. Кўникма ва малакаларни баҳолаш тизими деганда нимани тушунасиз? **Таянч сўзлар:** *ижобий ва салбий баҳоларнинг тарбиявий аҳамияти, рейтинг тизими, баҳолаш мезонлари.*

Қўйидаги адабиётларни ўрганиб, билимларингизни чуқурлаштиринг:

1. Елухина Н.В., Тихомирова Е.В. Контроль устного неофициального общения на иностранном языке. ИЯШ, 1998, №2, с. 14.

2. Контроль речевых умений в обучении иностранным языкам. (под ред. Проф. В.С.Цетлин.) –М:1970.

3. Контроль в обучении иностранным языкам в среднем школе. (Сб. статей под ред. В.А.Слободчикова- М:1986.

4. Нормы оценки знаний, умений, навыков учащихся по иностранным языкам. ИЯШ, 1985, №1.

5. Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. –Т:1996.253-267- б.

И Л О В А

1.Маъруза жараёнида қуйидаги таянч воситалар компьютерга киритилиб, слайд сифатида экран орқали намоиш қилинади:

**№1.Талабалар педагогик амалиёт жараёнида тўплаши лозим бўлган
«Методик жамғарма» ҳужжатлари: (2 б.)**

- 1) III босқичда тингланган маъруза матнлари;**
- 2) Қўшимча адабиётлардан олинган конспектлар;**
- 3)Талаба амалиёт жараёнида ўтказган амалий машғулотларининг режа-конспектлари;**
- 4)Календар режа;**
- 5)Талаба таҳлил қилган машғулотлар баёни;**
- 6)Талабанинг унга биркитилган синфда ўтказган тарбиявий ишлар режаси;**
- 7) Бир ўқувчига ёзилган тавсифнома;**
- 8) Талабанинг амалиёт жараёнида тўплаган кўргазмали қуроллари;**
- 9)Талабанинг амалиёт ҳақидаги ҳисоботи;**
- 10) Талабага мактаб маъмурияти томонидан берилган ва тасдиқланган характеристикаси.**

№2.Чет тили ўқитиш методикасининг мақсад ва вазифалари (4 б.)

- 1.Бўлажак чет тили ўқитувчиларини чет тили ўқитиш методикасидан замонавий назарий билимлар билан қуроллантириш;**
- 2.Талабаларда таълимнинг принциплари, метод, усул ва воситаларидан самарали фойдаланиш бўйича зарурий кўникма ва малакаларини шакллантириш;**
- 3.Назарий билимларни амалиётда қўллашга, илғор педагогик технология ва тажрибаларни ўрганишга йўналтириш;**
- 4.Ўқитиш жараёнини, шунингдек, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришни ўргатиш;**
- 5. Амалий машғулотлар жараёнида чет тили ўқитувчисига хос педагогик сифатларни эгаллаш.**

№3 Чет тиллар ўқитишнинг мақсадлари (4 б.)

- 1. Чет тилини амалий эгаллаш (коммуникатив ёки амалий мақсад);**
- 2. Чет тилини ўргатиш жараёнида тарбиявий ишларни амалга ошириш йўллари ўргатиш (тарбиявий мақсад);**
- 3. Чет тили воситасида умумий таълим мақсадларини амалга ошириш (таълимий мақсад);**
- 4. Чет тили воситасида ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш (ривожлантирувчи мақсад);**

№4. Методика фанининг илмий тадқиқот методлари (7 б.)

- 1. Мактаблардаги чет тили ўқитиш тажрибасини танқидий ўрганиш;**
- 2. Илғор педагогик тажрибаларни умумлаштириш;**
- 3. Ўқитувчилар дарсларини кузатиш;**
- 4. Сухбат ўтказиш;**
- 5. Тажриба ва экспериментлар ўтказиш;**
- 6. Тестлар ўтказиш;**
- 7. Дарс жараёнини хронометрлаш (дарс босқичларига кетган вақтни ҳисоблаб таҳлил қилиш);**
- 8. Анкета саволларига жавоб бериш;**
- 9. Осциллографик таҳлил қилиш (магнит тасмасига ёки видеотасмага ёзиб олинган дарс таҳлили).**

№5. Кўникмаларни шакллантириш ва уларни малакаларга айлантириш босқичлари (11 б.)

Биринчи босқич. Ўқув материали билан дастлабки танишиш, унинг мақсад ва мазмунини англаш, уни ўзлаштириш учун фаолият турини, усулини танлаш. Бу фаолиятни илк бор амалга ошириш;

Иккинчи босқич. Ҳосил бўлган дастлабки кўникмаларни малакаларга айлантириш учун ташкил қилинган фаолиятнинг айрим элементларини ўзлаштириш машқлари;

Учинчи босқич. Нутқ материали бўйича кўникмаларни малакаларга айлантирувчи фаолият элементлари автоматлаштириш;

Тўртинчи босқич. Кўникмалардан малакаларга айланган нутқ намуналари турли нутқ вазиятларида мустаҳкамлаш.

№6. Ўқувчиларнинг ўрганувчи фаолиятининг мазмуни (21 б.)

1. Ўқувчи ўқитувчининг ўқув материални тушунтириши, кўрсатиши жараёнида янги тил materiali билан танишади.

2. Ўқитувчини тинглаш жараёнида фикрлайди, она тилиси билан қиёслайди, уни идрок қилишга, англашга уринади.

3. Ўқитувчи бошқарувида турли хил машқлар бажариб, ўқув materiali юзасидан дастлабки кўникмаларини шакллантиради.

4. Шаклланган бу кўникмаларни амалий фаолиятда қўллаб, уларни малкаларга айлантиради.

№7. Ўқиб тушунишни ташкил қилиш усуллари (22 б.)

1. Матнни абзацлаб ўқитиб, танлаб таржима қилдириш;

2. Матнни бир қисмини овоз чиқариб, ёки ичида ўқитиб таржима қилдириш ва саволларга жавоб бердириш. Бунда китобдан фойдаланиб ва фойдаланмасдан жавоб беришга ўргатиш;

3. Ўқитувчи матнни маълум бир қисмини ўқийди ва ўқувчилардан унинг айрим жумлалари таржимасини сўрайди;

4. Матндан персонажларнинг ташқи кўринишини, уларни характерлайдиган сўзларни, гапларни, абзацларни топтириш;

5. Матндан саволларга жавоб топиш;

6. Ўқилган ёки эшитилган парчага сарлавҳа ўйлаб топиш;

7. Матндан унинг маъно ташувчи калит сўзларни, гапларни топиш;

8. Китобга қараб ва қарамасдан саволларга жавоб бериш;

9. Матн мазмунини гапириб бериш ва ҳ.

№8 Шартли нутқ машқларининг методик характеристикаси (23 б.)

1. Шартли нутқ машқлари муайян бир вазиятда аниқ нутқий ҳаракатни бажаришга йўналтирилади.

2. Нутқий ҳаракат шартли коммуникатив вазиятга ва гапировчининг коммуникатив эҳтиёжига мос келиши лозим.

3. Топшириқнинг ўзаро мулоқатга асосланганлиги.

4. Машқнинг бажариш жараёнида таянч воситаларининг мавжудлиги.

№9.Нутқ вазиятларига асосланган кўрсатмали коммуникатив топшириқлар (23 б.)

1.Эшитилган ахборотни суҳбатдошга етказиш бўйича ташкил қилинадиган нутқий ҳаракатларни бажаришга йўналтирилган кўрсатмали топшириқлар (*Собир, ҳамкурсларингга эртага гуруҳ бўйича Бухоро шаҳрига саёҳат қилишимизни эълон қил*).

2.Муайян воқеа ёки ҳодисани изоҳлашга, аниқлик киритишга, ажратиб кўрсатишга, диққат-эътиборни тортишга оид нутқий ҳаракатни бажаришга йўналтирилган кўрсатмали топшириқлар.(*Собир, менга қара, эртага дарслар ростдан ҳам соат тўққизда бошланадими?*)

3.Фикрни маъқуллашга, тавсия қилишга, маслаҳат беришга, истак билдиришга, мақташга, табриклашга, миннатдорчилик билдиришга, узр сўрашга оид нутқий ҳаракатларни бажаришга ўргатувчи кўрсатмали топшириқлар. (*Кечирасиз, менга Регистон майдонига қандай транспорт билан боришни айта оласизми?*)

4.Норозилик, танқид, эътироз, инкор, уялтириш, баҳсга киришишга оид нутқий ҳаракатларни ўргатувчи кўрсатмали топшириқлар. (*Фикрингга қўшилмайман.Собир гуруҳимиздаги энг фаол талаба*)

5.Ишонтириш, илтимос, сўзда қатъий туриш, фикрни асослашга оид нутқий ҳаракатларга ўргатувчи кўрсатмали топшириқлар. (*Сизни ишонтириб айтаманки, эртага албатта дарсга кечикмай келаман*)

№10.Сўзларнинг ўрнини тўғри топиб, гапиришга ўргатиш жадвали (24 б.)

Aidez
Venez
Faites
Ecrivez
Lisez

s'il vous plait

chez moi
à Serge
ce livre
cet exercice
cette lettre

traduire ce texte
encore une fois
demain
à maman
plus vite

**№11.Таянч воситаларсиз ташкил қилинадиган нутқий ҳаракатга
ўргатувчи шартли нутқ машқлари (24 б.)**

1.Ўқитувчининг, суҳбатдошнинг репликасидаги муайян нутқ бирлигини фаҳмлаб, уни кўп марта такрорлашга (имитатив) ўргатувчи шартли нутқ машқлари;

2.Эшитилган жумладаги сўзлар ўрнини синонимлар, антонимлар, олмошлар билан алмаштириб гапиришга ўргатувчи шартли нутқ машқлари;

3.Эшитилган жумлани трансформация қилиб(сўз тартибини, феълларнинг шахсини, замонини; отларнинг родини, сонини ўзгартириб) гапиришга ўргатувчи шартли нутқ машқлари.

4.Эшитилган жумладаги қолдириб кетилган сўзларни тўлдириб гапиришга ўргатувчи шартли нутқ машқлари.

№12.Муаммоли (проблемали) топшириқдан намуна (29 б.)

Мисоллардан феълларнинг инкор формасини ясалиш қоидасини аниқланг:

Je suis écolier. Je ne suis pas écolier.

Je suis allé vite. Je ne suis pas allé vite .

Je parle á mon ami. Je ne parle pas á mon ami .

№13.Чет тиллар ўқитишга хос методик принциплар (31 б.)

а) Коммуникативлик принципи.

б) Таълимнинг оғзаки нутқини ўстиришга асосланганлиги принципи.

в) Таълимни дифференциялаштириб ташкил қилиш принципи.

г) Ўқув жараёнини комплекс ташкил қилиш принципи.

д) Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини интенсивлаштириш принципи.

**№14.Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини интенсивлаштириш принципи
(34 б.)**

- 1.Дарс вақтидан самарали фойдаланиш.
- 2.Дарс жараёнида турли -туман метод ва усуллар фойдаланиш.
- 3.Метод ва усуллардан фойдаланишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини, хотира, диққат, тафаккур ва ўзлаштириш даражаларини ҳисобга олиш.
- 4.Таълимнинг турли воситаларидан фойдаланиш.
- 5.Ўқувчиларнинг мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш.
- 6.Ўқув материалининг осон-қийинлигини, таълим босқичини ҳисобга олиб, дарс ташкил қилиш.
- 7) Ўқув материалига ажратилган вақт ва дарс миқдорини кўпайтириш.

№15.Мулоқотга (коммуникацияга) ўргатиш принциплари (36 б.)

- 1.Нутқ фаолиятининг барча турларини ўзаро фикр алмашувга асосланган, ўқувчиларнинг нутқ эҳтиёжларига ва нутқ вазиятига мос келадиган коммуникатив топшириқлар орқали ташкил қилиш;
- 2.Мулоқотга ўргатишда ўқувчиларнинг ўқув фаоллигини таъминловчи, уларнинг барча сезгиларига фаол таъсир қилувчи аудио-визуал, паралингвистик, эмоционал таъсир воситалардан комплекс фойдаланиш;
- 3.Мулоқотни ташкил қилишда ҳар бир талабанинг индивидуал - психологик хусусиятларини ҳисобга олиш;
- 4.Мулоқот жараёнининг функционаллигини таъминлаш;
- 5.Мулоқот топшириғини коммуникатив вазиятларга боғлиқлигини, ўқувчиларнинг ҳаётий эҳтиёжларига мослигини, қизиқарлилигини, янгилигини таъминлаш;
- 6.Ўрганиладиган коммуникатив топшириқнинг мазмун-маъносини онгли ўзлаштирилишига эришиш;
- 7.Мулоқот материални мустаҳкамлашни талабалар жуфтликлари, гуруҳлари ўртасида ташкил қилиш.
- 8.Мулоқот жараёнида ўқувчиларнинг интеллектуал, ахлоқий, эмоционал ривожланишини таъминлаш;
- 9.Мулоқот жараёнида коммуникатив топшириқни ҳар бир ўқувчи томонидан қандай ўзлаштирганлик даражасини ҳисобга олиб бориш;

10. Ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини, яъни мулоқотга кириша олиш салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш.

№16. Коммуникатив топшириқни бажариш босқичлари (37 б.)

- 1. Коммуникатив топшириқни бажаришга тайёрлаш.**
- 2. Коммуникатив топшириқни бажариш йўллариини тушунтириш ва кўрсатиш босқичи.**
- 3. Тушунтирилган коммуникатив топшириқни кўп марталик такрор асосида тақлид қилиб мустақамлаш босқичи.**
- 4. Коммуникатив топшириқларни бажарилишини текшириш ва баҳолаш босқичи.**

№17. Коммуникатив топшириқ тузишга қўйиладиган методик талаблар (38 б.)

- 1. Нутқий вазифанинг аниқлиги;**
- 2. Коммуникатив топшириқнинг маълум нутқ вазиятига боғлиқлиги;**
- 3. Топшириқнинг бажарилиши фикр алмашувга ва нутқий ҳаракатни ўзлаштиришга йўналтирилганлиги;**
- 4. Бу жараёнда турли таянч воситаларидан фойдаланишнинг зарурлиги.**

№18. Коммуникатив топшириқни бажариш усуллари (38 б.)

- 1. Жуфт бўлиб бажариладиган, топшириқни ўзлаштиришга йўналтирилган коммуникатив топшириқлар;**
- 2. Якка тартибда топшириқни ўзлаштиришга йўналтирилган коммуникатив топшириқлар.**
- 3. Гурӯҳ бўлиб бажариладиган коммуникатив топшириқлар**

**№19.Якка тартибда коммуникатив топшириқларни бажариш
усуллари (39 б.)**

- 1.Расмлар сериясини мантиқий тартибда жойлаштириб гапиришга тайёрланиш;
- 2.Иккита бир хил расмдаги фарқни топиб гапириб беришга тайёрланиш;
- 3.Матн ёки расмдан қолдириб кетилган элементларни топиб гапиришга тайёрланиш;
- 4.Фактларни умумлаштириб, қўйилган саволга жавоб топиб гапиришга тайёрланиш

**№20.Эшитиб тақлид қилишга асосланган коммуникатив топшириқдан
намуна (40 б.)**

- Ўқитувчи: Сухбатдошингнинг гапини эшитиб, унинг фикрига қўшил.
- 1-ўқувчи: *-Aujourd'hui après les classes nous allons au cinéma. D'accord?(Бугун дарсдан кейин кинога борамиз, келишдикми?)*
- 2-ўқувчи: *- D'accord, aujourd'hui après les classes nous allons au cinéma (Келишдик, бугун дарсдан кейин кинога борамиз)*

№21.Репродуктив шартли нутқ топшириқлардан намуна (40 б.)

- Aujourd'hui après les classes je veux aller à une place.(Бугун дарсдан кейин мен бир жойга бормоқчиман.)*
- Veus-tu aller au cinéma?(Киногами?)*
- Non, tu n'es pas y.(Йўқ, топмадинг.)*
- Veus-tu aller au parc?(à la bibliothèque?). (Паркками?Кутубхонагами?)*
- Non, je ne veux pas aller ni au parc, ni à la bibliothèque. (Йўқ.Паркка ҳам, кутубхонага ҳам бормоқчи эмасман).*
- Alors, ou va- tu? Et bien, j'ai compris, tu veux aller au magasin! (Бўлмаса қаёққа? Ҳа, топдим, сен дўконга бормоқчисан!)*

**№22.Коммуникатив компетенцияни шакллантириш ва
ривожлантириш талаблари (45 б.)**

- 1.Мулоқот жараёнида коммуникатив топшириқдаги фонетик, грамматик белгиларни идрок қилишга ўргатиш;
- 2.Фикрни мазмунли ифодалаш формулаларини эгаллаб олишга ўргатиш;
- 3.Суҳбатдош билан муносабатга киришиш қоидаларини эгаллашга ўргатиш;
- 4.Мулоқот этикасини эгаллашга ўргатиш.

№23.Коммуникатив компетенцияни шакллантириш усуллари (46 б.)

- 1.Ўз суҳбатдошининг диққат эътиборини ўзига қаратиш формулаларини ўрганиб олиш;
- 2.Ўз фикрини мимика ва жестлар орқали тушунтириш усулларини эгаллаш;
- 3.«Фикримни тушунтира олдимми?», «Мен тўғри тушундимми?», «Мени тушундингизми?» каби кўп ишлатиладиган мулоқот формулаларидан фойдаланишга ўргатиш;
- 4.Зарур сўз топилмай қолганида, уни турли усуллар билан, перифраза қилиш, ҳаракат, имо-ишора, мимика ва жест орқали ифодалашга ўргатиш;
- 5.Гап структурасини соддалаштириб гапиришга ўргатиш;
- 6.Гапиришда хато қилиб қўйса, суҳбатдошидан уни тўғрилаб беришни илтимос қилишдан уялмасликка ўргатиш;
- 7.Керакли вазиятда суҳбат мавзусини ўзгартириб, уни давом эттириш усулларини эгаллашга ўргатиш.

№24.Суҳбатдош репликасини тўғри тушуниш усуллари (46 б.)

- 1.Эшитилган жумла ичидаги сўзлар мазмунини, жумла мазмунини идентификациялаш, яъни жумланинг моҳиятини англаш, тақлидий идрок этиш, асосий ва иккинчи даражали фактларни аниқлаш;
- 2.Эшитилган жумла мазмунини тўғри англаш учун мазмунни умумлаштиришга уриниш;

3.Эшитилган жумла мазмунини фикран қисқартириб идрок этиш.

№25.Талаффузга ўргатиш принциплари (49 б.)

1.Талаффузга ўргатишда она тилида шаклланган талаффуз малакаларидан самарали фойдаланиш.

2.Талаффузга ўргатишда барча сезги органларни комплекс ишга тушишини таъминлаш.

3.Ўрганиладиган фонетик материалнинг ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиб, ўргатишни энг самарали усулларида танлаш.

4.Талаффузга ўргатишда таълимнинг техника воситаларидан, кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланиш.

5.Талаффузга ўргатишни коммуникатив топшириқ асосида гапиришга, эшитиб тушунишга, ўқиш ва ёзишга ўрганиш билан комплекс ташкил қилиш.

№26.Талаффузга ўргатишда дифференциал ёндошув талаблари (51 б.)

1.Ўзлаштирилиши қийин фонетик ҳодисаларни ҳамма анализаторларни (сезги органларини) ишга туширилган ҳолда индивидуал ўзлаштирилиши ташкил қилиш;

2.Товушларни мулоқат жараёнида эшитиб тушунишга ва айтиш пайтида талаффуз кўникма ва малакаларини шакллантиришга кўпроқ эътибор бериш;

3.Ҳар бир дарснинг бошланишида ўрганилган товушларни мустаҳкамлайдиган, кичик шеърлар ва тез айтишларни, мақолларни бутун синф бўлиб такрорлаш орқали фонетик машқ (фон.зарядка) уюштириш.

4.Дарс жараёнида шакллантирилган талаффуз кўникмаларини ўқув лабораториясида ва ўйга вазифа сифатида бажариладиган ёзма ишлар билан ўч қарра ташкил қилиб мустаҳкамлаш.

№27.Талаффузга ўргатиш дарсининг босқичлари (55 б.)

Биринчи босқичида эшитилган коммуникатив топшириқнинг талаффузи, унинг лексик, грамматик, синтактик белгилари, талаффуз тимсоллари билан таништирилади, идрок қилинади ва дастлабки кўникмалар шакллантирилади.

Иккинчи босқичида кўп марталик такрорга асосланган, топшириқни мустаҳкамлашга йўналтирилган тақлидий(имитация), трансформацион, репродуктив машқлар орқали дастлабки талаффуз кўникмалари шакллантирилади.

Учинчи босқичда шакллантирилган фонетик, лексик, грамматик, тинглаб тушуниш кўникмаларни малакаларга айлантириш бўйича нутқий машқлар бажариш амалга оширилади.

**№28. Лексик кўникма ва малакаларни шакллантириш босқичлари
(Анъанавий метод) (59 б.)**

1–босқичда ўқитувчи янги сўзларни тушунтиради.

2-босқичда уларни жумлалар ичида қўллашни машқ қилдиради.

3–босқичда уларни эркин нутқ вазиятида қўллашни машқ қилдиради..

**№29. Грамматик кўникма ва малакаларни шакллантириш босқислари
(Анъанавий метод)(65 б.)**

1.Грамматик материалнинг тақдимот (тушунтириш) босқичи;

2.Уни оғзаки нутқда қўллаб, дастлабки грамматик кўникмаларни шакллантириш босқичи. Бу босқичда машқлар орқали дастлабки грамматик амаллар бажарилади;

3.Шаклланган дастлабки грамматик кўникмаларни нутқ фаолиятининг бошқа турларида (гапириш, эшитиб ва ўқиб тушуниш , фикрни ёзма баён қилиш) қўллашни машқ қилиш ва бу жараёнда кўникмаларни малакаларга айлантириш босқичи;

4.Грамматик малакаларни мулоқот жараёнида эркин қўллаш босқичи.

**№30.Грамматик кўникма ва малакаларни шакллантириш
принциплари (66 б.)**

1.Грамматикага ўргатишнинг мулоқотга ўргатиш билан боғлиқлиги принципи.

2.Грамматик материални коммуникатив топшириқ ичида нутқ вазиятларида ўргатиш принципи.

3.Грамматик кўникма ва малакаларни аввал қонидани ўргатиш, кейин босқичма-босқич нутқ(мулоқат) кўникма ва малакаларига айлантириш принципи;

4.Грамматик материални функционал ўргатиш принципи.

5.Грамматик материални грамматик структуралар таркибида ўргатиш принципи.

6.Грамматик материални она тили материали билан қиёслаб, онгли ўзлаштириш принципи.

7.Грамматик материални дифференциялаштириб ўргатиш принципи.

№31.Тинглаб тушунишга қўйиладиган методик талаблар (72 б.)

1.Тинглаб тушунишга ўргатувчи барча фаолият турлари эшитилган нутқдан ахборот мазмунини англашга йўналтирилади;

2.Аудиоматн (тинглаб тушуниладиган матн) ўқувчиларга аниқ эшитиладиган, ўрта тезликда ўқилган бўлиши лозим;

3.Ўқитувчи нутқи орқали ташкил қилинадиган тинглаб тушунишга ўргатиш жараёнини матн мазмунини тушунишга ёрдам берадиган барча кўргазмали ва ёрдамчи воситалар билан таъминлаш;

4.Ўқувчилар ўқитувчининг гапириш оҳангига кўникиб қолишлигини олдини олиш мақсадида матнни бошқа овозли (эркак ва аёл) нотик ижросида, грампластинка ва магнитофон тасмаларига ёзилган фонограммалар орқали тинглаб тушунишни ташкил қилиш, бу борада радио ва телевидения имкониятларидан кенг фойдаланиш;

5.Тинглаб тушунишни назорат қилишга мўлжалланган машқларни гапиришга, мулоқотга ўргатиш билан қўшиб олиб бориш;

6.Аудиоматнни қайта эшиттириш ва унга боғлиқ методик топшириқларни конкрет режалаштириш.

№32.Тинглаб тушунишга ўргатиш дарсининг методик характеристикаси (73 б.).

1. Қисқа ҳажмли, аввал ўзлаштирилган лексик, грамматик материал асосида тузилган матнни кўргазмали қуролларга таянилган ва (таянилмаган) ҳолда ўқитувчи ижросида тинглаб тушунишга ўргатиш;

2. Магнит тасмасига ёзилган, таниш лексик, грамматик материал асосида тузилган қисқа ҳажмли матнни кўргазмали қуролларсиз тинглаб тушунишга ўргатиш;

3. Аввалгисига нисбатан каттароқ ҳажмдаги, таниш лексик, грамматик материал асосида тузилган матнни кўргазмали қуролларга таянилган (ва таянилмаган) ҳолда ўқитувчи ижросида тинглаб тушунишга ўргатиш;

4.Таниш лексик, грамматик материал асосида танланган каттароқ ҳажмдаги матнни фонограммалар орқали эшиттириб, диафильмлар, кинофильмлар намойиш қилиб (ва қилмасдан)тинглаб тушунишга ўргатиш;

4. Таркибида номаълум тил материали мавжуд бўлган матнни кўргазмали қуролларга таянилган (ва таянилмаган)ҳолда ўқитувчи ижросида тинглаб тушунишга ўргатиш;

5. Таркибида номаълум тил материали бўлган матн фонограммасини диафильм, кинофильмлар намоиши орқали тинглаб тушунишга ўргатиш;

№33.Тинглаб тушунишни назорат ва баҳолаш усуллари (74 б.)

- 1.Турли тасдиқ жавоблар ичидан энг тўғриси тинлаш. Бу оғзаки ва ёзма равишда тестлар орқали ташкил қилиниши мумкин;**
- 2.Матн бўйича саволларга жавоб бериш;**
- 3.Матн мазмунига мос келмайдиган жумлалардаги хатоларни тўғрилаш;**
- 4.Расмлар, диафильмлар, кинофильмлар намоиши жараёнида лавҳалар мазмунини гапириб бериш;**
- 5.Матннинг асосий мазмунини гапириб бериш;**
- 6.Матн мазмунини қисқартириб гапириб бериш;**
- 7.Матн мазмунини парчаларга бўлиб, навбатма-навбат гапириб бериш;**
- 8.Матндаги персонажлар характериға, воқеаларға муносабат билдириш.**

№34.Тинглаб тушунишга ўргатиш босқичлари (75 б.)

- 1.Тайёрлов босқичи.**
- 2. Тушунтириш босқичи.**
- 3.Луғат билан ишлаш босқичи.**
- 4. Матн парчалари таржимасини муҳокама қилиш босқичи.**
- 5.Мустаҳкамлаш босқичи**
- 6.Тинглаб тушунишни текшириш ва баҳолаш босқичи.**

№35.Гапиришга ўргатиш принциплари (80 б.)

- 1.Нутқ материалининг ахборот характерда бўлишини таъминлаш;**
- 2.Ўқувчиларнинг нутқ фаоллигини рағбатлантирувчи метод, усул ва воситалардан самарали фойдаланиш;**
- 3.Гапиришга ўргатишда ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда дифференциал ёндошиш;**
- 4.Тил материалини нутқ вазиятлари орқали мулоқот жараёнига киритиш;**
- 5.Нутқ мавзусининг янгилигини, қизиқарлилигини таъминлаш;**
- 6.Нутқ шакллариға ўргатишда жумлаларнинг мазмун ва маъносига асосий эътиборни қаратиш;**
- 7.Гапиришга ўргатишда ўқувчиларнинг гуруҳ нутқ фаолиятини ташкил қилиш имкониятларидан фойдаланиш;**
- 8.Гапиришга ўргатишда янги педагогик технологиялардан**

фойдаланиш (интернет, лойихалаб ўқитиш, баҳс, мунозара, муҳокама);

9.Ўқувчиларнинг мулоқотга киришув салоҳиятини (компетенциясини) шакллантириш.

№36.Мулоқотга киришув салоҳиятини шакллантириш усуллари (81 б.)

1.Сухбатдош диққат-эътиборини ўзига қаратиш формулаларини ўрганиб олиш. (Puis-je vous adresser?, Peut-on vous demander?, Voulez-vous me dire?);

2.Ўз фикрини юз, қўл ҳаракатлари билан (мимика ва жест) ифодалаш йўллариини ўрганиб олиш;

3.Керакли сўзлар топилмай қолганида уни перифраза, синоним, антоним, ҳаракатлар, имо-ишоралар ва бошқа воситалар орқали тушунтириш йўллариини ўрганиб олиш;

4.Гап структурасини соддалаштириб гапиришни ўрганиб олиш. Бунда хатоларга йўл қўйишдан чўчимаслик;

5.Хато гапириб қўйганида, уни тўғрилашни сухбатдошидан илтимос қилишдан уялмаслик;

6. Лозим бўлиб қолса, сухбат мавзусини ўзгартириб юбориш усуллариини билиш.

37.Гапиришга ўргатишда нутқ вазиятларидан фойдаланиш принциплари (82 б.)

1.Ўқув-нутқ вазиятлари ўқувчиларнинг ўзаро фикр алмаштиришга йуналтирилганлигини таъминлаш принципи;

2.Ўқув -нутқ вазиятини коммуниатив вазиятга мослаштириш принципи. Бу принцип нутқ мавзуларини ижтимоий, оилавий, таълимий, ижтимоий- маданий, ўйин, ижтимоий фаолият каби соҳаларга , яъни тематик вазиятларга бўлиб ташкил қилишни кўзда тутди;

3. Нутқ муносабатларининг вазиятга боғлиқлиги принципи. Бу принцип мулоқот жараёнида вазиятни, сухбатдошларнинг ўзаро муносабатларини, мулоқотни ривожлантиришга бўлган иштиёқларини рағбатлантиришни кўзда тутди.

№38.Ўқиб тушунишга ўргатиш дарсининг босқичлари (98 б.)

1.Тайёрлов босқичи. Ўқитувчи тинглаб тушунишга мўлжалланган матнни танлайди, ундаги тушунилиши қийин лисоний бирликларни аниқлаб, уларни хорижий тилда тушунтиришнинг усуллари, воситаларини, матнининг ҳажмини белгилайди.

2. Тушунтириш босқичи. Ўқитувчи дарс бошида ўрганиладиган матннинг асосий мазмунини, уни ўрганишдан кутилаётган мақсадларни тушунтиради .

3.Луғат билан ишлаш босқичи. Гуруҳ талабалари тўрт кишилик гуруҳларга ажратилади. Ҳар бир гуруҳга умумий матннинг маълум бир парчаси берилади ва ҳар бир гуруҳ ўз матни парчасини луғат ёрдамида ўқиб тушунишга киришади. Жумлаларнинг хомаки таржимаси ёзма усулда бажарилади;

4. Матн парчалари таржимасини муҳокама қилиш босқичи.

5.Мустаҳкамлаш босқичи.

6.Ўқиб тушуниш бўйича талабалар билимини текшириш ва баҳолаш босқичи.

№39. Дарс ташкил қилишга қўйиладиган методик талаблар (108 б.)

1.Ҳар қандай тушунтиришни мулоқот уюштириш билан боғлаб олиб бориш;

2.Ҳар бир ўқувчининг индивидуал ва психологик хусусиятларини (хотира, диққат, қобилият, қизиқишлари) ҳисобга олган ҳолда дарс ташкил қилиш;

3.Ҳар бир ўқувчининг нутқ фаоллигини таъминлайдиган метод ва усуллардан фойдаланиш;

4. Ўқувчиларнинг талаффуз, тинглаб ва ўқиб тушуниш, гапириш, ёзиш ва фикрни ёзма баён қилиш бўйича кўникма ва малакаларини шакллантириш ва такомиллаштириш. Бу борада уларни рағбатлантирадиган барча усул ва воситалардан фойдаланиш;

5.Синф ўқувчиларини синфдаги муомила сўзларни тинглаб тушунишини тобора такомиллаштириш. Дарсни чет тилида олиб боришга эришиш;

6. Ўқувчиларнинг билимларини системали текшириш ва баҳолашга эришиш;

7.Ўқувчиларнинг нутқ тезлигини оширишга йўналтирилган методик, психологик омиллардан фойдаланиш;

- 8.Ўқувчиларни ўз-ўзларини текшириш ва баҳолашга ўргатиш;
9.Ўқувчиларни системали равишда уйга вазифаларини бажариб келишга ўргатиш.

№40.Бир соатлик дарс босқичлари (109 б.)

- 1.Дарснинг ташкилий дақиқаси - 3 м.
- 2.Уйга вазифани текшириш ва баҳолаш босқичи - 10 м.
- 3.Янги мавзуни (коммуникатив топшириқни) тушунтириш босқичи - 10 м.
- 4.Янги мавзуга оид коммуникатив топшириқни мустаҳкамлаш ёки мустақил иш босқичи - 20 м.
5. Дарс якуни -2 м.

2.Мустақил иш ташкил қилиш ёки компьютерда назорат турлари уюштириш учун тестлар.

№1. Чет тили ўқитиш методикаси бўйича ўзбек тилида дарсликлар нашр қилдирган муаллифларни аниқланг:

- 1.А Долимов, Қ.Мусаев, Д.Алимов, С.Соатов;
- 2.Ў.Усмонов, С.Норқулов, А.Нарзикулов, Ғ.Алиев;
- 3.Х.Арзикулов, Р.Қиличев, Д.Бекназаров,;
- 4.Ж.Жалолов, И.Я.Ёқубов, Ў.Х. Ҳошимов, Р.А.Зарипова;

№2. Чет тили ўқитиш методикаси бўйича рус тилида нашр қилинган дарсликлар муаллифларини тўғри аниқланг:

- 1.И.А.Зимняя, Н.В.Языкова, Ю.К.Бабанский;
- 2.В.М.Миролюбов, И.В.Рахманов; Н.Н.Болдырев;
- 3.Е.И.Пассов, И.Л.Бим, М.В.Ляховицкий, Г.В.Рогова, Н.И.Гез, Л.С.Андреевская-Левенстерн, А Старков;
- 4.Ф.М.Рабинович, Т.Е.Сахарова,С.Ф.Шатилов.

№3. Чет тили ўқитиш методикасининг мақсад ва вазифалари:

- 1.Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришнинг замонавий усуллари бўйича малакаларини шакллантириш;
- 2.Ўқитувчилик кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- 3.Ўқитиш методлари, усуллари, принциплари билан таништириш;
- 4.Чет тили ўқитиш жараёнида комил инсонни тарбиялаш;

№4.Чет тили ўқитишга қўйиладиган бош мақсадни аниқланг:

- 1.Ўқувчиларни ўзаро фикр алмашувга ўргатиш;
- 2.Нутқ фаолияти турларига ўргатиш;
- 3.Тил системасини эгаллашга ўргатиш;
- 4.Диалогик , монологик нутқ малакаларини шакллантириш.

№5.Дарс жараёнида амалга ошириладиган мақсадларни аниқланг:

- 1.Умумтаълимий, амалий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлар;
- 2.Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш;
- 3.Янги дарсни тушунтириш, мустаҳкамлаш;
- 4.Ўқувчилар билимини системали текшириш ва баҳолаш.

№6.Методика фанининг асосий илмий тадқиқот методларини аниқланг:

- 1.Илғор тажрибаларни ўрганиш, дарсни кузатиш, тажриба ва эксперимент;
- 2.Дарс анализи, методик семинарлар, тажриба ва эксперимент;
- 3.Методик тадқиқотлар ўтказиш;
- 4.Қиёслаш, таққослаш, янги педагогик технологияларни ўрганиш.

№7.Кўникма нима?

- 1.Ўқув материали буйича шаклланган дастлабки тушунчалар;
- 2.Тушунчаларни амалда синаб кўриш;
- 3.Ўқув материали бўйича шаклланган билим;
- 4.Баҳо олиш учун етарли бўлган билим.

№8.Малака нима?

- 1.Ўқувчининг амалда синаб кўриши мумкин бўлган билимлари;
- 2.Ўқув материални ўзлаштириши;
- 3.Диалогик, монологик нутққа иштирок этиш қобилияти;
- 4.Тушунчаларни амалда синаб кўра олиши.

№9. Кўникма олдин шакллантириладими ёки малака?

- 1.Олдин малака шакллантирилади;
- 2.Ҳар иккаласи бирдан шакллантирилади;
- 3.Олдин кўникма шакллантирилади;
- 4.Ўқув материалининг мураккаблигига кўра танланади.

№10.Аудио-визуал воситалар деганда нимани тушунаси?

- 1.Тушунтиришда ҳам эшитув, ҳам кўриш сезгиларига таъсир қиладиган воситалар;
- 2.Таълимнинг техника воситалари;
- 3.Лингафон кабинети;
- 4.Кўргазмали қуролларнинг барча турлари.

№11.Чет тили ўқитишнинг асосий методлари?

- 1.Тушунтириш, кўрсатиш, мустаҳкамлаш, амалий ишлар;
- 2.Проблемали , проектлаб ўқитиш, дифференциялаштириб ўқитиш;
- 3.Индивидуаллаштириб ўқитиш, кўргазмалилик, системалилик;
- 4.Эвристик суҳбат, рецептив, репродуктив, кузатиш методлари.

№12. Усул деганда нимани тушунаси?

1. Ўқитувчининг ўқувчиларда кўникма ва малакалар шакллантиришга йўналтирилган ҳатти-ҳаракатлари;
2. Ўқитувчининг ўқув материалини тушунтириш, кўрсатиш йўллари;
3. Аудио-визуал воситалардан фойдалана олиши;
4. Ўқитувчининг ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришга йўналтирилган ҳатти-ҳаракатлари;

№13. Метод деганда нимани тушунаси?

1. Ўқитувчининг ўргатиш усуллари;
2. Ўқитувчининг ўргатувчи фаолияти;
3. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги тескари алоқа.
4. Ўқитувчининг ўқув мавзуси бўйича кўникма ва малакалар шакллантиришга, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришига оид ҳатти-ҳаракатлари.

№14. Методлар классификацияси қайси муаллиф китобида тўғри акс эттирилган?

1. И.А.Зимняя, Н.В.Языкова, Ю.К.Бабанский, И.В.Рахманов;
2. Л.С.Андреевская-Левенстерн, Е. Миньяр-Белоручев, Е.И.Пассов;
3. И.Л.Бим, М.В.Ляховицкий, Г.В.Рогова, Н.И.Гез;
4. Ф.М.Рабинович, Т.Е.Сахаров, С.Ф.Шатилов

№15. Мулоқотга ўргатиш машқларининг тўғри талқинини топинг:

1. Нутқий ҳаракатни ўргатишга йўналтирилганлиги, коммуникатив вазиятга, ўқувчиларнинг ҳаётий эҳтиёжларига мослиги, фаолият жараёнида аудио-визуал воситалардан фойдаланиш зарурлиги;
2. Машқнинг ўқув мавзусига мослиги, машқларнинг оғзаки бажартирилиши, мулоқотни диалогик нутқ асосида ташкил қилиниши;
3. Машқ жараёнида фикр алмашувга ўргатилиши;
4. Машқ бажариш жараёнида нутқ фаолиятининг барча турларига ўргатиш кўзда тутилганлиги.

№16. Мулоқотга ўргатишда эмоционал таъсир воситаларини тўғри топинг:

1. Мулоқотни синоним, антонимларни ишлатиб, имо-ишоралар орқали ташкил қилиш;
2. Мулоқотни расмлар, предметларни кўрсатиб ташкил қилиш;
3. Мулоқот жараёнида экстралингвистик воситалардан, ҳазил, юмор, мусиқа воситаларидан фойдаланиш;

4.Мулоқотни жонли диалог тарзида ташкил қилиш.

№17.Фақат чет тили ўқитишга хос бўлган принциплар?

- 1.Коммуникативлик, дифференциялаштириш, ўқув жараёнини комплекс ташкил қилиш, интенсивлаштириш;
- 2.Ўқув жараёнини мотивлаштириш, индивидуаллаштириш;
- 3.Проблемали ўқитиш принципи;
- 4.Илмийлик, системалилик, активлилик, онглилик, тушунарлилик.

№18.Коммуникативлик принциплари:

- 1.Коммуникатив топшириқ, коммуникатив вазият, кўп марталик такрор, барча аудио-визуал ва эмоционал таъсир воситаларидан фойдаланиш, коммуникатив салоҳиятни шакллантириш.
- 2.Оғзаки нутқнинг устиворлиги, фикр алмашувга ўргатиш;
- 3.Таълимнинг дифференциялаган, индивидуаллаштирилган усулларида фойдаланиш;
- 4.Гаплашувга ўргатишда барча аудио-визуал ва эмоционал таъсир воситаларни ишлатиш.

№19.Ўқув жараёнини комплекс ташкил қилиш деганда нимани тушунасиш?

- 1.Таълимнинг техника воситаларидан унимли фойдаланиш;
- 2.Талаффузга, гапиришга, янги лексикага, грамматик материалга, тинглаб ва ўқиб тушунишга, фикрни ёзма баён қилишни бир йўла ташкил қилиш;
- 3.Коммуникатив топшириқни бажариш жараёнида нутқ фаолиятининг барча турлари бўйича кўникма ва малакаларни бир йўла шакллантириш;
4. Дарсни янги педагогик технологиялар асосида ташкил қилиш;

№20.Коммуникатив топшириқни бажаришни ташкил қилиш усуллари:

- 1.Топшириқни проекторлар орқали намойиш қилиб индивидуал ишлаш;
- 2.Топшириқни бажаришни фақат жуфт бўлиб ишлаш орқали оғзаки ташкил қилиш;
- 3.Топшириқни бажаришни жуфт, гуруҳ ва индивидуал ишлаш орқали ташкил қилиш;
- 4.Топшириқни бажаришни интерфаол усулларда ташкил қилиш.

№21.Коммуникатив топшириқни индивидуал (якка тартибда) бажариш қандай ташкил қилинади?

- 1.Компьютерга (диапроекторга) киритилган топшириқни паузали машқлар орқали бажариш, карточкалар орқали;
- 2.Топшириқни ёзма шаклда бажариш орқали;
- 3.Топшириқ мазмунини дифференциялаштириш орқали;
- 4.Топшириқни кўргазмали куроллар орқали бажартириш.

№22.Мулоқатга ўргатишнинг методик тизими?

- 1.Тинглаб тушунишга, гапиришга, ўқиб тушунишга, фикрни ёзма баён қилишга ўргатиш;
- 2.Талаффузга, янги лексикага, грамматикага, гапиришга, тинглаб тушунишга, ўқиб тушунишга ва ёзишга ўргатиш;
- 3.Грамматик қоидага, янги лексикага, ўқишга, ёзишга ўргатиш;
- 4.Янги лексикага, грамматикага, ўқишга ва ёзишга ўргатиш.

№23.Репродуктив коммуникатив топшириқлар деганда нимани тушунасиш?

- 1.Топшириқни расмларни, предметларни кўрсатиб бажариш;
- 2.Топшириқ сўзларини синонимлар, антонимлар билан алмаштириб бажариш.
- 3.Топшириқни жуфт бўлиб бажариш;
- 4.Топшириқни аввал ўрганилган лексик, грамматик материаллардан фойдаланиб бажариш;

№24.Талаффузга ўргатиш усуллари:

- 1.Фонетик машқлар;
- 2.Таклид, товуш-ҳарф анализи, транскрипция;
- 3.Хор бўлиб ишлаш,хатолар устида ишлаш;
- 4.Паузали машқлар ёрдамида талаффуз устида ишлаш.

№25.Талаффузга ўргатиш принциплари:

- 1.Талаффузга ўргатишни лексик-грамматик, эшитиб тушуниш, гапириш малакаларини шакллантириш билан қўшиб ташкил қилиш;
- 2.Гапириш жараёнида товушларни фарқлаш;
- 3.Фонетик машқлар бажариш;
- 4.Лингафон кабинасида паузали машқлар бажариш.

№26.Талаффуз кўникма ва малакаларини шакллантиришдаги ёндошувлар:

- 1.Индивидуал;
- 2.Дифференциал;
- 3.Интерфаол;
- 4.Артикулятив, акустик, дифференциал.

№27.Янги лексикага ўргатиш усулларини аниқланг:

- 1.Предметни, расмни кўрсатиб тушунтириш, синоним, антоним, перефраз, кўшимчалар орқали тушунтириш, таржима;
- 2.Таржима орқали тушунтириш;
- 3.Кўргазмали воситалар орқали тушунтириш;
- 4.Аудио-визуал воситалар орқали тушунтириш.

№28.Янги лексикага ўргатиш принципларини аниқланг:

- 1.Янги лексикани нутқ вазиятида, коммуникатив топшириқ ичида ишлатишга, бунда барча экстралингвистик воситалардан фойдаланишга ўргатиш;
- 2.Янги лексикани нутқ намунасида фойдаланиб ишлатиш;
- 3.Янги лексикани коммуникатив вазиятдаги синоним, антоним билан алмаштиришга ўргатиш;
- 4.Янги лексикани эркин нутқ шароитида ишлатишга ўргатиш;

№29.Лексик бирлик маъносини тушунтириш усулларини аниқланг:

- 1.Таржима орқали тушунтириш;
- 2.Таржимасиз, расм, предмет, синоним, антоним, таржима, экстралингвистик воситалардан , контекстдан фойдаланиб тушунтириш;
- 3.Контекст орқали;
- 4.Жуфт бўлиб ишлаш орқали.

№30.Грамматик материалга ўргатиш усулларини аниқланг:

- 1.Эксплицит, имплицит, индуктив, дедуктив, грамматик структуралар, дифференциал, коммуникатив усуллар;
- 2.Она тили билан қиёслаб, таҳлил қилиш усуллари;
- 3.Грамматик қоидадан ёдлатиш ва уни оғзаки нутқда қўллаш;
- 4.Ёзма машқлар бажартириш орқали.

№31.Грамматик материалга ўргатишнинг коммуникатив принципларини аниқланг:

- 1.Грамматик материални нутқ намуналари орқали ўргатиш;
- 2.Грамматик материални эркин нутқ шароитида ишлатишга ўргатиш;

3. Грамматик материални диалогик нутқда ишлатишга ўргатиш.
4. Грамматик материални нутқ вазиятида, коммуникатив топшириқ ичида ўргатиш;

№32. Грамматик материални тушунтиришдаги ёндошувларни аниқланг:

1. Эксплицит ёндошув;
2. Имплицит ёндошув;
3. Структурал ёндошув;
4. Эксплицит, имплицит, структурал, функционал, коммуникатив ёндошув;

№33. Гапиришга ўргатиш усуллари аниқланг:

1. Диалогларни ёдлатиш;
2. Коммуникатив топшириқлар бажартириш;
3. Жуфт бўлиб ишлаш, гуруҳ бўлиб ишлаш;
4. Берилган саволларга жавоб беришга ўргатиш.

№34. Гапиришга ўргатишдаги устувор йўналишни аниқланг:

1. Коммуникатив топшириқ орқали ўқувчиларнинг жуфт, гуруҳ, индивидуал ўқув фаолиятини ташкил қилиш;
2. Диалогик ва монологик нутққа ўргатиш;
3. Проблемали топшириқлар бажартириш;
4. Нутқ фаоллигини таъминловчи индивидуал усуллардан фойдаланиш.

№35. Гапиришга ўргатишдаги янги педагогик технологияларни аниқланг:

1. Гуруҳ ва жуфт бўлиб ишлашни ташкил қилиш;
2. Аудио-визуал воситалардан комплекс фойдаланиш;
3. Мултимедиа, интернет имкониятларидан, лойиҳалаб ўқитиш, баҳс, мунозара, муҳокама усулларида фойдаланиш;
4. Ўқувчиларнинг коммуникатив компетенциясини шакллантирувчи барча воситалардан фойдаланиш.

№36. Гапиришга ўргатиш принциплари аниқланг:

1. Коммуникатив вазиятга мос келадиган топшириқ орқали мулоқатга ўргатиш, ижобий муҳит яратиш, кўп марталик такрор, аудиовизуал, экстралингвистик, эмоционл таъсир воситалардан фойдаланиш;
2. Диалогик нутқни монологик нутққа алмаштириш;
3. Сухбатдош репликасига тасдиқ, сўроқ, инкор формаларда жавоб беришга ўргатиш;
4. Гапириш жараёнида грамматик қоидаларга риоя қилишни ўргатиш.

№37.Тинглаб тушунишга ўргатиш усуллари аниқланг:

- 1.Аудио матнни барча аудио-визуал воситалардан фойдаланиб эшиттириш;
- 2.Матн бўйича саволларга жавоб беришга ўргатиш;
- 3.Матннинг асосий мазмунини гапириб беришга ўргатиш;
- 4.Сухбатдош репликаларига тушуниб жавоб беришга ўргатиш.

№38.Тинглаб тушунишга ўргатишдаги методик кетма-кетликни аниқланг:

- 1.Тинглаб тушунишга махсус дастур орқали талаффуз, лексик, грамматик, гапириш малакалари шаклланишга ўргатилади;
- 2.Ҳар бир дарсда алоҳида режалаштирилади;
- 3.Дарснинг ташкилий дақиқасида уюштирилади;
- 4.Қўшимча аудиоматнлар орқали уюштирилади.

№39.Тинглаб тушунишга принципларини тўғри аниқланг:

- 1.Тинглаб тушунишни талаффуз, лексик-грамматик, гапириш малакаларини шакллантириш билан қўшиб олиб бориш;
- 2.Тинглаб тушунишга ўргатишда барча аудио-визуал воситалардан фойдаланиш;
- 3.Тинглаб тушунишга ўргатишда грамматик қоидаларни топишга ўргатиш;
- 4.Тинглаб тушунишни лингафон, таълимнинг техника воситалари орқали ташкил қилиш.

№40.Тинглаб тушунишга ўргатишнинг иккинчи босқичида амалга ошириладиган фойда турларини аниқланг:

- 1.Аудиоматнни расмларни кўрсатиб тушунтириш;
- 2.Аудиоматнни жонли овоз, фонограмма, видеограмма орқали эшиттириб тушунтириш;
3. Аудиоматнни техника воситалардан фойдаланиб тушунтириш;
4. Аудиоматнни фақат бир овозли нотикдан эшитиб тушуниш.

№41.Нутқ вазияти деганда нимани тушунасан?

- 1.Коммуникатив вазиятни;
- 2.Ўқувчиларни гапиришга эҳтиёж туғдирадиган ҳолатни;
- 3.Гапиришга рағбат, эҳтиёж туғдирадиган лингвистик, психологик, методик ҳолатларни;
- 4.Дарс мавзусига оид аудио-визуал воситалардан фойдаланиш.

№42.Ўқиб тушунишга ўргатиш усуллари аниқланг:

1.Матн бўйича саволларга жавоб топиш, матннинг асосий ахборотини, маъно ташувчи сўзларини топиш ва тушуниш, матн бўлакларига саволлар тузиш;

2.Матнни қисмларга бўлиб таржима қилиш.

3.Хар бир жумла учун саволлар тузиш;

4.Матн мазмунини гапириб бериш.

№43.Ўқиб тушунишга ўргатиш принципларини аниқланг:

1.Ўқилган матннинг грамматик қоидаларини тушуниш.

2.Ўқилган матндан маъно ташувчи сўзларни топиб тушуниш;

3.Ўқилган матнни тўла тушуниш ва уни гапириб бера олиш.

4.Ўқилган матндан ахборотни тушуниш ва унга муносабат билдира олиш;

№44.Фикрни ёзма баён қилишга ўргатишнинг коммуникатив принципларини аниқланг:

1.Лексик-грамматик, талаффуз, эшитиб тушуниш, гапириш малакаларини ёзма нутқ орқали мустаҳкамлаш;

2.Грамматик жиҳатдан тўғри ёзишга ўргатиш;

3.Сухбатдош гапига ёзма шаклда жавоб беришга ўргатиш;

4.Баён ёзишга ўргатиш.

№45.Фикрни ёзма баён қилишга ўргатиш усуллари аниқланг:

1.Маъно ташувчи сўзлардан фойдаланиб матн мазмунини ёзиш, диалогни-монлогга айлантириб ёзиш, режа бўйича баён ёзиш;

2.Хат ёзишга ўргатиш;

3.Баён ёзиш;

4.Кўрилган кинофильм мазмунини ёзиш.

№46.Дарснинг ташкилий дақиқасининг вазифалари?

1.Ўқувчиларнинг нутқ малакаларини такомиллаштириш;

2.Ўқувчиларни ҳорижий тил муҳитига киритиш;

3.Ўқувчиларнинг талаффуз малакаларини такомиллаштириш;

4.Синфда давоматни текшириш.

№47. Дарснинг энг кўп вақт сарфланадиган босқичини аниқланг:

1.Дарснинг мустаҳкамловчи босқичи;

2.Янги лексикани тушунтириш босқичи;

3.Грамматик материални тушунтириш босқичи;

4.Тинглаб тушунишга ўргатиш босқичи.

№48.Дарс босқичларининг тўғри вариантини аниқланг:

- 1.Лексик материални тушунтириш ва мустаҳкамлаш;
- 2.Грамматик материални тушунтириш ва мустаҳкамлаш;
- 3.Ташкилий дақиқа, фонетик зарядка, тушунтириш, мустаҳкамлаш, вазифани текшириш ва баҳолаш, янги вазифани тушунтириш, дарс якуни;
- 4.Тушунтириш, мустаҳкамлаш, баҳолаш.

№49.Дарс таҳлилининг асосий вазифаларини аниқланг:

- 1.Илғор тажрибаларни ўрганиш, ўқитувчи фаолиятини баҳолаш;
- 2.Дарс мақсадларини амалга оширилганлигини текшириш;
- 3.Ўқитувчининг метод ва усулларини кузатиш;
- 4.Ўқитувчининг билим даражасини аниқлаш.

№50.Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш усулларини тўғри топинг:

- 1.Яккалаб, гуруҳ, фронтал сўраш ва баҳолаш, компьютерда тест бажартириш, диктант, контрол иш;
- 2.Компьютер орқали текшириш ва баҳолаш;
- 3.Оғзаки ва ёзма;
- 4.Индивидуал сўраш ва баҳолаш.

Эслатма: Тўғри жавоб вариантлари якуний назоратда ўқитувчи томонидан тестлар компьютерга киритилаётганида программалаштирилади. Оралик назоратда тестлар экран орқали намойиш қилиниб, талабалар тўғри жавобларни варақларга белгилайдилар.

**«Менинг оилам» мавзусидаги коммуникатив машғулотнинг
технологик харитаси (намуна)**

Мавзу:	“Менинг оилам”
Мақсад, вазифалари	Талабаларга “Менинг оилам” мавзуси бўйича олтига коммуникатив топшириқни бажариш усуллари тушунтириш. Ҳар бир коммуникатив топшириқни бажаришда фойдаланиладиган нутқий ҳаракатларни аудио-визуал, экстралингвистик, эмоционал таъсир воситаларидан фойдаланган ҳолда тушунтириш ва кўрсатиш. Ҳар бир коммуникатив топшириқни талабалар жуфтликлари ижросида синфда (оғзаки), ўқув лабораториясида(оғзаки), уйга вазифа(ёзма) сифатида мустақил ишларини ташкил қилиш. Мустақил иш жараёнида кўп марталик такрор орқали коммуникатив топшириқларни жуфт бўлиб ўзлаштирилишига эришиш. Коммуникатив топшириқларни талабалар жуфтликлари орқали дастлаб карточкалар, кейин карточкасиз ўзлаштирилишини таъминлаш. Коммуникатив топшириқларни оғзаки бажарилишини янги талабалар жуфтликлари орқали текшириш ва баҳолаш.
Ўқув жараёнининг мазмун	Машғулот жараёнида талабалар жуфтликлари томонидан қуйидаги коммуникатив топшириқларнинг бажариш усуллари тушунтирилади ва ва мустақил иш (мустаҳкамлаш) ташкил қилинади: Биринчи ўувчининг карточкаси мазмуни: Қуйидаги репликаларни ўқинг ва тайёр жавоблар орқали шеригингиз жавобларини текширинг: 1.Бизнинг оиламиз Навоий кўчаси 47 уйда яшайди. Сенинг оиланг қайси кўчада яшайди? (Ўқитувчи топшириқни тушунтираётди дарвозасига “Навоий кўчаси-47” ёзуви бўлган уй расмини кўрсатади. Топшириқнинг савол қисмини тушунтираётганида имо-ишоралар ва гап оҳангидан фойдаланади. Тайёр жавоб: 1.Бизнинг оиламиз Фарход кўчаси 20 уйда яшайди. 2. Бизнинг оиламиз катта. У 8 кишидан иборат. Булар: бобом, отам, онам, акам, опам, синглим ва икки кичик укам. Сенинг оиланг ҳам каттами? (Ўқитувчи 8 кишидан иборат оилавий суратни кўрсатади, ҳар бир оила аъзоси тилга олинганида ана шу шахснинг сурати кўрсатилади.) Тайёр жавоб: 2.Бизнинг оиламиз катта эмас, кичик. У 4 кишидан иборат. Булар отам, онам, опам ва мен.

	3. Менинг бобом 67 ёшда. У ишламайди. У нафақахур. Сенинг ҳам бобонг борми? (Ўқитувчи алоҳида бобо суратини, 67 рақами ёзилган карточкани кўрсатиб гапнинг қолган қисмини имо-ишоралар орқали ифодалайди.) Тайёр жавоб: 3. Ҳа менинг ҳам бобом бор. У қишлоқда яшайди. У 71 ёшда. 4. Менинг отамнинг исми-фамилияси Собиров Норбой. У 45 ёшда. У заводда ишлайди. Сеникичи? Тайёр жавоб: 4. Менинг отамнинг исми-фамилияси Бобоев Анвар . У 40 ёшда. У мактабда ишлайди. У ўқитувчи. 5. Менинг онамнинг исми-фамилияси Собирова Жамила. У 40 ёшда. У поликлиникада ишлайди. У врач. Тайёр жавоб: 5. Менинг онамнинг исми-фамилияси Бобоева Замира. У 37 ёшда. У артелда ишлайди. У тикувчи. 6. Менинг акамнинг исми Отабек. У 20 ёшда. У медицина институтда ўқийди. У талаба. Сенинг опангчи? Тайёр жавоб: 6. Менинг опамнинг исми Зухра. У 18 ёшда. У мусиқа коллежи талабаси. Иккинчи талабанинг карточкачига фақат ўқитувчининг қуйидаги кўрсатмалари ва биринчи талаба гапирган реплика ёзилади: 1. Шеригингнинг репликасини тингла ва унга тақлидий усулда тасдиқ формада жавоб бер. 2. Шеригингнинг репликасини тингла ва унга тақлидий усулда инкор формада жавоб бер. 3. Шеригингнинг репликасини тингла ва унга репродуктив усулда тасдиқ формада жавоб бер. 4. Шеригингнинг репликасини тингла ва унга репродуктив усулда тасдиқ формада жавоб бер. 5. Шеригингнинг репликасини тингла ва унга репродуктив усулда тасдиқ формада жавоб бер. 6. Шеригингнинг репликасини тингла ва унга репродуктив усулда тасдиқ формада жавоб бер.
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Метод: Сухбат, ўзаро фикр алмашув. Шакли: Жуфт(гурух) бўлиб ишлаш. Воситалар: Талабалар жуфтликлари учун тайёрланган коммуникатив топшириқ ёзилган карточкалар, расмлар, паралингвистик воситалар . Назорат: Талабалар жуфтликларининг

	(гуруҳларининг) оғзаки мулоқати. Баҳолаш: 5 балли тизим асосида талабалар жуфтликлари рағбатлантирилади.
Кутиладиган натижалар	Ўқитувчи: Ҳар бир коммуникатив топшириқни бажариш йўллари кўрсатилиб тушунтирилгач, шу топшириқни 4-5 дақиқа жараёнида кўп марталик такрорлаш асосида жуфтликлар (гуруҳлар) орасида мустаҳкамлаш уюштирилади. Ҳар бир жуфтлик(гуруҳ) томонидан барча коммуникатив топшириқларни ўзлаштирилиши таъминлаш. Топшириқларнинг қисқа вақт ичида барча талабалар томонидан ўзлаштирилишига эришиш. Талабаларда мулоқат материалига нисбатан қизиқишларини ошириш орқали фаолликка эришиш. Бир вақтнинг ўзида барча талабаларнинг ўзлаштириш даражаларини текшириш ва баҳолаш. Машғулотдан кутилган мақсадларига эришиш. Талаба: Ҳар бир топшириқни бажаришдаги нутқий ҳаракатларни эгаллайди. Жуфт ва гуруҳ бўлиб ишлашни ўрганади. Коммуникатив салоҳияти шаклланади ва ривожланади, хотираси, қобилияти кучаяди. Ўз-ўзини назорат қилишни ўрганади. Мавзу бўйича мулоқатга кириша оладиган бўлади.
Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)	Ўқитувчи: Янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда тадбиқ этиш, такомиллаштириш. Ўз устида ишлаши. Мавзунини коммуникатив вазиятларга боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш. Талаба: Топшириқни мустаҳкамлашни дарсда, ўқув лабарториясида ва уйда бажариш йўллари ўрганади. Мавзу бўйича ўз фикрини равион баён қила олиш. Шу мавзу асосида қўшимча материаллар топиш, уларни ўрганиш. Ўз фикрини ва гуруҳ фикрини таҳлил қилиб бир ечимга келиш қўникма ва малакасини шакллантириш ва ривожлантириш

М У Н Д А Р И Ж А

ва мавзуларга ажратилган ўқув соатлари миқдори

1.Кириш	2 б.
1- мавзу: Методика чет тили ўқитиш назарияси сифатида (2 соат)	4 б.
2- мавзу: Чет тили ўқитишнинг мазмуни (2 соат)	9 б.
3-мавзу:Чет тили ўқитиш методикасининг бошқа фанлар билан алоқаси (2 соат)	13 б.
4-мавзу:Чет тили ўқитиш методлари, усуллари ва воситалари (2 соат)	17 б.
5- мавзу: Чет тили ўқитиш принциплари (2 соат)	27 б.
6-мавзу: Коммуникативлик хорижий тилларни ўқитишда устивор йўналиш сифатида (4 соат)	35 б.
7-мавзу:Талаффуз кўникма ва малакаларини шакллантириш, ҳамда мустаҳкамлаш (2 соат)	47 б.
8-мавзу: Лексик кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш (2 соат)	57 б.
9-мавзу: Грамматик кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш (2 соат)	64 б.
10-мавзу: Тинглаб тушуниш кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш (2 соат)	70 б.
11-мавзу: Гапириш кўникма, малакаларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш (2 соат)	78 б.
12-мавзу: Ўқиб тушуниш кўникма, малакаларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш (2 соат)	88 б.
13-мавзу: Ёзишга ёки фикрни ёзма баён қилишга ўргатиш (2 соат) . ..	100 б.
14- мавзу: Дарс жараёнини режалаштириш (4 соат)	104 б.
15- мавзу: Чет тили дарсларини таҳлил қилиш (2 соат)	110 б.
16-мавзу: Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш (2 соат)	113 б.
Жами	36 соат
ИЛОВА:	
1.Маъруза жараёнида фойдаланиладиган слайдлар.	118 б
2.Мустақил иш ташкил қилиш ёки компьютерда назорат турлари уюштириш учун тестлар	134 б.
3.Технологик харита....	144 б.